
Адашган автобус
Набижон Хошимов

Қўлингиздаги асар нафақат автобус ҳайдовчилари ва йўловчилари, балки ўз ҳаёт йўлида қоқилган замондошларимиз ҳақидадир. Дарҳақиқат, баъзи ҳамюртларимиз енгил ва осон пул топиш мақсадида Ватанини тарк этиб, ўз инсоний қадрларини ерга урмоқдалар. Қонунсиз тарзда юртдан чиқиб кетган ватандошларимиз хорижда қора ишларга жалб этилиб, айрим ҳолларда қул сифатида камситилаётганлиги ҳам сир эмас. Афсуски, бойлик, мўмай даромад кетидан қувганлар орасида хору зор бўлиб қайтаётганлар ёки фарзандларини тирик етим қилиб, оиласини тақдир ҳукмига ташлаб кетаётган фуқароларимиз ҳам бор.

Асарда бугунги куннинг ана шу долзарб муаммоси қаламга олинган.

Тақризчи: Нурали ҚОБУЛ – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, адиб.

I ҚИСМ.
"ПУЛ ЮРТИ"ГА САФАР
Биринчи боб
ЖАМШИД ИЛА НИЛУФАР

Нилуфар ҳар сафар катта йўл ёқасидаги зилол суви шиддат билан отилиб турадиган артезиан кудуғи ёнига борганда, челагини қўйиб, йўлнинг қарши тарафига умид билан боқади. Отасини кутади. Мана, қарийб тўрт йил бўлибдики, шу аҳвол. Отаси Ёрахмад ака Россияга ишга кетганича бедарак. На хат бор, на хабар. Айниқса, онаси Кибриё хола қийналиб кетди. Бу орада Ёрахмаднинг онаси Султон момо ўғлининг йўлига кўз тикиб оламдан ўтди. Нилуфарнинг бўйи етиб қолди. Укалари "Ейман, кияман", дейди. Томорқадаги ўн сотих узум, битта сигир, тўртта қўй билан амал-тақал кунлари ўтарди.

Нилуфар челагига сувни тўлғазди-да, қўлини пешонасига соябон қилиб йўлга яна узоқ тикилди. Узоқдан бир енгил машинанинг қораси кўринди. Аммо у тез келарди. Тўхтамай вағиллаб ўтиб кетди. Қиз чуқур хўрсинди. Сувга ғамгин тикилиб ўтирди. Шу маҳал ҳовузчага бир тош шалоп этиб тушиб сув сачради. Қиз чўчиб тушди. Кимнингдир кўланкаси пайдо бўлди. Ялт этиб ортига қаради. Жамшид экан. У велосипед рулини тутганча жилмайиб турарди.

– Яхшимисан, Нилуфар? – сўрашди Жамшид.

– Раҳмат. Ўзингиз яхшимисиз? – дея қиз ним табассум билан ерга қараб олди.

– Нима бало, тушингни сувга айтаяпсанми, дейман-а?

– Йўқ, отам хакида ўйлаётгандим, – деди қиз ва бир энтикиб қўйди.

– Россиянинг қаерида ўзи?

– Билмайман.

– Тахминан ҳам билмайсизларми?

– Йўқ, нима эди?

– Қидириб кўрардим-да.

– Қанақа қилиб?

– Кетаяпман...

Қизнинг юраги "шувв" этиб кетди.

– Нима?! Сиз ҳам-а?!

– Ҳа.

– Қачон?

– Эртага болалар билан Тошкентга кетамиз. Сўнг Чимкент постидан ўтиб, у ердан автобусга ўтирамиз.

– У ёқда нима иш қиласилар?

– Чакқон йигитлардан курилиш бригадаси туздим.

Нилуфарнинг негадир йиғлагиси келди. Кўзларида беихтиёр биллурий томчилар пайдо бўлди.

– Нега йиғлаяпсан?

– Кетганлар қайтмаяпти-ку... – деди қиз пичирлаб.

Жамшиднинг юраги ҳаприкиб кетди. "Қандай яхши. Мен учун қайғураяпти, демак, бефарқ эмас", ўйлади ўзича.

– Отанг ёлғиз кетиб бекор қилганлар-да... Сафарда кори ҳол бўлиши мумкин. Ишқилиб, бошлари омон бўлсин. Мен Ёрахмад акани албатта суриштираман. Мабодо учратиб қолсам...

Қиз ялт этиб қаради. Унинг ғунча лаблари ҳадикли пирпирарди. Шу тобда йигитнинг елкасига оҳиста бош қўйгиси ва тўйиб йиғлагиси келди. Аммо қаерда тургани ёдига тушиб, ўзини аранг тийди. Хўрлиги келди. Ўғил бола бўлганида-ку, ўзи биларди. Жамшид акаси билан бирга кетган бўлармиди... Ҳеч бўлмаса, акаси ҳам йўқ.

– Сиз отамни топасиз-а, Жамшид ака? – маънос сўради Нилуфар.

– Албатта. Сен билан менинг тақдирим ўша кишига боғлиқ. У кишининг розилиги керак, – деди йигит аста.

Нилуфар бошини куйи эгди.

Улар бир-бирини болаликдан ёқтирардилар. Бу муносабат кўпчиликка маълум эди. Жамшид уларникига бир неча бор совчи жўнатди, аммо Кибриё хола афсус билан "Отаси келсалар, кейин жавобини айтаман", деяверди. Унинг ҳам Жамшидни куёв қилгиси бор эди. Лекин эрининг рухсатисиз нимаям қила оларди? Бунинг устига, тўй-тўйчиқ, қуандачилик деган гап бор.

Нилуфарнинг кўзларидан ёш томчилари яна думалаб тушди.

– Қачон келасиз? – базўр тили калимага келди қизнинг.

– Бирор йил ишлаб кўрайин-чи.

– Кетманг...

– Кетмасам бўлмайди-да. Тушунасан-ку, тўй-ҳашамга пул керак бўлади. Кейин уй-жойларни ҳам эпақага келтирмасам бўлмайди.

– Хат ёзиб турарсиз?

– Албатта.

– Сизни соғинаман... – деди қиз шивирлаб.

– Мен ҳам...

Шу маҳал челақ кўтарган бир болакай келиб қолди.

– Бўпти, мен борай. Сафар олдидан болалар билан маслаҳатлашиб олишимиз керак эди, – деди Жамшид атайин овозини баландлатиб.

– Хўп, яхши боринг, – деди қиз ва ҳаммаҳалла бола ёнида ўзини ноқулай сезиб челақларига ёпишди. Бола севишганларга бир нигоҳ ташлади-да, сувга энгашди. Қиз челақларини кўтариб қудуқдан узоклашди. Жамшид эса велосипедига ўтириб, жўнаган бўлди.

Болакай уларни тушунди шекилли, илжайиб кулиб қўйди-да, тезгина кетди.

Йигит тўхтаб ортига бокди, Нилуфар ҳам челагини қўйди. Узокроқдан бўлса ҳам нигоҳлар тўкнашди. Йигит қўлини оҳиста кўтарди. Қиз ҳам беихтиёр қўл силкиб қўйди.

Велосипед ўрнидан оғир қўзғалди...

* * *

Нилуфар уйга хомуш кириб келди. Пахта савалаётган онаси ҳар доимгидек ғийқиллаб очилган эшик томон умидли тикилди. Гўё қизи хушхабар билан кирадигандек. Бир оз қизига қараб турди-да, аламини яна увадалардан ола бошлади.

Нилуфар ошхона сари бораркан, Жамшиднинг ҳам Россияга кетаётгани ҳақида онасига айтишниямайтмасликни ҳам билолмай боши қотди. Охири айтмасликка қарор қилди. Остонага келиб эшикка бошини қўйди-да, онасининг ҳаракатини бир оз кузатиб турди.

– Ҳа, қизим, намунча паришон бўлмасанг-а?

– Ўзим, шундоқ.

Она чуқур хўрсиниб қўйди.

– Хе-е, ишқилиб, отанг соғ бўлсалар бўлгани. Пул топиб келмасалар ҳам майлига. Очимиздан ўлмасмиз... Ҳалима айтди. Қўшни қишлоқлик бир йигитнинг жасади келганмиш.

Нилуфарнинг юраги музлаб кетди. Жамшиднинг ортидан чопиб бориб "Қайтинг! У томонларга борманг!" дея хайқирмоқчи бўлди. Беихтиёр ўтирганча кўзларига ёш олди.

– Йиғлама, қизим, худо хоҳласа отанг албатта келадилар. Умидимизни узмайлик, яхши ният қилайлик. Бечора болам, сен ҳам қийналиб кетдинг, – деди она беихтиёр кўзлари жикқа ёшга тўлиб.

Нилуфар онасига кўнглидаги қўш дардини айтолмаслиги алам қилди, ич-ичидан онасига бор ҳасратини айтиб йиғлагиси, онаси уни овутишини хоҳладию лекин иложсизликдан уйга кириб, бошини сирдош ёстиғига қўйганча юм-юм йиғлади. Отамга ёки Жамшидга бир гап бўлса, у ҳам отам каби бедарак кетса нима қиламан...

Сўнгра кўкламда Жамшид билан адирга чиқиб, чучмомо терганларини, қийғос пишган шафтолизор боғларни кезганларини эслади. Жамшид яхшигина қўшиқ айтарди. Унинг овози Нилуфарни мафтун этарди. Айниқса, "Севиб қолдим" бир қўшиғини гитарани кўлига олиб қиладиган хиргойиси қулоғидан ҳечам кетмасди,

*Юлдузларга етар қўлим,
Осмонлардай ёруғ йўлим,
Орзулардай оппоқ дилим,
Севиб қолдим,
севиб қолдим.*

*Эртатка ҳам ишонаман,
Нурга тўла қошонаман,
Зар тилладан остонаман,
Севиб қолдим,
севиб қолдим.*

*Дилда баҳор гуллар очар,
Дилда гуллар ифтор сочар,
Бедор тунлар уйқум қочар,
Севиб қолдим,
севиб қолдим.*

*Дил осмони булут бўлди,
Ёмғир ёғди ивиб қолдим.
Ҳамма дардим унут бўлди,
Севиб қолдим,
севиб қолдим*.*

– Энди Жамшид акам ҳам кетяптилар. Ким билади, уларни мусофир юртларда нималар кутаяпти? Такдиримиз не кечади? – дея пичирларди кўзёши оқиб тушаётган лаблари титраб.

Шу пайт онасининг "Нилуфар-у!" деган овози эшитилди. "Ҳувв!" дея жавоб берди қиз ва кўзёшларини тез артиб, ойнага қараб олди.

– Чиқақол, болам! Хамир қил, нонимиз оз қолибди!

– Хўп бўлади, ойижон! – деди қиз ва хаёлига келган бир фикрдан ўзича хурсанд бўлиб кетди: Хаёлидан "Сафарга отланган Жамшид акамга икки жуфт сутли патир ёпиб бераман. Эҳтимол, бу нонларни ейиш отамга ҳам насиб қилар. Тоғ тоғ билан учрашмас, одам одам билан учрашади дейишади-ку! – деган фикр ўтди.

Қиз шу ўйлар оғушида чакқонлик билан хамир қоришга унади. Хамир кўпчигач, астойдил эзгилади. Икки ошиқ кўнгилнинг айрилишига гўё шу хамир сабабчидай. Сўнгра бўлакчаларга ажратди. Хаёлига яна бир фикр келди: "Бир бўлагини бўғирсоқ қилиб пишириб берсам-чи?" Тандирга ўт ёқди. Ловуллаб ёнаётган ғўзапоя алангасида ҳам Жамшиднинг аксини кўргандай бўлди. У "Мени кут, Нилуфар. Мен тез қайтаман. Отангни албатта топаман. Кейин тўйимиз бўлади. Ширин турмуш кураимиз. Бир этак фарзандларимиз бўлади. Мен уларга қўшиқ айтиб бераман", деяётгандай эди.

– Вой, намунча ғўзапояни кўп ташламасанг-а, болам. Бунақада қишга ўтинимиз етмайди-ку.

– Яхшироқ қизисин, дедим-да, ойижон.

– Қизиб бўлибди-ку, хаёлинг қаёқда ўзи?

– Хўп, – деди Нилуфар ва тандир ичига разм солди. Тандир қизариб бўлганди. У чўғни ўртага тўплаб қўйди. Қизариб ловуллаётган юзидаги ва чаккасидаги маржон-маржон терларини артди.

Пишган патирларнинг тўрттасини онасига кўрсатмаслик учун алоҳида ажратиб қўйди. Энди ошхонада ёғни доғ қилиб бўғирсоқ пишириб олиши керак. Аммо тўсатдан у ерга онаси кириб қолди.

– Ҳа, нима пишираяпсан, қизим? – сўради хайрон бўлиб.

– Бўғирсоқ, – деди қиз.

– Нега?

– Егим келди-да.

Она бир хўрсинди-да бошини ўйчан сарак-сарак қилиб қўйди.

– Ҳа-а, отанг ҳам бўғирсоқни яхши кўрарди. Сен барибир отангга тортибсан-да, қизим, – дея, нари кетди.

Нилуфар онасининг ортидан ачиниб қараб қолди: "Юрсалар ҳам, турсалар ҳам отамни ўйлайдилар-а. Эҳ, отажон, қаерларда юрибсиз?! Ахир онам адои тамом бўлдилар-ку!.."

– Ойижон! – дея қичқирди қиз тўлқинланиб. – Биласизми, бу бўғирсоқларни мен ким учун пишираяпман?

Она қизига савол назари билан боқди.

– Отам учун! – деди қиз сирли табассум билан.

Онанинг юзини тундлик тарк этди. У ҳам жилмайди.

– Нима? Бирор хабар эшитдингми-а?!

– Қўшни маҳалладан бир йигит ўша ёққа ишга жўнаб кетаётган эмиш. Ундан бериб юбормоқчиман.

– Шунақами?... – дея ўйланиб қолди аёл. – Майли, болам, чиқмаган жондан умид, дейдилар. Ёнига бир жуфт нон ҳам солиб бер, хўпми?

Қиз севиниб кетди:

– Хўп бўлади, ойижон!

– Ҳа-а, ким экан ўша йигит-а?

– Ҳм-м... Жамшид акам-де.

Онанинг юз қиёфаси бирдан тундлашди:

– Нима дединг? Вой ўлмасам, у ҳам кетаяпти, де?! – деди аёл хавотирлик билан.

– Ҳа.

– Нима бор экан-а, ўша узоқ жойларда? Ўзимизнинг юртимиздаям иш тикилиб ётибди-ку. Худди у ёқларда пул тоғ-тоғ бўлиб тургандай, тавба...

– Отам нима учун кетганлар бўлмаса? – тўсатдан сўраб қолди қиз.

– Униям дарди шу эди. Илгари бир-икки ўша ёқларда бозор-ўчар қилиб тузуккина даромад қилиб келувди. Ким билади энди, нима бўлди-нима қўйди, худо билади. Жамшиджон уни топармикин-а? Эҳ, бу эркаклар, ишқилиб бошлари тошдан бўлсин-да. Менга ҳам... Тўйингизни кўриш насиб қилармикин... – деди аёл кўзига ёш олиб.

– Вой, яхши ният қилинг, ойижон. Ҳали кўрасиз, отам қайтиб келадилар. Уйимиз тўлиб кетади.

– Илоҳим, айтганинг келсин. Бўғирсоқларингни олиб бориб берақол, қизим. Отанга икки энли хат ҳам ёз. Ҳа, айтмоқчи, у ўша ёқлардан уйланиб олган бўлсаям... ҳеч хижолат бўлмасин, хўпми? Эркакчилик-да. Шунақа деб ёза қол, болам.

Шундай дедию, аёл кўзларидаги ёшларини артиб, нари кетди. Нилуфар онасининг ортидан ҳайрон тикилиб қолди.

* * *

Орадан тўрт ой ўтди. Ёз ойлари эди. Бу вақт ичида Жамшиднинг омади чопди. У Олтой ўлкасидаги теваараги ўрмонзорлардан иборат объектни бошдан оёқ қуриш бўйича иш олди. Қонуний меҳнат шартномаси тузишди. Қурилишни пойдевордан бошладилар. Ишлар ёмон эмас, озиқ-овқат таъминоти ҳам жойида, иссиқ вагончаларда яшардилар. Маошлари ишбай, баъзида аванс ҳам олиб туришарди. Жамшид рус мактабида ўқигани учун рус тилини яхши биларди. Қолаверса, тунги дам олиш вақтларида ёрқин гулхан қошида гитарасини чалиб, ўзбекча ва русча қўшиқларни худди Владимир Висоцкий йўлида ижро қиларди. Шу тариқа тез орада қурилиш эгалари ва қурувчилар меҳрини қозонди. Бу қўшиқлар ўзи каби ёри ва диёридан узоқ кишилар дардига малҳамдек эди.

Атроф қалин ўрмон билан қопланган бўлиб, сал нарида азим Обь дарёси оқарди. Сокин оқаётган дарёни сал баландликдан бемалол кўриш мумкин. Дарё соҳилларига бориш анчагина қийин бўлиб, ботқоқлик, тиканли чакалакзорлардан иборат эди. Аммо бошқа бир нохуш ҳолат бор эдики, бу ҳам бўлса, баланд девор билан ўралган қўшни ишхона ҳовлисидан анқийдиган бадбўй ҳид эди. У ерда ҳайвон терилари кимёвий усулда қайта ишланиб, чарм тайёрланарди.

Заводнинг Давид исмли хўжайини Жамшиднинг олдига келиб илиқ саломлашди. Унинг кўзлари қизарган, нигоҳида қандайдир безовталиқ аломати сезиларди.

– Исминг нима?

– Жамшид.

– Қўшиқни яхши айтар экансан. Демак, сен бригадирсан, шунақами?

– Ҳа, – деб жавоб берди йигит ҳам рус тилида.

– Ишларинг қалай?

– Чидаса бўлади, – деди йигит ва бурнини қўли билан тўсиб, жийириб қўйди.

Давид уни тушунди шекилли, кулди:

– Духи ишлаб чиқарамиз-да.

– Ҳа, яхши духига ўхшайди, – деди Жамшид кулимсираб.

– Бу ҳид асосан анави ердаги ахлат чуқуридан келади. Менга қара, кел, бир иш қилайлик. Сендан илтимос, қурилишдан чиққан чиқиндиларингни ўша ерга тўкинглар, ҳар ҳолда кўмилиб, ҳиди камаярмиди.

– Майли, лекин аравани қандай олиб ўтамиз?

– Деворнинг ҳув анави ерини бузиб эшик очиб олинглар. Аммо уни доимо қулфлаб юрасан. Калитни бировга бермайсан, келишдикми?

– Келишдик. Лекин бизнинг хўжайиннинг бундан хабари борми?

– Ҳа, бор. Сизлар қураётган бино аслида бизнинг буюртма, кейинчалик бизнинг маъмурий биномиз бўлади. Офис ёнида сассиқ ҳовузнинг бўлиши яхшимас-да, нима дединг? Хуллас, кўмиб ташлайверинглар. Мен қоровулларимга тайинлаб қўяман, тушундингми?

– Ҳа, – деди Жамшид.

– Манавини олиб қўй, – деди Давид бир оз пул узатиб, – ҳар ҳолда сизларга қўшимча иш. Қурасизлар, ташийсизлар.

– Ҳожати йўқ эди.

– Ол, олавер.

Шундай қилишди. Хўжайин кўрсатган жойга темир эшик ўрнатишди. Эшик битгунга қадар нариги томонда юзига ниқоб таккан қуролли қоровул ёнларидан нари кетмади. Қоровул йигит уккиникидай кўзларини ишчилардан узмас, кўриқлаётган ҳовлига томон тез-тез хавотирли нигоҳ ташлаб оларди.

* * *

Эридан дарак бўлавермагач Кибриё холанинг ниҳоят тоқати тоқ бўлди. Жонсарак аёл тўсатдан сафарга тараддудланиб қолди.

– Ҳа, ойи, тинчликми? – сўради Нилуфар.

– Бўл, қизим, тайёргарлигингни кўр.

– Қаёққа?

– Тошкентга бориб келамиз, отангни суриштирамиз, – деди аёл ҳовлиқиб.

– Кимдан?

– Билмасам, қизим. Нимадир қилишимиз керак-ку, ахир. Бизга ёрдам берадиган яхши одамлар ҳам топилиб қолар! Бораверайлик-чи.

– Ахир, сигир, қўйларимиз-чи?

– Сигиримизни кўшни боқиб, сутини соғиб туради. Қўйларимизни Каримбердига сотдим! Йўлга пулимиз бор. Бўлақол тезроқ, қизим.

– Ахир Жамшид акам...

– Жамшид аканг уни тополмаган. Топганида аллақачон хабар берарди. Россияни жуда бепоён дейишади, учратмагандир-да, бояқиш..

Эрталаб йўлга чиққан она-бола пойтахтга тушга яқин етиб келишди. Бироқ қаерга боришни, кимга мурожаат қилишни билолмай гарансиб юришди. Бир такси келиб ёнларида тўхтади. Тепакал таксичи йигит жилмайиб деди:

– Қаерга борасизлар, онахон?

– Хўжайинимнинг ёнига.

– Яхши. Ўтиринглар, олиб бориб қўяман.

Тиззалари оғриб, аранг юраётган Кибриё хола орқа эшикни очиб, ўтириб қўя қолди. Нилуфар ҳайрон бўлди.

– Бу ёққа ўтиринг, синглим, – деди киракаш олд эшикни очиб.

– Қаерга борамиз, ойи?

– Ўтиравер-чи, худо ўзи бир йўлга бошлар, – деди содда онаси тиззаларини уқаларкан.

Таксичи машина моторини ўт олдирди.

– Менинг эрим Россия деган юртда-да.

– Ўх-хў! У ёққа боролмайман, хола, жуда узоқ. Чегара постигача етказиб қўйишим мумкин. Постдан ўтасизлар, у ёғига киракашлар тикилиб ётибди.

– Майли, ўғлим. Аммо дадасининг қайси шаҳардалигиниям билмаймиз-да.

Киракаш мижозларига ҳайрон бўлиб қаради.

– Эҳ-ҳе, бу ёғи таваккал, денг, – деди у ковоғини уйиб.

– Ҳа, таваккал.

– Нима, дараги йўқми?

– Тўрт йил бўлди, – деди аёл чуқур хўрсиниб.

– Вой-бў!.. Нима қилай унда, ҳайдаинми?

– Ҳайданг!

Улар кўп ўтмай Қозоғистон чегара постига етиб келишди.

– Онахон, ёнингизда эрингизнинг бирорта сурати борми?

– Ҳа, бор.

– Беринг-чи. Мен бир танишларга кўрсатиб кўраман, – деди таксичи.

Нилуфар сумкасини шоша-пиша кавлаштириб, дадасининг суратини олиб берди.

– Илоҳим, барака топинг, ўғлим.

– Сизлар ўтириб туринглар, хўпми? – деди у ва пост томон қараб кетди.

Чегара пости сафарга отланган одамлар билан гавжум эди. Улар орасида қўлида калитини айлантриб "Таксилар бор, такси!" деб юрганлар ҳам сон мингта. Бир оздан сўнг хайдовчи юзида самимий табассум билан қозоқбашара бир кишини бошлаб келди.

– Онахон, манави йигитнинг исми Мурод. У нариги томонда посадчик. Худо деган экансиз, шекилли. У эрингизни танигандай бўлаяпти.

– Вой, шунақами? Ўзим ўргилай, сиздан!

– Мен бу кишини қайси машинага ўтириб кетганини эсладим, – деди Мурод қозоқча аралаш лаҳжада. – Ўша таксичи ҳозир шу ерда бўлиши керак. Фақат сизлар чегарадан у ёққа ўтасизлар. Уни кутасизлар. Кеч қолиб кетсангизлар, тунашга жой топиб бераман.

– Вой, майлига, ўғлим. Хайрият, сизни худойимнинг ўзи бизга етказди. Шунгайм шукур, – деди севиниб Кибриё хола.

– Бўлмаса, навбатга туриб чегарадан ўтаверинглар. Мен ўша ёқда бўламан, топиб оласизлар. Паспортларинг жойидами, ишқилиб?

– Ҳа, жойида, – деди Нилуфар.

Келишишди. Мурод ҳам, таксичи ҳам кетишди. Божхона постидан навбат кутиб ўтиб олишгунга қадар тинкалари қуриди. Мурод кутиб турганди.

– Омадингиз бор экан, онахон, – деди у қулиб. – Ўша мен айтган, эрингизни олиб кетган таксичи суратни кўриб таниди. У эрингизни қаерга олиб бориб қўйганини билади, албатта.

Она-бола ҳозироқ оталарини учратиб қоладигандай қувониб боришарди. Машиналар кўп эди. Бир автобус эшиги олдида туриб олган чиптачи киши "Келинлар, Новосибирскка жўнаяпмиз! Ёнг арзон чипта бизда, юз – юз эллик минг сўм! Икки суткада етказиб борамиз, гарантия!" деб тинмай бақириб-чақирарди.

– "Юз – юз эллик минг", дейсизми? Нега нархи икки хил? – ҳайратланиб сўради сафарга отланган ўрта ёшлардаги бир киши.

– Юз эллик минглигида ўтириб кетасиз, юз минглигига ўртага чиройли қилиб тахтача қўйиб берамиз. Олтмиш киши оламиз.

– Ҳа, тушунарли. Арзон экан.

– Келинг, отахон, юз эллик мингликдан иккита жой қолди, холос.

– Менга юз минглигига бўлаверади. Қиз узатаётгандим. Эллик минг ҳам ҳарна-да. Икки сутка ҳеч гапмас, чидаса бўлади, нима дедингиз?

– Нима мақсадда кетаяпсиз ўзи, отахон? – сўради чиптачи.

– Эл қатори меҳнатга-да.

– Борар жойингиз аниқми?

– Э, йўқ. Одамлар бор таваккал деб кетишяпти-ку. Риск-насиб қилгани-да.

– Хоҳласангиз, яхши иш жойлари бор. Йўл-йўлакай ташлаб ўтиб кетамиз.

– Э, шунақами, яхши бўларди, – деди у киши ва қўйнидан минг сўмлик бир пачка пулни чиқариб узатди.

– Мана чиптангиз, орқага ўтиб, бемалол жойлашаверинг. Ҳа, исмингиз нима эди, тоға?

– Сувонқул.

– Сувонқул ака. Битта жойда сизбоп яхши иш бор. Ўша ерга борганда автобусни тўхтатиб, сизни чақираман. Беш-олти киши тушиб қоласизлар, хўпми? Сизларни бир енгил машина кутиб олади. Паспортигизни пропискага қўйишади. Ишлашга рухсатнома олиб беришади. Хуллас, ҳаммаси қонуний бўлади.

– Раҳмат, ука. Барака топинг.

Она-бола бу суҳбатни тинглаганча автобус ёнида туриб қолишди.

– Отанг ҳам худди мана шу кишига ўхшаб кетган шекилли, қизим.

– Ҳа. Демак, ўша таксичи отамни қаердадир йўлда тушириб қолдирган.

– Қара-я, қизим, – деди Кибриё хола ҳаллослаб. – Ишимизнинг ўнгидан келганини...

- Нима қиламиз, отамнинг манзилини билиб олсак, кетаверамизми?
- Қанийди, болам. Тўхта-тўхта, пулимиз кам-ку. Қайтишниям ўйлашимиз керак.
- Отам берарлар.
- Йўқ. Одамнинг бошида ҳар хил иш бўлиши мумкин. Ишқилиб, соғ-омонмикин бечора?
- Яхши ният қилайлик, ойи.
- Уларни бир жингалаксоч, миллати номаълум, тилла тишли, ўрта ёшлардаги киши айёрона жилмайиб кутиб олди. Қўлида Ёраҳмад аканинг сурати бор эди.
- Бу кишини эсладим. Тўрт йилча бурун ўзим олиб кетганман, – деди у салом-аликни ҳам насия қилиб.
- Вой, ростданми? Жон болам, сиз у кишининг қаердалигини биласизми-а?
- Ҳа. Йўл-йўлакай бир ерга ишлагани тушириб қолдиргандим. Нима, хабар қилмадимми?
- Йўқ.
- Вой-бў! Шунча йилдан бери-я?
- Ҳа. У киши кетганларида манави қизим жуда ёш эди. Ҳозир йигирмага тўлди!..
- Бўлди, онахон, Сизни тушундим. Хоҳласангиз, сизларни олиб кетиб, хўжайинингиз ишлаётган жойга тушириб кетаман.
- Вой, майли. Йўл қирангиз неча пул бўлади?
- Пулларингиз шартмас. Савоб ҳам керак-ку. Эҳтимол, насиб қилса, қайтишда учовларингизни ҳам олиб келиб қўярман. Акахон тузукроқ пул топган бўлса, рози қилишар, ҳимматлари-да, – деди ҳайдовчи ва ҳеҳелаб беўхшов кулиб қўйди.
- Вой, айланай сиздан. Биздан қайтмаса, худодан қайтсин.
- Бўпти, юринглар бўлмаса. Паспортларинг қани? Менга беринглар. Йўлда "текшир-текшир" кўп.
- Ишимиз ўнгидан келганини қара-я. Паспортларимизни амакингга берақол, қизим. Нилуфар паспортларни ҳайдовчига узатди.
- Ҳов анави толнинг тагидаги "Мерседес"га яхшилаб жойлашиб ўтириб олаверинглар. Мен ҳозир... – деди ҳайдовчи ва паспортларни варақлаб Муродга маъноли илжайди-да, биргаликда юк машинасининг ортига ўтишди.

* * *

"Мерседес" автобуси ниҳоят Нилуфарнинг отаси ишлаётгани тахмин қилинган манзилга етиб тўхтади. Қизиғи шундаки, йўловчиларнинг ҳаммаси айнан шу манзилга ишга келган кўринарди. Машина баланд деворли, худди қамоқхона каби тепасига тиканли сим тортилган ишхона худудига яқин жойда турарди. Ҳайдовчи қўл телефонида аллақадар кўнғироқ қилганди, дарвоза ланг очилди. У ерда машинани қора ниқоб таққан ва қуролланган кишилар кутиб олишди. Корхона худудидан бадбўй ҳид анқирди. Йўловчилар ниқобни шунинг учун ҳам тақиб олган шекилли, деган ўйга боришган бўлишса ажабмас. Кимдир дастрўмолини бурнига тутган бўлса, аёллар димоқларини араб аёллари каби рўмоллари билан беркитиб олишди.

– Намунча сассиқ бўлмаса-а? – дея дабдурустдан сўради Нилуфар ҳамроҳлик қилиб келган бир йўловчидан.

– Ишнинг осони бўлмайди-да, синглим. Шунинг учун ҳам бу ерда яхши ҳақ тўлашади, дейишяпти. Ишлагани келганмисиз ўзи?

– Йўқ, отамни қидириб келувдик. У кишини шу ерда ишлайди, дейишди.

– Э, шунақами? Демак, бечора яхши пул топаман, деб бу ерларга келган экан-да, а?

– Билмасам, – деди Нилуфар.

– Қизим, анави шопир қани? – сўради она қизидан.

Ҳайдовчи бир четда, шу ернинг бошлиғи чоғи, қора чарм камзул кийган, бўйнига олтин занжир таққан сочи қиртишлаб олинган норғул киши билан суҳбатлашарди.

Нилуфар уларнинг ёнига боришга чўчиди. Ҳайдовчи бўшагач, ўзи келиб қолар, деб кутишди. Аммо қуролланган соқчилар рус тилида "Қани, юринглар, баракларингни кўрсатаман!", деди. Бир-икки йўловчи индамай олдинга тушган бўлишди. Қолганлар ҳайрон бўлиб, бир-бирлари билан пичирлашиб, қоққан қозикдай бир жойда тураверишди. Шу пайт "Сенларга юр, деяпман!" пўписа қилди. Қўлида резина таёғини ўйнатиб, яна икки соқчи етиб келди.

Кибриё хола нима қиларини билолмай, автобус ҳайдовчиси томон қичқирди:

– Ҳой, иним! Биз нима қилайлик-а?!

– Мана, сўрадим. Хўжайинингиз шу ерда, шекилли. Уни топиб беришади. Унгача айтганларини қилиб, сизлар ҳам шу ерда бир оз ишлаб турасизлар-да. Бепул овқат, ётоқ ҳам беришади, хўпми, холажон?!

– Вой, нима иш қиламиз?

– Ошхонада сизларбоп иш бор экан. Оз-моз чойчақа ҳам ишлаб кетасизлар-да. Бунинг нимаси ёмон!

– Майли, ўғлим, майли. Сизга кўпдан-кўп раҳмат.

Шундай қилиб, олтмишга яқин, асосан, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистондан ишлагани келганлар қатори она-бола ҳам қаттиқ қўриқладиган завод ошхонасида меҳнат қила бошлашди. Ёраҳмад акани ишчилар орасидан кўп излашди, лекин учратишмади. Афсуски, унинг ягона сурати ўша ҳайдовчининг қўлида қолган, паспортларини бўлса, ҳайдовчи Давид исмли завод бошлиғига топшириб кетганмиш.

Иккинчи боб **БЕКЗОД ИЛА БАРНО**

Бекзод Гулчиройнинг никоҳсиз туғилган ёлғиз ўғли эди. Аммо саратон касаллиги уни ёш олиб кетди. Ўн олти ёшли йигитча одамларнинг хизматини қилиб, бобосидан қолган лой томли пастқам уйда бир ўзи яшарди. Аксиға олиб унинг яқин қариндошлари ҳам йўқ эди. Маҳалладагилар тезроқ уйлантириб қўйиш пайида унга мос келадиган қиз қидира бошладилар. Ниҳоят йигирмага кириб, хушсурат йигит бўлганида қўшни қишлоқдан худди ўзининг тақдирдошига ўхшаш етим қиз топилди. Унинг исми Барно экан. Барноларнинг уйида эҳтиётсизлик туфайли газ портлаб, ёниб кетган ва оила аъзоларининг барчаси ҳалок бўлишганди. Ўша маҳалда қиз қўшнисиникига қаттиқ олгани чиққан экан, омон қолибди.

Хуллас, маҳалла-қўй ўртада маблағ тўплаб, икки етимнинг бошини қовуштириб қўйишди. Бобосидан қолган эски, вассалари чириган пастқам уй, фақат эгилиб юрса бўладиган узумли боғ уларнинг висол гўшасига айланди. Бу гўшани обод қилиш учун кўп меҳнатлари сингди. Райҳону анвойи гуллар экишди. Аммо улар эски кийимга янги ямоқдай бўлиб тураверди. Янги иморат қуришга имкониятлари йўқ эди. Шу туфайли икки ёшнинг орзу-умиди фақат эскини бузиб, янги ошиён қуриш, ўзларидан кўпайиб оддий инсонлар каби яшамоқ эди.

Бироқ Бекзод кейинги вақтда баъзи ўртоқлари қатори хорижга ишга кетиш ва керакли маблағни тезроқ топиб келиш ҳақида ўй сурадиган бўлиб қолди. "Барно-чи? Уни қандай ёлғиз ташлаб кетаман? Ёш келинчак бўлса..." деган ўйгина йигитга азоб берарди. Бунинг устига хотини ҳомиладор бўлди. Фарзандли бўлиш оталик масъулиятини янада оширди. У бир-икки қўшниларининг болалари хориждан яхшигина пул жўнатиб турганлари ҳақида эшитди. Охири қарорини хотинига маълум қилди. Аммо Барно: "Кетсангиз, мени ҳам бирга олиб кетасиз. Икки кишилашиб ишлаймиз. Менбоп иш ҳам топилиб қолар", деди.

Шундай қилишди. Ёш келин-куёв сафарга отланишди. Таксида кетиб бораркан, Барно қад кўтараётган бунёдкорлик ишларини кўриб завқланди. Қаторлаштириб қурилаётган замонавий уйларни кўриб ҳавас қилди:

– Бекзод ака, уйларни қаранг, ажойиб, нақадар гўзал! Наҳотки ўз юртимизда бизларбоп ишлар топилмаса?..

– Тўғри, юртимиз ёмонмас, осойишта. Лекин у ёқда тез ва кўпроқ пул топамиз. Доллар, евро, рубль деган пул ишлаймиз. У пуллар жуда баракали бўлармиш. Мана кўрасан, уйимизни тезда битказиб оламиз, – деди йигит ишончли оҳангда.

– Худо хоҳласа, – деб қўйди келинчак.

Содда келиннинг тасаввурида янги уй битиб қолгандай туюлди ва энди ортга қайтмасликка, аксинча, бу борада эрини қўллаб-қувватлашга аҳд қилди. Ширин орзуларга берилди. Ниҳоят чегара постига етиб келишиб, ўзга юрт ерига умид билан қадам қўйишди. Улар "Келинлар, ҳозироқ жўнаймиз. Чипталар жудаям арзон! Комфорт! Гарантия!" деб қичқираётган юзи иссиқ-совуқдан қорайиб кетган автобус ҳайдовчисига дуч келишди.

– Ўзи қаерга борасизлар, ака? – деб сўради Бекзод.

– Барнаулга бир ярим суткада етказиб бораман, у ёғига истаган тарафингизга кетаверасиз-да, оқаси.

– Ишлаб келиш учун қайси томонга борсак экан? Бизга қанақа маслаҳат берасиз, ака?

– Красноярск, Иркутск. У ёқларда ўрмон кўп, дарахт кесасиз, бинолар қурасиз, яхши пул тўлашади, дейишади.

– Красноярскка қандай борамиз?

– Биз сизларни Барнаул темир йўлига ташлаб ўтамиз. У ердан поездга ўтирасизлар. Ёш келин-куёвларга жа яхши-да, "СВ" вагонлариям бор, – деди ҳайдовчи. – Хоҳласангизлар ўша ерда бошқа рейсли автобуслар, таксилар ҳам тиқилиб ётибди.

– Яхши. Лекин, ака, чиптангиз нархини сал туширмайсизми? Тушунасиз-ку, маблағимиз озроқ, яқинда тўйимиз бўлганди. Агар иложи бўлса... – сўради йигит ялинганнамо.

– Бўлди, ука. Сизни тушундим. Бунинг иложи бор. Майли, бу сизлар учун "свадебний подарок" бўла қолсин. Автобус йўлагининг энг охирига ўтирасизлар. Чиройли тўшакча солиб бераман. Келинчакка бир юмшоқ тахтача бор. Бу кишини кучоғингизга оласиз ва қарабсизки, любой "СВ"дан зўр... Икки юз минг берасизлар. Хўш, розимисиз? – сўради ҳайдовчи қўлини узатиб.

– Юз эллик, денг.

– Ҳа, майли, юз саксон бера қолинглар. Лекин бу нарх ҳақида ҳеч кимга айтманглар, хўпми? – шивирлади ҳайдовчи.

– Келишдик, – деди Бекзод хурсанд бўлиб.

Шундай қилиб, ёш келин ва куёв мўъжаз автобусда, ним қоронғуликда, поёнсиз узок йўлда, романтик орзулар қўйнида кетиб боришарди.

Йўловчиларнинг келин-куёвга ҳаваси келар, улар томонга қилиб нигоҳ ташлашарди. Бекзоднинг қорнига келинчак бошини қўйган ҳолда қўлларини ғимирлаётган ҳомиласи устига қўйиб борарди...

Ниҳоят автобус Барнаулга етиб келди ва темир йўл шоҳ бекати олдидаги кенг майдоннинг бир четида тўхтади. "Етиб келдик!" дея қичқирди чипта сотган ҳайдовчининг шериги. Шу маҳал автобус эшиги олдида чироғини ёқиб ўчираётган "Форд" русумли микроавтобус келиб тўхтади. Ундан ўрта ёшли келишган аёл тушиб, автобус эшигидан чиқиб келди-да, йўловчиларга рус тилида мурожаат қила бошлади. Унинг сўзлари жуда самимий эди:

– Ҳурматли фуқаролар! Аввало бизнинг Олтой ўлкамизга хуш келибсизлар! Ўлкамиз Россиянинг энг хушманзара ва иқлими илиқ жойи ҳисобланади. Афсуски, бизнинг ишлаб чиқариш корхоналаримизда ишчи кучи етишмайди. Агар ораларингда хоҳловчилар бўлса, марҳамат, яхши иш ўринлари бор. Сизлар билан қонуний шартнома тузилади, ишлаш ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома оласизлар, вақтинча пропискага қўйиласизлар. Марҳамат,

таклифимни маъкул кўрган йигирма киши манави машинага ўтириши мумкин. Йўл ҳақи, ётоқ, уч маҳал овқат компания ҳисобидан. Ўзтиборингиз учун раҳмат! Мен Татьяна Исаевнаман. Ким хоҳласа, марҳамат!

Аёлнинг жонли, чиройли эълони йўловчилар ўзтиборини ўзига жалб қилди. Тушишга ҳозирлик кўраётган уйқусираган йўловчилар орасида шивир-шивир бошланди. Кимдир "Борайлик" деса, бошқаси "Э, йўқ, бу хотинга ишониб бўлмайди, фирибгар бўлса керак", дерди.

– Унақа деманг, ўғлим, – деди ўрта ёшли бир киши. – Одамларга ишонмоқ керак. Ишлагани келган бўлсангиз, бу ҳам бир имконият. Эртага йўл бўйида иш қидириб тургандан кўра нақдини кўриб қўя қолмайсизми? Пул топиш осонмас.

Шу кишини гапи Бекзодга ҳам маъкул бўлди. Унинг назарида гўё одамларнинг кўпчилиги ўша аёлнинг кетидан бориб, жой қолмайдигандек Барнони шошилтирди ва салон ортидан туриб: "Ҳой, сестра! Подождите. Вот, мы к вам!" дея қичқирди.

– Хорошо, как ваша фамилия?! – дея сўради аёл ёзиб қўяркан.

Аёл ҳайдовчиси ёнига ўтириб олиб, автобусга чиққанларни қайд этарди.

– Муж и жена Салимовы! – деч қичқирди Бекзод.

– Хорошо, записываю. Ещё кто желает?

– Я, Икрамов!

– Я, Мамадалиев!

– Меня запишите, я Шакиров! Мы братья, нас двое!

– Хорошо, Шакировы, двое. Ещё!..

Рўйхатга жами ўн саккиз киши ёзилди ва микроавтобусга ўтиришди.

* * *

Аммо Бекзод ва Барно ишга келган жой улар ўйлаганчалик қулай эмасди. Бу ерда – ертўлада, қонунийми ё ноқонунийми, асосан кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришаркан. Чиройли офис идорасида паспортларини "Бизга шартнома тузиш учун керак бўлади", деб олиб қолишиб, ертўладаги цехга бошлаб боришди. Бироқ оғир темир эшикларнинг ортларидан маҳкам ёпилиб, қулфланганидан беҳабар эдилар. Ётоқхона, ошхона ҳам шу ерда экан. Бу ерда аллақандай ноҳуш ҳид ва зах иқлим ҳукмрон эди.

Ишлаб чиқариш цехларида ишлайдиганлар кўп экан. Улар турли миллатга мансуб бўлиб, баъзи жойларда газниқоб тақиб ишлашарди.

...Оилавий ишловчиларга ётоқда жой кўзда тутилмаган экан. Бекзод ва Барнога аёллар ётоқхонасининг энг четига жой қилиб беришди ва парда тутиб қўйишга ваъда қилишди. Уларни қадоклаш бўлинмасига ишга қўйишди. Иш вақти ўн олти соат бўлиб, дам олиш кунларисиз кунбай ва бетўхтов эди. Аввалига икки ёш "Яхши жой топиб олдик", дея хурсанд бўлиб ишга киришдилар. Аммо бу ерда Барно ўзини ёмон ҳис қила бошлади. Ҳомиладор аёл ертўланинг бадбўй ҳавосидан безовта бўлар, тоза ҳаво етишмай нафаси қисиларди. Барно ҳар қандай оғир ишга рози эди. Фақат унга тоза ҳаво ва эрига яхши ҳақ тўлашса бўлгани.

Бекзод ҳам хотинидан хавотир ола бошлади. Яқин орада кўпайишадиган бўлишса, ертўладаги шароитда чақалоқ билан қандай яшайди? Пул топамиз деб гўдакни нобуд қилиб қўйиш мумкин. Бошқа ишчиларнинг ҳам маслаҳатлари деярли шундай эди. Шу туфайли Бекзод цех бошлиғига мурожаат қилишга мажбур бўлди. У тепадагилар билан маслаҳатлашиб, маъмурий бинодан бирор иш топилиб қолишига ваъда берди.

Кўп ўтмай цех бошлиғи Бекзодни ҳузурига чақирди. Тепадагилар рози бўлганмиш. Барно кир ювиш бўлинмасида ишлаши мумкин экан. Ўша ерда фақат ўзи учун ётоқ жой ҳам қилиб беришаркан.

– У ерда аёллар ишлайдими? – сўради йигит ўйга толиб.

– Ҳа, албатта. Гўлаҳхонада бир юртдошинг ҳам бор. У шартни кетиб парти қолган мўйсафид киши.

- Жойни бир кўриб келсам бўладими?
- Цех бошлиғи Алексей Николаевич кулиб қўйди.
- Нима, ишонмайсанми?
- У рус тилини умуман тушунмайди, қийналади-да.
- Нега олиб келдинг бўлмаса?
- Бирга ишлаш учун.
- Кейин меҳнат шартномаси ҳам туздинглар, тўғрими?
- Ҳа.

– Бу қоғоз қонуний ҳужжат ҳисобланади, шуни биласанми? У бажарилмас экан, бу ердан бир тийин ҳам ҳақ ололмайсан, осонликча чиқиб ҳам кетолмайсан. Қочиб кетишни-ку, умуман ҳаёлинггайм келтирма. Атроф ботқоқли ўрмон, айиғу бўриларга ем бўласан. Ҳеч ким сенларга ёрдам бера олмайди.

Бекзод микроавтобуснинг тунда қалин ўрмонлар ва аланг-биланг йўллар билан жуда узоқ йўл босиб келганини, йўлда ухлаб қолишганини эслади. Алексей Николаевичнинг гапига кўнишдан бошқа чора йўқ эди. Наилож, сабрли бўлишга тўғри келади. Алоҳида яшасак ҳам бир жойдамыз-ку. Ҳар ҳолда бир-биримиздан хабар олиб туришнинг йўлини топармиз. Бошлиқлар тушунишар, ахир улар ҳам инсон-ку, деб қўйди йигит ўзича ва келганларидан буён уларга яхши муносабатда бўлишаётгани ҳақида ўйларкан, кўнгли хотиржам тортди. Бироқ Барнонинг юраги негадир эридан айрилишга дов бермасди. Фақат ҳомиласини омон сақлаш учун рози бўлди.

Келинчак юборилаётган жой Бекзод ўйлаганидай беҳавотир ва ишончли жой эмасди. Аввало, у ер кир ювиш жойи бўлмай, ҳаммом – сауна эди. Тўғри, саунада оқ чойшабларни ювиш, дазмоллаш ишлари бўлиб, бошқа ишлар ҳам қалашиб ётарди.

Гап шундаки, саунада эркак ва аёллар учун хоналар расман ажратиб қўйилган бўлса-да, асосан маъмурият ходимлари ва уларнинг гунаҳкорлари бўлган яқин дўстлари, текширувчи, назорат қилувчи ҳуқуқ-тартибот органидан келган "нозик меҳмон"лар қип-яланғоч ҳолда эркагу аёллар аралаш-куралаш бўлиб маишат қиладиган, ҳатто пивою арок ичиб, гиёҳванд модда қабул қилиб, овқатланиб, дам оладиган мўъжаз гўша ҳисобланарди.

Дастлаб эркак ва аёлнинг бемалол сигарета чекиб қип-яланғоч ўтирганларига кўзи тушган Барнонинг эси оғабди ва кўрққанидан кичқириб юбориб ўзини ташқарига отди. "Бекзод ака!" дея бақириб йиғлай бошлади.

– Ҳой, аҳмоқ қиз, нега бақирасан! Бор жойингга, қайт! – дея ўшқирди қуролланган қоровул киши ва Барнонинг қўлидан тутиб судраганча сауна хоналаридан бирига итариб юборди-да, эшикни қулфлаб қўйди. Қўрқиб кетган Барно бу ерда то овози бўғилгунича йиғлади. Бир оздан сўнг бир аёл кириб унга ўшқириб тинчлантирган бўлди.

– Нега йиғлайсан?! Сени биров зўрлаётгани йўқ-ку, муттаҳам! – деди у рус тилида.

Барно уни тушунмади.

– Мени бу ердан олиб кетинг, опажон! Мен қўрқаман, эримнинг ёнига олиб боринг! – дея ҳадеб кичкираверди.

Аёл унинг юзига бир тарсаки туширди. Қиз бировларнинг қўлида етим ўсган бўлса-да, умри бино бўлиб калтак емагани, хўрлиги келиб йиғлайверди. Бир оздан сўнг аёл бир ўзбек мўйсафидни бошлаб келди. Барно хона бурчагига ёпишиб, сочларини ёйиб юзини тўсиб олганди.

– Анави қизни тинчлантириб бер, ҳаммани безовта қиляпти. Бу ерга ишлаш учун келган бўлса, чидасин, ҳақини олади! – деди аёл.

Унинг исми Мария бўлиб, саунанинг мудираси экан.

– Тинчланинг, қизим. Сизга ҳеч ким тегмайди. Бу ерга келишдан аввал ҳар хил ҳолатга тайёр бўлишингиз керак эди, – деди мўйсафид соф ўзбек тилида.

Барно жавоб қайтариш ўрнига пиқиллаб йиғлайверди.

– Тушунмадингиз шекилли, ё шумо тожикми?

– ...

– Афсуски, тожикчани билмайман. Мениям сиздек қизим бор. Лекин бу ёқларга келишни унга асло раво кўрмасдим... – деди хўрсиниб. Сўнгра Мариядан сўради: – А где её муж?

– Внизу. Там её тошнит. Она беременная, работать не может. Поэтому сюда направили. Она в сауне увидела голых мужчин. Почему-то испугалась. Здесь же такая работа, сауна есть сауна, что поделаешь. Объясните ей.

– Қизим, тинчланинг, бу ҳаммом деяпти. Бу ерда эр-хотинлар бирга чўмилишади. Мен сув иситадиган қозонга олов ёқаман. Қўрқманг, хўпми?

Барно бош ирғади.

– Мени кечиринг, тоғажон, жуда қўрқиб кетдим.

– Ҳечқиси йўқ. Бир гап бўлса, мен шу бинонинг орқасидаман. Исмим Ёрахмад. Сизга ўхшаб мен ҳам бу ерга ишлагани келганман.

Барно оқсоқолга ялт этиб қаради ва юртдошини топиб олганидан кўнгли хотиржам тортгандек бўлди.

– Мен нима иш қиламан ўзи, тоға?

– Ичкари хоналарни супуриб тозалайсиз, чойшабларни ювасиз. Сиз араб аёлларига ўхшаб ўраниб кийиниб олинг, хўпми? Ҳеч кимга эътибор берманг, кўрмаганга, билмаганга олиб, ишингизни қилиб юраверинг.

– О чем ты болтаешь, Ярахмад? Иди к себе. Дальше сама разберусь. Если она не хочет работать, заставляю!

– Нет, всё нормально. Она поняла. Я ей всё объяснил.

– Скажи ей, чтобы она не вздумала убежать. А то хуже будет!

– "Қочиб кетишни хаёлига ҳам келтирмасин, оқибати ёмон бўлади", деяпти. "Ладно" денг, хўпми, қизим?

– Ладно, – деди келинчак секин ва наилож итоат қилди.

– А ну-ка, пошли. Я тебе покажу, чем ты будешь заниматься.

– Хўп, сизга омад ёр бўлсин, қизим. Ўзингизни эҳтиёт қилинг. Асло қўрқманг. Бўйсунингдан бошқа иложимиз йўқ. Ишлагани келдингизми, чиданг, сабрли бўлинг. Ҳа, айтмоқчи, эрингизга бу ерда кўрганларингизни айтишни маслаҳат бермайман. Ҳар ҳолда, заҳарли ертўладан кўра сизга шу ер яхши! Мен ҳам уч йилдан зиёд цехда ишладим, соғлигимни йўқотдим. Уйимга хат-хабар ҳам юборолмадим. Мени яқинда қўйиб юборишмоқчи. Соғ-омон ватанимга етиб олишга умид қилиб яшайман. Бу ерларни бошқа елкаминг чуқури кўрсин.

– Ты много болтаешь, Ярахмад. Иди, ты свободен!

– Ладно. Бўпти, қизим, ўзим сиздан хабар олиб тураман, – деди мўйсафид ва чиқиб кетди.

Ташқи эшикни тақиллатган эди, қуролли соқчи очди.

* * *

Шундай қилиб, тақдирга тан берган Барно саунада ишлай бошлади. Хоналарни иложи борица ҳеч ким йўқлигида тозалаб артиб олар, мижозлар ичкаридан хизматчи аёлни чақириб, бирор нима сўраб қолгани тақдирдагина танасининг кўзидан бошқа ҳамма жойини беркитиб кириб борар, ҳеч қаёққа қарамай фақат боши эгик ерга қараб юрар, стол устини тез-тез йиғиштирар, пиводан бўшаган шишаларни йиғар, идиш синиқларини супуриб-сидирар, сўраган сочиқ ёки чойшабларнинг янгисини олиб келиб берарди.

Бу ерга келган аёллар асосан оқ чойшабда кўкракларини тўсиш учун фойдаланишса, эркаклар белларига танғиб олишарди. Барно бу кўриниш ва ҳолатларга секин-аста кўника борди. У туну кун бошқаларнинг эътиборини иложи борица ўзига қаратмаслик, мабодо бирор шилқимлик содир бўлган тақдирда қаерга қочиш ва ўзини қандай ҳимоя қилиш чораларини кўриш ҳақида ўйларди. У баъзан ўзини кўр бўрилар ичра қолган қўзичоқдай

хис этар, аммо ҳар қандай кўзанинг бир кунмас бир кун қўлдан тушиб синиш хавфи борлиги ойдай равшан эди.

Одатдаги кунлардан бири эди. Тўладан келган бир маст ўзини тута олмай, арок шишасини ерга тушириб синдириб қўйди. Оқсоч Барнони чақиртиришди. У келиб тозалай бошлади. Гарангсиб ўтирган ўша маст мижознинг нигоҳи ҳозиргина қўлидан тушириб юборган шиша синиғини стол тагига кириб йиғиштираётган аёлнинг кўкрагига тушиб, чанг солди. Қўрқиб кетган Барно бошини стол тахтасининг қиррасига қаттиқ уриб, ҳушини йўқотаёзди ва қичқира олмади. Фурсатдан фойдаланиб маст орқасидан маҳкам кучиб олди. Барнонинг жаҳли жунбушга келди. Бор овози билан "Вой-дод, ёрдам беринглар!" дея ўзбекчалаб қичқирди. Аммо унинг маст шериклари ёрдам бериш ўрнига уларнинг устидан масхара қилиб кула бошлашди. Ниҳоят бирови: "Отпусти её. Она не шлюха, а служанка", деса ҳам қизга баттар ёпишиб, уни ўзи томон ағдариб ўша ернинг ўзида гўё ҳирсини қондириб олишни ихтиёр қилдими ёки ҳазиллашгиси келдими, ҳар ҳолда белига танғилган чойшабни ечиб итқитди. Барно қўрқиб кетди. Шишанинг синиқ бўлаги билан мастнинг дуч келган жойига туширди. Шиша эркакнинг аллақандай татуировка чизилган елкасини тилиб юборди. Барно стол тагидан жон ҳалпида чиқиб, қочиб қолмокчи бўлганди, силлиқ полда сирғалиб йиқилиб тушди. Ярадор бўлган киши оғриқдан шундай бўқирдики, саунанинг ойналари зириллаб кетди. Азоб тортган қизни жазолаш мақсадида унга томон ташланди. Воқеанинг жиддий тус олганини кўрган шериклари, яхшики, уни ушлаб қолишди. Қичқирикни эшитган сауна мудираси чопиб кириб хизматкорни етаклаб олиб кетди.

Ҳамма ноҳушлик кейин бошланди. Жабрланган кимса шу ерни ўз назоратига олган банда бошлиғи Эльфан исмли йигит бўлиб, у ҳеч қачон бировдан бундай жабр кўрмаган экан. Алам ўтида ёниб ҳовуридан ҳеч тушгиси келмасди.

Кейинчалик корхона бошлиғига, ўша аёлни менинг ихтиёримга берасан, йўқса корхонангни остин-устин қилиб ташлайман, деб дўқ-пўписа қила бошлади. Корхона маъмури унинг оилали экани ва эри ҳам шу ерда ишлаётганини маълум қилди. Унда эрини ҳам топиб берасан, дея шарт қўйди.

Иложсиз қолган бошлиқ Бекзод ва Барнони ўз ҳузурига чақиртириб, келинчакнинг бекор қаршилиқ кўрсатиб, унга тан жароҳати етказганини, энди ишлари пачавалигини маълум қилди:

– Ундан ўзларинг кечирим сўраб, керак бўлса, ялиниб-ёлворасанлар, акс ҳолда, улар сенларни олиб чиқиб кетиб ўлдириб юбориши мумкин. Мен ҳимоя қилолмайман, – деди.

Ниҳоят, ўртага қўйилган одам орқали "Ўз ихтиёри билан ўша аёл менинг қўйнимга киради, эри ҳам тепамда турсин", деган шарт қўйибди. Бекзод бу гапни Барнога таржима қилиб бермади. Йигитлик ғурури жунбушга келди. "Лекин ўша аблахни ўлдирсам, Барнонинг тақдири не кечади?" деган машъум ўй унинг хаёлини чулғаб олди.

Икки ёшнинг хаётида кутилмаган оғир кунлар бошланди. Барно ўзини қўярга жой тополмас, тинмай у ёқдан бу ёққа юрар, тунларни бедорликда ўтказарди. Яшаётган, лаш-лушларга тўла кичик омборхонанинг эшигига темир ҳалқа илинган бўлса-да, гўё кимдир уни бузиб очиб устига бостириб келаётгандай туюлаверарди.

У тунлари тепадаги кичик дарчадан мўралаб турган тўлин ойга қараб илтижо қиларди:

– Эй Яратган эгам, ўзинг мадад бер! Нима гуноҳ қилдимки, мени доим жазолаб келдинг. Ота-онамдан айирдинг, етим қолдим, эндигина бахтимни топдим деганимда энди шу хўрликлар ҳам бормиди?! – дея йиғларди.

Бир пайт эшик оҳиста тақиллади. Қиз ўзини ўғри мушукдек хона бурчагига олди. Ташқаридан Ёраҳмаднинг шивирлаган овози эшитилди:

– Қизим, қўрқманг. Бу мен, тоғангизман. Эшикни очинг, гап бор.

Барнонинг юрагида илинж олови ярқ этиб ёнди. У чопиб бориб эшикни очди. Мўйсафид қўлида егулик билан кириб келди. Тўрт дона олма экан. "Шуни еб олинг,

куват бўлади", деди у. Келинчак пиқиллаб йиглаб юборди ва бошини Ёрахмад аканинг елкасига қўйди. У мўйсафидни ўз отасидек кўриб қолганди.

– Ҳамма гапдан хабарим бор, қизим. Фалокат-да, – дея хўрсиниб қўйди у.

– Энди нима бўлади?.. – сўради Барно йиғламсираб.

– Битта йўли бор.

– ...?

– Бу ердан бир илож қилиб қочиб кетишларинг керак.

– Қандай қилиб?

– Менинг ҳам бошим қотиб қолди. Қўркманг, бир иложини қиламиз. Шу кунларда бошлиқ менга жавоб бермоқчи. Унинг ҳузурига кириб, иложи бўлса, сизларга ҳам рухсат сўрайман.

– Раҳмат, тоғажон. Илоҳим умрингиздан барака топинг, – деди келинчак мунгли.

– Қизимнинг ҳам бўйи етиб қолгандир. Тириклигимда уни кўриб, турмушга узатишим керак, – деди мўйсафид ўйчан ва чуқур хўрсиниб қўйди. – Умр шунақа тез ўтиб кетдики, келганимга дарров тўрт йил бўлиб қолибди. Хотинимнинг аҳволи не кечди экан, билмадим.

Улар шундай дардлашиб турган ҳам эдики, ташқаридан аллақандай шовқин эшитилди. Соқчининг тез юриб келаётган қадам товуши эшитилди. У эшикни қаттиқ тақиллатди.

– Эй, деушкка! А ну-ка, выходи!

– Ким у? – сўради қиз.

– Тебя начальник зовёт. Иди в сауну!

– Вой, тоғажон, анави киши нима деяпти?!

– Қўркма, қизим, мен бирга бораман.

Мўйсафид эшикни очди. Соқчининг кўзлари безовта эди. Уларни саунанинг орқа эшиги томон бошлаб борди. Аммо соқчи Ёрахмадни тўхтатиб қолмоқчи бўлди.

– Эй, ну-ка постой, ты куда?!

– Она моя дочь, мы вместе пойдём, понял?

– Да?! Смотри-ка.

Уларни сауна залида қўлини орқасига тираб, оёқларини кериб, виқор билан Эльфан кутиб турар, унинг уч-тўрт чапдаст йигитлари бирга эди.

– Ты кто такой? – сўради у Ёрахмадга еб қўйгудек нигоҳ билан.

– Я её отец. Хочу за неё попросить прощения. А она совсем не знает русский язык. Понимаешь, она беременная и захотела защитить ребёнка. Прости её. Мы люди, созданные богом, к друг другу не должны иметь зло. У нас, у мусульман, женщины не только в сауне работают, и даже не проходят между двумя мужчинами.

Эльфан анча ҳовуридан тушгандай кўринди.

– Бўлмаса, у бу ерда нима қилаяпти?! – деди у ўз тилида ўшқириб.

– Цехда ишлолмаяпти, боласи нобуд бўлиши мумкин. Эркаксан-ку ахир. Сен учун бошқа қизлар тикилиб ётибди.

Эльфан машинасининг калит занжирини айлантириб бир оз хўмрайиб турди-да: "Бўлмаса, кўзимга бошқа кўринмасин. Болалар, кетдик!" дея ортга бурилиб чиқиб кетди. "Раҳмат сенга!" деди мўйсафид. Барно титраб-қақшаб йиглаб чўккалаб қолди. Ёрахмад уни ўрнидан тургазиб қўйди.

– Раҳмат, отажон. Бу яхшилигингизни ҳечам унутмайман.

Эртасига Ёрахмад бошлиқ олдига кирди. Унинг бўлган гаплардан хабари бор экан, мўйсафидни мийиғида кулиб қарши олди.

– Нима, сен дарров қизлик ҳам бўлиб олдингми-а?

– Инсонлик бурчимни бажардим, холос. Бечора ўзи етим ўсган экан, эри ҳам етим. Қўшнилари никоҳлаб қўйишибди. Улар бу ёқларга ҳалол ишлаб, пул топгани келишган.

Иложи бўлса, уларга ёрдам қил, савоб бўлади. Ёки, уларга ҳам рухсат бер, мен уларни ўзим билан бирга ола кетай.

– Йўқ. Энди улар ишлайверишсин. Сенинг ўрнингга ўша йигит гўлаҳчилик қилаверади. Майли, ўша омборхонада ҳозирча яшаб тураверишсин. Фарзандли бўлгач, кетишса кетаверади.

– Раҳмат сенга, Аркадий.

Аркадий улкан сейфининг пастидаги эшигини очди-да, у ердан Ёрахмаднинг паспортини топди ва бир талай пул олиб узатди.

– Манави учун раҳмат десанг, арзийди, отахон. Лекин Эльфанны шаштидан қайтардинг, қойил! Мен буни ҳечам қутмагандим. Ўзинг ҳам ёмон ишламадинг. Раҳмат сенга. Аммо бир илтимос бор.

– Қанақа илтимос?

– Бу ерда кўрганларингни ҳеч кимга айтмайсан. Чунки ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз махфий. Бу корхона юқоридаги катта бир амалдорларга қарашли. Агар бу ернинг сирлари фош бўлиб қолгудек бўлса, сени соғ кўйишмайди. Ҳамма координатларинг бизга маълум. Тўғриси айтсам, ҳали бу ердан ҳеч ким соғ-омон чиқиб кетмаган. Лекин мен сенга ишонаман. Бўпти, уйингга эсон-омон етиб ол. Сени Барнаулгача элтиб қўйишади.

– Ҳа-ха, тушунаман. Кўнглинг тўқ бўлсин. Ҳеч кимга чурқ этмайман, ишонавер.

* * *

Барнонинг ой-куни тобора яқинлашиб, ишга яроқсиз бўлиб борарди. У энди асосан машинада кир ювиш ва дазмоллаш ишларини бажарарди. Сауна ичкарасида бир рус кампир фаррошлик қила бошлади. Бекзоднинг ҳам кўнгли хотиржам тортди. Чунки яхши иш топди. Қишда ҳам қозонхонада иссиққина олов олдида ишлайди, хотини ёнида, кийимлари, ўзи доимо озода, қорни тўқ, баъзан саунага ҳам кириб туради. Аммо Бекзод ила Барнони фақат бир муаммо ташвишлантирарди. Бу гўдакни эсон-омон дунёга келтириб олиш, сўнгра уни парваришлаш. Корхона маъмурлари бу ҳолга қандай қарашади, номаълум эди. Улар ҳам албатта туғруқхонада аёлнинг кимлиги, қаерданлигини суриштиришларини билишарди. Бу ҳол корхона сирлари ошкор бўлишига олиб келиши мумкин. Шу туфайли кимё корхонасининг раҳбари Аркадий Михайлович сауна мудираси Марияни ҳузурига маслаҳатга чақиртирди. Мария уни хотиржам қилиб, Барнони янги фаррош Зоя холаникига олиб кетишларини ва ўша ерда кўзи ёришини айтди. Аммо чақалокни корхона ҳудудига олиб келмай, эру хотинга бутунлай жавоб бериб юбориш кераклигини тавсия қилди.

– Яхши, – деди бошлиқ. – Лекин улар бу ерда кўрганларини бошқаларга айтиб қўйишлари мумкин-ку...

– Улардан тилхат оламиз. Қўлларига ҳужжати, маошларини берамиз. Кўрасиз, улар сиздан жуда миннатдор бўлишади ҳали.

– Бўпти, келишдик. Ишингизни қилаверинг. Кампирга айтинг, тайёргарлигини кўраверсин.

Бекзод ва Барнонинг бу гаплардан хабари йўқ эди. Улар тунлари ширин орзуларга берилардилар:

– Бекзод ака.

– Ҳов...

– Ухляяпсизми?

– Йўқ.

– Ёрахмад ака уйига етиб олгандир-а?

– Ҳа, нима эди?

– Яхши одам экан. Мени ўз қизидай кўрарди. Борсак, шу кишини излаб топамиз-а?

– Хўп.

- У кишини бир йўқлаб келамиз-а?
- Ҳа.
- Қизик, ўғилли бўлармикинмиз, қизликми?
- Билмасам.
- Исмини нима қўямиз?
- Уф-ф, ухлайлик.
- Ўғил бўлса, Ёрахмад деб қўяйлик.
- Хўп.
- Қиз бўлса-чи?
- Ҳе, ойингни...!
- Бўпти, ойимнинг исмини қўямиз. Ҳақиқатан ҳам Лобар – яхши исм.

Барно севиниб дўппайган корнини аста силаб қўйди. Эрининг хуррак овози эшитилди, бироқ Барнонинг уйқуси қочганди.

* * *

Зоя хола билан унинг бир вақтлар туғруқхонада доя бўлиб ишлаган қўшниси Ирина деган кампир доялик қилишди. Барно кўчқордай ўғил кўрди. Унга Ёрахмад деб исм қўйишди. Бир ҳафта ўтгач, Мария Бекзоднинг ёнига келиб, унинг қўлига хужжатлари ва бошлиқ берган маошини тутқазди.

– Манави қоғозларга имзо қўй.

– Қанақа қоғоз?

– Биттаси пул олганинг ҳақида, иккинчиси корхона сирларини ошкор этмаслик тўғрисида тилхат. Мабоодо ваъдангни бузсанг, ўзингга ёмон бўлади.

Бекзод хужжатларга индамай қўл қўйиб берди.

– Эртага хизмат машинамиз Новосибирскка иш билан бораркан, нарсаларингни йиғиштириб Зоя холаникига бор. Новосибирскдан Тошкентга поездга ўтирасизлар.

– Нима, биз кетамизми?

– Чақалоқни корхона ҳудудига олиб кириш мумкин эмас. Истасанг, уни ватанингга ташлаб, қайтиб келишинг мумкин.

– Бўпти. Бўлмаса, шундай қиламиз. Сизларга кўп раҳмат. Мен албатта қайтиб келаман.

Эртаси корхонанинг хизмат машинаси уларни Новосибирск темирйўл бекатига ташлаб қўйди. Аммо поезд учун чипта фақат уч кундан кейингагина бор экан. Танимаган, билмаган шаҳарда янги туғилган чақалоқ билан юриш улар учун жуда мушкул туюлди. Бекзод чиптахона ёнида турганида ҳамюрт бир йигит "Истасанглар, бозор ёнида бугун жўнайдиган автобус бор. Чиптасиям унчалик қимматмас", деб қолди. Бу гап Бекзодга маъқул тушди. Йигит хотинига икки кунда манзилга етишларини, бола йиғласа, Барно уни эмизиб кетавериши мумкинлигини тушунтирди.

Улар келишганида автобус деярли тўлганди. Ниёзбек исмли ҳайдовчи ўриндикдаги икки йигитни орқага ўтқазиб, уларга жой қилиб берди.

– Чақалоғимиз футболчими ёки каштачими? – сўради у жилмайиб.

– Футболчи.

– Исми нима экан?

– Ёрахмад.

Эндигина ўриндикқа жойлашиб олган Кибриё ва Нилуфар бир чўчиб тушишди. Ашурали исмли ҳамроҳи билан эндигина танишиб улгурган Бекзод ҳам хушёр тортди.

– Ўх-хў, полвон йигит Россияда туғилибди-да, а?

– Ҳа, шунақа бўлиб қолди, – деди Бекзод кулиб ва атрофдагилар билан салом-алик қилди.

Бу пайтда автобус ҳайдовчиси Козим кўзларини ола-кула қилиб чиқиб келди ва йўловчиларга бир совуқ назар ташлади-да, ўз ўриндиғига ўтириб, машина моторини юргизиб қўйди. Сўнгра ойна орқали салондаги йўловчиларни синчков кузата бошлади.

– Ҳурматли биродарлар! Шошилинглари! Автобус Тошкентга жўнаётти. Чипта олганлар, бўлинглари, тез чиқинглари, – деди у микрофонни ёқиб.

Кимлардир юқларини юқхонага жойласа, кимлардир тахтакчалар олиб ўртадаги йўлакка ўтириб, уни тўлдира бошлади. Хорижда иши юришмаган, тутқунликка тушиб қолган, деярли пулсиз ва ҳеч вақосиз қайтган йигитлар йўлакда ўтириб кетишарди. Уларнинг ичида норғул ва басавлатлари ҳам бўлиб, улар қувноқ кўринишар, ватанига қайтаётганларидан мамнун эдилар. Бир шўх йигит барчага мурожаат қилиб қичқирди:

– Йигитлар, келинглари, тахланиб терибли ўтирамыз! Бунинг ҳеч уяти йўқ. Ҳамма ўзимизники, иссиққина кетамиз, нима дединглари?!

Бир-икки йигитлар бу гапга тушунмай ҳайрон бўлишди. Ҳайдовчига ҳам жон кирди. У ўрнидан туриб гезарган ҳолда деди:

– Ҳа-ҳа, тўғри. Тахланиб ўтирсанглари, бемалол кетасанлар. Оёқларинг ҳам увишмайди.

– Қанақа қилиб? – сўради бошқа бирови.

Халиги мурожаат қилган йигит тахтакчага ўтириб олди-да, олдидаги йигитни туртди ва оёқларини кенг очди.

– Сиз менга суяниб оласиз, мен орқамдагига худди креслода ўтиргандек юмшоққина, мана бунақа қилиб ўтираман.

– Унда бошида ўтирган қаерга суянади? – сўради бошқаси.

Йигитлар қулиб юборишди.

– Унинг орқасига кўрпачани тахлаб кўямиз.

Автобусдаги йўловчиларнинг кайфияти кўтарилди. Баъзи йўловчилар келишиб ўриндиқларга уч кишидан ўтиришди. Шундай қилиб, жами саксонгача йўловчи жойланди. Автобусга чиқишга пули ҳам, паспорти ҳам йўқ деб қаралган яна икки йигит ташқарида мўлтираб қараб туришар ва чиптачига тинимсиз ялинишмоқда эди.

– Бизниям олиб кетинг, жон ака, илтимос.

– Ҳақини тўланглари, марҳамат. Бўлмаса, паспортларингни беринглари. Кейин йўлқирани тўлаб, паспортларингни олиб кетасизлар.

– Паспортимиз ҳам йўқ-да. Олиб қўйишган.

– Унда билмадим нима қилишни. Йўлда текширишади-ку, ахир, – деди ҳайдовчининг шериги елкасини қисиб.

– Юқхонадаям кетаверамиз, амаки, – деди йигитлардан бири.

– Қанақа қилиб?

– Ўзимиз жойлашиб оламиз. Қолиб кетмайлик, илтимос.

– Ана, шеригимдан сўранглари, бўлмаса.

Автобуснинг олд қисмида ўтирган Ашурали исмли йигит гўё игнанинг устида ўтиргандек бетоқат, ғимирлаб-қимирлаб, қўяр, у йўловчиларни ўта қизиқиш билан кузатиб, уларга ёрдам бергиси келарди. Бу унинг феълига хос одат эди. У чиптачи киши билан ташқаридаги чорасиз йўловчилар мулоқотини эшитиб қолиб, дарров гапга аралашди ва ҳайдовчининг ўрнига жавоб қайтарди:

– Албатта кетишади. Болалар мусофир юртда қолиб кетишармиди?! Бир илож қилиб сиғишиб олармиз, йигитлар, чиқаверинглари! – деди у.

– Тўғри, иложи борица олволишимиз керак. Бечоралар қаёққаям боришарди, – дея уни тасдиқлади Низомхўжа исмли мўйсафид ҳам.

Унинг ўрнига рухсат бераётгани учун ҳайдовчи норози олайиб қараб қўйди.

Ҳайдовчи ёрдамчиси тушиб, юқхонани очиб, овозини баландлатиб сўради:

– Ростдан ҳам кетаверасиларми?

– Ҳа!

– Ундай бўлса, тезроқ чиқинглар-чи, – деди у ва юкхонанинг олд қисмидаги халта-хулталарни олиб, йигитларни чиқаргач яна қайтиб жойлаб, юкхона эшигини ёпиб кулфлади.

Унинг бу ишига ҳеч ким эътироз билдирмади.

– Яхши қилдингиз, савоб бўлади, – деб қўйди ҳалиги мўйсафид илиқ жилмайиб.

Ниҳоят, автобус юришга чоғланди.

– Қани, бир дуо қилинг-чи, отахон! – деди Ашурали.

– Омин, сафаримиз беҳатар бўлсин! Ватанимизга, бола-чақамиз бағрига эсон-омон етиб олайлик. Ҳайдовчиларимиз ҳоримасин, тағларидан доимо шамол ўтиб, тўрт мучамизни саломатликда манзилимизга етказишсин, оллоҳу акбар!

Ҳамма қўлини юзига сийпади. Фақатгина кепка кийиб олган Саидвафо исмли мўйсафид кўзларини мўлтиратиб Низомхўжа ота ёнида бепарво ўтирарди.

Учинчи боб ЯНА ЖАМШИД, ЯНА НИЛУФАР

Жамшиднинг қурилиш бригадасидагилар туну кун ишлашарди. Чунки яқинда ёгин-сочин, қиш-қировли кунлар бошланади. Унда ташқарида ишлаш янада қийин кечади. Шунгача девору томни битиришлари керак. Кейин деразаларни целлофан билан беркитиб, печ ёкиб, ички пардоз ишларини бажарса бўлаверади.

Қурилаётган бино уч қаватли бўлиб, томи замонавий мансардали маъмурий офисга мўлжалланаётганди. Лишт терилиб, девори кўтарилгани сари қурувчиларга қўшни корхона ҳовлиси ҳам кафтдек кўриниб борарди. Қўшни ишхонада ишловчилар асосан бино ичкарисида бўлиб, ускуналар ва ҳаво тозаловчи двигателлар овози баралла эшитилиб турар, баъзи-баъзида ташқарида аравада чиқинди юклаган ишчилар, ошхона қолдигини олиб чиққан оқ халатли аёллар кўриниб қолар, қуролланган соқчилар ҳушёр туришар, юзига ниқоб тақиб олганлари боис уларнинг қайси миллатга мансублигини фарқлаб бўлмасди.

Жамшид бирор қўшиқни хиргойи қилиб ҳафсала билан ғишт терарди. Бироқ қай ишга қўл урмасин фикру хаёли Нилуфарда эди. "Нега у хатларимга жавоб ёзмапти? Тинчмикин? Ё отаси Ёраҳмад ака борган бўлса-ю, уни бошқа бировга унаштиришганми? Томни ёпгач, бирон ҳафтага жавоб сўрайман. Маошимни уйдагиларга ташлайману қайтаман. Эҳтимол, унаштириш маросимини ўтказиб келарман. Қиш совуқларига қолиб кетмасдан бинони топширсак, яхши бўларди. Бориб фотиҳа тўйини ўтказиб келардим.

Шу маҳал бир ишчи йигит қўшни корхона томонга ишора қилиб қолди.

– Қара, Жамшид. Ҳув анави челақ кўтариб кетаётган аёлни кўряпсанми?

– Нима, хотин кўрмаганмисан, ишингни қилсанг-чи! – дея жеркиб берди хаёлини бўлганидан ранжиб.

– Биз томонга қараб-қараб қўйди-да.

– Қараса нима бўпти?

– Назаримда, ўзбек қизига ўхшайди.

– Э, қўйсанг-чи, бу ерда ўзбек қизга бало борми? Кўзингга ўрис кампирлар ҳам қиз кўриняпти, шекилли.

– Йўқ, ана қара, иккита узун қора қокили ҳам бор.

Жамшид нигоҳини узоқда ахлатхона томон кетаётган аёлга қаратди. Юраги "жиз" этди. Нилуфарнинг худди шунақа ўрилган қўш қокили бор эди. Қўли ғиштдаю, хаёли "ташда" бўлиб, ўша аёлни беихтиёр кузата бошлади.

Юзига оқ никоб таккан аёл челақларни бўшатди. Эгилганида кокилларида бири ёнига тушди ва худди Нилуфарга ўхшаб кокилини ортига ташлаб олди. "Ёпирай, худди ўзи-я!" деб юборди йигит. Қўлидаги ғишт бир сония муаллақ қолди. "Тавба, мениям кўзимга алламбалолар кўрина бошлади чоғи. Севги дегани шунақа бўлса керак-да".

Челак кўтарган киз хиргойини эшитдим-йўқми, ҳарҳолда қурувчилар томон бир қараб ўтиб кетди. Соқчилардан бири қичқирди:

– Куда смотриш?! А ну-ка, марш отсюда!

Аёл шошганча йўлида давом этди.

Эртасига, индинига ҳам Жамшид ўша аёл чиққан томон негадир беихтиёр қараб-қараб кўядиган бўлиб қолди. Аммо бир сафар жувон ўрнига юзига оқ никоб таккан ёши каттароқ аёл чиқиб келарди. У ҳам қурувчилар томон гўё бир илинжи бордек бир неча бор нигоҳ ташлаб ўтди.

– Асрор, қара, кечаги қиз кетаяпти, – деди Жамшид ҳазиллашиб.

– Бе, бу киз эмас, кампиршо-ку. Худди сенинг яхши кўрадиган Нилуфарнинг онаси бор-у, исми нима эди?

– Кибриё хола.

– Ҳа, ўша холага ўхшаб юрарканми-а?

– Оббо, жа опқочасан-да, ўхшатган одамнинг қараю. – эътироз билдирди Жамшид ва кетаётган аёлнинг ортидан қараб, ичида ўзича ҳақиқатдан ҳам ўхшаркан, деб кўйди.

Асрор Нилуфарларнинг узок қариндоши бўлиб, бўлиб ўтган гаплардан хабари бор эди. У бир-икки бор Жамшидга "почтачилик" ҳам қилганди.

Кунлар ўтаверди. Бинонинг деворлари кўтарилиб қолди. Томни ёпгани профнастил келишини пойлаб баландликда тушлик қилиб ўтиришди. Машинадан эса дарак йўқ. Жамшид гитарасини олиб чиқиб қўшиқ айта бошлади. Негадир унинг кўнгли қўшни корхона томон ўша қўшқокилли киз чиқишини пойлар, худди сеҳргарлар ҳақидаги китоблардаги каби унинг Нилуфарга айланиб қолишини ва "Жамшид ака!" дея қўл силташини жуда-жуда истарди. "Қизик, рус кизларидаям бунақа қўш кокил бўларканми? Эҳтимол, биз тарафдан ишга ёлланиб келган кизлардандир. Наҳотки Россияга аёлларимиз ҳам келишиб, оғир ишларда ишлашмоқда?

Жамшид қўшиқ айтаркан, кўз олдидан Нилуфар билан ўша ғарқ пишган шафтолизор боғ кезганлари бир-бир ўта бошлади. Шу маҳал ўша қўшқокилли аёл челақларини кўтариб чиқиб келди ва у такка тўхтаб қурувчилар томонга қараб бир оз туриб қолди. Соқчи бир нима деди шекилли, шу томон қарай-қарай ахлатхона тарафга кета бошлади.

Жамшид аёлга тикилганича ўзи куй басталаган, **"Яралган"** деб аталган қўшиқни куйларди:

*Ҳижрон ҳоким, бу дунё,
Асли бир кам яралган.
Наҳот бир муҳаббатга,
Минг бир ҳакам яралган.*

*Бахт ярим, қайғу ярим,
Айт, не бекам яралган.
Наҳотки эзгуликнинг,
Кўзлари нам яралган...*

Жувон ярқ этиб қаради-да, ахлатини тўқди. Жамшиднинг назарида, гўё шафтолизор боғда Нилуфар жилмайиб қаради-да, челагидаги меваларини тўқди. Қўшиқ оҳанглари аёл томон элас-элас этиб борар, уни ичкаридаги дастгоҳ товушларию ҳаво тозалагичнинг шовқинлари босиб кетмоқда эди.

Кунлар ўтди. Бино томлари ҳам ёпилиб битдию, ёмғирлар ҳам бошланди.

Ёғинли кунларда, бўш пайтларда Жамшид баъзан мансарда чердагида суяниб ўтириб, ўша қўш кокилли қиз чиқишини пойлар ва унинг ўрнига гўё Нилуфар чиқиб келадигандек интиқлик билан куйларди. Айниқса, момақалдироқ гумбирлаши, яшин чакнаши унинг кўнглига ҳамоҳангдай эди.

Аммо бир куни кутилмаган ҳол юз берди. Бу эртакмиди, сеҳрмиди, Жамшид тушунолмади.

Қўшни корхонада ва умуман, мана шу ҳудудда электр подстанциясини яшин урган чоғи, чироқлар тўсатдан ўчиб, дастгоҳ шовқинлари такқа тўхтади.

Ичкаридан ишловчиларнинг овозлари, бақир-чақирлари эшитила бошлади. "Ҳой, чироқни ёқинглар!", "Бақирма!", "Ким бор, ёрдам беринглар, қўлим қисилиб қолди!" деган ўзбекча овозлар ҳам қулоққа чалинди. Аммо Жамшид сеvimли қўшиғини куйлашда давом этди:

*Момо Ҳаво меҳридан,
Шу буюк ғам яралган.
Јунчанинг япроғи деб,
Тонгда шабнам яралган.*

*Висол ҳаким дардима,
Ишқидан малҳам яралган.
Зор, бедор тунларимда,
Шеър ила шам яралган.*

*Ҳижрон ҳоким, бу дунё,
Асли бир кам яралган.
Наҳот бир муҳаббатга,
Минг бир ҳакам яралган*.*

Шовқин овозлари бир-бир сўнди. Ортидан темир панжара қопланган баланд деразаларда одамларнинг бошлари кўриниб, улар тобора кўпаяверди. Улар ўзбекча қўшиқ куйлаётган йигитга томон талпинишмоқда эди.

Шу маҳал ошхона томондан ўша кокилли аёл ниқоб тақмаган ва қўлларида челақ тутган ҳолда чиқиб келди. У аввалига бир дақиқа қўшиқни тинглаб турган бўлди-да, кутилмаганда челақларини даранглатиб ташлаб "Жамшид ака!" дея қичқириб, устига тиканли сим тортилган баланд девор сари чопиб кела бошлади. Жамшид бу маҳалда қўшиққа шундай берилиб кетган эдики, ёғаётган шиддатли жала ҳам, чакнаётган яшин ҳам унга гўё жўр бўлишаётгандек эди.

...Ана Нилуфар кўз олдида боғ ичида ёмғирда унга томон чопиб келмоқда, мевалари ерга сочилмоқда, "Жамшид ака!" дея қичқирмоқда. Ана, у йиқилиб тушди. Бир боғбон, э, йўк, қуролли соқчи у томон чопиб келмоқда. Ана уни турғизмоқда, ўшқирмоқда... Қиз бўлса лойга беланиб йиғламоқда...

...Автоматдан осмонга ўқ отилиши Жамшидни ҳушёр торттирди. Соқчи бу ишни огоҳлантириш учун қилганди.

– Эй парень, зачем ты орёш?! – дея қичқирди у.

– Кто орёт?! Я же пою! – деди Жамшид.

– Жамшид ака!!! – дея бор овози билан чинқирди Нилуфар.

Жамшид лол қолди. Воқеа унинг тасаввурида эмас, ўнгида рўй бераётганини англади. Қўлидан гитара даранглаб тушди, бир тори чирт узилди.

– Нима?! Нилуфар!... Бу сенми?!

– Жамшид ака, бизни қутқаринг!

– Бу ерда нима қиляпсан?!

- Бизни алдаб олиб келишди! Отам бу ерда йўқ экан!.. Сизниям кидирдик!
- Эй девочка. А ну-ка замолчи! А то сейчас башку получишь!

Жамшиднинг эси оғиб қолаёзди. Томдан йиқилиб тушай деди. У то ўзига келгунига қадар соқчи Нилуфарнинг қўлларидан тортқилаб олиб кетаверди. Рўмоли ерга тушиб лойга буланди, қўш қокили ортига осилиб тушди. Момақалдироқ гумбурлади. Яшин чакнади. Қизнинг сўнгги бор "Жамшид ака!" дея қичқиргани момақалдироқ товушларига сингиб кетди. Соқчи қизни урган чоғи, овози ўчди. Чироқ ёнди. Яна дастгоҳлар шовқини борликни тутди.

Жамшид "Нилуфар!" дея қичқириб бино тепасидан ўкдай отилиб тушди. Қарта ўйнаб ўтирган шериклари нима гаплигини билолмай ҳайрон бўлишди. Йигит шаррос ёғаетган ёмғир остида баланд девор бўйлаб у ёқдан бу ёққа "Нилуфар!" дея ҳайқириб чопарди. Нимагадир қокилиб, йиқилди ва анчагача ўзига келолмади.

– Ҳой тентак, сенга нима бўлди?! – деди Асрор.

– Нилуфар!

– Қанақа Нилуфар?! – сўради бошқа йигит.

– Нилуфар шу ерда экан!

– Қўйсанг-чи, бу ерда у нима қилади? Кўзингга кўринган! Соғингансан-да!

– Йўқ, Асрор! – дея вазоҳат билан бақирди Жамшид. – Кокилли қиз ўша экан! Уни алдаб қул қилиб сотиб олишибди. Соқчи судраб олиб кетганини ўз кўзим билан кўрдим!..

Жамшид шундай дея яна девор томон чопди. Осилиб чиқишга уринди. Бир гал деворга осилиб олди ҳам. Аммо йигитлар тортиб қолишди. У лойга беланди.

– Қўйворларинг мени! Мен Нилуфарни қутқаришим керак!

– Ҳой, каллани ишлат. Девордан ошсанг, сени итдай отиб ташлашади. Ақл билан иш қилайлик! – деди Асрор.

– Ҳа, бошлиқ келсин, маслаҳат қиламиз. У албатта ёрдам беради. Ўзингни қўлга ол, Жамшид!

– Тавба, бу қиз қаердан келиб қолибди-а? – ҳайрон бўлиб сўради бирови.

– Жамшидни қидириб келган экан, – деди Асрор.

– Э, йўқ, отасини, – деди Жамшид бўғилиб.

– Демак, қиз асирликда, шунақами?

Жамшид бош илғади.

– Йигитлар, бир йўлини қилайлик, уни қутқаришимиз керак, – бақирди Асрор.

– Юринглар, бу ерда турмайлик. Ивиб кетдик. Ичкари кириб маслаҳатлашамиз! – деди Собир исмли андижонлик йигит.

Улар чала бино ичига тўпланишди. Йигитларнинг бошига оғир ташвиш тушганди. Агар бригадир Жамшидга ёрдам бермаса, бу ердаги ишлар ўлда-жўлда қолиши, шунча қилган меҳнатлари чиппакка чиқиши ҳам мумкин эди.

* * *

Ниҳоят, Жамшид ўзига келгандай бўлди. У бошини чангаллаганича ўйларди. Унда ахлат тўкиши учун эшик калити бор-ку... Нилуфар челақ кўтариб чиққан маҳали у ҳам шериги билан ахлат олиб боради. Дўсти соқчини чалғитиб туради. Улар гаплашиб олишади.

Бу оқилона режа иш берди.

Жамшид, Асрор ва Собир қурилиш чиқиндиларини араваларга юклаб тахт қилиб кўйишди. Одатда, Нилуфар ҳар куни тушликдан сўнг челагини кўтариб чиқарди. Жамшид соқчига қараб қичқириб бошлиғи билан келишган ахлат чуқурини кўмиш учун қурилиш чиқиндиларини ташимоқчи эканликларини маълум қилди. Сўнгра ўзи бориб эшикни очиб дастлаб Собирни киритди. У ахлатни тўкиб бўлгач, ортига қайтди. Бу маҳалда Нилуфар чиқиб келди ва қўшни қурилиш майдонидан келаётган кишига кўзи тушиб шошилди. "Ҳой, тўхтанг!" деди у.

– Жамшид, бўл тез, анув қиз чикди! – дея кичкирди Собир.

Арава судраган Жамшид ўқдай отилиб чикди, кетидан Асрор эргашди. Жамшид ила Нилуфар сассиқ чуқур ёнида учрашишди. Бадбўй хид ва куролли соқчиларга парво ҳам қилишмади. Асрор икки арава ва икки челақни шошилмай бўшатишгунича севишганлар чуқурлик ичига тушиб олишди. Сассиқ, ачиган ахлатга тиззаларигача ботган ҳолда қучоқлашиб бир-бирларини бағрига босишди.

– Жамшид ака!

– Нилуфар! Наҳотки бу сен?

– Ҳа, бу мен, – дея қиз пиқиллаб йиғлаб юборди.

– Кўзларимга ишонмайман.

– Мен ҳам.

– Бу ерга қандай қилиб келиб қолдинг?

– Ойим иккимиз отамни қидириб келдик. Бизларни алдашибди. Бу ер қамоқхона экан.

– Нима, қўйворишмас эканми?

– Йўқ. Мажбуран ишлатишаркан. Паспортларимизни олиб қўйишган. Одамларнинг кўпи касал. Ҳаммаси ўзбек, тожик, қирғизлар... Бизни қутқаринг, Жамшид ака!

Шу пайт Собир шивирлади:

– Жамшид, тез чиқинглар, соқчи хитланаяпти.

Жамшид тепага чиқиб қизни тортиб олди.

– Сен кўркма, Нилуфар. Биз манави қурилишдан, чиқиндиларни энди ҳар куни шу ерга тўкамиз. Сен ҳам шу маҳалда келавер. Сизларни албатта қутқарамиз. Тушундингми?

– Ҳа, – деди қиз кўзлари ёниб.

– Ўзингча ҳеч қанақа ҳаракат қилма. Анавиларнинг назарига тушма. Ўзингни дайдиға солиб юр. Шунда ҳеч ким сенга яқинлашмайди.

– Хўп, – деди қиз жилмайиб.

– Ҳозирча хайр. Мен тунда, шовқинлар тинган маҳали сен учун қўшиқ айтаман. Фақат сен учун. Тушундингми?

– Ҳа, тушундим, – деди қизнинг кўзлари порлаб.

Нилуфар ҳам, Жамшид ҳам ўз гўшалари томон хотиржам қайтишди. Икки ёш шундай бахтиёр эдиларки, бу оламда бундай гўзал гўша, "хушбўй, ифорли" маскан йўқдай тўйиб-тўйиб нафас олгилари, ҳайқиргилари келарди.

Жамшид кела солиб қўлига гитарани олди-да, муҳаббат ҳақидаги шўх қўшиқларидан бирини айта бошлади.

Мен севаман, сен севасанму?

Мени йўқлаб боғ кезасанму?

Юрагимни ҳеч сезасанму?

Мен севаман, сен севасанму?...

Собир билан Асрор эса рақсга тушишди. Қолганлар қарсак чалиб туришди.

Нилуфар ҳам ошхонага чошиб кириб келди-да, ўзини онасининг бағрига отди.

– Нима?.. Отангни кўрдингми, қизим? – сўради аёл қизининг бошини силаб.

– Йўқ. Жамшид акамни. У шу ерда. Сизга айтгандим-ку у бизни қидириб топади деб!

– Онанг ўргилсин, болам. Пешонангга ўша йигит битилган экан-да..

* * *

Она-бола ўзларини алдаб олиб келиб сотиб кетганларини кейинроқ англашди. Бу ҳақда бош ошпаз тожикистонлик Саидмурод айтди.

– Оббо, ярамаслар-ей, сизларниям лақиллатишибди-да. Эркакларни лакма бўлади десам, кап-катта аёлларниям-а, тавба, – деб қўйди у.

– Вой, нега унақа дейсиз, айланай?

– Чунки бу ерда эрингиз йўқ. Энди сизлар ҳам бедараклар сафига қўшилдингиз. Чунки бу ердан ҳеч ким қочиб кетолмайди.

– Вой ўлмасам, ростданми? Фақат сиздан илтимос, бу ҳақда қизимга айта кўрманг-а, хўпми? Кейинроқ ўзи тушуниб олар. Мен қизим шўрликни отангни топиб келамиз, деб уйдан судраб чиққандим-да.

– Хўп-хўп, айтмайман. Лекин қочишни хаёлларингга ҳам келтирманглар. Соқчилар аямай отиб ташлашади. Бир-иккитасини шунақа қилишди. Жасадларини итнинг ўлигидай кўмиб ташлашди.

– Бизни қўйворишармикин-а?

– Умид қилиш керак. Яхши ишлаш керак. Инсоф берса бир кун қўйиб юборишади.

– Вой ер юткурлар-ей. Бу ўша, таможняда турадиган кишининг иши. Худо хоҳласа, бу ердан эсон-омон чиқиб олай, ўша ўлгурни топиб, бошлаб таъзирини бераман. Мусулмон мусулмонни шунақа қилса-я, ҳе ўлгур!..

– Сизга ўхшаб куйганлар қанча.

– Демак, ўша ер юткур эримни ҳам аллақаска олиб бориб сотиб юборган. Мен бўлса уни бошқасига уйланиб олган деб хафа бўлиб юрибман, – деди аёл ва кўзларига ёш олиб.

Шу маҳал ювилган идиш-товокларни кўтариб Нилуфар келиб қолди.

– Ҳа, ойижон, тинчликми? Нега йиғлаяпсиз?

– Отанг шўрликни қаердан топамиз энди, қизим?

– Анави кўшни қурилишда ўзбеклар ишляаяпти. Эҳтимол, отам ўшалар биландир.

– Ким билади дейсан, қизим. Қандай сўраймиз у ёқдан?

– Мен бир уриниб кўраман. Улар ҳам ахлатини бизнинг чуқурга ташляаяпти.

– Вой, шунақами? Унда суриштираверайлик-чи, зора оҳимиз худога етса.

Серёмғир кунларнинг бирида бу "оҳ" Жамшидга етди ва кўшиқ бўлиб акс-садо берди. Нилуфар соқчидан калтак еди ва бу ернинг қанақа жой эканини яна бир бор англаб етди.

* * *

Жамшиднинг боши қотди ва аввало теvarак-атрофни, она-болани олиб қочиш йўлларини аниқлашга қарор қилди. Аммо хаёлида саволлар ғужғон ўйнади: "Нима учун қочишлари керак ўзи? Кимдан қочади? Бу сассиқ жой ўзи қанақа ташкилот? – деган ўйга борди йигит. – Одамларни нега мажбурлаб ишлатади? Ноқонуний ишлаб чиқариш бўлса керак. Бу ерда арзон ишчи кучи – қуллар ишлатилади. Айни инсоният тараққий этаётган замонда – ХХІ аср қуллари! Ҳеч ақлга сиғмайди. Ахир "инсон ҳақ-ҳуқуқлари ер юзида химояга олинган" деб жар солишади-ку. Демак, бу ерга одамлар ишлагани ўз ихтиёрлари билан эмас, балки алдаб, мажбуран олиб келинган кўринади".

У аввало мана шу шубҳали ташкилот атрофини ўрганиб чиқмоқчи бўлди. Қўлига бир болтани олди-да, кўрган кўзга гўё ўзини дарахт кесгани кетаётгандай кўрсатиб, девор атрофи бўйлаб айланди. Сўнгра кичик сўқмоқ йўл, чангалзор ва ўрмонга тутшиб кетган бутазор орасида ғойиб бўлди.

Машина йўли фақат ташкилот дарвозасига қадар келган бўлиб, бу ёғи дарё соҳилига туташ ботқоқликдан иборат эди. Жамшид дарёни бино тоmidан туриб кўп кузатганди. Унинг фикрича, агар бирор қайиқ топиб ёки сол ясаб дарёда сузиб кетишса, албатта автобус йўли ўтган кўприкка дуч келишади ва бирор транспорт воситасига ўтириб энг яқин катта шаҳарлардан бирига етиб олишади. Шу тариқа она-болани қутқариб, ўзи ҳам улар билан бирга қишлоққа қайтади. Ёраҳмад ака келган бўлса, нур устига аъло нур.

Жамшид энди меҳнат таътили олиб, бир йўла Кибриё хола ва Нилуфарни қишлоққа ташлаб келишни мўлжаллади.

...Ташкилот атрофни ўраган баланд симтиканли девор ортда қолди. Бир дарахтни кесиб, ҳар эҳтимолга қарши узун калтак ясади. Киноларда кўрганди. Ботқоқликдан юрилганда албатта эҳтиёт бўлиб, калтакни суқиб-суқиб одимлаш керак. Қайтишда адашмаслик учун дарахтларга белги қўйиб борди. Шу зайл дарё соҳилигача боришга аҳд қилди. Оёқ остидаги нам хазон ва хашак-чўпли юмшоқ тупроқ билқиллар, баъзи жойларда сув кўлобларига оёғи ботарди.

У шу алпозда икки чақиримча юргач, сокин оқаётган, нариги қирғоғи аранг кўриниб турган ёйилиб оқаётган мафтункор дарё соҳилига чиқди. Чакалакзор қирғоқ бўйлаб бир оз юрди. Баъзи жойларда қуриган ёки ўсиб турган бўлса-да, эгилиб сувга кўмилган дарахтлар кўп эди. Шу туфайли қирғоқ бўйлаб юриб бўлмас бирор қайиқ ёки инсон зоти қадамнинг нишонаси сезилмасди. Фақат бир йўли бор: чилвир ёки мих олиб келиб сол ясаши, камида бир ҳафталик озиқ-овқат, иссиқ кийим-бош олиб, сол билан нариги қирғоққа ўтиб олишлари ёки оқим бўйлаб сузиб дуч келган кўприк тагида тўхтаб, тушиб қолишлари мумкин эди.

Аммо ҳаммаси Жамшид ўйлаганидек силлиқ кечмади. Аввало, она-болани қутқариш жараёнида кутилмаган ҳолатларга дуч келинди.

* * *

У хўжайиндан паспортини янгилаб келиши, қаллиғи билан учрашиб, уйланишга тараддуд кўриши лозимлиги, шунинг учун меҳнат таътили ҳисобидан ватанига бориб келиши зарурлигини айтиб, иш ҳақини сўради. Бошлиқ йўқ демади.

– Қачон кетмоқчисан?

– Шу ҳафта ичи. Томни тўлиқ ёпиб бўлайлик. Кейин болалар ички пардозлаш ишларини бошлайверишади. Теварак-атрофни тартибга келтиришади.

– Яхши. Ўрнингга ким қолади?

– Сардор.

– Ҳм-м, майли.

– Кечирасиз, Андрей Павлович, сиздан бир нимани сўрасам бўладими?

– Сўрайвер, – деди у сигаретини тутатиб олиб.

– Анави ташкилотни нега бунчалик қаттиқ кўриқлашади?

– Ишинг бўлмасин. Уларнинг ишига бурнингни тикмаларинг, қонатиб қўйишлари мумкин... Бу ташкилот мана шу ҳудудни назорат қилувчи катта бир одамники. Сезган бўлсанг, бу ерда буғу ва бошқа ҳайвонлар териси қайта ишланади.

– Биз қураётган бино ҳам шуларга тегишлими?

– Ҳа. Мен қурувчиман. Ўша катта одамнинг буюртмасини бажараяпман. Айтганидек қилиб қуриб бераман. Кейин ўзлари билади. Менимча, бу ерда ҳам офис, ҳам дам олиш зонаси бўлса керак. Шунинг учун ҳам чуқурни бу ердан нарироққа олишяпти, тушундингми? Лекин бу ерда кўрганларинг ҳақида ҳеч кимга айта кўрма. Балога қоласан.

– Хўп.

– Майли, бир ҳафтадан сўнг пулингни оласан. Кейин қолиб кетмайсанми, ишқилиб?

– Йўқ. Албатта келаман.

– Бўлмаса, қайтишингда ўзинг билан яна уч-тўрт маляр – ишчи ола кел. Сантехника ишларини ҳам тезлатишимиз керак. Электрик йигит ишляяптими?

– Ҳа, ишляяпти.

– Камчиликларни рўйхат қилиб берсин, хўпми?

– Хўп бўлади.

Хўжайин кетгач, Жамшид ўйланиб қолди: "Демак, бир ҳафта ичида аёлларни олиб қочиш режасини пухта ишлаб чиқиши керак. Шундай қилиш лозимки, дарё орқали кетганларини ҳеч ким билмасин".

Жамшид чиқинди ташиш ва чуқурни кўмиш ишига зўр берди. Аравалар тинимсиз ғириллай бошлади. Соқчилар қўриқчилигида бир гал Нилуфар, бир гал Кибриё хола чиқиб

келишди. Жамшид Нилуфарга қочишга тайёргарлик кўришлари ҳақидаги мактубни етказди. Аммо Кибриё хола ҳовлиқиб келиб нақд бўлмаса соқчиларга уларнинг таниш эканликларини сездириб қўйди. У тинимсиз "Айланиб кетай, болам. Яхшиям сиз бор экансиз. Худойимга шукур, бизларни учраштирганини қаранг", дея жаврагани-жавраган эди.

– Хола, сиз гапирманг. Бу ердагилар ёмон одамлар, – деди Жамшид шивирлаб. – Сизларни ўзим олиб кетаман, хўпми?

Кибриё хола ҳам чўчиб, шивирлаб жавоб қайтарди:

– Йўқ, болам. Икковимиз бирдан кетиб қолсак сезиб қолишади, орқамиздан тушишади. Сиз аввал Нилуфарни олиб кетинг. Менга жин ҳам урмайди, қолаверай. Кейин мени ўзлари қўйворишади. Нима бўлсам, пешонамдан кўрдим, – деди аёл кўзларига ёш олиб.

– Бўпти, хола, жойингизга тез қайтинг. Ўйлаб кўраман, – деди Жамшид бўш аравасини тортиб кетаркан.

– Хўп, болам. Илоҳим умрингиздан барака топинг. Қизимни сизга топширдим, сизларни Оллоҳга!

Жамшид қурилиш чиқиндиларини курак билан бир жойга уяр экан, демак Кибриё хола ошхонада қизи учун ҳам ишлайверади. Нилуфарнинг ғойиб бўлганини ҳеч ким сезмайди. Сезишганда кеч бўлади. Лекин унинг ўзини қандай қутқараман, қайтиб келибми? Ҳа, шундай қиламан. Объектни топширган куни Нилуфар эракча кийинади. Бемалол машинада кетамиз. Демак, хола тўғри ўйлабди.

Жамшид Нилуфар учун қурувчиларнинг махсус кийими, кирза этиги ва ёмғирпўшли ёпқич топиб қўйди. Орқалаб юрадиган сафар халтасига йўл учун егулик, гугурт, туз ва бир жуфт қўл фонарини ҳам жойлади. Икки дона иссиқ адёл, спорт кийимлари, пичоқ, чопқи ҳам олди.

Унинг бу режаси фақат Асроргагина маълум эди. Олиб қочиш операцияси иш ҳақини олган куни ёки унинг эртаси амалга оширилиши керак. Ўша куни чиқиндиларни кўплашиб олиб киришади ва араваларни чуқур қирғоғида ағдариб тўсиб туришади. Бу пайтда Нилуфар уларга ўхшаб ёмғирпўшни кияди-да, аравалардан бирига чиқиб ётиб олади. Бу ҳақда Жамшид Нилуфарга мактуб орқали маълум қилиб қўйди. Сўнгра кечки пайт Асрор билан дарё қирғоғига бориб сол ясашга киришишди. Тақиллатиб овоз чиқариш хатарли эди. Шунинг учун кўпроқ кичик дастаррадан фойдаланишди. Солга ёмғирдан сақланиш учун брезент ёпқич ёпиладиган кичикроқ чодир ҳам тикишди. Уни сувга тушириб боғлаб, устига шох-шаббалар ташлаб қўйгунларича тонг ота бошлади. Улар ой ёруғида тонгга қадар ишлашди. Қушлар чуғурлай бошлагач, икки дўст ишни битириб, объектлари томон чопишди.

* * *

Терини қайта ишлаш заводи ва қурувчилар учун керакли қурилиш материаллари ва озиқ-овқат юкланган пикап русумли енгил машина келиб-кетарди. Унинг кабинасига ҳайдовчидан бошқа бир йўловчигина сиғарди. Машина юз километрлар наридаги Вороново деган кичик посёлкага борар, ундан нарига бошқа машина ёки автобусга ўтириб поезд станциясига ёки каттароқ шаҳарларга етиб олиш мумкин эди. Жамшид унга чиқиб, Нилуфарни юкхонага яшириб олиб кетиш ҳақида ҳам ўйлади. Аммо ҳайдовчининг нотанишлигидан ҳайикди.

Ҳайдовчининг исми Виталий экан. У Жамшиднинг олдига келиб "Тушликдан кейин тайёр бўлиб тур. Бошлиқ айтди, сени олиб кетар экан", деди. Жамшид қийин аҳволга тушиб қолди. Чунки бу пайтда Нилуфарни олиб чиқишлари керак. Кейин уни қандай ташлаб кета олади? Йигит Асрор билан маслаҳатлашди. Қизни Асрор олиб чиқадиган ва уни объект ичига яширадиган, Жамшид бўлса, Виталийни пойлайдиган, сўнгра унга "кетмаслигини" айтиб қўядиган бўлди.

Операция яхши ўтди. Ҳеч ким шубҳа қилмади. Фақат панжарали дераза ортида йиғлаб-сиқтаб Кибриё хола қолаверди, хандакда эса илк бор бир жуфт ахлат челаги эгасиз қолди.

Виталий Жамшиднинг қарорини эшитиб ҳайрон бўлди. У "Майли, ўзинг биласан" деди-да, машинасини ғизиллатганча кетди. Тўғри, мана шу машина йўлидан ҳам бемалол кетишлари мумкин эди. Аммо Жамшид сув йўлини танлади.

* * *

Жамшид, Нилуфар ва Асрор сол ёнига кечки оқшом етиб келишди. Асрор уларнинг жойлашиб олишлари ва солни оқимга солиб юборишга ёрдам берди. Сол устидаги брезент матоли мўъжазгина кулбача икки севишган ёш учун катта ошиён эди. Нилуфар устига адёлни ташлаб, кулбача ичига ўрнашиб олди. Жамшид эса эркакча кийинган севгилисига маҳлиё бўлиб солнинг орқадаги рулини ишга солди. Бир оз юришгач, сув оқимида чиқишди ва Жамшид ҳам энди ошиён ичига кириб борди.

Улар ниҳоятда бахтиёр эдилар.

– Наҳотки бу сен, Нилуфар? Кўзларимга ишонмайман.

– Мен ҳам... – деб қўйди Нилуфар ва йигитнинг пинжиги тикилди.

– Тангри бизларни учраштирганини қара.

– Ҳа. Аммо ойимни ҳам ола кетишимиз керак эди.

– У кишини албатта олиб кетамиз. Тўйимизга ўзлари бош бўладилар.

– Худо хоҳласа.

Жамшид қувончдан титраётган Нилуфарнинг нозик жуссасини бағрига босди. Қизнинг ҳаяжондан ураётган юрак товушлари ҳам бемалол эшитилиб турарди. Улар бир-бирларидан узоқ бўса олишди. Йигит ҳатто қизнинг бўксаси ва юзларига атайин суртиб олган сассикларни ҳам сезмади. Аммо бу ҳол тўсатдан қизнинг ёдига тушиб, ўзини тез тортиб олди.

– Ҳа, тинчликми, Нилуфар?

– Жамшид ака, менга сув беринг, юз-кўзимни ювиб олай. Атир-упам ҳам йўқ.

– Уларга не ҳожат? Ўзинг табиий гўзалсан-ку. Сенга ҳеч нарсанинг кераги йўқ, – деди ва баклашкадаги сувни олиб ташқарига чиқди.

– Чиқавер, эҳтиёт бўл. Сув кўп, истаганча ювинавер. Хоҳласанг, чўмил.

– Вой, қанақа қилиб, сузишни билмайман-ку. Кейин сув совуққа ўхшайди. Қани энди иссиқ сув бўлсайди.

– Ҳай, майли, – деди йигит. Сўнгра баклашкага оқава сувдан тўлдириб, қуйиб турди.

Қиз юз-кўллари ва бўйинларини яхшилаб ювди.

– Қани энди сочимниям юва олсайдим.

– Совуқ демасанг. Кел, сувга энгашиб тур, мен қуйиб тураман.

– Йўқ, совуқ. Олов бўлганида, қуришиб олардим.

– Афсус, бунинг ҳозир ҳечам иложи йўқ-да. Қирғоққа чиқиб олайлик, бирортасиникида тунаб қоламиз. Бу ерликларда рус ҳаммоми бўлади, дейишади. Айтишларича, иссиқ буғда тоза терлагач, ўзларини совуқ сувга ташлашаркан. Қиш бўлса музни ёриб туришаркан.

– Ростдан-а? Бу қизиқ-ку. Сиз ҳам шунақа ҳаммом қуриб берасиз-а, Жамшид ака?

Йигитнинг юраги ҳаприқиб кетди.

– Албатта, жоним. Биз ҳали зўр уйлар қурамиз, "Нексия"лар оламиз.

Жамшид бу гапни Россияга ишга келган муҳожир-гастарбайтерлар ҳақидаги бир қўшиқдан олганди. Шунинг учун қулиб қўйди.

– Ҳа, нега куласиз? Орзуга айб йўқ, дейдилар-ку.

– Йўқ, унга эмас. Бир янги қўшиқ чиқибди. Хоҳлайсанми, хиргойи қилиб бераман.

– Ҳа-ҳа, айтиб беринг, – деди қиз ёш боладай эркаланиб.

– Хўп, сен кулбага кир, бўлмаса. Мен сол рулини бошқариб қўяй, негадир яна кирғоққа яқинлашиб бораяпмиз.

Қиз яна елкасига адёл, бошига сочикни ташлаб ўрнашиб ўтирди. Йигит рулини бир оз ишлатгач, гитарани қўлига олиб паст овозда ўзи тўкиган қўшиқни бошлади:

*Россияга бордим бой бўламан деб,
Самода порлаган ой бўламан деб.
"Нексия"га ўхшаган той оламан деб,
Мен бой бўламан деб, бой бўламан.*

*Бу ерларда баланд уйлар қурдик биз,
Совуқларда "энамизни кўрдик" биз.
Қурилишида ахлат ташиб юрдик биз,
Вой мен ўламан, вой-дод ўламан...*

Нилуфар мириқиб кула бошлади. Жамшид сол рулини ушлаб олганича гўё бахшилардек завқ билан қўшиқ айтарди. Аммо у бир пайт ҳазил қилгиси келди шекилли, аста мусиқа созини ўзгартирди, бироқ "ишни бузиб" қўйди.

*Бизлар билмай севишиб қўйдик,
Билмай бўса олишиб қўйдик,
Нақд бўлмаса... нанай-на-нанай
Вой мен ўламан, вой-дод, ўламан!..*

– Ҳе ўлмай ўлинг, айнамай! – деди қизнинг жаҳли чиқиб.

– Қани, менга яқинлашиб кўринг-чи! Ўзимни нақ сувга ташлаб юбораман-а!

– Ҳа энди, бир ҳазиллашдим-да, асалим.

– Асалим деманг. Ҳе, суюк!.. Одам бўлмай кетинг! Ўзи қанақа ахволдамиз-ку.

Қиз бошқа гапиролмади. У севиклисининг қалтис ҳазилидан чиндан ҳам хафа бўлганди.

Шу маҳал қаттиқ гудок овози эшитилди. Дарё муюлишида улкан кема пайдо бўлди. У сувларни шалолатиб шитоб билан бостириб келарди. Жамшид шошиб қолди. У солни четга олиши керак эди. Аранг улгурди.

Кема шундоқ ёнларидан ўтиб кетди. Қиз кўрққанидан қичқариб юборди. Сув қаттиқ чайқалиб, беаёв тўлқинлар солни ағдариб юбораёзди. Нилуфар ўзини ушлолмай қолди, "Жамшид ака!" дея қичқирганича сувга ағдарилди. Сўнгра солга тармаша кетди.

– Кўрқма, Нилуфар! Ҳозир сени тортиб оламан!

Қиз кўрққанидан қичқирмоқчи бўлар, аммо оғзи сувга тўлиб қолмоқда эди. Йигит уни солга аранг чиқариб олди. Нилуфарнинг уст-боши шалаббо бўлганди. У кўрққаниданми ёки сувнинг совуқлигиданми, дир-дир титрарди.

– Оббо, қаердан кела қолди-а, бу палакат?

– Кийимингни алмаштир.

– Йўқ!!! – дея жеркиб берди қиз.

– Ахир, шамоллаб қоласан-ку. Бўл тез, чодир тагига кир. Сумкада кийимларим бор.

Қиз дийдираб ўтираверди. Жамшид сумкадан сочик олиб берди.

– Бўл тез, деяпман. Мен қарамай тураман.

Нилуфар ўрнидан турди.

– Сиз бошқа бунақа ҳазил қилманг, хўпми? Қаранг, худогаям хуш келмади. Нақд бўлмаса, ҳозир мендан ажраб қолардингиз.

– Хўп. Бошқа қилмайман. Сўз бераман! Мени кечир...

Қиз устки кийимларини алмаштириб, бошига сочиқ танғиди. Йигит қиз сиқаётган кийимларни қўлига олиб, ўзи сиқа кетди.

– Жамшид ака, қирғоққа чиқиб, олов ёқмасак бўлмайди.

– Майли, қулай жойни мўлжаллаб ўнг қирғоққа тўхтаймиз-да, ўша ерда тунаймиз.

– Айиқ, бўрилар бор, дейишади-ку.

– Улар оловдан қўрқишади. Эрта тонгдан яна сузишни давом этдирамиз.

– Қирғоққа тезроқ ҳайданг, бўлмаса. Мен совқотиб кетдим, – деди қиз дийдираб.

– Хўп, – деди Жамшид ва солни қорайиб, сирли кўриниб турган нариги соҳилга томон бурди. Аммо қирғоқ баланд тик қоялардан иборат бўлиб, унинг тепасидаги дарахтлар ортидан тўлин ой нохуш мўраларди. Ниҳоят бир амаллаб қайинзорлар оралиғидаги кичик қуруқликка чиқишди. Оқ қайин дарахтлари дарё шаббодасида сокин тебранишар ва рақсга тушаётган оппоқ ва гўзал рус қизларини эслатарди.

Жамшид солнинг арқонини бир дарахт шоҳига боғлаб қўйди-да, қайинзорлар оралаб ўтин-чўп йиғишга киришди. Ҳадемай сокин Обь дарёси соҳилида қизғиш гулхан пайдо бўлди.

Жамшид ила Нилуфар оловга тикилиб ўтиришди. Овқатланишди, кийимларини қуриштиди. Ўтин-чўп кўп экан. Жамшид уларни уюб қўйди. Сўнгра у ўтириб Нилуфарга атаб "Оқ қайин" кўшиғини хиргойи қилди:

*Зангор ўрмон бағрида,
Мағрур ўсган оқ қайин.
Сенга келдим атайин,
Кел, қўшигим айтайин.*

*Сени кўриб эсладим,
Оқ биллак малагимни.
Ёшликнинг тор йўлида,
Йўқотган тилагимни.*

*Орзуйим шамолида,
Сархуш ҳисларим елар.
Сархуш ҳислар қатидан,
Бахт деган қўшиқ келар.*

*Ҳавасим келар сенга,
Оқ гўзалим оқ қайин.
Кокилларинг сийпалаб,
Ёмғир бўлиб оқайин.*

*Бағритошлар бор ҳали,
Қилмишлари атайин*...*

Қиз унинг елкасига бошини қўйганича ухлаб қолди. Аммо кўп ўтмай шамол турди ва самодаги булутлар қалинлашиб қорая бошлади. Узоқларда момоқалдироқ гумбурлаб, яшин чакнарди. Ҳадемай ой ва юлдузлар ҳам кўринмай қолишди. Қайинлар шовуллади, шамол бошланди. Дарё тўлқинланиб шалоппаган овоз чиқарар, сол эса тўкиллаб қирғоқдаги тошларга уриларди.

Жамшид уйқудаги қизни ётқизиб қўйди-да, нари-бери юриб, нима қиларини билмай боши қотди. Ёмғир томчилади. Шу етмай турувди. Нима қилсак экан? Солдаги чодир ичига кириб олсакми, ўйлади ўзича. Аммо сувнинг чайқалиб, тўлқинлар сол устига сачраётганини кўриб, фикридан қайтди. Қирғоқдан бирор бошпана топиш керак. Лекин

коронгилик қўйнида қорайиб турган пастак дов-дарахтлардан бўлак ҳеч нимани кўриб бўлмасди. Фақат биргина йўли солдаги чодир брезентини ечиб қуруқликка тиклаш мумкин. Жамшид шундай қилди. Ишини тугатган ҳам эдики, шаррос ёмғир қуя бошлади, шамол янада кучайди. Нилуфар ҳам уйғониб йигитга ёрдамлашди. Брезент чодир ёнларига тош ва тўнқаларни бостириб, пастак чодир тиклашди. Олов вишиллаб, аллақачон сўниб бўлди. Устларига бор кийимларини кийиб ётишди. Увиллаётган шамол ва тапирлаётган ёмғир шовқинида бир-бирининг пинжиги кириб ухлаб қолишди.

Эрталаб бир кеманинг қаттиқ гудоги ва қушларнинг чириллашидан чўчиб уйғонишди. Шамол ҳам, ёмғир ҳам тинган, дилларни яйратадиган мусаффо ҳаво ҳукмрон эди. Аммо сол кўринмасди. Уни сув оқизиб кетибди. Шошилишда Жамшид уни маҳкамроқ боғламаган шекилли. Энг ёмони, захирадаги озуқа, болта ва бошқа асбоблар ҳам солда эди.

– Оббо, энди нима қилдик-а, Нилу?

– Пиёда кетамиз, бошқа илож йўқ. Айтмоқчи, пароходлар тўхтамасмикан-а?

– Йўқ. Уларнинг махсус тўхташ жойлари бор, аҳоли яшайдиган манзилдагина тўхташади.

– Ўшанақа жойга борайлик. Ҳар ҳолда анавилардан қутулиб олдик-ку.

– Ҳа, тўғри айтасан. Ўзинг тузукмисан?

– Яхши. Олов бўлмаганида, шамоллаб қолардим.

– Унда қолган қотган нонимиздан еб йўлга тушайлик. Сув сероб, яхшиямки, қозок даштларида эмасмиз.

– Ҳа, ўрмонда ҳар хил мевалар ҳам кўп бўлади, дейишади.

Улар чодир, гитара ва бор лаш-лушларини йиғиштиришди-да, қирғоқдаги тик қояларга чиқиш учун йўлга тушишди. Эҳтиёткорлик билан жилға бўйлаб баландлик сари юраверишди.

Йигит қизнинг қўлидан маҳкам ушлаб, деярли уни судраб чиқиб бораркан, қизнинг нозик бармоқлари йигитнинг қайноқ кафтлар оғушига ғарқ бўлган, икки ёшнинг юраклари шавқ ила лиммо-лим эди.

Нихоят, баландликка чиқиб олишди. Қарағайзор ўрмон экан. Олмаҳонлар дарахтдан дарахтга сакраб қувлашиб юришарди. Одам шарпасини сезган улкан шохлари дарахт буталари мисол тарвақайлаб кетган буғулар ҳуркиб қочишар, турли-туман қушлар овози зангори ўрмонни тутганди.

Улар табиат жамолига мафтун бўлиб узоқ юришди. Йўл-йўлакай ўрмон меваларидан териб еб боришди. Бир-икки жойда ағанаган дарахтлар ходасига ўтириб дам олишиб, яна йўлда давом этишди. Аммо оқшом чўка бошласа ҳам на бирор авто ёки темир йўлига дуч келишмади. Қуёш бота боргани сари кўнгилларини яна хавотирлик чулғади.

– Тезроқ юр, Нилуфар, бирор бошпана топайлик, – деди Жамшид хавотирли оҳангда.

– Оёғим оғриб кетди. Берган этигингиз қисиб ташлади-ку.

– Пайтавасини еч.

– Таги нам-ку, сув кирибди.

– Тўхта, менда целлофан пакетчалар бор. Пайтавани ечиб, ўрнига пакетчаларни киясан.

Шундай қилишди. Қизнинг пайпоқлари ҳам нам бўлиб кетганди. Уни ҳам ечиб ташлашди. Оёқлари музлаб қолай дебди. Йигит қизнинг оёқларини қўли билан силаб, қуҳ-қуҳлаб ҳарорат баҳшида этди.

– Тўхтамай аста юраверамиз, бўптими? Шундай қилсак, совқотмаймиз. Эртага кундузи бирор аҳоли яшайдиган жойга етиб олсак, кейин ухлайверамиз.

– Хўп, – деди қиз итоат билан.

Олган фонарлари аскотди. Қўлларидаги таёқлар асо вазифасини бажарса, ҳам ҳимоя учун хизмат қиларди.

– Эй худо, бу ўрмон қачон тугайди-а? – сўради қиз тоқати тоқ бўлиб.

– Ҳеч қачон тугамайди, улар бепоён, – деди Жамшид. – Фақат ораларида йўллар бор. Биз ўша йўлга чиқсак бўлгани, йўловчи машиналарда бирор қишлоқ ёки шаҳарга етиб оламиз.

– Бу ерларни биласизми ўзи?

– Харитадан кўрганман. Шимол томонда Томск, жанубда Барнаул, ғарбда Новосибирск шаҳарлари бор. Биз Новосибирскка етиб олишимиз керак.

– Нима учун?

– У ерда Тошкент поезда юради. Кейин хусусий автобуслар ҳам бор. Улар жудаям арзон.

Жамшид гап билан бўлиб чуқурга дуч келганини сезмай қолди. Оёғи сирғалиб тўсатдан пастликка думалаб тушиб кетди. Қўлидаги фонарча отилиб қўлмак сувга тушди. Энди ягона чироқда қолишди. Қиз "Вой, Жамшид ака, эҳтиёт бўлинг!" деганича тепаликда қолди. Йигит эса қоп-қора чуқурлик қўйнида ғойиб бўлди. Боши нимагадир урилиб ҳушидан кетди. Қиз кўрққанидан бетўхтов қичқира бошлади.

– Жамшид ака! Сизга нима бўлди?! Нега жимсиз?!.. Мени кўрқитманг!.. Ҳой, ким бор?! Ёрдам беринглар!!!

Унинг овози қоронғи ўрмонда акс-садо берар, қушлар безовталанар ва аллақандай шарпаларни ўзига жалб қилаётгандек эди. Аллақадан бир итнинг вовиллаган овози ҳам эшитилди. "Жамшид ака!" дея қиз энди бақириб йиғлай бошлади. Ниҳоят йигит ўзига келди.

– Кўрқма! Ҳозир чиқиб бораман! – деди у пастликдан туриб, инқиллаб.

– Вой, соғмисиз? Мени кўрқитманг, Жамшид ака! Манави ёғочни ушланг, тортиб оламан, – деди қиз ва қўлидаги асони шапиллатиб уриб қўйди. Лекин ҳадеганда Жамшиднинг қўли асога илашавермади. Қиялик нам тупроқли бўлиб, оёқлари сирпаниб кетаверди.

Ниҳоят кийимлари дабдала, лой ҳолида йигит жарликдан аранг судралиб чиқди. У терлаб-пишиб кетганди. Қиз унинг устига ўзини ташлаб ҳўнграб йиғлаб юборди.

– Бошим... – деди йигит базўр.

– Бошингизга нима қилди? Уриб олдингизми? – деди қиз ва пайпаслаб кўрди. Қўли иссиқ қонни туйди. Бўйнидаги шарф қилиб боғлаб олган рўмолини шоша-пиша ечди-да, унинг пешонасини боғлади. Сўнгра боласини аллалаётган онадек уни бағрига олиб аста тебратиб ўтирди ва теварак-атрофга умид билан боқиб "Ҳой, ким бор?! Бизга ёрдам беринглар!" дея қичқирди.

Узоқда итнинг вовуллаган товуши тинмаган эди. Буни Жамшид ҳам эшитди ва хушёр тортди.

– Ит овози-ку! Қаёқдан келаяпти?

Қиз яна қичқирди.

– Эҳ-хе-хей, ким бор?!!

– "Помогите, люди!" де, Нилу. Қаттиқроқ бақиравер!

– Помогите, люди!!!

Ит яна ҳурий бошлади. Овознинг қайси томондан келаётганини чамалаб кўришди ва ўринларидан туришди.

– Юра оласизми?

– Ҳа. Машғала ёқиб олишимиз керак.

– Қандай ёқамиз? Ёғоч-чўплар ҳўл-ку.

– Унда чодиримизни ёқамиз. Уни бўлақларга бўлиб, ёғочга яхшилаб ўраб боғлаймиз-да, биттадан ёқиб кетаверамиз. Сумкада одеколон бор.

Шундай қилишди. Чодирни пичоқ билан лентасимон бўлақларга бўлишди-да, асолари ва бошқа ёғочларга боғлаб чиқиб, бирини ёқиб, бошқасини туташтириш учун захирага олишди. Машғала иш берди. Ит уни сезган чоғи, ҳуриши янада кучайди. Аммо

улар дуч келган жарликни айланиб ўтишни ҳам, чуқурлик тубига тушиб, яна қандай чиқишни ўйлаб бошлари қотишди.

– Тонг отишини кутамиз.

– Яна кечагидай ёмғир бошланса-чи? Энди чодиримиз ҳам йўқ.

– Олов ёқиб ўтираверамиз-да, бугун ухлаш йўқ. Бирор овчи ёки ўрмончи келиб қолар.

– Қорним очиб кетди.

– Егулик ҳам қолмади. Ҳаммаси окди-кетди. Сувимиз ҳам оз қолди.

– Юришда давом этиб жарликни айланиб ўтишга ҳаракат қилайлик.

Улар аста кета бошлашди. Жамшид машғалани кўтариб олди. Нилуфар эса оқсоқланаётган ёрини суяб борарди. Узоқ юришди. Тўртинчи машғала ҳам ёниб битди. Аммо чуқурликнинг охири кўринмас, аксинча, у қайрилиб "ит овози"дан ҳам узоқлашиб кетишди. Ҳолдан тойишди. Шундай чарчашдики, ағанаб ётган дарахтлар тепасидан ҳам ўтолмай қолишди. Бир жойда уч-тўрт дарахт бирданига ағанаган ва шохлари қуруқ экан. Шу ерда олов ёқиб, тонг оттиришга қарор қилишди.

* * *

...Жамшид бировнинг каттиқ туртишидан чўчиб уйғонди. Тонг отган, ёққан оловлари сўниб, қолдиғи тутаб турарди.

– Ҳой, тур ўрнингдан. Сенлар кимсан?! – дея ўшқирди кимдир рус тилида.

Жамшид тепасида бир серсоқол, бўйдор мўйсафиднинг ов милтиғини ўқталиб турганини кўрди. Нилуфар ҳам чўчиб уйғонди. Унинг юзини бир ит искамоқда эди. "Барсик, нетрогай", деб қўйди чол.

– Биз, ҳалиги, адашиб қолдик. Йўлимизни йўқотдик.

– Хўш, қаердан келяпсизлар?

– Мен қурувчиман. Меҳнат таътилига чиқдим. Мана, ҳужжатларим бор.

– Бу қиз ким?

– Хотиним. У ошпаз эди.

Мўйсафид ҳужжатларни кўздан кечирган бўлди.

– Бу ёқларда нима қилиб юрибсизлар?

– Дарёда қайиқда кетаётгандик, шамол, ёмғир бошланиб қолди. Қирғоққа чиқдик. Сўнг қайиғимиз оқиб кетибди.

– Тунда қичқирган сенлармидинг?

– Ҳа. Мен чуқурга йиқилиб тушувдим. Хотиним кўрқиб кетди. Кейин қаёққа боришни билмадик.

– Тушунарли. Мен ўрмончи Егорман. Туринглар, кетдик. Сизларга бошпана бераман.

– Катта раҳмат сизга! Турақол, Нилуфар.

– Қаерликсизлар?

– Ўзбекистондан.

– Ҳе, тирикчилик курсин-а. Нима, ўзларингда иш йўқми? – сўради Егор кесатиб.

– Иш-ку, кўп. Бир кўрмаган юртларни кўрайлик, дедик-да. Ҳам саёҳат, ҳам тижорат, дегандек...

– Яхши. Менинг бир чала қолган иморатим бор, битиришга ёрдам берасанми? Бир ўзим эплай олмаяпман.

– Гап йўқ. Фақат кейин бизни Новосибирскка кетишимизга йўл кўрсатиб қўйсангиз бўлгани.

– Ўғлим Новосибирскда яшайди. Ҳар олти ойда бир келиб кетади.

– Нима, машинада келадими?

– Вездеход машинасида. Бошқа машиналар бу ёқларга келолмайди. Атроф ботқоқлик, баланд-пастлик. Бу ерлар давлат кўриқхонаси ҳисобланади. Менинг вазифам

асосан ўрмонни ёнғиндан асраш. Сизлар ёққан оловни сездим у шу ёққа қараб ошиқдим. Бу ерларда ёнғин чикса, ёмон бўлади. Хўлу қуруқ баробар ёнаверади. Ёнғ ёмони, бу ерга ўт ўчириш техникалари етиб келолмайди. Йўл йўқ.

– Биз қандай кетишимиз мумкин?

– Сизларни фақат ўғлим олиб кета олади. У яна бир ойларда келиши керак. Мен унга анчагина асал ғамлаб қўйганман. Ҳақиқий табиий асал. Эшитганмисан, ҳалиги айиқлар ейди-ку.

– Ҳа-ҳа, – деди Жамшид эртақларда ўқиганларини эслаб, лекин "Ўғлим сизларни бир ойдан кейин олиб кета олади" деган гапдан юраги увишди. Ахир, бунда меҳнат таътили тугайди-ку. Кибриё холани ҳам қутқариш керак. "Таваккал, борайлик-чи", деб қўйди йигит хаёлан.

Улар кетиб боришаркан, ўрмончи тинмай жаврар, олапар ити хакиллаб гўё йўл бошлаб кетмоқда эди. Нилуфар Жамшиднинг қўлини маҳкам ушлаб олди. У энди ўз тақдирини Жамшидсиз тасаввур ҳам қилолмасди.

* * *

Егор амакининг хотини Маша хола уларни очик чехра билан қарши олди. Бошқа дунёдан узилиб қолганликлари учунми, одамлар билан мулоқотни соғинганликлари шундоқ сезиларди. Айниқса, ўзбекистонликларнинг ташрифи Маша холани қувонтириб юборди. Унинг Новосибирскдаги ўғли Дмитрий ҳарбий хизматни Самарқандда ўтаган эмиш.

Нилуфар рус тилини яхши билмаса-да, ўзига бўлаётган илиқ меҳрни туйди ва елиб-югуриб гўё келинчаклардай холанинг уй юмушларини бажара кетди. Жамшид ўша куниёқ Егор амакининг чала қурилишини битказиб бериш учун ишга тушди. Асбоб-ускуналар етарли экан, ёғоч кўп. Фақат ходаларни икки кишилашиб кўтариш ва териб чиқиш керак экан. Бу уйни улар яшаб турган уйдан андоза олиб қура бошлашди. Ёмон бўлмади. Жамшид туну кун меҳнат қилди ва бир ҳафтада икки хонали уйни ички тахтали қопламалари билан битказиб берди. Нилуфар ҳам ёрдам берди. Егор амаки от миниб чиқиб кетар ва баъзан кеч қайтарди. Атрофни тартибга келтирди. Ўтин ғамлашиб, чол-кампирининг кўнглини олишди.

Уч ҳафта ўтгач, ҳақиқатдан ҳам ғилдираклари ҳарбий танк занжирига ўхшаш бир юк машинаси гулдираб келиб қолди. Бу ўша Дмитрий эди.

Дмитрий бажарилган ишларни ва ота-онасининг кайфиятини кўриб хурсанд бўлди ва Жамшид билан тез чиқишиб кетди. У бир-икки ўзбекча ибораларни ҳам биларкан, кулишиб ўтиришди. Қуюқ меҳмондорчиликдан сўнг Жамшид рус тилида қўшиқ хиргойи қилиб берди. Сўнгра ҳаммалари рус халқ қўшиқларидан биргалашиб ижро этишди.

Эртасига Дмитрий Жамшидга бир таклиф айтди:

– Жамшид, шу ерга доимий ишлагани келаверинглар, отамга ёрдамчи, ўрмончи бўласан. Хотининг онамга ҳамроҳ.

– Раҳмат. Лекин биз бунақа, одамлардан ажралиб яшашга ўрганмаганмиз-да.

– Ўйлаб кўр. Ойлик маошларинг яхши бўлади. Анави мен учун қурган уйингда ўзинг яшайверасан. Гапнинг тўғриси, анчадан буён бу ерга ишончли оила қидираётгандим. Новосибирскда иш излаган эмигрант, гастербайтерлар кўп. Лекин сизлар бошқача экансиз. Ота-онамга ҳам маъқул бўлибсизлар.

– Раҳмат, Дмитрий. Мен бу ҳақда ўйлаб кўраман. Чунки менинг дўстларим, ўз қурилиш бригадам бор. Кейин яна бир муаммо қийнайди.

– Қанақа муаммо?

– Нилуфарнинг онаси, яъни қайнонам ҳозир тутқунликда. Уни тезроқ қутқариш керак.

– Нима? Қанақа тутқунлик? Қаерда у?

– Бир корхонада. У ерда четдан келганларни худди қамокдагидек ишлатишаркан.

- Ҳм-м... Демак, ноқонуний ташкилот экан-да.
- Эҳтимол. У ер қаттиқ қўриқланаркан.

Шундан сўнг Дмитрийга бўлиб ўтган воқеалар тафсилотини гапириб беришига тўғри келди.

- Эҳ-хе, шунақа ишлар, де. Демак, бу қиз хотининг эмасмиди?
- Ҳа, у қаллиғим.

Дмитрий жиддий ўйланиб қолди. Унинг юз-кўзидан, самимий қарашларидан жуда-жуда ёрдам бергиси келаётгани сезилиб турарди.

– Жамшид, мен сизларга қўлимдан келганича ёрдам бераман. Бу ифлос мафиозлар мени ҳам анча-мунчага чув туширишган. Ўша корхона, қурилиш объектинг қаерда жойлашганини аниқ тушунтириб бера оласанми?

– Ҳа. У дарёнинг нариги соҳилида Вороново деган посёлкадан у ерга йўл бор. Шунақа ўрмон ичида, дарё соҳили яқинида.

– Бўпти. Биз эртага жўнаймиз. Мен дўстларимни ишга соламан. Ўша заводда тахминан неча киши ва қаерликлар ишлашмоқда?

– Нилуфарнинг айтишича, олтмиштacha осиеликлар. Суткасига ўн олти соат ишлашади. Шароитлари жуда оғир. Паспортларини олиб қўйишган.

– Тушунарли. Демак, ХХІ аср қуллари. Тагин давлатимизни демократия тараккий этган давлат дейишади. Хйх, виждонсизлар, – деб қўйди Дмитрий жаҳл билан.

Эртасига вездеходда йўлга тушишди. Егор амаки ва Маша холалар уларни ўз фарзандларидек кузатиб қолишди. Йўлга егуликлар, иссиқ кийимлар беришди. Дмитрий йўл бўйи қандай қилиб Кибриё хола ва бошқаларни тутқунликдан озод қилиш ҳақида режа тузди, ва ниҳоят, бир қарорга келди шекилли, машинани тўхтатиб аллакимга қўнғироқ қила бошлади. Унинг телефони ўзининг айтишича, сунъий йўлдош орқали боғланаркан. Оддий уяли телефонлар учун бу атропода алоқа йўқ эмиш.

– Алло, Серёжа! Салом, қалайсан?! ...Ҳа, ота-онамни йўқлаб келувдим, биласан-ку... Ҳа, асалми, истаганингча, бир буғуни сўйиб олдим, шохининг қонидан ҳам бор. Борайин, маза қилиб ванна қабул қиламиз, келишдикми?.. Сенга бир хизмат чиқиб қолди. Вороново посёлкасидан жанубда, тахминан юз километр, Обь дарёси қирғоғида бир терини қайта ишлаш корхонаси бор эмиш. Шу корхона ҳақида маълумот керак бўлиб қолди. Қачон аниқлаб берасан?.. Бир соатда? Бўпти. Бир соатдан кейин яна қўнғироқ қиламан. Омон бўл.

Йўлда давом этишди.

– Ишқилиб, бизнинг қурилиш объектимиз, кейин ҳамюртларимга гап тегмайдими?

– Асло. Уларнинг фуқаролик ҳуқуқлари қонуний ҳимояга олинад, иш ҳақлари ундириб берилади. Аввало, ишга ҳақиқатан ҳам қабул қилиниб, даромад солиқларини тўлаган-тўламаганлиги тафтиш этилади. Тўланган бўлса, яхши, аммо яширишган бўлса, раҳбарларга нисбатан жиноий иш қўзғатилади. Ўзинг ўйлаб кўр, бундай бепоён қудратли мамлакатни қўриқлашнинг ўзи бўлмайди-ку. Эҳ-хе, қанча маблағ керак. Маблағлар қаердан шаклланади. Ана шундай солиқлардан-да. Ҳамма ўз ҳолича даромад қилиб, давлат бюджетига солиқ тўлашдан бўйин товлайверса, унда Россиянинг қудрати қаерда қолади? Сен чўчима, ҳаммаси яхши бўлади.

Кўп ўтмай Дмитрий яна қўнғироқ қилди. Маълум бўлишича, корхона Давид Боровскийга қарашли бўлиб, унинг ҳисоботида ўн киши ишлаши кўрсатилган экан.

– Алло! Серёжа, ёнимда кимни олиб кетаётганимни биласанми? Етмишинчи ишчини. У ўша ердан тутқунликдан қочиб келаяпти. Давиднинг телефон рақамини бер. Мен ўзим гаплашаман.

Шундан сўнг у аллақандай телефон рақамини ёзиб олди ва ундан рақамларни терди.

- Алло, бу Боровскийми?
- Ҳа. Ким бу?

– Бу муҳим эмас. Мен нотаниш бир дўстингизман. Хуллас, Давид, сизга бир шартим бор.

– Қанақа шарт?

– Агар тўрт соат ичида қўл остингизда ноқонуний ишлаётган осиёликларнинг иш ҳақини, паспортларини қайтариб бериб, Новосибирск шаҳрига жўнатиб юбормасангиз, мен тегишли чора кўришга мажбур бўламан, тушунарлими?

– Ҳа, тушунарли. Сиз кимсиз ўзи?

– Бир холис юртдошингизман. Таклифим беғараз, самимий. Бундан буён давлат солиқларини ўз вақтида тўлаб боришни унутманг, кейин хурсанд бўласиз. Хуллас, тўрт соатдан сўнг қўл остингизда ноқонуний ишлаётган Ўрта Осиёлик муҳожирларни шаҳарга кираверишдаги ҳалқа йўл олдида кутаман. Тушунарлими?

– Тушунарли. Лекин улар ўзлари кетишни хоҳлашмаса-чи?

– Хоҳлаганлари билан қонуний меҳнат шартномаси тузишингиз мумкин. Вақт кетди. Шундай дея Дмитрий телефон тугмасини босиб қўйди.

– Хуллас, тўрт соатдан сўнг қайнонани кўрасан, Жамшид.

– Агар у шартни бажармаса-чи?

– Унда дўстим Серёжа солиқ полициясини ишга солади. У ўша ерда ишлайди. Қалай?

– Э, қойил! Раҳмат сизга.

– Раҳматни кейин айтасан. Бизникига бориб, бу ишни ювамиз. Сен ўзбекча палов қилиб берасан, келишдикми?

– Келишдик. Масалликни қаердан оламиз?

– Бозорда ҳамма масаллик бор. Қаерга қарама, сенинг юртдошларинг. Ҳозир новосибирскликлар ўзбекчаниям билиб олишган. Сенга бозоримизни кўрсатаман. Бироқ Самарқанднинг Сиёб бозорига ўхшамайди.

– Дмитрий ака!

– Нима дейсан?

– Тўйимизга айтсак, борасизми?

– Албатта. Гап бўлиши мумкин эмас. Кунини айтсанг бўлди, Ольгани оламану учаман. Юртингда ҳеч кимдан ёмонлик кўрмаганман.

– Ольга деганингиз ким?

– Хотиним-да, овсар.

Жамшид ёнида мизғиб бораётган Нилуфарни туртди:

– Эшитдингми, Нилу, Дмитрий ака хотини билан тўйимизга бораркан.

– Вой, ростданми? Спасибо!

Шундай қилиб, уч кундан сўнг Новосибирск бозори ёнидаги "Тошкент" автобусига яна учта йўловчи қувониб чиқиб келишди. Улар Жамшид, Нилуфар ва Кибриё холалар эди. Саидвафо ва Низомхўжалар ўтирган ўриндик ортига жойлашишди. Жамшид Ашуралига ҳамроҳ бўлди. Шу маҳал чакалоқ кўтарган Бекзод ва Барно ҳам чиқиб келишди.

– Илоҳим, ватанимизга соғ-омон етиб олайлик, юртимиз ҳамиша тинч, обод бўлсин, бошига иш тушганларнинг мушқули осон бўлсин, ким нима ният билан йўлга чиққан бўлса, ниятига етаверсин, бизга хизмат қилаётган шофёр укаларимизниям тан-жонлари соғ бўлсин, – дея Кибриё хола ҳам дуога қўл очди.

– Ойи, анави гўдакнинг исми Ёраҳмад экан, қизиқ-а?

– Кўнглим сезиб турибди, қизим. Бу отангнинг уйга қайтишидан бир нишона бўлса керак. Илоҳим, сениям бахтинг очилсин. Шулардай фарзандлар кўриш насиб этсин.

Жамшид кулиб қаради. Кўзлар тўкнашди. Гўдагини аллалаётган Барно мамнун ҳолда бошини Бекзоднинг елкасига қўйди. Улар бағоят бахтиёр эдилар.

Тўртинчи боб
ЭРБЕК, ФАРИДА, НИЗОМХЎЖА, САИДВАФО ВА БОШҚАЛАР

Эрбек бир неча ҳамюртлари қатори Москва яқинидаги Чехов шаҳрида бир вақтлар собиқ Иттифок аҳамиятига молик бўлган улкан полиграфия комбинатида қонуний меҳнат шартномаси асосида ишларди. Ишлари ёмонмас, уни қониқтирар, бу ерда у матбаачилик саноатининг энг сўнгги технологиялари асосида китоб ва журналлар ишлаб чиқариш жараёни келувчи бетўхтов линиялар жойлашган бўлинмалардан бирида электр карада юк ташувчи эди. Ишлари сменали, комбинат барча маиший шароитлари бўлган ётоқхонадан жой ҳам берган, фақат овқатни ўзлари навбатма-навбат тайёрлашарди. Ҳарбий аскарлар фойдаланадиган чоғроқ осма қозонча ҳам топишди. Уни газга мослаб, баъзан ўзбекча палов ҳам дамлайдиган бўлишди. Палов улар учун ватанни эслатувчи таом эди. Тушликни бўлса комбинат ичидаги ишчилар ошхонасида қилишарди. У ерда ҳар доимгидек оддий европача таомлар...

Бир куни кизик воқеа содир бўлди. Ошхона таомномасини қарашса, "ўзбекча палов" деб ёзиб қўйишибди. Қувонганларидан чапак чалиб юборишди.

– Хайрият, – деди Эрбекнинг Баҳром исмли дўсти. – Икки ҳиссадан еймиз.

– Йўқ, уч ҳиссадан. Қаранглар, нархи ҳам унчалик қиммат эмас, – деди Эрбек.

– Ишқилиб, саримсок, зира солишганмикан-а? – ажабланиб сўради Эркин исмли йигит ютиниб қўярган.

– Солишади-да, бўлмаса палов бўлармиди?

– Девзирамикин, ё "Авангард"микин?

– Фарқи нима? Муҳими, Россиянинг бир четида беш минг киши ишлайдиган корхонада ўзбекча палов тайёрлашибди. Шунинг ўзи катта гап.

– Бош ошпази ўзимиздан бўлса керак-да?

– Шунақага ўхшайди.

– Бир тўйиб ош ер эканмиз-да!

– Ҳой Эркин, сен бор, яхши жойни танлаб, чой-пой олиб тур! Аччиқ қилиб дамлат, хўпми?!

Эркин янги келганлардан эди. Йигитлар бир-бирларини қора қилиб комбинат маъмурияти билан келишиб, қишлоқдаги дўстлари, яқинларини шу ерга ишга чақириб олаётгандилар.

Йигитлар кассада патта олишди, сўнгра уни одатдагидек ошпазларга узатишди. Эрбек не кўз билан кўрсинки, қайнатилган оппоқ гуруч устига қовуриб пиширилган тўғрам-тўғрам гўштни солиб, устига селидан куйиб, ёнига бир бўлак бодринг, бир бўлак помидор қўйиб, жилмайганча узатаверди. Тўрт йигитга ўн икки ликобча гуручли бўтқа солиниб, стол усти тўлиб кетди. Эрбекнинг ҳафсаласи пир бўлди. Бир ликобчани аранг еди. Аламидан чой ичмоқчи бўлди. Аммо чой шунақа аччиқ эдики, афти буришиб кетди. Бу пайтда бир ишчи "Где наш чайный сироп?!" дея қичқира бошлади. Чойни стаканларга бўлиб қўя қолишди. Тўрт кишининг шунча овқат ейишаётганини ва тахминан юз кишига етадиган чой сиропини бамайлихотир ичиб ўтиришганига кўзи тушган теваарак-атрофдаги ишчилар "Смотрика-а, какие обжоры, они же умрут", дея бир-бирига ажабланиб қараб қўйишарди.

Эрбек ниҳоят чидай олмайди. Пули куйган қирғиз қалампирни чайнабди дегандек жимгина ўтириб, чапиллатиб бамайлихотир гуручли бўтқани тушираётган дўстларига қараб жаҳл билан ўшқириб берди:

– Мана сенларга ўзбекча палов! Буларнинг уялмай ейишларини...

– Нимаям қилардик, – деди Баҳром.

– Ахир, булар устимиздан қулишяпти-ку.

Эрбек столларни артиб юрган аёлдан "шефповар"нинг қаердалигини сўради.

– Туринглар, кетдик!

– Қаёкка?!

– Паловнинг қанақа бўлишини тушунтириб қўямиз буларга, – деди Эрбек жиддий ва хали қўл тегилмаган иккита ликобдаги таомни кўтариб олди. Журурининг "исён кўтараётгани" унинг жиддий юз-кўзларидан сезилиб турарди.

Бош ошпаз Анатолий Аркадьевич комбинат Бош директор ўринбосари Борис Андреевич билан бирга овқатланиб ўтиришарди. Қизиғи шундаки, улар ҳам янги таом – "ўзбекча палов"дан баҳам кўришмоқда эди. Ўзбек йигитларнинг мана шу таомни кўтариб тўсатдан кириб келишлари уларни бир оз довдиратиб қўйди.

– Келинглار, йигитлар, тинчликми? – сўради бош ошпаз шоша-пиша.

– Биз ҳақиқий ўзбекча палов емоқчи эдик. Бу русча гуручли бўтқа бўпти, – деди Эрбек ва стол устига қўлидагиларни қўйди.

– Нима гап? – сўради Борис Андреевич.

– Ёрдамчим таомномага бир оз ўзгартириш киритайлик. Бу ерда осийлик эмигрант ишчилар кўпайиб қолди, хурсанд бўлишади, деб айтганди.

– Яхши-ку. Унда нима муаммо?

Бош ошпаз ҳам Эрбекка ана шу саволни бермоқчи эди.

– Ўхшамабди-ку, – деди йигит қатъий равишда.

– Унда ўзингизлар ўхшатиб, кўрсатиб беринглар, – деди Борис Андреевич кулиб.

Эрбек шерикларига маъноли қараб олди. Улар ҳам қарши эмасликларини маълум қилгандек жилмайиб қўйишди.

– Қачон? Қерда? – сўради Баҳром.

Бош ошпаз бир оз тараддудланиб қолди ва тез жавоб берди.

– Ш-шу бугун, шу ерда, – деди у маъмурият вакили олдидаги ноқулайликдан чиқиб кетишга интилиб.

– Хўш, йигитлар, тайёрлаб кўрсатасизларми?

– Албатта, масаллиқлар бўлса, бас.

– Бўлмаса, масаллиқларнинг рўйхатини беринглар.

– Неча кишига тайёрлаймиз?

Борис Андреевич бир оз ўйланиб олди:

– Хўш, маъмуриятдан, кейин ошпазлар, ўзларингиз. Хуллас, йигирма-йигирма беш нафар киши бўлади, – деди Борис Андреевич ва ўрнидан кўзғалди. – Бўпти, Анатолий Аркадьевич, бу ёғини ўзингиз ташкиллаштиринг. Йигитлар хафа бўлган кўринади. Бундан буён таомнинг рецептини аввал яхши ўрганиб, кейин "таомнома"га киритинглар.

– Хўп бўлади... Узр, Борис Андреевич.

– Узрингизни манави йигитларга айтинг. Агар мен бўлмаганимда улар сизнинг гўштингизни ошларига босишган бўларди, – деди у жилмайиб.

– Тушликни охиригача қилмадингиз-ку.

– Бир йўла кечки пайт ҳақиқий ўзбекча палов емоқчиман. Айтиб қўяй, Бош директор ҳам, касаба уюшмаси раиси ҳам шу ерда бўлишади. Хўп, йигитлар, хафа бўлмайсизлар, бу киши бир гал кавказча кабоб қиламан деб ҳам қовун туширганди, – деди у ва самимий кулиб хайрлашди-да, чиқиб кетди.

* * *

Ўша куни Эрбек ва Баҳодир иккисининг электр қозонда тўрт кило гуручни дамлагунича она сутлари оғзига келди. Чунки тўртбурчак электр қозонида кўнгилдагидек палов пишириш қийин эди. Палов юмшоқ ва оппоқ шавлага ўхшаш бўлибди. Бу ҳол Эрбекнинг кўнглини хижил қилди. У ҳақиқий ўзбекча палов қандай бўлишини кўрсатиб қўйишни жуда-жуда истарди. Аммо меҳмонларга электр қозонда пишган таом ҳам маъкул келди. Улар жуда мактаб ейишди. Аммо касаба уюшмаси раиси Гоуфман Ильич деган киши "Бу ҳам ҳақиқий паловга ўхшагани йўқ. Уни ўчоқда, ўтин оловида тайёрлашади. Мен ҳарбий хизматни Тошкентда ўтаганман. Баъзан якшанба кунлари ўзбек йигитлари

тайёрлашарди, мазаси жуда ҳам бошқача бўларди. Бу ўшандай палов бўлмапти", – деб қолди.

– Тўғри, – деди Эрбек, – Бу ерда ош тайёрлаш технологияси бузилди. Ўтин, ўчоқ... қозон ҳам ўхшамади. Кейин масаллиқ ҳам талабга жавоб бермайди.

– Сен ҳақ бўлсанг, буни исботла. Ана, меҳнат таътили олу керакли нарсаларингни келтир, – деб қолди тўсатдан Борис Андреевич.

– Хизмат сафарига бориб кела қолсин. Фақат қовун ҳам олиб келасан, хўпми? – деди кулиб Гоуфман Ильич.

Хуллас, ҳақиқий ўзбекча палов ейишга аҳд қилган комбинат маъмурияти Эрбекка меҳнат таътили ва йўл харажатларини беришга қарор қилди. Албатта, бу бир ҳазилдек гап эди. Чунки Эрбек меҳнат таътили сўраб ариза ёзган ва унга цех бошлиғи ҳам имзо қўйиб берганди. Таътилдан асл сабаб эса паспортининг муддати тугаб, уни алмаштириш зарурияти келиб қолганида эди. Йигирма беш ёшда одатда паспорт алмаштирилади.

* * *

Бир неча кундан сўнг Эрбек Ўзбекистонга қонуний меҳнат таътилига, шунингдек, маъмурият "топшириғи" билан бир ойга бориб келадиган бўлди. Самолётда кетишга пули етарли бўлиб, ота-онаси, укаларининг ҳар бирига совға олди. Уйига бормаганига уч йилдан ошган эди. Маошини оиласига бетўхтов жўнатиб турди. Натижада отаси уйларини таъмирлатиб, пулнинг ўрни йўқолмасин деб бир "Тико" ҳам олиб қўйибди. Эндиги гал ўғлини уйлантириш масаласи эди. Аслида Эрбек меҳнат таътилига ҳам паспортини янгилаш, ҳам онаси кўз остига олиб қўйган келинбоп қизларни бир-бир кўриб келиш, маъқул бўлгани билан эса "аҳду паймон қилиш"ни режалаштираётганди.

Яқинда келиб уларнинг сафига қўшилган Эркин Новосибирсккача автобусда, бу ёғига тезюар поезд билан келгани ва йўл ҳақи жуда ҳам арзон тушганини айтиб қолди.

– Автобусга атиги юз эллик минг сўм тўладим, холос, поезд ҳам деярли шунчага тушди. Самолёт кира бўлса камида икки миллионга тушаркан. Сен ҳам шундай қила қол, Эрбек. Деярли бир ярим миллион ютасан. Тўғри, сал қийналасан, кечроқ етиб борасан. Нима, пулни супуриб олаётибмидинг?

Эркиннинг дўстона маслаҳати Эрбекни ўйлантириб қўйди. "Эркин тўғри айтаяпти, – деди у ўзича. – Бир ярим миллион-а? Менга буни ким беради? Бундан ташқари, Новосибирскда ҳали бўлмаганман. Поездда юриб бепоён мамлакатни кезиш, кейин автобусда Қозоғистон даштликларини томоша қилиб кетишнинг нимаси ёмон? Тўғри, уч-тўрт кун вақт сарфланади, лекин укаларимга кўпроқ совға-салом оламан".

* * *

Новосибирскдаги энг катта марказий бозорнинг бир четида ҳақиқатан ҳам катта харфлар билан "Тошкент" деб ёзиб қўйилган бир ўзбекистонликнинг хусусий автобуси "чақнаб" турарди. Эрбек уни кўриб негадир ўзида йўқ қувонди. Гўё автобус эмас, балки жуда-жуда соғинган ватанининг бир бўлаги уни ўзига чорларди. Йигит автобус ёнига борди-да, мизғиб ўтирган ҳайдовчисига, "Шошилинглар, жудаям арзон, тўлиши билан жўнаймиз!" дея тинмай қичқираётган кишига парво ҳам қилмади. Машинанинг чироқлари ва олд ойнасини соғинч билан беихтиёр силаб-сийпаб қўйди. Чорлаётган киши Эрбекка бир нигоҳ ташлаши биланок у ҳеч иккиланмай "Ака, битта жой топиладими?", деди.

– Марҳамат. Юз эллик минг сўм бўлади. Энг яхши жойлардан бири сизники, ука.

– Лекин менда ўзбек пули йўқ эди-да, ака.

– Нима бор?

– Рус пули, кейин евро.

– Бизга любойи бўлаверади. Курс бўйича тўлайверасиз.

– Яхши, – деди йигит ва кассасидан бир талай пул чиқарди.

Чиптачининг кўзлари ўйнади.

- Топиш-тутишингиз дурустга ўхшайди-ку а?
- Унчалик эмас. Бўлмаса, автобусда кетармидим.
- Ҳа. Буям тўғри. Эҳтиёт бўлинг дейман-да, киссавурлар кўп, – деди у беўхшов тиржайиб, чиптани узатаркан.
- Қачон жўнаймиз?
- Эрталаб тўққизда. Кеч қолманг, хўпми?
- Ие, бугун эмасми?
- Келганимизга эндигина икки соат бўлди-ку, ука. Бизгайм жон керак, – деди у ва рулда уйқусираб ўтирган шериги томон ишора қилди.
- Унда меҳмонхонага бора қоламан.
- Ҳа, шундай қилинг, окоси. Шаҳарни томоша қилинг, бозорга кириг. Бу ерда ҳамюртларимиз жуда кўп, эҳтимол, танишларингизни учратарсиз.
- Тўғри айтасиз. Хўп, эртагача хайр, – деди Эрбек ва автобусни худди тойчоқни эркалагандай шapatiлаб уриб кўйди-да, ўзи бозор томон жўнади.
- Бозорда ҳақиқатдан ҳам ҳамюртлар жуда кўп экан. Бири аравачада юк ташиётган, бири мевали қутиларни жойлаётган, бири кўча супураётган, сотувчию бизнесменлар, бозорчию ҳаммоллар ўзаро ўзбекча жаврашмоқда эди. Ҳатто бир мусикали диск сотилаётган дўкончада ҳам ўзбекча кўшиқ баралла таралар ва бу ўзбекистонлик мусофирлар, сайёҳлар, талабалар руҳиятига таскинлик баҳшида этарди.
- Эрбек беихтиёр мусиқа дўкони ёнига келиб қолди. У ерда диск танлаётган ва бир-бир эшитиб кўраётган турли ёш ва тоифадаги ҳамюртлар туришарди. Ўша қизиқувчан мусиқа ишқибозлари орасида диск сиртидаги суратларни завқ билан томоша қилиб, ёзувларини эринмай ўқиб чиқаётган, соябонли кепкаси ўзига жуда ярашиб турган, орқасига талаба ёшларга хос кичикроқ сафархалта илиб олган, ёноғида қора холи бор қиз ўзига жалб қилди.
- Сизда "Болалар" гуруҳининг янги дискаси борми, акажон? – сўради қиз сотувчидан.
- "Болалар" йўқ, "Божалар" бор, – деди у кулиб.
- Бу ҳазилмиди ё чинмиди, англаб бўлмасди.
- Эрбек ҳам беихтиёр суҳбатга қўшилди.
- Ўша "Божалар"дан бир эшитсак бўладими?
- Албатта. Нима, маъкул бўлса, сиз ҳам "Божалар"га шерик бўласизми?
- Бўлажак қайнотамизнинг қизлари бизга ҳам насиб қилармикин, дейман-да.
- Бўлмаса "Поччалар" бор, олақолинг, янгиси.
- Қиз кулиб юборди. Унинг табассуми шундай чиройли эдики, Эрбек бир лаҳза лол қолди ва унга гап қотишга журъат этди:
- Сўранг-чи, "Амма-холалари" йўқмикин-а?
- Вой, қизиқмисиз, ўзингиз сўрай қолинг, – деди қиз ва дисклардан олмай, терс ўгирилиб кета бошлади.
- Ҳой, қаёққа, "Божалар"ингизни олмайсизми?! – қичқирди сотувчи йигит ортидан.
- Анави йигитга бера қолинг, мендан эсдалик! – дея жавоб қайтарди қиз ва нари кетди-да, ўтган-кетганлар ичра ғойиб бўлди.
- Эрбек унинг ортидан боришни ҳам, бормаслиқни ҳам билмай иккиланиб қолди.
- Яхши қизга ўхшайдими? – деди сотувчи Эрбекка қараб.
- Дуруст.
- У шу ерда қайси бир институтда ўқийди. Мендан доим янги дисклардан олиб кетади.
- Сизда ростданам "Болалар" йўқми?
- Бор. Қизни бир оз гапга солай дедим-да, лекин кетиб қолди. Нима эди?
- Ўшани менга беринг, – деди Эрбек яна теварак-атрофга жавдираб қараб.
- Марҳамат. "Божалар"-чи, у қизиктирмайдими?

– Уни ҳам бера қолинг.

Эрбек ҳар икки дискни сотиб олди. Сўнгра бозорни, супермаркетлар, дўконларни айланди, совға-саломлар харид қилди. Аммо кўзлари ёноғида қора холи бор, кепкали талаба қизни изларди. "Қани энди уни учратиб қолсам, дискларни совға қилган бўлардим. Манзили ёки телефонини сўрайман. Қайтганимда унга Тошкентдан зўр-зўрларидан олиб келиб бераман" деб қўйди у ва кун бўйи ширин ўйларга берилиб, энтикиб юрди. Меҳмонхонага жойлашди. Бир оз дам олгач, тунги шаҳарни айланишга чиқди. Шу маҳал икки қизнинг ўзбекча гаплашиб кетаётгани унинг эътиборини тортди. Улар автобус бекати томон боришди. Улардан бири ўша, бозорда учратган қизга ўхшаб кетарди. Шу пайт автобус келиб тўхтади. Қизлар чиқишди. Эрбек беихтиёр уларнинг ортидан чопди.

– Ҳой қиз, тўхтанг! – дея қичқирди йигит.

Аммо қизлар эшитмади шекилли, ичкарироққа ўтишди. Автобус ўрнидан қўзғалди, эшиклар ёпилди. Йигит деразадан таниш чехрани излади. Чўнтагидан дискни чиқарди. Ниҳоят ўртароқда кетаётган қиз уни кўрди, қўлларини силкитди. Автобус тез жўнаб кетди. Эрбек юраги безовта бўлган ҳолда чароғон кўчада қолаверди.

* * *

Эртаси айтилган вақтда "Тошкент" автобусига етиб борди. Юқларини юкхонага жойлади ва чиптада қайд қилинган рақам бўйича ўз жойига ўтирди. Ҳамроҳи бир қиз экан. У эгилиб, берилиб китоб мутулаа қиларди.

Эрбек аввало қизнинг қўлидаги китоб муқовасига синчиклаб қаради. "Чимилдиқли уй ноласи" деган роман экан. Сўнгра унинг афт-ангорига ўғринча қараш қилди. Не кўз билан кўрсинки, бу қиз ўша – соябонли кепка кийиб олган талаба қиз бўлиб, ёноғида қора холи ҳам бор эди...

Йигит ҳеч тап тортмай қўйнидан "Болалар" гуруҳининг дискини чиқариб, берилиб ўқиётган китоб саҳифаларига оҳиста қўйди. Қиз бир сапчиб тушди.

– Бу нима қилганингиз?

– Унутиб қолдирувдингиз-ку.

– Э, сиз ҳалигимиз?

– Ҳа, мен ҳалиги...

– Нима, ростдан ҳам бу менгами?

– Албатта. Сизни кечадан буён қидираман. Унақа эмас-да, қочиб кетдингиз, – деди Эрбек ҳазиллашиб.

– Вой, нега энди изларкансиз? – сўради қиз нозланган бўлиб.

– "Болалар"дан кўра "Божалар" яхшилигини айтмоқчи эдим, холос.

– Вой, атиги шугинагами?

– Йўқ, музқаймоқ ҳам олиб бермоқчи эдим.

– Эҳ, аттанг, насиб қилмаган экан-да, қаранг, – деди қиз киноя аралаш.

– Лекин эзгуликнинг кечи йўқ, дейдилар.

Улар эски кадрдонлардек суҳбатга тез берилиб кетишди. Атрофдаги турли йўловчилар уларни "эски танишлар экан" деган ўйга боришаётган бўлишса ажаб эмасди.

– Яхши бўлди, энди кетгунимизча мусиқа эшитиб кетамиз, – деди қиз ва сумкасидан диск қўйиладиган магнитофонни чиқариб, қулоғига эшитгич қулоқчинини жойлаштириб олди.

* * *

Қизнинг исми Фарида бўлиб, асли тошкентлик, Новосибирскдаги тиббиёт олийгоҳининг битирувчи курс талабаси эди. У ТошМИга ўқишга кира олмади. Холаси Сурайё шу ерда – Сибирнинг совуғини еб ўқиганди, жиянига суянчиқ бўлди. Ҳозирда у Иркутск касалхонасида институт йўлланмасига кўра ишларди. Фаридага "Сен ҳам йўлланмани шу ёққа олавер", дегани учун ўша томонларни ўрганиб қайтди. Энди

Тошкентга бориб, ўтган йили бева қолган ойижонисидан маслаҳат олиб келмоқчи. Аммо ойижониси кўнмаса керак. Шундоқ ҳам йиғи-сиғи билан аранг битираяпти. Аммо Россия давлати учун ишлаб бермаса ҳам бўлмайди. Айтишларича, бир йил йўлланма билан ишлаганидан сўнг дипломни беришармиш. Наилож, шунчасига чидаган, бу ёғига ҳам сабр қилишга тўғри келади. Холаси ўша ёқда бир ёкутистонлик йигитга турмушга чиқди, энди жиянини ҳам тортмоқчи, шекилли.. Аммо ойижониси ҳеч қачон бунга кўнмаса керак. Сурайёнинг айтишича, Россияда тиббиёт ходимлари етишмасмиш. Шунинг учун ҳам яхши маош тўлашармиш. У баъзан "Ҳеч бўлмаса, эрга теккунингча шу ёқда ишлаб кўр, ўзингга сеп қил, борасан-да ўша Тошканингга", дерди.

Ва ниҳоят, бу масала жиддий тус олган чоғи, маслаҳатлашиш учун мана, Тошкентга кетаяпти. Онаси уни тезроқ турмушга узатмоқчилигини яхши билади. Унинг иш-пиши билан зиғирча иши йўқ. Телефонда айтишича, бир-иккита бойвачча йигитлар оғиз солишганмиш. Эрбек билан бўлса тасодифан танишиб қолишди. Ким билади, эҳтимол, бу автобус уларнинг тақдирларини ҳал қилувчи бир восита бўлиб хизмат қилар. Ҳар ҳолда Фарида икки сутка зерикмайдиган бўлди, ўзига яхши суҳбатдош топиб олди. Яхшиямки, олдинги ўриндиқда ўтирган ўзи ўзбек бўлсаям ўрисбашара, шапкасини қийшайтириб кийиб олган индамас мўйсафид кишига шерик бўлмади. Тошкентга боргунича нақ ёрилиб кетарди. "Тавба, ҳали автобус жилгани йўғу хуррак отишини", – деб кўйди қиз хаёлан.

– Худога шукр, – деб юборди қиз ва овози баралла чиқиб кетганидан ўзи хижолат бўлди.

– Нима дедингиз? – сўради Эрбек.

– Худога шукр, ватанимизга кетаяпмиз. Эҳ, тезроқ юра қолсайдик. Ойижонимни шунақаям соғиндимки, – дея чиройли керишиб эснаб олди у ва "Сиз-чи?" дегандай йигитга нигоҳ ташлади.

– Мен ошга масаллиқ олгани кетаяпман.

– Қўйсангиз-чи, топган гапингизни қаранг-гу!

– Рост. Ўлай агар. Директоримиз айтди. "Ҳақиқий ўзбекча палов тайёрлаб кўрсатасан", деди.

– Нима, ошпазмисиз?

– Йўқ. Сизга ўхшаган паловхўрман.

– Мен паловни ёқтирмайман. Пиширишни-ку, умуман билмайман.

– Нон пишириш, таппи ёпишни-чи?

– Фу, – деб кўйди қиз бурнини жийириб. – Мен бўлғуси шифокорман, билдийиз.

Унақа антисанитарияларни менга гапирманг.

– Қишлоққа эрга тегсангиз, нима қиласиз?

– Биринчидан, мен ҳеч қачон қишлоққа эрга тегмайман. Иккинчидан, инсон қаерда бўлмасин, ўша эрга мослаша боради. Маданият масаласи ҳар кимнинг ўзига, иннайкейин ануви, фаросатигаям боғлиқ. Нима, сизларда аёллар таппи қилишадими?

– Йўқ. Газимиз бор.

– Нега бўлмаса унақа деяпсиз?

– Чўлу даштларда шунақа-да.

– Бўлиши мумкин. Лекин бу гаплар мен учун зерикарли. Келинг, мавзуни ўзгартирамиз.

Қиз ўрнидан туриб автобусга чиқаётган йўловчиларни бир-бир кузата бошлади. Автобус тобора тўлиб борар, одамлар ўртадаги йўлакчага ҳам тахтача кўйиб жойлашишарди.

* * *

Олдинги ўриндиқлардан бирида мизғиб ўтирган ўрисча кепка кийган мўйсафид ёнига оппоқ соқолли, ўзига ярашган чопон ва дўппи кийган бир чол келиб жойлашди. Уни бу ўринга ўтиришни ҳайдовчилардан бири тавсия қилган кўринарди. Чунки ҳайдовчи

"Ўша ерга бемалол жойлашаверинг, отахон. Хангомалашиб кетасизлар-да", деб уқтирди. Аммо унга бўлғуси ҳамроҳ "гаплашадиганлардан эмас"га ўхшаб кўринди.

– Ассалому алайкум! – дея ҳамроҳига хурсандлик билан қўл узатди отахон.

Мизғиётган ҳамроҳи бир сапчиб тушди. Индамасдан, истар-истамас совуқ қўлини узатган бўлди.

– Яхшимисиз, оғайни?! Бирга кетарканмиз-да, а? Менинг исмим Низомхўжа. Ўзлариники-чи?

– Саидвафо, – деб қўйди нотаниш йўловчи шивирлаганнамо.

– Нима, Саидвафо дейсизми? Унда хотинингизга жа вафодор экансиз-да, а? – деди мўйсафид кулиб.

Саидвафонинг жавоб қайтаргиси келмай бўшашиб, нимжон қўлини тортиб олди. Аммо узоқ сафарда ўзаро суҳбат қуриб кетишга иштиёқманд Низомхўжа уни жим кетишга йўл қўймаслиги аён бўлди.

– Қаерликсиз, ошна? – деб сўради у.

– Я вообще маргиланский, – деб қўйди шериги русчалаб.

– Ие, ўзимизнинг Марғилонданми? Унда ҳамюрт эканмиз-ку! – деди Низомхўжа ва ўрнидан туриб кетиб, шеригини ҳам қўлидан тортиб турғизди-да, тор жой бўлишига қарамай қучоқлашиб кўришишга мажбур қилди. – Буни қаранг-а, вей. Мен олтиариқликман!

Саидвафонинг нурсиз юзидан тундлик йўқолиб, бир оз илиқлик юргандай бўлди.

– Сиз ўзимизнинг тарафларданмисиз? – сўроқда давом этди мўйсафид.

– Й-юқ. Ман узбек. В России сорок лет жил.

– Эҳ-ҳе! – хитоб қилди Низомхўжа, – унда тилимизниям бир оз унутибсиз дейман-а?

– Наверное, да.

– Нима, Россиялик бўлиб кетганмисиз?

Саидвафо яна "Ҳа" ишорасини қилди.

– Хотин, бола-чакалар, фарзандлар дегандек. Улар ҳам сиз билан яшашадими? – кизиксиниб сўрашда давом этди мўйсафид.

– Юқ. Первая жена осталась в Маргилане. У неё были три мальчика и одна девочка. А в Новосибирске один сын. Он сейчас в армии служит, – деди Саидвафо ва негадир чуқур хўрсиниб олди.

– Э-ха. Бу дейман, Марғилондаги "мальчик, девочка"лар ҳам катта бўлиб қолишгандир-а?

Саидвафо "билмасам" дегандек елкасини қисиб қўйди ва бир оз ўйланиб тургач, овози қалтираб жавоб берди:

– Я их почти сорок лет не видел...

– Нима?! Неужели?!.. – хитоб қилди Низомхўжа.

Саидвафонинг кўзлари намланди ва дастрўмолини олиб артган бўлди.

– Да. Когда я уехал, они были ещё маленькие детишки, – деб қўли билан олдинги ўриндиқ бўйи ва унинг пастроғини кўрсатди. – Ну получилось так, что я их больше не видел...

– Это как? Тушунмадим!.. Нима, сиз уларни ташлаб кетувдингизми?

– Просто не смог вернуться. Думал чуть-чуть подзаработаю... Ну и потом женился, родился сын, шли годы, так быстро...

– Фарзандларингиз билан хат-хабарлашиб турдингизми, ахир?

– Ҳм-м... Последнее письмо я им отправил тридцать пять лет назад. Потом в нашей деревне, где мы жили, был водяной потоп. Пришлось переехать в другую местность. Потом домашние заботы, заболела Лариса...

– Кто такая Лариса?

– Жена.

– Э-ха-ха, – деб қўйди Низомхўжа ачиниб. – Шунақа қилиб, хабар ололмадим, денг?

– Потом я сам тяжело заболел. Почти год лежал в постеле.
– Нима, шундаям Марғилонга хабар бермадингизми?
– Юк. Думал, зачем их беспокоить. На дорогу требуются большие затраты.
– Улар сизни тоза соғинишгандир-а?
– Не понял. Что вы говорите?
– Марғилондаги оилангиз сизни кутишаётгандир, дейман.
– Не знаю. Слышал, что пять лет назад умерла жена.
– Ия, ростдан-а?! Омин, жойи жаннатда бўлсин! – дея Низомхўжа юзига фотиҳа тортди.

Саидвафо бўлса уни тушунмай, миқ этмай тураверди.

Низомхўжа ажабланди:

– Нима, хотинингизнинг маъракасигаям бормадингизми?

Саидвафо жимгина бошини тебратиб "йўқ" ишорасини қилди.

– Унда жа одамгарчиликдан чиқиб кетган кўринасиз-ку, а? Фарзандларингиз... – деди у ва "Эҳ, эссиз" дея у ёғини гапирмай қўя қолди.

– Да. Поэтому они меня ждут, то ли не ждут, не знаю.

– Нима бўлсаям отасисиз-ку, улар кечиришади.

– Я надеюсь, конечно...

– Демак, сиз ниҳоят уларни кўргани бораяпман, денг. Ҳечдан кўра кеч яхши-да.

– Нет. Лариса заставила.

– Ие, шунаками? Лариса деганингиз унда тушунган, жуда яхши хотин экан. Шу яхшилигини эртароқ қилса бўлмасмикин, тавба. Нима дедингиз?

Саидвафо жавоб бериш ўрнига кўзларини олайтириб, ғалати қараш қилиб қўйди.

– Униям бирга олволмабсиз-да. Ҳар ҳолда фарзандларингиз билан таништирардингиз. Эҳтимол, Марғилонга бутунлай кўчиб келармидинглар.

– Что вы говорите? Она никогда не хотела приехать в Узбекистан.

– А почему? "Где муж, там и должна быть жена", деган экан ўрислар.

– Лариса не такая. Она ненавидит азиатов. Потому что её отца убили "басмачи". Он служил красноармейским офицером в Бухаре.

– Ўх-хў, қўйсангиз-чи! Бизни ёмон кўрса, мана, сизга тегибди-ку. Э-ҳа, тушунарли. "Любовь-любовь", денг.

– Хотите узнать, почему она меня на родину отпустила?

– "Отпустила" говорите? Хўш-хўш?

– Потому-что я уже постарел. Потом в нашей деревне нет мусульманского мазара. Есть в другом селе. Тут, от нас двести километров дальше.

Низомхўжанинг кўзлари бирдан катта-катта очилиб кетди ва довдираб ўрнидан туриб кетаёзди.

– Нима?! Астағфируллоҳ!.. Сиз ҳали "ўлгани келаяпман", денг! Нима, мусулмон мозори бўлганида келмасмидингиз?

Саидвафонинг ранги бўзарди ва елкасини қисиб қўйди. Оқиш лаблари беихтиёр титрай бошлади.

– Хафа бўлманг-у, ўртоқ Саидвафо. Исмингиз жисмингизга унчалик мос эмас экан.

– Да, правильно. Поэтому Лариса меня называла всегда толи Саидом, толи Сашей. Мы с ней жили долго и счастливо. Просто я когда умру, не хочу чтобы она мучалась и тратила лишние расходы.

Низомхўжа ватанидан, оиласидан воз кечган бир гуноҳкор банда ёнида ўтирганидан ижирганиб олди. Унинг ҳам юзлари бўзарди, бояги кайфиятидан асар ҳам қолмади. "Тавба..." деб қўйди у. Шуям бир худонинг "суйган" бандаси-да, ватани учун эмас, мозори учун кетаётганмиш. Хотини ўлсанг, кўмишга чиқим бўлмасин, дептимиш, астағфируллоҳ..."

Низомхўжа иложи бўлса ўрнидан туриб бошқа жойга ўтишга чоғланди, аммо ўринлар тўлиб бўлганди. Ноилож ўрнига қайтиб ўтириб ўриссифат тенгқуридан нафратланиб, терс ўгирилиб олди.

* * *

Низомхўжа ўтган йили ҳаж зиёратига бориб келди. Юртимиздаги барча зиёратгоҳларни ҳам кезиб чиқди. Аммо унинг дилида бир зиёрат сафарига бориб келиш армони бор эдики, ниҳоят уни ҳам амалга оширганидан хурсанд эди. Бир вақтлар қатағон қилиниб, Сибирь ўрмонларида ўлиб кетган жабрдийда юртдошларимиз мазорларини зиёрат қилиш, иложи бўлса отасининг мазори қаердалигини аниқлаб, тупроғидан олиб келишни ният қилганди. Афсуски тополмади. Айтишларича, отасининг жасадини бошқалар қатори умумий қабрга кўмиб юборишган экан. Архивда, отилганлар рўйхатида унинг ҳам исми шарифини кўрди. Ўша умумий қабрни топиб, ўтганлар хотирасига Қуръон тиловат қилди ва тупроғидан олди.

Низомхўжа "Автобус Тошкентгача икки сутка юради. Ёнимда бир яхши ҳамроҳ бўлса, чақчақлашиб кетамиз", деб орзу қилганди. Афсус, ҳамроҳи "нобоп" тепса-тебранмас, исми-жисмига номуносиб, ўрисмижоз Саидвафо бўлиб чиқди. Ён тарафидаги ўриндикка жойлашган ўрта ёшлардаги йигитга "Мен билан гаплашиб кетинг" дегандай умид билан бокди. Хайрият, кўринишдан дуруст йигитга ўхшади. Аммо унинг ёнидаги ҳамроҳи билан "тили бир" шекилли, ҳеч гапдан бўшамасди.

Низомхўжанинг хаёлига ҳар икки йигит билан танишиб олишни, иложи бўлса, уларни суҳбатга тортиш фикри келди ва ўзининг тунд шеригига терс ўгирилиб, ёнидагиларга қуюқ салом-алик қилди:

– Яхшимисизлар, йигитлар? Ҳорманглар энди!

– Ие, ассалому алайкум, отахон! Қарасак, сизлар жа гапга берилиб кетган экансиз, ҳалақит бермадик-да, – деди йигит қўшқўллаб саломлашаркан Саидвафодан бошқа барча фотиҳа қилди.

Низомхўжа ҳар икки йигит билан қўл бериб сўрашгач, "Қани, илоҳи омин, сафаримиз беҳатар бўлсин!", дея дуо қилди. Аммо Саидвафо без бўлиб ўтираверди. Унга эътибор беришмади.

– Менинг исмим Халил, ошпазман. Шеригимники Хидир. У сомсапаз. Тирикчилик дегандай, келгандик-да.

– Ҳа, яхши-яхши. Қалай, топиш-тутишлар?

– Тузук, чидаса бўлади. Келганимизга икки йил бўлди. Туну кун ишлайвериб эзилиб кетдик. Ватанни, оилани соғиндик.

– Улардан ҳеч хабар олдингларми, ишқилиб?

– Ҳа, албатта. Деярли ҳар куни телефонлашамиз, топганимизни жўнатиб турдик. Худога шукур, ёмонмас, ризқимизга яраша насибамизни териб юрдик-да.

– Яхши. Меҳнатнинг енгили бўлмайди. Қаерда бўлсанг ҳам, ҳаракат қилсанг, ризқинг йўлда қолмайди. Лекин шу ишларингни ўзимизда қилсанглар ҳам бўлади-ку. Кўп эмас, озроқ топсанглар ҳам кунларинг ўтаверармиди?..

– Тўғри, отахон. Биз энди шундай қилмоқчимиз. Ўйлаб қарасак, фарзандларимиз ота тарбиясисиз қолишяпти. Айниқса, ўғил болалар, биласиз, каттаргач, онага қулоқ солмай қўяркан.

– Кейин хотинниям соғиниб қолаяпмиз-да, – дея кулиб қўшиб қўйди Хидирали.

Унинг гапи ҳазилмиди, жиддиймиди, ҳар ҳолда кулишиб олишди.

– Ишқилиб, бу ёқдаги Марусаларга уйланиб олмадингларми?! – сўради отахон атайин ва кўз қарашлари билан ёнидаги ҳамроҳига "Анавинга ўхшаб" дегандай ишора қилиб қўйди.

Улар тушунишди шекилли, қош-қовоқларини бир оз кўтариб Саидвафо томон нигоҳ ташлаб олишди.

- Хотин топилади. Ватан топилмайди. Шунинч қачон ёддан чиқарманглар.
- Хотин ягонадир, ватан биттадир! – деб юборди Хидирали.
- Э, яшанг! – дея Ашурали деган йигит ҳам қийқириб қўйди.

Бу гапга йўловчилар гурр этиб кулиб юборишди. Автобусдошларнинг кайфияти кўтаринки эди. Саидвафо эса миқ этмас, ўзини бегона ҳис қилиб, кўзлари мўлтираб ўтирарди.

* * *

Халил ва Хидирнинг орқа томондаги ўриндикда ўзларига бино қўйган, юз-кўзлари чаплаб бўянган, европача кийинган икки ўзбек қиз русчалаб гаплашиб ўтиришар, оғзиларидан уятли гаплар ҳам "тарс-тарс" чиқиб кетаётганди. Хидирали баъзи-баъзида орқа ўриндикдаги қизлардан бирига кўз ташлаб олар ва улар билан гаплашиб кетишга иштиёқманд бўлиб, ҳалиги гапини атайин уларга қарата айтди. Бу гап, эҳтимол, қизлар учун ҳам кутилаётган баҳонамиди, ўринсиз бўлса-да, ҳар ҳолда Шамсия дегани нозланиб гап қотди:

- Вой, акажон, нега унақа дейсиз. Ҳеч бўлмаса "Эркак ягонадир" денг, – деди.

Бу билан у "қармоқ ташлади". Чунки дугонаси Хумора бир оз аввал Низомхўжа билан Халилнинг "топиш-тутишлар" ҳақидаги гапини эшитиб қолган ва кўзларини олайтириб, Шамсиянинг қулоғига "Яхши баликларга ўхшайди", деб шипшиб қўйганди.

– Қизим, "Эркак ягонадир", деган сўз фақат айрим хўроз йигитларга тегишли, – деди Низомхўжа кутилмаганда.

Йигитлар кулиб юборишди.

- Ў-ў! "Ёмонсиз, Кўчқор ака", – деди Хумора кўзларини сузиб.

У бу билан "Темир хотин" спектаклидаги Аломат образига ишора қилганди.

– Тўғри, бу гап кўчқорларгаям тегишли, – деб қўйди Хидирали. – Сиз ҳам аломат экансиз.

Қизлар кулиб юборишди. Халил шеригига "Ҳеч шу суюқлигинини ташламас экансан-да" дегандай олақараш қилиб қўйди. Низомхўжа уни тушундими, "қўяверинг" дегандай тиззасига туртди. Шундай қилиб, Халил билан Низомхўжа, Хидирали билан орқасидаги олифта қизлар ўртасида қизгин суҳбат давом этди.

Шамсия билан Хумора Россия томонларга ота-оналарига "эл қатори энагалик қилгани – ишга" деб баҳона қилиб, аслида тунги барларда "меҳнат қилиб, чарчаб", уйларига "дам олгани" қайтишмоқда эди. Улар энди "дам олиш"ни даволаниш билан алиштиришмоқчи. Чунки барда уларни тиббий кўрикдан ўтказиб туришарди. Охирги бор қонлари таҳлил қилинганида ОИТС касаллиги чиққанмиш. Уларнинг паспортларига "даволанмагунча қайтиб келмайсан" дегандай депортация муҳрини "тап" этказиб босиб беришди. Бўлмаса, яхши пул топишаётганди, қайтиш хаёлларига ҳам келмаганди. Пешона экан-да...

Бешинчи боб

КОЗИМ, НИЁЗБЕК, АШУРАЛИ ВА БОШҚАЛАР

Жўнаш арафасида мотори гуриллаб турган, пештоқига катта ҳарфлар билан "Новосибирск – Тошкент" деб ёзиб қўйилган "Мерседес" автобуснинг атрофи тобора гавжумлашиб борарди. Эгнига жинси шим, спорт кийими ва бошларига соябонли кепка кийиб олган қорақўз, қорасоч йигитлару европача кийинган қизу жувонлар автобусни ўз ватанларининг бир парчасидек кўриб қувониб кетишар, баъзилари автобус олд қисмини силаб-сийпаб юзларига фотиҳа ҳам тортишарди.

Улар орасида уч йилдан буён қарияларни ювиб-тараб, болаларга энагалик қилиб ишлаб қайтаётган Ансора ва Аслия исмли жувонлар, Шерқул ва Қувваталига ўхшаб кўча

супуриб, муз-қор тозалаб, фақат қора ишлар қилиб, гўё ўзларича бир неча йиллар "ишни қойиллатиб" қайтаётган бир гуруҳ бақувват-бақувват мардикор йигитлар, Зайни ва Эдик каби автоэлектрик, компьютер дастурчилари, сантехник ва дурадгор каби ўз касбининг моҳир усталари, Татьяна ва Алёна, Шамил ва Альберт каби русийзабон сафарга отланган хамюртларимиз ҳам бор эди.

Ашурали эндигина жойлашиб олиб, икки сутка гангир-гунгир қилиб, атрофидаги йўловчилар, шу жумладан, ёнидаги ҳамроҳи Жамшид билан танишган ҳам эдики, автобуснинг ён ойнаси тақирлаб қолди. Ашурали қувониб ўрнидан туриб кетди. Уйда ўн икки кун меҳмон бўлиб, хайр-хўшлашиб келган хизматдош дўсти Славик жилмайиб турарди. Ашурали "Мен ҳозир" деди-да, ўриндиққа дўпписини қўйиб, пастга тушиб кетди. Сўнгра рус ойнаси билан худди янги учрашишгандай қучоқ очиб кўришишди.

Славик Ашуралининг қўлига бир халта совға-салом тутқазди.

– Мана булар сенга, тузукроқ меҳмон қилолмадим.

– Э, нима қилардинг овора бўлиб, – деди Ашурали севиниб.

– Бу ерда икки шиша тоза рус ароғи, тўрт шиша буғу шохининг қони бор.

– Ие! Нима қиламан уни?

– Ҳар куни овқатдан олдин эллик граммдан отиб турасан. Бу жуда фойдали ичимлик. Сен кетганингдан кейин ёдимга келиб қолди. Бир оғайним ўрмончи, ўшаникидан олиб келаяпман. Кейин келганингда унинг ҳаммомида буғу шохининг қайнатмасидан тайёрланган ваннада чўмиласан.

– Бунинг нима фойдаси бор?

– Унисини хотинингдан сўрайсан, – деди Славик ва Ашуралининг қулоғига кулиб шипшиб қўйди. – Ҳа. Эркаклик қувватини оширади.

Улар хоҳолаб кулиб юборишди. Бу ҳол бошқа йўловчиларни ҳам, бир четда шериги билан ўзаро шивир-шивир қилиб гаплашаётган автобус ҳайдовчиси Козим ва кўринишдан олғир, устомон эканлиги сезилиб турадиган чипта сотувчи Ниёзбек исмли иккинчи ҳайдовчининг ҳам эътиборини тортди.

– Анави йигит сал анақароқ эканми? – сўради Ниёзбек Ашуралини кўрсатиб.

– Қанақа?

– Мен ҳам автобус ҳайдайман, хизмат бўлса, айтаверинглар, ҳайдашворавераман, дейди.

– "Бош оғрик" экан-да.

– Бе, у бир қишлоқи-ку. Ҳалиги бору, "пазик" минадиганлардан-де. Балони тушунармиди?

– Э, уни қўявер, демак, мен овқатлангани қаерларда тўхташим керак?

– Зелиногорскдаги чорраҳада. Сўнг қозоқда – Ойшилиқда.

– Яхши. Ишқилиб, ҳаммаси жойидами?

– Ҳа.

* * *

Бадр ва Баҳром исмли йигитлар "Паспортигимиз йўқ" деган баҳона билан ҳамманинг кўз ўнгида одамларнинг раҳмини келтириб юкхонага кириб олишди. Уларга ишлаш шароити "қийин" эди. Юкхонада, тиқилинчда, совукда ҳар бир жомадон, халталарни бир-бир очиб, нарсаларни қўл фонари ёрдамида кўздан кечириб, керагини олиб, қолганини яна қайта яхшилаб жойлаб чиқишдек одатий ўғрилиқ ишлари билан машғул эдилар. Пул, тилла тақинчоқлар бўлса-ку хўп-хўп, қимматбаҳо буюмларни ўз сумкаларига жойлашлари ва йўл-йўлакай автобус тўхтаб, ошхонага овқатлангани тушган маҳаллари уларни арзон нархда тез-тез пуллашлари ҳам керак. Мабодо қўлга тушиб қолгудек бўлсалар "зинғиллаб" қочиб қолишлари лозим эди. Ўғрилиқ ҳам бир тирикчилик, буюм осон эмас-да.

Бир воқеа сабаб бўлиб, улар шу ҳунар билан шуғулланишга қасд қилишганди. Икки йил мардикорлик ва ҳар хил қора ишларни бажариб ҳалол пул топишди. Аммо ётоқда турадиган ҳамюрт йигитлар бор пуллари йўғирлаб, бошқа шаҳарга жўнаворишди. Бу ҳол айниқса, Баҳромга қаттиқ алам қилди ва автобус юкхоналарида кетиш баҳонасини ўйлаб топди. Улар юкхонага яхшилаб жойлашиб олишди. Устларидан қулфлаб қўйилди.

* * *

Хурсанд бўлган Ашурали дўсти Славик билан яна бир бор кучоқлашиб хайрлашди.

– Славик, сени албатта кутаман, хўпми?

– Ҳа, бораман. Айтдим-ку, "Чимён" санаториясига декабрь ёки январь ойларида" деб.

– Хотининг Галяниям бирга олиб бор.

– Нима, ўрмонда ўтин йўқми?

Ашурали кулиб юборди.

– Биздаги ўтинлар ёнмайди, ҳаммаси ҳўл.

– Ёнғин бўлса, ҳўлу қуруқ баробар ёнаверади.

– Уни ўт ўчирувчилар буғунинг шохини кийиб ўчиришадими? – Ашурали халтага ишора қилди.

Славик ҳам энди ўзини тутиб туrolмади, хоҳолаб кулиб юборди.

– Бўпти, сен бир синаб кўр. Маъқул бўлса, қўнғироқ қил. Қишда ўзим олиб бораман. Майли, чиқа қол. Нима бало, одам тикилинчми, дейман-а?

– Ҳа. Йўл кира арзон экан, поездникидан уч баробар кам. Ҳам тез етиб борармиш.

Славик ҳайрон бўлиб қовоғини кўтарди.

– Самолётда ёки поездда кетаверсанг бўлмайдими?

– Бунинг ҳам бир гашти бор-да. Баҳонада таниш-билиш орттираман, кўрмаган жойларни кўраман.

– Майли, яхши бор, уйингдагиларга салом айт.

– Хўп, сени кутаман, Славик.

– Албатта. Қўнғироқ қилиб тур. Йўқолиб кетма.

– Айтмоқчи, борибоқ ҳалиги "Нексия" машинасининг нархини билиб, қўнғироқ қиламан, хўпми?

– Хўп. Агар имкониятим етса, учиб борарман ёки сенга пул жўнатаман, келишдикми?

– Келишдик.

Ашурали тикилиб чиқиб бораётган йўловчилар орасига ўзини урди.

Нихоят, автобус ўрнидан қўзғалди. Кузатувчилар ва шулар орасидаги Славик қўл силтаб хайрлашиб қолди. Шу маҳал бир қирғиз қиз "Эй, тўхтангдер! Мениде ала кетингиз!" дея ойнани шапатилай бошлади. Ҳайдовчи машинани тўхтатди. Ниёзбек эшикни очди.

– Қаерга борасан?

– Тўқмоққа, – деди қиз ўз тилида. – Илтимос, онам оғир касал. Тик туриб ҳам кетавераман. Мана, манг, олинг, – деди у ва бир қанча россия пулидан узатди.

Орқадан йигитларнинг "Ҳайданг, бўлди-да энди, ака!" деган норози овозлари эшитилди.

Пулни кўриб кўзлари олайиб кетган рулдаги Козим уларнинг гапларига парво қилмай "Бўл, тез чиқ" деди. Шериғи қизнинг қўлидан тортиб олди. Кутилмаганда унинг ортидан бир лўли хотин ҳам илашди.

– Ҳой, сиз қаёққа, тушинг пастга! – дея бақириб берди чиптачи.

– Илтимос, Усть-Каменогорсккача, барака топқурлар. Мени болам кутаяпти.

– Йўқ, сиғмайсиз, қанақа қилиб кетасиз, ахир?!

– Бир оёғим сиғса бўлди, болам. Ҳақингни бераман.

Аёл чиқиб олди. Эшик аранг ёпилди.

– Шофёр ака, бир-икки силтаб қўйсангиз, ҳамма жойланади! – деди Ашурали кулиб.

– Одамлар картошка эмас-ку, ука, – дея эътироз билдирган бўлди Козим.

– Моторингизнинг ишлаши ҳозирча яхши, кўз тегмасин, тфу-тфу.

Унинг синчковлиги ҳайдовчининг ғашига тегди, чоғи, ижирғаниб қўйди.

– Шофёр ака, бу рейсда кўпдан бери қатнайсизми?

– Тўрт йил бўлди, – истар-истамас жавоб берди Козим.

– Шунча вақтда йўл-пўлда ҳеч бузилиб қолганмисиз?

– Йўқ. Бир-икки марта балон отворган, холос, – деди у йўловчиларнинг ўзаро суҳбатга қулоқ тутиб туришганини кўриб.

Ниёзбекнинг ҳам ғаш келди.

– Хой, ўртоқ йўловчи, ҳайдовчини чалғитманг, илтимос. Нима, сиз билан гаплашадиган бошқа одам куриб кетганми?

– Узр, акажон, – деди Ашурали ва лўли аёлнинг бир сумкани кўтариб турганига кўзи тушиб қолди-да "Беринг, хола, олволаман", деди.

Лўли аёл хурсанд бўлиб кетди. "О, раҳмат, болам. Кўзларинг айтиб турибди, сен яхши одамсан. Доим омадинг келади".

– Меники-чи, хола? – сўраб қолди Жамшид кулиб.

Аёл унга тикилди.

– Қўлингни бер-чи.

Йигит қўлини узатди.

– Ҳм-м, сен, худо хоҳласа, севган кишингга уйланасан. Лекин бир тўсиқ кўраяпман. Ёмон тўсиқ.

– Қанақа тўсиқ?

– Пулини тўласангиз, айтади-да, – деди Ашурали гапга аралашиб.

Жамшид чўнтагидан тез пул чиқариб узатди.

– Ҳа, тўсиқ. Тўғрироғи, айрилиқни кўраяпман.

– Нима? Хотинимдан айриламанми?

– Йўқ, бошқаси, яқин одаминг билан.

Аёл қўлини тез тортиб олди.

– Бошингда анча-мунча қора иш борга ўхшайди, болам.

– Э, қўйинг, Жамшид ака. Булар алдоқчи бўлишади, – дея шивирлади орқа ўриндиқдаги Нилуфар.

– Хола, мана шу қизниям бир кўриб қўйинг, илтимос.

Аёл қизнинг кўзига қаради.

– У сени яхши кўраркан. Лекин бошида бир оғир иш бор. Сизлар турмуш қурасизлар, фарзандларинг бўлади, бир ўғил, бир қиз.

– Мениям кўриб кўярсиз, – деди шу пайт Ниёзбек масҳараомуз.

Аёл унинг кўзларига қаради.

– Йўқ. Сени кўрмайман.

– Вой, нега?!

– Гуноҳинг кўп, кўзларинг бежо.

Ниёзбекнинг жаҳли чиқди.

– Қўйсангиз-чи бўлмаган гапларни. Нима, мени пул бермайди, деб-а?..

– Йўқ. Пулинг керакмас, – деди аёл ва автобус салони ҳамда ундаги йўловчиларга бир-бир қараб чиқди.

Аёлнинг ўткир нигоҳлари Хумора ва Шамсияга, Нилуфарнинг онаси Кибриё холага, йўлакнинг олд қисмида тахланиб ўтирган Шеркул ва Қувваталига, сўнгра Бекзод ва Барнога тушиб, негадир ранглари оқара бошлади. У беихтиёр ухлаб ётган чақалоқ юзига кафтларини яқинлаштирди-да, тез тортиб олди. Кўзларини юмиб аллақандай тушунарсиз гаплар билан пичирлай кетди.

– Ҳа, тинчликми, хола? – сўради Ниёзбек.

Анча вақтдан сўнг аёл кўзларини очди ва бир автобус ичига, бир ҳайдовчиларга, тез-тез назар ташлаб олди-да, кутилмаганда "Тўхтат!" дея қичқира бошлади.

Бу пайтда автобус эндигина Камень-на-Оби шаҳри йўналиши бўйича шаҳардан чиқиб бораётганди. Козим ҳайрон бўлди ва ўшқириб берди:

– Ҳой, мияси айнаган хотин, нега чикдинг бўлмаса?!

– Сенларнинг миянг айнаган. Тўхтат, мен тушиб қоламан!

Салонда ғала-ғовур, хавотирлик бошланди. Ҳайдовчи жаҳл билан бир четга чиқиб силтаб тўхтатди ва Ниёзбекка асабий ўшқирди:

– Мен сенга юз марта айтаман мана шунақа ифлос хотинларни олмагин деб! Тушириб юбор уни! Ҳе, ўргилдим...

Ашурали аёлга нарсасини узатди.

– Хола, тинчликми? Тушиб қолманг. Келинг, менинг жойимга ўтиринг.

– Йўқ, болам, раҳмат. Бу машинада шайтон бор. Мен сизлар билан кетолмайман.

– Бор-е, йўқолиб кет. Одамларни қўрқитмай балога йўлиққур! – дея қичқирди Козим.

Аёл тушиб қолди ва ҳайдовчига қарата қичқирди:

– Сен ўша шайтонга шериксан!..

Яна нималар деди, ҳеч ким англаёлмай қолди. Аммо лўли аёл бир нималар бўлишини кўнгли сезиб ва баъзиларнинг юрагига ғулғула солиб кетди. Ниёзбекнинг ранги бўзариб йўловчиларга қарата хитоб қилди:

– Парво қилманглар, тентак хотин бу! Автобусма-автобус шунақа қилиб тентираб юраверади.

– Нега уни олдинг?! – яна ўшқирди Козим.

– Манави қизнинг орқасидан шарт чиқиб олганини билмай қолибман.

– Фол очтиришга бало бормиди?

– Ҳай энди, бекорчилик-да, ока.

Козим сўкиниб олди. Ҳадемай автобус жануб томон сокин йўлга чиқди. Бир йўловчи деди:

– Ака, Барнаул йўлидан кетмайсизми?

– Йўқ. У йўлда текширувчилар кўп. Бунча одам билан, сизга ҳазилми. Мен сизларни икки суткада чегарамизга элтиб қўйсам бўлдимми? – дея саволга савол билан салон ойнасига қараб жавоб берди у.

– Ҳа, албатта.

– Унда илтимос, менинг ишимга аралашманглар. Бир-бирларинг билан гаплашиб, хангомалашиб кетинглар. Ёки бўлмаса ухланглар. Йўл узоқ. Нима дедингиз, отахон? – Козим Низомхўжага қаради.

– Жуда тўғри! – деб қўйди мўйсафид тасдиқлаб.

– Соғ бўлсинлар. Худо хоҳласа, техника панд бERMаса, индинга сахар манзилимизга етиб оламиз.

– Илоҳи омин, – дея қўлини яна дуога очди Низомхўжа, – сафаримиз беҳатар бўлсин! Юртимизга бешикаст, соғ-омон етиб олайлик.

Саидвафо ва русийзабон йўловчилардан бўлак барча юзига фотиҳа тортишди.

Ҳайдовчи магнитофон мурватини бураб, ўзбекча қўшиқлардан бирини қўйиб юборди. Қўшиқ оҳанги йўловчиларга таскинлик бағишларди:

Кулишимни соғинди кимлар,

Сўлишимни соғинди кимлар.

Ёнишимни кутганлар ҳам бор,

Синишимни соғинди кимлар...

Дўстингман деб чоҳ қаздилар, оҳ –

Мен у чоҳга сизмадим бироқ.

Гоҳо аёл макрига учдим,
Гоҳ кўнгилнинг оғусин ичдим... *

Йўлда сирли равишда тушиб қолган лўли хотин бир зумда унутилди.

* * *

Оқшом чўка бошлади. Автобус овқатланиш мўлжалланган ошхона сари яқинлашиб қолди. Козим тезликни пасайтирди ва шериги томон маъноли қараб қўйди. Ойна орқали йўловчиларнинг ҳолатига разм солди. Кўпчилик беозор ва хотиржам ором олмоқда эди. Кимлардир хуррак отарди. Ошпаз Халил билан Қувватали экан. Нилуфар олд ўриндик суянчиғига бошини қўйиб ухламоқда. Унинг нозик кўлини Жамшид маҳкам қисиб олган, ўзи ҳам мизғимоқда. Бекзод ва Барно бир-бирларига бош қўйишган. Чақалоқ қўлчаларини чиқариб ўйнатиб ётибди. Шамсия оёғини чиқариб олган ва Хуморанинг кўксига бош қўйган. Эрбек бедор, елкасининг бир четида Фариданинг боши омонат турибди. Йигит қиз сочларининг бўйидан сармаст, ширин орзуларга берилган. Ўзини мизғийётган кўрсатса-да, аслида бедор. Саидвафо русча шапкасининг соябони билан кўзини тўсиб беозор ётибди.

Низомхўжа ҳамроҳига қараб "Эҳ, аттанг", дегандек бошини сарак-сарак қилиб бормоқда. Унинг хаёлидан Саидвафо ҳақида ғалати ўйлар кечарди: "Қизик, фарзандлари уни қандай қарши олишаркин? Оталарини танишмасаям керак. Бу одам-чи, ўз фарзандларини танирмикин, тавба?.. Шунақа бетавфик, имонсиз оталар ҳам бўлар экан-да? Туғдириб қўйиш ҳар қандай эркакнинг кўлидан келади. Уларни тарбиялаш, вояга етказиш, уйлаб-жойлаш, бу – ота учун фарз-ку. Наҳотки ўз фарзандларидан юз ўгирди, уларни тирик етим қилди? Қандай қилиб энди фарзандларининг олдига боради? Кўзларига қандай қарайди? "Мен оталарингман, ўлсам тобутимни кўтаринглар", дермикин? Тавба, астафйруллоҳ... Хих, мусулмон мазори бўлмагани учун келаётганмиш. Ўзи мусулмончиликниям эсидан чиқариб, динсиз бандага айланиб қолибди-ку. Эҳ, пешонаси шўр банда... Тавба-тавба... Нима қилсам экан-а? Ё унга ёрдам берсаммикан? Қилган гуноҳларини тан олиб, эҳтимол, энди тавба-тазарру қилар, кеч бўлса ҳам фарзандларидан узр сўрар. Фарзандлари кечиришади, албатта. Нима бўлса ҳам оталари-ку. Уларнинг қандай кутиб олишларини бир кўргим келаяпти-да. Яхши кутиб олишса-ку, хўп-хўп, қабул қилишмаса, остонадан қувиб солишса-чи? Унда нима бўлади? Бечора, қаерга боради? Ҳа, унга ёрдам беришим керакка ўхшайди. Савоб бўлади. Унга мусулмончиликдан ҳам сабоқ бераман. Фарзандлари қабул қилишмаса, уйимга олиб кетаман, сўнг улар билан ўзим гаплашаман. Боғимни кўриқлаб ўша ерда яшаб тураверади. Эҳтимол, ўзи тенги бевалардан бирига уйлантириб ҳам қўярмиз".

Ашурали бўлса бепоён ўрмон манзаралари, ёғоч уйлардан иборат рус кишлоклари, замонавий типда қурилган биноларни томоша қилиб, дўсти Славик билан ҳарбий хизмат чоғидаги, қолаверса, ўн кун меҳмондорчиликда ўтказган кунларини эслаб баъзан ўзича кулиб қўяркан, оёғи остидаги халтада бир-бирига урилиб шиқирлаётган шишаларни ушлаб қўярди. У Новосибирскка келишда ҳам олтиариқ узумидан тайёрлаган қўлбола мусалласларни худди шундай шиқирлатиб олиб келганди. Славик унинг мусалласларига юксак баҳо берди ва нима биландир Ашуралини қойил қолдиргиси келдими, мана шу буғу шохи қонидан тайёрланган шарбатларни совға қилди. Ашурали ҳақиқатан ҳам тан берди. Чунки бундай совға унинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаганди.

Шу маҳал тўсатдан беўхшов янграган Ниёзбекнинг кўнғироғидан йўловчилар уйғониб кетишди. Чақалоқ чўчиб кетиб, биғиллаб йиғлай бошлади. Барно кўкрагини тутди, аммо у безовта бўлиб йиғлайверди.

Қарши томондан келаётган автобуслардан бири чироғини ёкиб-ўчириб, тўхташга ишора берди. Тошкентдан келаётган танишлари экан. Ниёзбек уни пайкаб қолди ва:

– Козим ака, шу ерда тўхтатинг! – деди буйруқ оҳангида.

Учкур отдай елиб бораётган автобуснинг "югани тортилиб", бир четга пишиллаб тўхтади. Ниёзбек пастга тушиб эшикни ёпди-да, йўлнинг у юзига ўтиб, ким биландир бахслаша кетди ва бир оздан сўнг қайтиб келиб, эшикни очибоқ хавотирли гап қотди:

– Чегарада текширув қаттиқмиш. Хужжатсизларни қамаб қўйишаётганмиш. Нима қиламиз? Бунча одам билан...

– Оббо! – деди Козим қўлларини рулга уриб. – Анави-чи, соққасини оладиган офицер бор-ку, ким эди?

– Майор Красновни айтаяписизми?

– Ҳа.

– Уни бошқа постга ўтказишибди.

– Нима қилдик-а? Унда Змеиногорскка ҳайдаинми?

– Ҳа, қозоққа Шуманайка орқали ўтиб кета қоламиз.

Уларнинг хавотирона суҳбати ўртадаги йўлакда "иссиққина, юмшоққина" мизғиб келаётган йигитларни ва баъзи хужжатсизларни хушёр торттирди. Ҳаммалари ўринларидан қўзғалиб, ғимирлаб қолишди.

– Шофёр ака, тинчликми?! – сўради Шеркул.

– Ҳа-ҳа, ҳеч хавотир олманглар. Одамимиз кўп – перегруз, бунинг устига, кўпчиликда паспорт йўқ, айланма йўлдан кетишга тўғри келади.

– Нима қилсак экан? – сўради Ниёзбек.

– Овқатланиб олайлик, сўнгра бир гап бўлар.

Шундан сўнг автобус бир оз юриб, йўл четидаги "Лесная роща" деб аталган қахвахона олдидаги майдонда тўхтади.

– Бемалол бир соат тушлик қилиб олаверинглар. Иложи бўлса, йўлда бошқа тўхтамаймиз.

Йўловчилар гувв этиб тушишди. Қарийб саксон нафар йўловчи бор эди. Ҳайдовчи тушиб юкхонани тақиллатди:

– Ҳой, икковинг! Тирикмисанлар?

Ичкаридан "Ҳа" деган овоз келгач, Козим мийиғида қулиб юкхона қопқоғини очди. Тиржайиб, кўзларини ола-кула қилиб, икки йигит қўлларида сумкалари билан чиқиб келишди ва атайин афтларини буриштириб, оёқлари увишиб қолганидан шикоят қилишди-да, оқсоқланиб ошхонанинг орқа томонига йўналишди. Чунки улар ҳар сафар орқа эшикдан ошпазлар хузурига кириб бориб "олиб келган" молларини арзон гаровга сотиб кетишга одатлангандилар.

Ўша ерда пештоқига "Томск – Алмати" деган ёзув осиб олган Қозоғистон рақамидаги автобус ҳам турарди. Унинг ёнида ҳайдовчидан ташқари яна тўрт бақувват йигит ва бир олифтароқ қисик кўз қиз бор эди. "Тошкент" автобуси ҳайдовчилари улар билан салом-алик қилишиб алоҳида имтиёзли хонада овқатланиб, қизгин суҳбат қуришди. Ҳайдовчилар янги таниш ҳамкасб орттиришганидан қувонишди. Арсен исмли ҳайдовчи улар учун ҳам овқатга пул тўлаб қўйди. Арсеннинг ўша уч-тўрт йўловчиси бериқда уларни зимдан кузатиб ўтиришарди.

– Одаминглар кўп-ку, божхонадан қандай ўтмоқчисизлар? – сўрди Арсен.

– Шунга бошимиз қотиб турибди-да, Шуманайка орқали кетсакмикан, – деди Козим. Арсен бир нимани режалаштирган чоғи, қулиб қўйди.

– Менинг машинам бўлса бўш. Атиги тўрт нафар одамим бор, холос. Истасанглар, ортиқча одамларингни Шуманайкагача олиб кета оламан.

– Яхши бўларди. Қанча сўрайсан?

– Пулинг керакмас, ошна. Бир-биримизга доим керак бўламиз-ку, ахир.

Козим Арсендай мард ошна орттирганидан мамнун бўлди. Улар келишишди. Тушлик тугагач, йўловчилар яна автобус ёнига жамлана бошлашди. Арсен "қисик кўз"га маъноли қараб қўйганини Козим пайқамади. "Қисик кўз" ўз шерикларини нимадир деб огоҳлантирди.

– Хўш, йигитлар, қандайсизлар? – сўради Козим сигарета чекиб, гурунглашиб турган йўловчиларга қарата.

– Яхши! – дейишди баъзилари.

– Қорин тўйди, қайғу кетди. Иккита автобусга бўлиниб, бирин-кетин кетаверадиган бўлдик. Йўлакда ўтирганлар, ўттиз беш киши, қани марҳамат, анави машинага чиқингларчи, – дея буюрди ҳайдовчи ва нариги ҳайдовчига мурожаат қилди.

Йигитлар ҳайрон бўлишди.

– Бу нима деганингиз? Бошқа автобусга нега чиқарканмиз? – норозилик билдирди Зайни деган йигит.

– Чегарадан иккига бўлиниб ўтамиз. Кейин эса яна бирга кетасизлар. Шунга келишдик.

– Кира ҳақи-чи, ўзгармайдими?

– Ўзгармайди.

– Сизларни қийналмай кетсин, чегарадан беғалва ўтсин, деяпмиз-да, – деди Ниёзбек.

– Фарқи йўқ, етиб олсак бўлди, – деди йигитлардан бири.

– Ну и что, Арсен, сколько человек заберёш?

– Сорок.

– Нет, ты возьми пожалуйста на все сидячие места.

– Хорошо, ладно. Возьму только тех, кто имеет паспорта.

– Тушундингларми? Бўлинглар, йигитлар, тезроқ жўнай қолайлик бўлмаса.

Козим билан Ниёзбек мамнун кўз уриштириб олишди. Нариги автобусга ўтаётган йўловчиларни кўриб Ашурали ҳайдовчининг бу қарорига таҳсинлар айтиб алкаган бўлди:

– Э, қойил! Шофёр ака, яхши иш қилдингиз. Бечоралар тахтачада ўтириб қийналиб қолишганди.

– Узоқ йўл. Нима бўлсаям ўзимизнинг одамлар-да. Ҳам чегарада сарғайиб турмаймиз, ҳам машина қийналмайди, нима дедингиз?

– Яхши фикр. Ҳамкасб дўстларингиз сизни қўллашаркан-да, қойил!

– Ҳа, одам одамга доимо керак бўлади-да. Қани, марҳамат қилинглари, – деди Ниёзбек хехелаб куларкан.

"Қисик кўз" чиқаётган йўловчиларни зимдан кузатар, ҳар бирининг жисмига синчков кўз қирини ташлаб оларди.

Арсен ҳам бериюкда туриб автобусга чиқаётган йўловчиларга айёрона қараб турарди.

Салон йўлакдагилардан бўшагач, анчагина кенгайиб, ҳавоси тозаланиб қолгандай туюлди. Козим юкхонадаги икки йигитни энди бошқа бўшроқ бўлагига қамади. Улар ҳам хуш кайфият билан ўзларини "зиндонбанд" қилишди.

Козим "енгиллаб олган" автобусни барибир божхона пости томон юргизмади. Чунки йўловчиларнинг бир қисмида паспорт йўқ эди. У қисқа йўлни танлади ва энди Змеиногорск томон йўналди. "Томск – Алмати" автобуси ортда қолиб кетдими ёки йўналишини ўзгартирмадими, ҳеч ким билмади. Қолган йўловчилар автобуснинг бир текис юришига монанд хотиржам ҳолатда ўзаро қизгин суҳбат куриб, чакчақлашиб боришарди.

ТУТҚУНЛИК
Олтинчи боб
"ҚИСИҚ КЎЗ"

"Томск – Алмати" автобуси автотрасса бўйлаб узок юрмади, бирдан йўналишини ўзгартириб, иккита машина аранг сиғадиган қарағайзор ўрмон оралиғи бўйлаб елдек кета бошлади. Шеркулнинг кўнглидан аллақандай нохуш шубҳа ўтди. У ёқ-бу ёғига ўгирилиб қаради. Ҳамма бепарво ва безътибор эди. Ниҳоят, ўзи ҳайдовчидан сўрашга журъат қилди:

– Шофёр ака, куда мы едем?!

– Куда, куда. Домой конечно, – деди ҳайдовчи хотиржам ва юзини салонга ўгириб, ойна олдида атайин бир эснаб олди.

У йўловчиларни кузатиб кетаётган кўзлари ола-кула малласоч йигит томон маъноли қараб олди. У тушунди шекилли, кулиб қўйди.

– Нега биз автотрассадан кетмаяпмиз?! – дея ажабланиб сўради Шеркул яна рус тилида.

– Йўлда бир юк олволамиз, – деди малласач йигит бепарво.

– Қанақа юк?

– Сенинг нима ишинг бор?

– Нега иши бўлмас экан, эҳтимол бомбадир! – орқадан жиддий кичқирди Зайни деган йўловчи.

Бу савол ҳазилми ё чинми, тушуниб бўлмасди.

– Биз нима эканини билишимиз керак, ахир!

– Борганда биласан. Очиб кўрсатаман, тушундинг?

Зайнининг жаҳли чиқди, кўли муштланди. Уришмоқ учун шарт ўрнидан туриб шайланди.

– Ҳой, бу билан сен нима демоқчисан ўзи?!

– Сўраганинг.

Зайнини ёнидаги йўловчи йигитлар "ўзингни бос" дегандай кўлидан ушлашди. Зайни ҳайдовчига қарата кичқирди:

– Ҳой, шофёр, сендан сўраяпман, тўғриси айт, бизни қаёққа олиб кетаяпсан?!

– Айтди-ку юк бор деб, – деди ҳайдовчи тараддудланиб.

– Олмайсан ўша юкни!

Шу маҳал "Қисик кўз" қиз ўрнидан сапчиб турди.

– Ҳой, қораялоқ, қани жойингга тез бориб ўтир-чи.

Зайнининг жаҳли чиқди:

– Нима?!

– Эшитганинг.

– Сен қанжиқ, ўзинг жим кет!

Шу маҳал тўсатдан қизнинг ҳар икки оёқлари ҳавога муаллақ кўтарилди ва "Ий-я!" дея ҳайқириб йигитнинг кўксига қарата зарб билан тепиб солди. Бунини кутмаган Зайни бақувват бўлса-да, автобуснинг ортига томон учиб тушди. Бу пайтда қиз ёнидаги йигитларни ҳам бирини кафт қирғоғи, бирини тирсаги, орқа томонидаги икки кишини бўлса оёқлари билан тез тепиб ташлади ва бу билан ўзининг моҳир қаратэчи эканини кўрсатиб қўйди. Ёрдам беришга шошилган йигитларнинг ҳовури пасайди. Салонда жиддий нохуш вазият юзага келди. Автобусни тўхтатишга уриниш бўлиши турган гап эди. Шу туфайли олдиндаги малласоч ва орқа ўриндикда келаётган миллати номаълум бир йигит ёнидан автомат чиқаришди. Учинчи йигит ҳам кассасидан тўппонча олиб, бир кўлига картон қути тутди.

– Қисқаси, ҳамманг яхшилаб эшитларинг! – дея кичқирди у. – Сенлар энди бизнинг ихтиёримиздасанлар! Қочишни ўйламаларинг, итдай отиб ташлаймиз!

Унинг гапини қиз давом эттирди. Кўзлари уккиникидай бежо эди.

– Қани, ҳамманг ёнингдаги телефон, паспорт, пуллар, калитлар, нима бўлса чиқариб манави қутига ташланглар-чи. Тез бўлларинг!

Тўртинчи қатор дераза томонида ўтирган Дамир исмли йигит эндигина телефони кўлига олиб рақам тера бошлаган ҳам эдики, бошига "қисик кўз"нинг пошнали оёғи келиб тегди ва чаккасидан қон оқа бошлади, тўппончанинг оғзи унинг пешонасига тиралди.

– Ҳой, сўтак! Мен сенга айтаяпман!

Орқа томондаги назоратчи иккинчи йигит ҳам бировнинг бошига тўппончанинг кўндоғи билан қаттиқ туширгани эшитилди. У "Вой!" деб беҳуш йиқилди ва кўлидаги телефон полга тарақ этиб тушди.

Жаҳли чиққан қиз энди йўловчиларни бир-бир турғизиб ёнидаги нарсаларини юлқиб олиб қутига ташлай бошлади.

Автобус бир маромда кетиб борар, ҳайдовчи атайин бепарво сигарета тутатиб, радиодан таралаётган муסיқага ҳамоҳанг ғўнғиллаб хиргойи қиларди. Йўловчилар ўзларининг тутқунликка тушганларини англашди.

Автобусда яна уч аёл ҳам бор эди. Бири ўша, машина ўрнидан кўзгалганида шошиб чиқиб олиб, Тўқмоққача олиб кетишларини сўраган қирғиз Айбике ва сомсапаз Хидирнинг шилқимликлари жонига теккан Хумора ва Шамсиялар эди. Улар ўз ўринлари бўлса-да "Нариги яхши автобусга ўхшайди, юр, бемалол кетамиз", деб ихтиёрий равишда бу ёққа ўтиб олишганди. Энди бўлса, салон ичида рўй бераётган ходисани кўриб, қотиб қолишган, кўзлари ола-кула бўлиб, кўрқиб-қалтирашмоқда эди. Айбике бўлса хотиржам, худди ҳаммасини олдиндан биладигандек воқеаларни совуққон кузатиб келарди. У ҳам эл қатори ўз қирғиз паспорти ва телефонларини миқ этмай қутига ташлади. Аммо унинг ёнида яна бир телефон аппарати бор эди. Қиз бу чорани ҳар эҳтимолга қарши қўллаб юрарди. Чунки мусофир юртларда инсон бошига ҳар хил иш тушиши мумкин. Айбике йўлда ана шу ўчирилган телефонининг рақамини Ашуралига берганди...

Айбике ҳам тирикчилик мақсадида Россияга кетди. Аммо яқинда онасининг оғирлашиб қолгани ҳақида нохуш хабар олди. Мана, қайтаяпти. Йўлда эса бу аҳвол. Хўрлиги келди. Лекин дардини ким ҳам эшитарди. Фақат бир илинжи бор. Бу ҳам бўлса, йўлда ҳамсуҳбат бўлган Ашурали эди.

Автобусда тик турган қизга Ашуралининг раҳми келганди. У бегона қизга жойини бўшатиб, ўтиришга таклиф этди. Бу пайтда кўпчилик қатори Жамшид ҳам уйқуга кетди. Шу туфайли Ашурали қирғиз қизни бир оз гапга солди. Бишкекдаги об-ҳаво, нарх-наволарни суриштирди. Унинг Қирғизистонда ҳам Жўлдас исмли хизматдоши бўларди. Аммо манзилини ёзиб олмаган, тахминан биларди. Шу туфайли қиздан у ҳақда суриштириб кўришини илтимос қилди. Ашурали ўз манзили ва телефон рақамини айтганди, ўшанда.

Қалин ўрмонга оқшом чўкди. Ёмғир шивалаб ёға бошлади. Йўловчилар қаерга кетиб бораётганликларини билмасдилар. Автобусдан сакраб қочиб қолишнинг эса ҳеч иложи йўқ. Қуролланган соқчилар уларни хушёр кузатиб боришар, "қисик кўз" шубҳали ҳаракат қилганнинг бўйнига тўсатдан тушириб қолар ёки оёғи билан акробатик равишда аямай тепарди.

Автобус қалин ўрмон оралаб узок юрди ва тунда баланд деворли кўрғон ичига кириб борди ва йўловчиларнинг кўлларини бошига қўйилган ҳолда бир-бир тушириб, қоронғи, зах хонага қамаб қўйишди.

* * *

Бу маҳалда олдинги автобусдагилар дунёнинг бундай жирканч ишларидан беҳабар хотиржам кетардилар. Бироқ бир жойда машиналар тикинига дуч келишди. Чунки автобус ҳақиқий магистрал автотрассада кетмай, божхона постини четлаб, айланма йўллардан бормоқда эди. Йўлда дарё қирғоғига яқин бир жарлик қулаганмиш, ортга – автотрассага

кайтайлик дейилса, икки юз чакиримдан кўпроқ юриб қўйилган. Бу ёғи ёқилғи ҳам оз қолган, ёқилғи қуйиш шаҳобчаси қаердалиги ҳам номаълум.

Козимнинг жаҳли чиқди ва шивалаб ёғётган ёмғирда бошқа ҳайдовчилардан Змеиногорскка қандай бориш мумкинлигини суриштира бошлади. Чунки у ёғига Шуманайкага йўл бор. Ҳайдовчилардан бири Козимга овлоқ ўрмон йўллариини тушунтириб берди шекилли, ивиб кетган ҳайдовчи автобусни қалин ўрмон оралаб илонизи йўлга бурди. Таваккал қилди. Кўп ўтмай асфальт ҳам тугаб, эгри-бугри тош йўли бошланди. Аммо ёмғир ҳалқоб бўлиб қолган чуқурчалар кўп эди.

– Шофёр ака, адашиб қолмаймизми, ишқилиб? – сўради Жамшид хавотирланиб.

– Бошқа иложимиз йўқ, ука, Россия чегарасидан ўтиб олишимиз керак.

– Тўғри йўлдан кетаверсак бўлмайдими?

– Бешта йўловчининг паспорти йўқ. Текширишса уларни қамашади. Мени ҳам жаримага тортишади. Бизга шунақа топшириқ бўлган. У бечораларни қаёққа ташлаб кетамиз, тушун, ахир?

– Айтмоқчи, анави юкхонадаги болаларнинг аҳволи нима бўлди? Тепада, биз билан кетаверишса, бўлади-ку.

– Ҳа-я. Яхши эслатдингиз. Дўқир-дўқирда оналарини кўришгандир, – деди ҳайдовчи ва автобусни тўхтатди. Шериги уларни олиб чиқиш учун пастга тушди.

Кўп ўтмай йигитлар қўлларида қаппайган сумкалари билан совуқда қалтираб чиқиб келишди. Улар орқага ўтиб, йўлакка, тахтачага жойлашишди. Ниёзбек уларга биттадан адёл топиб берди.

Ҳаво совиб, муздек ёмғир майда қорга айланиб, эриб кетарди. Йўлнинг давоми лой, ботқоқ экан, автобус аранг юриб борарди. Ой ҳам, юлдуз ҳам кўринмас, баланд қарағайлар сафи сирли қараб қолишарди. Бир маҳал машинанинг орқа томонида қаттиқ қарсиллаган товуш эшитилди. Бир дарахт кулаб, улкан бутоғи автобус орқа қисмини пачоқлаган эди. Орқа ойна чил-чил синди. Аёллар қўрққанларидан чинқириб юборишди. Барнонинг гўдаги биғиллаб йиғлай бошлади. Ҳайдовчи билан бирга кўпчилик лой кечиб орқага ўтиб аҳволни кўриб танг қолишди.

– Бизни худо асрабди. Нақ бўлмаса дарахт устимизга тушаркан, – деди Низомхўжа.

– Моторига шикаст етмадимикин? – сўради Ашурали.

– Олдинроққа олайлик-чи, кўрамыз.

– Қўлимиздан келганча ёрдам қиламиз, шопир ака.

Машинани олдинроққа итариб, қўл фонари билан синчиклаб текшириб кўришди. Синган орқа ойнаси ўрнига адёл ёпишга қарор қилишди. Бу ишга Ниёзбек ва бир-икки йигит киришди. Бурилиш чироқлари синган, машина томининг орқа қисми букилиб, салон ичига ёмғир аралаш қор урарди. Йигитлар оёқлари билан томни бир-икки тепиб тўғрилаган бўлишди.

– Оббо, энди шу кам эди.

– Ҳалиям бўлса орқага, трассага қайтсак бўлмайдими?

Ҳайдовчининг чиндан жаҳли чиқди.

– Кўрмаяпсизми?! Орқага йўл энди йўқ. Дарахтни ололмаймиз. Қани чиқинглар, бирор устахонагача етиб олишимиз керак. Аста юраверамиз.

Машинанинг орқа ғилдираги кўлмакли чуқурчага қаттиқ урилди. Озгина юрилгач, қардан вали нохуш овоз чиқараверди. Овоз борган сари кучайиб борарди.

Автобус тўхтади.

– Синган шекилли. Уни ечиб пайвандлаш ёки янгисини топиб жойига қўйиш керак, – деди Ашурали билафонлик қилиб.

– Шунақами? Энди нима қиламиз? – хавотирланиб сўради Жамшид.

– Бирорта юк машинасининг ўтишини кутамиз ёки итариб олиб кетишимиз керак, – деди Ниёзбек.

– Вой, унақа машина ўтмаса-чи? – капалаги учиб сўради Барно.

У гўдаги шамоллаб қолишидан хавотирга тушганди.

– Бизга адёл топиб беринг, ака! – дея зорланиб Ниёзбекка мурожаат қилди.

– Ие, уларни ойна ўрнига илдик-ку.

Бир йигит сумкасини олиб ундан катта ҳаммом сочиғини чиқариб узатди. Барно гўдакни ўраб-чирмади. Эри шимининг қайишини ечиб сочиқ устидан боғлаб қўйди.

– Тагини қуруқлаб қўйиш керакмиди? – эслатди Бекзод.

– Бир оз турайлик-чи, қуруқ матоим ҳам қолмади.

– Нима, памперс олмаганмидингиз? – сўради Нилуфар.

– Ўн кунлик чақалоққа қанақа қилиб қўясиз.

– Э, чиллалик денг. Узоқ йўлга бекор олиб чиқибсизлар-да, бечора гўдакни қийнаб қўйибсизлар, – ачинди Кибриё хола.

– Борар жойимиз, пулимиз бўлмаганидан кейин... – деди Барно.

– Ҳа. Йўл кирага аранг пул топдик. Бу ёғини сўрасангиз, кечки овқатга икки тишлам нон едик, холос, – деди Бекзод маъюс.

Бу гапни эшитганлар бири сумкасидан конфет, нон чиқариб бера бошлашди. Низомхўжа бир бўлак колбаса узатди.

– Манг, қизим, еб олинг. Қувват бўлади.

Ниёзбекнинг ҳам одамгарчилиги тутиб кетдими, термосдан чой қуйиб узатди. Бошқа йўловчилар ҳам энди бор-будларини олиб тамадди қила кетишди.

– Эрбек ака, нималар бўлаяпти ўзи? – сўради Фарида.

– Машина бузилибди. Уни тортиб кетиш керак экан.

– Вой ўлмасам, музлаб ўламиз-ку, – деди ва олдинги ўриндикда ўтирган Нилуфарнинг қулоғига пичирлади:

– Ўртоқжон, ташқарига чиқиб келмаймизми?

– Қоронғида-я? Қўрқаман!

– Нима қилдим, чидолмайман, – шивирлади яна Фарида.

Эрбек уни эшитиб эшитмаганга олиб ўтирарди. Аммо қизнинг иложсиз қолганини кўриб, жимгина ишора қилди-да, ўрнидан турди. Қиз аввалига қандоқ бўларкин, деб иккиланиб қолди.

– Юринг, ҳой, исмингиз нимаиди?

– Нилуфар.

Нилуфар Жамшидни туртиб ташқарига чиқишга ундади.

Жамшид билан Эрбек бериқоқда қолишди. Қизлар қоронғилик қўйнида ғойиб бўлишди.

– Айиқ бўлса, қақирарсизлар-а! – овозини баландлатди Эрбек.

– Унақа кўрқитманг-да, – деди Фарида.

– Тагин учуқ тошиб кетмасин.

– Хотинингизми? – сўради Жамшид.

– Бугун танишдик. Яхши қизга ўхшайди, – деди Эрбек.

Шу маҳал чинқирган овоз келди.

Йигитлар қизлар томон югуришди. Шохли буғу туёқларини лойда чапиллатиб чошиб кетди. Фарида дағ-дағ қалтираб Эрбекка, Нилуфар бўлса Жамшидга ёпишди.

– Ўзи ҳалиги шериклардан бекор айрилдик-да. Йўлдошидан айрилган йўлда қолар, деган гап бежиз айтилмаган, – деди Эрбек Жамшидга қараб.

– Тўғри айтасиз, жўра. Лекин "Йўл юрган хазинага йўлиқади", деган гап ҳам бор. Фақат у бизгамас, қизларга учради, холос.

Йигитлар кулишди. Ҳайдовчи автобус эшигини очиб қизлар ўзларини ичкарига уришди.

– Ҳа, нима гап? – сўради у.

– Олдимиздан катта ҳайвон чиқиб қолди.

– Шохли буғу, – деди Жамшид билағонлик қилиб.

– Шофёр ака, нима қиламиз, тураверамизми?

Ҳайдовчи елкасини қисди.

– Бўлмаса, бундай қилайлик, йигитлар, иссиқроқ кийиниб олиб, бошга ёпинчик тутиб, автобусни секин итариб бораверайлик. Сиз, шофёр ака, "аварийний" чироқларни ёқиб олинг, хўпми? – деди Ашурали.

Бир нечта йигит кийиниб, пастга тушишди. Салонда фақат аёллар қолишди. Ёмғир энди қорга айланиб юз-кўзларга аямай ёпишарди. Йигитларнинг оёқлари, шимлари лойга беланди.

Автобусни беш километрча итариб, ҳолдан тойдилар. Бир оз дам олишга тўхтаганларида қарши тарафда бир жуфт чироқ кўринди. Йигитлар хурсанд бўлиб кичкира кетишди. Трактор экан. Уни аранг тўхтатишди. Трактор автобусни бир чорва фермасига қадар судраб борди. Ҳайдовчилар фермердан бу ернинг аниқ манзилени билиб олишди.

Йўловчилар хашакхонага жойлашишди. Баъзи ёшлар, йигит ва қизлар ўртага олов ёқиб давра қуришди. Улар орасида Жамшид ва Нилуфар, Татьяна ва Алёна, Демир ва Эдик, Эрбек ва Фарида ҳам бор эди. Жамшид "Йигитчиликда" деб аталган янги кўшиқни ижро этди:

*Боши тошдан бўлсин эркакни доим,
Боласи оч қолса қиёмат қоим.
Хотинни захридан асра, Худойим,
Кўчага чиқади тирикчиликда,
Нималар бўлмайди йигитчиликда.*

*Кимгадир қучоғин очади бозор,
Кимдир ҳунар билар, кимдир мардикор.
Қиракашлик қилар машинаси бор,
Кимдир меҳнат қилар шерикчиликда,
Нималар бўлмайди йигитчиликда.*

*Қанча узоқларни яқин қиласан,
Тупроқни ҳам элаб олтин қиласан.
Ўзингдан ўтганин ўзинг биласан,
Тақдирга тан берма бу йўқчиликда,
Нималар бўлмайди йигитчиликда.*

*Ҳалол ризқинг териб янги тонгни кут,
Умидни йўқотма этагидан тут.
Бесамар кетказган умрингни унут,
Ланимат бўлар бу кун тўқчиликда,
Нималар бўлмайди йигитчиликда.*

Кўшиқни қарсақлар билан олқишлашди. Русийзабон ёшлар кўшиқ матнига унчалик тушунишмаган бўлишса-да, унинг майин оҳанги, хонанданинг овози ёқимли эканлигини ҳис этишди. Жамшид ҳам бўш келмади, ўзининг Россияга ишга борганлар ҳақида ўйлаб юрган кўшиғини илк бор ижро этди:

*Россияда пул топиб бой бўламан деб,
Бой бўлсам, машина, той оламан деб.
Осмонда юлдузу ой бўламан деб,
Хато қилдик биз, хато қилманг сиз!*

*Автобусда ўзиям юз киши кетдик,
Билолмадик, билмадик, қайлардан ўтдик.
Ниҳоят, ит топмас манзилга етдик,
Хато қилдик-ей, хато қилдик биз.*

*Ишимиз ўрмонда бир бино қуриш,
Тунимиз ит ётиш ва мирза туриш.
Ботқоғу захларда исқиртдай юриш,
Хато қилдик, ҳай, хато қилдик-да.*

*"Россияда минг доллар маош оласан",
Десалар ишонма, бало оласан.
Ўзбошимча кетсанг, гадо бўласан,
Хато қилдим мен, хато қилма сен!*

*Хотингаям икки йилда ёзолмадим хат,
Оишалар, ҳамюртлар, сизга маслаҳат.
Ватанда ишлар кўп, ана, марҳамат,
Хато қилдик биз, хато қилманг сиз!*

Сўнгра Эдик, Татьяналар ҳам ўз ёқтирган қўшиқларини куйлашди. Йўл азобидан хуфтон бўлган диллар бир зум бўлсада ёришди. Эрбек тоғорани доира қилиб чалиб берди. Қўшиқлар рақсларга уланди ва ғарибона базму жамшид тонггача давом этди.

Аммо биргина Ашуралининг кўнгли ғаш эди. "Буларнинг нияти нима ўзи? Тўғри йўл қолиб, нега бу томондан юришди? Наҳотки, нариги автобустагиларни алдаб бошқа жойга юборишган бўлишса?...". негадир йўлда тушиб қолган лўли хотиннинг ҳайдовчига қараб "Сен шайтонга шериксан!" дегани кўз олдига келаверди. Ёдига Айбике тушиб қолди ва унинг рақамларини терди. Аммо "Абонент рақами ўчирилган" деган овоз янграйверди. Ҳамма ўзи билан ўзи овора. Фермер хонадонининг ичкарисидан гўдак йиғиси эшитиларди. Бир аёл чақалоқли Барнони ичкарига олиб кириб кетди. Ташқарида қор ёғар, оппоқ оқариб тонг ёришиб борарди.

Ашурали деярли ухлай олмади. Думалаб, хашақларни шитирлатиб, беҳол ағанаб чикди. Бир пайт телефонига "СМС" келгани ҳақидаги хабар келди. "СМС" матни уни хушёр торттирди. Унда қирғиз тилида шундай ёзилганди:

"Байке. Жардам берингиздер! Биздерды алдашыпды. Бир жайга қамашды. Пистолетдеры бар. Адресимызды анав шафердер билет. Айбике".

Буни ўқиган Ашурали шарт ўрнидан туриб кетди ва ташқарига отилди. Нима қиларини билолмай у ёқ-бу ёққа безовта юра бошлади. "Оббо муттаҳам, ифлослар-ей! Кўринишидан одамга ўхшашади-я, шайтонлар! Бу ҳақда ҳозирча ҳеч кимга чурқ этмаслигим керак. Акс ҳолда тўполон бошланади. Йигитлар билан секин маслаҳатлашиб олишим лозим. Демак, автобус тузалгунича бир оз вақт бор. Мана, кимлар одамларимизни кул қилиб сотаяпти! Йигитларимиз қаёққа ғойиб бўлаяпти десам, гап бу ёқда экан-да! Илоннинг сирти юмшоқ, ичи заҳар бўлади, деб бежиз айтишмаган...".

* * *

Тутқунларни алдаб олиб келинган жой ташландиқ олмос кони бўлиб, бу ердан тош казиб олинар ва майдаланарди. Корхона олд томони баланд, тиканли симли тўсиқ билан ўралган, орқа томони бепоён ботқоқлик эди. Назоратчиларнинг ёнларида тўппонча, қўлларида резина таёқ ўйнардди.

Йигитлар хўрликка чидай олишмади. Бир соқчи ўтиб қолганди, уни тирқишдан кўришди ва қичқира бошлашди:

- Эй сволоч! Отпусти нас!
- Замолчи! – деди соқчи бепарво.
- Что от нас хотите, эй! – дея қичқирди Хумора ҳам.
- Сейчас придет начальник и сам объяснит.
- Мы кушать хотим. Воду давай!
- Потерпи...
- А я в туалет хочу! – деди бир йигит.
- Пожалуйста, – деди соқчи масхараомуз бош кийимини ечиб.
- Майли, бир оз чидайлик, – ух тортди Шерқул.
- Ҳа, ақлни ишлатиш керак. Шунча одам наҳот аҳмоқ бўлиб қолаверсак, – деди

Шамсия.

- Биздерды сатыб кетишген, – деди Айбике.
- Йўғ-е, қаердан биласиз? – сўради Зоҳир деган йигит ажабланиб.
- Тўғри. Бизлар кулмиз! Нақадар жарангли! – хитоб қилди Жўшқин ва кутилмаганда темир эшикни жаҳл билан тепди.

– Фойдаси йўқ. Эшикни бузиш керак. Қаранглар-чи, бирор темир-терсак йўқмикан?

Йигитлар еру деворларни пайпаслай бошладилар. Ҳеч нима қўлга илинмади. Хона томи ҳам бетондан қилинган, текис эди.

– Тўхтанглар, – деди Шерқул. – Аввал биз уларнинг шартини эшитайлик-чи. Бу ер тош кони экан. Демак, тош бор, яна ускуналарни тузатишга ишлатиладиган темир-терсаклар ҳам бўлади. Булар биз учун қурол, тушундингларми?

- Яна электр токи ҳам бор, – дея қўшиб қўйди Жўшқин.
- Муштимиз ҳам бор, – дея дўриллаб қўшиб қўйди Зайни.
- Бўпти, анави "қисиқ кўз"ни сенга берамиз.

Йигитлар кулиб олишди.

– Ҳеч нима қилолмайсизлар. Улар қуролланган. Пашшадек аямай отиб ташлашади, – деди Шамсия.

- Демак, уларнинг қуролини тортиб олиш ҳақида ўйлашимиз керак.
- Ҳа, ҳийла ишлатиш керак. Кимда қандай таклиф бор?

Ҳамма жим туриб қолди.

– Бирорта соқчи ухлаб қолишини пойлаш керак-да, унинг қуролини тортиб олиш керак.

– Тўғри, лекин қачон? Биз бунинг учун озодликда бемалол юришимиз, буларнинг ишончига киришимиз керак.

– Тўғри, улар бизни мажбуран ишлатишадиган бўлса, биринчи навбатда мана шу эркинлик шартини қўйайлик.

– Нима, рози бўлишади, деб ўйлайсанми?

– Ҳа. Биз уларга: "Бўпти, биз меҳнатдан қочмаймиз, яхши ишлаймиз. Фақат бизга яхши шароит, овқат ва маош берасанлар", дейлик.

– Яхши. Кейин-чи?

– Кейин пайт пойлаб туриб таппа босамиз-да, сурамыз.

– Бўлмаса, келишдик-а, болалар, – деди Шерқул ташаббусни қўлга олиб. – Ҳаммамизнинг тилимиз, мақсадимиз бир бўлиши керак. Ҳеч ким ўзича ҳаракат қилмасин. Дим-дим, эшакка миндим.

– Ҳа, бу ер мусофир жой. Бемақсад ўлиб кетиш ёки ногирон бўлиб қолиш ҳеч гапмас. Ҳали биз яшашимиз, оиламизга эсон-омон етиб олишимиз керак, – деди Жўшқин Шерқулнинг фикрини маъқуллаб.

– Мендаям бир таклиф бор, – деди кутилмаганда Шамсия. – Ҳаммамиз ҳозир бир кемага тушиб қолдик, тўғрими, йигитлар? Бу – жуда оғир қисмат. Қутулиб кетиш мақсад экан, мен билан Хуморага ёмон кўз билан қарамайсанлар.

– Бу нима деганинг? – сўради Зайни қовоғини уюб.

– Бўпти. Очиқ айтаман. Анави қуролланган ифлосларнинг кўнглини овлашга биз уриниб кўрамиз, – деди у Хумора томон ишора қилиб.

– Йўғ-е! – деб юборди Дамир деган йигит.

У уйланмаган, ор-номусли, содда йигит эди. Ўзбек қизининг бундай фикрлаши уни ажаблантирди.

– Бу ҳам бир ҳийла-да. Мақсадимиз ҳаммани қутқариш экан, биз ўзимизни, ўз танамизни аямоқчи эмасмиз.

– Мен разы имесмен, – деди Айбике кўрқиб ва йиғлаб юборди.

– Ҳой қиз, сени ҳеч ким мажбурлаётгани йўқ. Лекин ўзингни эҳтиёт қил. Биз нима, бир ожизалар бўлсак. Пешонангга тўппончани тираб туришса, нимаям қила олардинг. Ундан кўра ақлни ишлатиб, бу ердан қутулиш йўлини ахтариш керак.

Орага тушган оғир сукунатни эшик қулфининг шарақлаб очилгани бузди. Аввал "қисик кўз", қуролли соқчилар ва чарм куртка ҳамда бошига улкан шляпа кийиб, оғзига сигарета қистириб олган шопмўйлов, қориндор киши кириб келди.

– Добро пожаловать в наш рай! – дея масхараомуз хитоб қилди "қисик кўз" ва йигитларга бир-бир қараб, ёвқараш билан яна жисмоний имкониятларини чамалаб кўра бошлади.

– Менинг исмим Гога! – деди бошлиқ рус тилида. – Яширмайман. Сизларни биз сотиб олдик. Шунинг учун яхшиликча олти ой ишлаб берасизлар. Йўқ, десанглар, ана, катта кўча, бепоён ўрмон, бечора айиқларимиз оч.

– Нима иш қиламиз? – сўради Жўшқин.

– Бу ер олмос кони. Ҳар бир кунингиз учун кунлик норма бир тоннадан тошни майдалаш, тушунарлими? Бундан ташқари, бу ердан қочиб кетганлар, ўлганлар, майиб бўлганлар учун ҳам қолган соғлар ишлайди. Ўттиз беш киши тирикми, ўликми, бизга фарқи йўқ. Нормани хоҳласанглар икки смена ишлаб, уч ойда бажаринглар. Кейин сизларга жавоб.

– Яхши. Бизга шароит яратиб беринглар, бўлмаса. Меҳнатдан қочмаймиз.

– Қанақа шароит? – ажабланиб сўради бошлиқ.

– Ётоқ, уч маҳал овқат, яхши ойлик маош ҳам берасизлар.

– Ётоқ, овқат бўлади. Лекин маош яхши ишлаб олти ойдан сўнг ихтиёрий қолганларга берилади. Хўш, розимисизлар?

– Розимиз! – дейишди йигитлар.

Бу кутилмаган ҳолатдан зўравонлар ажабланиб бир-бирларига маъноли қараб олишди.

Хумора қошларини сузиб нозланди:

– Бизлар ҳам тош йўнамизми, акажон? – деди у ноз билан маникюр қилинган бармоқларини атайин кўрсатиб.

Гога буни кутмаганди. Қизнинг ҳусни жамолини кўриб, тараддудланиб қолди. Умуман олганда, тутқунлар қаршиликсиз тез рози бўлиб қўя қолганлари уни ажаблантирганди. Чунки ҳар вақт норозилик, бақир-чақирлар, дод-войлар, калтаклашлар бўларди.

– Сизлар ошхонада, ҳм-м..., кир ювиш ишларига қарашасизлар.

– О, биз ўзи айнан шунақа иш қидириб юргандик, – деди Шамсия ҳам қошларини чимириб.

– Нима, ростданми?

– Ҳа. Яхшироқ иш тополмай уйимизга қайтаётгандик. Зўр бўлди. Раҳмат сизга, жаноб, – деди Шеркул атайин жилмайиб.

– Унда марҳамат. Сизларга ҳозир махсус кийим-бош беришади. Иш ўринлари билан танишасизлар.

– Мен электрикман. Бирор хизмат бўлса, айтаверасиз, – деди Жўшқин.

– Хўш-хўш, ким яна нима қила олади?

– Мен сантехникман, – деди Дамир.

– Мен дурадгор устаман. Эшик, ром, мебель дегандай...

– Мен автокранчиман, машина ҳам ҳайдайман.

– Ораларингизда газ созловчиси борми?

– Мен созлайман, нима эди? – сўради Зайни.

У бу гапни атайин айтдим, тушуниб бўлмади.

– Яхши. Сизлар ҳалол ишласангиз, қочиб кетмасангиз, бизнинг одамлар ҳам яхши муносабатда бўлишади.

– Жаноб, узр. Сизнинг мақсадингиз шу ерда яхши даромад олишми ўзи?

– Ҳа, албатта.

– Унда бизга қўйиб беринг, ётволиб ишлаймиз. Иш қидириб келганмиз, ахир. Яхши шароит қилиб берсангиз, ҳеч қаёққа кетмаймиз. Лекин уч-тўрт йил ишлаб, курук кетмаслигимиз керак-да, тушунасиз-ку! Бизга пул керак. Бу пулни ҳалол йўл билан топамиз, меҳнатдан қочмаймиз.

– Хўп, тушунарли. Буни кўрамиз ҳали. Сенинг исминг нима?

– Шеркул.

– Сеники-чи?

– Жўшқин.

– Иккита бригадага бўлинасизлар. Кўрамиз, қайси бригада қандай ишларкин. Ҳар икковингни бригадир этиб тайинлайман. Нима масала бўлса, менга айтасизлар, тушунарлими?

– Сиздан битта илтимос бор, жаноб, – деб қолди шу пайт Зайни.

– Қанақа илтимос?

– Манави қизингизни бу ердан йўқотинг, илтимос, – деди у "қисик кўз"ни кўрсатиб. Бошлиқ кулиб қўйди. Соқчилар ҳам жилмайди.

– Нега энди?

– Бўйдоқман. Севиб қолиш хавфим бор.

Хамма бирдан кулиб юборди. Ўртадаги кескинлик барҳам топгандай бўлди. Йигитлар ўзларини гўё кулдорларга сўзсиз итоат этадиган содиқ куллардай тутишарди.

* * *

Эрталаб бир юк машинасини топиб, "Тошкент" автобусини йўловчилари билан бирга шатакка олиб, ўттиз километр нарида жойлашган посёлкадаги устахонага етиб олишди. У ерда овқатланиш учун ҳеч нима йўқ эди. Фақат сигарета ва ичимлик сотадиган кичик дўкон бор экан. Унда егуликка яроқли нима бўлса, ҳаммасини сотиб олиб шипшийдон қилишди. Баъзиларнинг аллақачон пули тугаганди. Захирага озиқ-овқат ҳам олишмаганди. Шу туфайли юкхонадан сумкаларини олиб айрим товар ва буюмларини олиб, ёйиб бир-бирларига, ўтган-кетганларга сота бошлашди. Натижада устахона ёнида кичик бозорча ташкил бўлди. Кимлардир шундагина сумкаларидан нарсаларининг ғойиб бўлганини пайқаб қолишди. Ансора шериги Аслиянинг қулоғига шипшиди.

– Вой ўлай, менинг ўғлимга олган спортча комплектим йўқ-ку. Ким олди экан-а?

Аслия бир-бирига суяниб қотиб ухлаётган узоқ вақт юкхонада келган Бадр ва Баҳром исмли йигитларга ишора қилди:

– Анавилар олмадимикин?

– Сумкаларини секин очиб кўрайликми?

– Аввал нарсаларимизни яхшилаб текширайлик. Эҳтимол, жойидадир.

Икки аёл ўз юкларини очиб, нарсаларини бир-бир кўра бошлашди.

– Ие, манави ерда тилла тақинчоқларим бор эди, йўқ! Вой ўлмасам! – деди Аслия. Аёлларнинг ҳаяжонли пичир-пичири, мизғиб ўтирган Ашуралини ўзига келтирди:

– Ҳа, тинчликми, опагонлар?

Аслия оҳиста келиб йигитнинг қулоғига шипшиди:

– Баъзи нарсаларимиз йўқ. Анави йигитлар олганга ўхшайди, деб ўйлаяпмиз. Одамларга секин айтиш керакмикин, ҳар ким сумкасини бирма-бир текширсин.

– Хўп. Мен секин айтиб чиқаман. Унгача овоза қилманглар, хўпми?

Ашурали ўрнидан турди ва ташқарида у ер-бу ерларда суҳбатлашиб турган ёки нарсаларини бозорча ёни ва дарахтларга илиб қўйиб кетаётган йўловчи ҳамроҳларга шипшиди.

Кутилмаганда "Ие, менинг у нарсам йўқ, бу нарсам йўқ!" деган ажабланишлар, асабийлашишлар бошланди. Нарсаси йўқолганлар негадир Ашурали теварагига тўпланишмоқда эди. Бадр билан Баҳромга шубҳа кучайди. Ниёзбек келиб қолмаганида улар ҳар икки йигитни жазога солишга тайёр эдилар.

– Ҳа, нима гап, тинчликми?

– Нарсаларимиз йўқ. Топиб берарсиз!

– Ие, мен қаёқдан билай, – деди ҳайдовчи гезариб.

– Анави икковини нега юкхонага олдингиз бўлмаса?

– Хужжатлари йўқ эканлигини кўрдинглар-ку. Тинчланинглар, бу ер бозор, жанжал қиладиган жой эмас. Усталарнинг аччиғи келади.

– Шошманглар! Бундай қилайлик. Кўпчилик гувоҳлигида ҳар икки йигитнинг буюмларини текшириб кўрайлик. Агар йўқолган буюмларимиздан бирортаси чиқиб қолса, ўшанга қараб иш тутамиз, – деди Ашурали босиқлик билан.

Йигитларнинг сумкалари кўпчилик гувоҳлигида текшириб кўрилди. Улар ўғирланган молларни аллақачон ошхонада "гумдон" қилишган, қолганини эса насияга қолдиришга улгуришган эди.

Йўловчилар ўша кеча устахонадаги автобус ичида ухлашди. Совуқдан дийдираб чиқишди. Ёшлар яна гулхан ёқмоқчи бўлишганида, устахона қоровули рухсат бермади. Туни билан қор аралаш ёмғир шивалади. Барнога қоровулхонадаги печка олдидан жой қилиб беришди. Эр-хотин гўдакни қўлдан қўймай бир-бирига суяниб тонг оттиришди. Кўпчилик оч эди. Бунинг устига этлари увишар, йўталишарди. Айниқса, Кибриё холанинг танаси кизиби, тез-тез йўтала бошлади.

– Вой болам, қачон кетамиз-а? Мен ўлиб қоламан-ку, – дерди у ихраб.

Кимдир ҳароратни туширадиган дори топиб берди. Сўнгра уни ҳам қоровулхонага олиб киришди.

– Эрталабгача чиданг, ойи, кейин жўнаймиз, – деди Нилуфар.

Аммо тун узундан-узоқ чўзилиб кетди. Аранг тонг оқарди ҳамки, автобуснинг тузалишидан дарак йўқ эди. Ашурали синчковлик билан усталар ёнида ўралашиб юраверди. Синган детал пайвандланди. Машина юргизиб кўрилди. Мотор бир меъёрда ишларди. Козим усталарни рози қилди. Аммо Ашуралининг назарида ҳайдовчиларнинг ўзлари негадир яна каловланишар, бу ердан ҳечам кетгиси келмаётгандай ивирсиб юришарди.

– Ҳамма жойи яхши, юрсак бўлаверар, шофёр ака, – деди Ашурали тоқати тоқ бўлиб.

– Нимаси жойида экан? – дея кутилмаганда жеркиб берди Ниёзбек. – Тормоз суюклиги оқиб кетган-ку. Кейин орқа мостга махсус мой зарур, пайвандланган жойни наждачка билан ишқаб силлиқлаш керак.

– Ишлов қоғози бўлса беринг, мен ёрдамлашай.

– Ҳой, сиз кимсиз ўзи?! – яна жеркиб берди ҳайдовчи.

– Бир йўловчингиз.

– Боринг жойингизга, бурнингизни суқманг!

– Тезроқ кетайлик, дейман-да.

– Ҳой инсон, агар бу автобусмас, самолёт бўлганида учувчиларнинг бошини шунақа котирармидингиз?

– Энди бекор ўтиргандан кўра...

– Чиптага пул тўлаганмисиз?

– Ҳа, албатта.

– Боринг, жўнанг. Аралашманг. Бу ёғи бизнинг ишимиз!

Ашурали нари кетди ва ҳаёлига ҳар хил нохуш фикрлар кела бошлади: "Тавба, намунча бу одам кўрс бўлмаса? Машина тузалди-ку. Ё бировни кутаяптимикин?"

Ашуралининг ҳайдовчиларга шубҳаси тобора ортиб борар, иложи борича уларнинг ҳар бир ҳаракатларидан кўз узмасликка ва ўзаро суҳбатларини тинглашга тиришарди. У ўриндикда ўтириб ҳар икки ҳайдовчини ойна пардаси четидан кузатиб ўтирди. Шу пайт унинг ҳаёлларини мўйсафид бузди:

– Ўғлим, машина тузалдимикан?

– Тузалди шекилли. Тагин худо билади.

– Эрбек ака, қачон кетамиз? – деб сўради Фарида. Унинг оёқлари чиндан ҳам совқотганди. Тиззаларини ишқаб "Вув!" деб титраб олди.

– Ҳайронман, – деди Эрбек нима қиларини билмай ва курткасини ечиб қизнинг тиззасига ташлади.

– Вой, ўзингиз-чи? – сўради киз.

Йигит ўрнига Ашурали "Унинг юрагида ўти бор", деб жавоб қайтарди ва Эрбекни ўзига имлаб, қўлидаги телефонга Айбикедан келган "СМС"ни кўрсатди. Эрбекнинг бирдан ранги оқариб кетди. Ашурали кўрсаткич бармоғини лабига босиб жим ишорасини қилди. Йигитнинг нигоҳида "Нима гап?" деган хавотирли савол намоён эди. Ашурали унинг кулоғига оҳиста шипшиди.

– Ҳозирча ҳеч кимга лом-мим деманг, хўпми? Юринг, ташқарида гаплашамиз.

Улар шошилиб пастга тушишди.

– Ҳой, сиз қаёққа?! – сўради Фарида нохушликни ҳис этиб.

– Ҳозир келаман.

Улар автобусдан четрокка ўтишди.

– Нима, сизнингча, нариги автобустагилар бизни Шуманайкада кутишмаяптими?

– Ўртоқ, ахир "СМС"ни мен тўқиб чиқарганим йўқ-ку. Кейин қирғизчаниям билмайман. Ўша қизга йўлда телефон рақамимни бергандим, холос.

– Ҳа. Аҳвол жиддийга ўхшайди.

– Яна сизга бир нарсани айтайинми? Фақат ҳаяжонланмайсиз.

– Нима экан?

– Автобусимиз унчалик бузилмаган. Ҳозир бемалол жўнасақ бўлади. Мен бу гапни мутахассис сифатида айтаяпман. Мен ҳам автобус ҳайдайман.

– Йўғ-е! – деди Эрбек ҳайрон бўлиб.

– Яна бир гап. Анави хонада келган икки йигитнинг паспортлари йўқ деб ўйлайсизми?

– Нима эди?

– Бор! Улар ўғри. Қолаверса, ҳайдовчилар билан тили бир.

– Ёнларидан ўғирланган моллар чиқмади-ку.

– Ўғирланган молларни тўхтаган ошхонада қолдиришган. Уларнинг орқа эшикдан чиқишаётганига кўзим тушувди. Қайтганларида сумкалари йўқ эди. Ҳозирги сумкалари бўлса ўзлариники. Уни автобусдан олиб тушишмаган.

– Оббо ифлослар-ей. Наҳотки ҳайдовчилар?..

– Улар ҳайдовчиларга тансоқчи, қуроллари ҳам бўлиши мумкин. Бу дегани биз ҳам ҳозир анавиларга ўхшаб гаровдамиз. Бу ерда кимнидир кутишяпти. "Автобус тузалмайди" деб бошқасига ўтқазишади-да...

– Йўғ-е! Жа оширвормадингизми, ака?

– Айбике билан гаплашиб кўраимизми?

Ашурали телефон тугмаларини босиб кулоғига тутди. Аммо телефондан "Абонент хизмат доирасидан ташқарида" деган овоз келаверди.

– "СМС" юбора қолайлик.

– Манг, ўзингиз жўнатынг, мен эпложмайман.

– Нима дей?

– "Айбике, аҳволингиз яхшими? Қаердасиз?" денг. Кейин жавоб келишига қараб иш тутамиз.

"СМС" жўнатылди.

– Бу ҳақда бошқаларга маълум қилсакмикин?

– Йўқ. Ҳозир эмас. Ҳа, айтмоқчи, бундай қиламиз. Мен ҳозир ҳайдовчилар ёнига ўтиб, уларни чалғитиб тураман. Сиз машина ва уларнинг ҳужжатларини олиб қўя оласизми?

– Уриниб кўраман. Кейин-чи?

– Улар билан яхшилаб танишиб чиқамиз. Паспорт нусхалари бўлса, ҳар эҳтимолга қарши олиб қўямиз.

– Яхши.

– Лекин эҳтиёт бўлинг. Ҳеч ким кўрмасин.

Шундай қилишди. Эрбек автобусага чиқа солиб мизғиб, совуқдан қунишиб ўтирган йўловчиларга бир бор эътибор берди-да, ҳайдовчиларнинг ҳужжатларини қидира бошлади.

– Ҳой Эрбек ака, нима қилаяпсиз?

– Қоғоз билан ручка керак бўлиб қолди, – деди у ва бир папкани қўлига олди.

Жамшид ҳам, Бекзод ҳам унинг бу ҳаракатларини зимдан бепарво кузатиб ўтиришарди. Орқароқдаги Баҳром билан Бадрлар бир-бирига маъноли қараб олишди.

– Фарида, юринг, бир ўрмонни айланиб келамиз.

– Вой, шу совуқда-я.

– Юринг деяман, – деди у буйруқ оҳангида. – Жамшид, сиз ҳам, ҳалиги...

– Бекзод.

– Бекзод, юринглар, бир айланиб келамиз, гап бор, – деди Эрбек ва ташқарига жиддий ишора қилди.

Эрбек Айбикедан жавоб келган бўлса, тезроқ кескин чора кўришга ошиқмоқда эди.

Козим Ашуралининг ёнида яна ўралашаётганидан энсаси қотди, лекин лом-мим демади. Икки ҳайдовчининг қизғин суҳбатлари бўлиниб қолди. Аммо Жамшидни кўриб жаҳли чиқди. Эрбек уни Ашуралини чақириб келиш учун юборганди.

– Ҳой йигит, сизга бу ерда нима бор?

– Бирор ёрдамимиз керакми, дейман-да.

– Ўзимиз эплаймиз, ука.

– Қачон жўнаймиз?

– Кечаги уста тормоз мойи олиб келсаёқ жўнаймиз.

– Биз ўрмонни бир айланиб чиқсак майлими? Қорин ҳам очиб кетди.

– Майли. Бир соат етадимиз?

– Ҳа, албатта. Юринг, Ашур ака.

– Мен нима қиламан?

– Қизлар билан кўзикорин терамиз, – деди Жамшид ва томоғини маъноли қириб олди.

Ашурали тушунди. "Демак, Эрбек айтган", деган ўйга борди ва "Кетдик" дея эргашиди. Эрбек, Фарида, Бекзод ва Нилуфар уларни бир четда кутиб туришарди. Арчазор томон йўл олишди.

– Тезроқ юринглар, – деди Ашурали.

– Нега? – сўради Жамшид.

– Анави юкхонада келган ўғриваччалар изимиздан тушишлари мумкин, – деди у ваҳима билан.

– Нега унақа дейсиз? Мундоқ тушунтириброк гапиринг, – деди Бекзод.

Улар анчагина ичкарилаб боришди. Лекин бу пайтда ўзларидан шубҳаланган Бадр билан Баҳром ҳам уларнинг ортидан пойлаб бормоқчи бўлдилар.

– Ана, қаранглар! – деб қолди тўсатдан Ашурали.

– Қаёққа?!

– Анави иккаласи, айтдим-ку, уларнинг тили бир деб.

– Чопдик. Яширинамиз! – деди Эрбек ва ҳаммаси қалин ўрмон ичига қараб чопиб кетишди.

Улар ағанаган улкан дарахт ортидаги чуқурга тушиб ғуж бўлиб ўтириб олишди. Икки йигит тепа томонларидан ўзаро гаплашиб ўтиб кетишди. "Қаёққа кетишди экан-а?" сўради бири ва тез орада кўздан ғойиб бўлишди.

– Эрбек, ҳужжатларни олдингизми? – сўради Ашурали.

Фарида сумкасини кўрсатди. Ашурали бир-бир текшириб кўра бошлади. Ҳайдовчилик гувоҳномаси ва паспортларидан нусхалар ҳам бор эди. Ашурали ён киссасидан ўз ҳайдовчилик гувоҳномасини чиқариб солиштирди.

– Ўхшайманми, йўқми?

– Козим Аҳмедов аввал сизга ўхшаб ориқроқ бўлган чоғи.

– Ҳа, кейин одам сотиб семириб кетибди.

– Нима, жиддий гапиряпсизларми? – сўради Жамшид ҳайрон бўлиб.

Ашурали телефонини чиқариб, Айбике юборган "СМС"ни кўрсатди. Фарида ҳам ўқиб "Вой!" деб юборди ва кўзлари ола-кула бўлиб кетди.

– Хуллас, уларни кутқаришимиз керак.

Жамшиднинг ранги оқарди.

– Нима, сизнингча, бизниям?..

– Ҳар нима бўлиши мумкин. Кўрасизлар, бир соатлар ичида олиб кетишади. Куролланган одамлар келиши мумкин. Кейин кеч бўлади.

– Ҳа, тўғри, – деди Эрбек тасдиқлаб. – Ашур ака, қаранг-чи, "СМС"га жавоб келдимикин.

– Ўзингиз қаранг.

Эрбек телефонни тез текшириб кўрди ва "келмабди" деб қўйди.

– Хўш, унда нима қиламиз? Қушхонага келган қўйдек ўтираверамизми?

– Шунинг учун нима қилиш кераклиги ҳақида яхшилаб ўйлайлик. Масалан, мен манави автобусни ҳайдаб кета оламан, – деди Ашурали.

– Эҳ-хе, ишлар жиддийга ўхшайди-ку, йигитлар, – деди Бекзод ҳайрон. Қизлар кўрқиб "Вой ўлмасам!" деб юборишди.

– Биз аввал анави икки ўғриваччадан қутилишимиз керак. Улар ишимизга ҳалақит қилишади, – деди Эрбек.

– Нима таклиф қилмоқчисиз?

– Нариги автобусдаги одамларимизни қаёққа олиб кетилганини ҳайдовчилар яхши билишади. Уларнинг тили бир. Анави мижозлар уларнинг "харидорлари"га ўхшайди. Телефон орқали уларни ўша ерга чақиртирган ҳам бўлиши мумкин.

– Оббо ифлос-ей. Нима қилсак экан-а?

– Аввало, анави икки йигитни ушлаб, боғлаб ташлаймиз. Кейин ҳайдовчи иккисини боғлаб, олиб кетишимиз керак. Уларни "ФСБ"га топширамиз.

– Ким у "ФСБ" деганингиз?

– Россия федерал хавфсизлик хизмати. Қозоғистон чегарасигача етиб олсак бўлди. Бу ер жуда яқин.

– Сизнингча, автобус ҳақиқатан ҳам бузуқми?

– Йўқ. Менимча, ҳамма жойи соз. Козим атайин шундай қилаётганга ўхшайди.

– Менда бир таклиф бор, – деди Эрбек.

– Қандай таклиф?

– Автобусни ҳайдаб қочамиз. Ортимиздан ҳайдовчилар чопишади. Сиз шошилмай кетаверасиз. Уларни тоза чарчатамиз, сўнгра тўхтаб, таппа босамиз. Анави йигитчалар ўрмонда қолаверишсин.

Ашурали ўйланиб қолди ва "маъқул" деди ниҳоят. Улар чуқурликдан аста чиқишди. Икки йигит кўринмасди.

– Уларни юкхонага қамаймиз. Устахонадан арматуралардан олволинглар.

– Мен бир жойда сим ўрами кўрдим. Қўл-оёқларини шартта боғлаймиз.

– Ҳа, айтмоқчи. Ўша ерда ёнғинга қарши воситалар ҳам бор. Сизлар болта, ёнғин ўчиргич, найза, курак ва симни олинглар-да, автобусга чопинглар. Мен бориб иложи бўлса, уни юргизиб тураман.

– Кетдик! – деди Жамшид.

Ашурали етиб борганида Ниёзбек бўш ўриндиқлардан бирида оёғини чиқариб олиб хотиржам мизғирди.

Козим орқа томонда мотор капотини очиб олган, у ҳам бамайлихотир ўзича хиргойи қилиб, латта билан моторни артарди.

– Ҳорманг, шофёр ака, қалай бўляпти? – деди Ашурали тўсатдан. Ҳайдовчи бир чўчиб тушди ва хушламай "Бўлади", деб қўйди.

– Бир юргизиб кўрмаймизми-а, поршенларининг овозини эшитиб кўрармидик, – деди Ашурали.

Чунки йўлга чиқишдан олдин мотор бир оз қизиб олиши керак эди. Бу ҳам вақтни олиши мумкин.

– Майли, – деди у истар-истамас ва ўша ердан туриб моторни ўт олдирди.

Ашурали шерикларини кузатди. Улар қўлларида қўлбола қуруллар билан автобусга чиқиб олишди. Ниёзбекни уйғотиб юбормасликка ҳаракат қилишди. Эрбек қўлидаги симни бўлак-бўлак қилиб буклаб синдира бошлади. Фарида сумкасидан шарфини олди, бу ҳам жиноятчиларни боғлаш учун хизмат қиларди. Уни пардоз-андоз қутигасидаги қайчи билан қирқиб, узун икки бўлакка бўлди ва ўрмон томонга нигоҳ ташлади. Чунки у ердаги икки йигит ҳамласига қарши тайёр туриши керак эди.

Автобус мотори қизиди. Ашурали ҳайдовчини гапга солиб атайин бошини қотирмоқда эди. Эрбек Жамшидга ишора қилди. Жамшид ёнғинга қарши кураш воситаси бўлган илгакли найзани, Эрбек сим ва Фарида узатган боғлоғични олди.

Жамшид ҳайдовчининг бўйнига найзани қутилмаганда тиради. У чўчиб бошини капотга қаттиқ уриб олди.

– Јиринг десанг, бошингни моторга босаман, – деди Жамшид. – Қўлингни орқага қил!

Ҳайдовчи қутилмаган бу ҳаракатдан қўрқиб кетди ва айтганини бажарди. Эрбек дарҳол унинг қўлларини сим билан ўраб-чирмади.

– Мен юкхонани очаман. Оғзини ҳам боғланглар, – деди Ашурали ва қалитни олгани чопди. У қалит ҳайдовчининг ўриндиғи ёнида туришини яхши биларди. Аммо Ниёзбек уйғониб кетди.

– Ҳой, нима қияпсиз? – деди.

– Козим акам айтдилар, юкхонада ниманидир олиш керак экан. Узр, дамингизни олаверинг, ака, – деди у.

Ашурали кетгач, дераза орқали ортидан қаради. У юкхона қопқоғини очди. Бир нима юкланди, шекилли, автобус қаттиқ қимирлаб қўйди. Аммо шериги бу нима эканини англаёлмади.

Навбат Ниёзбекга келганди. Ашурали бериги юкхонани очди.

– Уни ичига олиб кириб боғланглар. Икковларинг юкхонага кириб олинглар. Сиз оғзини боғлайсиз, сиз Жамшид, қўлини. Кейин сўроқ қиламиз. Хўш, тайёرمىсизлар?

Улар "Ҳа" дегандай ишора қилишди.

– Жамшид, қўлидан ушлаб шарт тортиб оласиз. Мен орқасидан итариб юбораман. Ишни тез бажаринглар, хўпми? – деди Ашурали.

Машина мотори юриб турар, аммо бу маҳалда юкхонанинг нариги қисмидан Козим боғланган оёқлари билан тепиб дупурлата бошлади. Ашурали Ниёзбекнинг олдига келди.

– Ҳа, тинчликми, нима дупурлаяпти? – сўради у

– Биз ўрмондан бир буғу боласини ушлаб олувдик. Шуни жойладик. Сизни Козим акам чақиряптилар.

– Ҳай, тинчликмикан? – деди у ва ҳеч қандай шубҳага бормай очик турган юкхона олдига борди.

– Қанилар?

– Ичкарида.

Ҳайдовчи энкайиб қаради. Ашурали уни ичкарига итариб юборди. У бошини уриб олиб бақирди. Эрбек унинг оғзига, Жамшид қўлига, Ашурали оёғига ёпишди. Аммо у Ашуралининг юз-кўзига қарата жон ҳолатда тепиб юборди. У орқага ағдарилиб тушиб лойга беланди. Ўрмон томонга қараганди, узокда йўлдан келаётган икки йигитга кўзи тушди. У юкхона эшигини шартта ёпиб қулфлади-да, салон ичига чопди.

Сўнгра автобусни юргазди. Мотор капоти ҳам очик қолаверди. Қоронғи юкхонада бўлса, икки йигит ҳайдовчининг шериги билан жикқа мушт бўлишарди. Икки йигит орқадан етиб олмасликлари учун Ашурали автобусни жон-жаҳди билан ўнқир-чўнқирга ҳам қарамай ҳайдади. Ниҳоят, "Тўхтанг!" дея бақириб-чақириб ўғри йигитлар ортда қолиб кетишди. Ашурали шу тобда қарияларнинг ҳай-ҳайлашини ҳам ва ҳеч қандай гап-сўзни ҳис этмас, гўё кўзи кўр, қулоғи қар бўлиб қолганди. Кўп ўтмай торроқ, лекин текис асфальт йўлга чиқиб олди. Энди машинани тўхтатиш ва шерикларини юкхонадан чиқариб олиш лозим эди. Шунинг учун ўрмон четидаги сўқмоқлардан бирига бурилиб тўхтатди.

– Ҳой бола, бу нима қилганинг? – дея пешонасини ушлаган ҳолда ихраб қичқирди Низомхўжа. – Нима, бизни ўлдирмоқчимисан?

– Тоға, ҳаммасини кейин тушунтириб бераман, мен ҳозир, – деди у ва юкхона калитини олиб тез тушиб кетди.

Юкхонада иккинчи ҳайдовчи беҳуш ётар, Жамшид билан Эрбек бўлса, бошларини чангаллаб ўтиришарди.

– Ҳаммаси жойида, тоға, – деди Бекзод.

– Ай, что случилось?! – дея хавотирли қичқирди Алёна.

– Объясните, что это такое?! – қичқирди Демир дегани.

– Шофёры хотели нас продать. Они оказывается предатели.

Автобусда шовқин, тўполон бошланди.

– Успокойтесь! Сейчас всё объяснят! – қичқирди Бекзод.

– Анави иккаласи орқамиздан кувишди. Нима гап?

Йигитлар юкхонадан чиқиб келишди. Уларнинг юз-қўллари тимдаланган, конталаш эди.

– Ишқилиб, ўлиб қолмасмикин?

– Э, йўқ. Ўзиям отдай кучи бор экан.

– Ҳа, мениям боплади, – деди Ашурали башарасини кўрсатиб. Унинг бир кўзи қизариб, атрофи кўкариб кетганди.

– Анави акани кўрайлик-чи, – деди Ашурали.

Козимнинг оғзи боғлиқ бўлгани учун кўзларини катта-катта очиб инқиллаб ётарди. Бу пайтда аввал Бекзод, сўнг Низомхўжа, Демир ва Алёна автобусдан тушиб келишди.

– Ё астафидуллоҳ! Бу нима қилиқ? – сўради Низомхўжа ҳайрат билан.

– Ана, ўзидан сўранг, айтиб беради, – деди Ашурали ва Эрбекка оғзини бўшатинг, деб ишора қилди.

– Тфу!.. Қўлимни еч, ярамаслар! – қичқирди банди.

– Хўп, ечамиз. Аммо нариги автобусдаги одамларни қаерга олиб кетишганини айтасан! Уларни кимга сотдинг?!

– Айтмасанг, ҳозир тўғри бориб "ФСБ"га топширамиз.

– Мен билмайман. Биз келишдик. Улар одамларни чегарадан олиб ўтиб, Шуманайкада ташлаб кетишади, – деди.

– Мана, "СМС" олдим. Уларни алдаб сотибсизлар. Кейин, автобусингиз аслида бузилмаган эди. Сиз буни атайин қилдингиз. Буниям исботлаб бераман! – қичқирди Ашурали.

– Ё алҳазар! Ростдан ҳам шунақа қилишибдими-а? – таажжубланиб сўради ҳожи бобо.

Бу пайтда автобусдан тушиб келаётганлар Ашуралининг телефонини бир-бир қўлларига олиб Айбике юборган нохуш хабарни ўқишарди.

– Ўлдириш керак бу ифлосларни! – қичқирди Эшкул.

– Йўқ, уларни суд қилиш керак.

– Аввал юртдошларимизни топиб беришсин!

– Уларни полицияга топширайлик, – деди Демир.

Бир-икки йигит жаҳли чиқиб ҳайдовчиларни оёғига тепа бошлашди. Қўйиб берса, қон қақшатиб дўппослашга ҳам тайёр эдилар.

– Тўхтанглар! – бақирди Низомхўжа. – Унақа қилманглар. Булар ҳам ўз юртдошларимиз, мўмин-мусулмон одамлар.

– Мусулмон бўлишса шунақа иш қилишадими?

– Аввал чегарадан ўтиб олайлик. Ҳақиқатан ҳам ҳамроҳларимиз у ерда бўлишмаса, кейин полицияга ё ўзимизнинг милицияга олиб бориб топшираверасизлар. Булар ҳар бир йўловчи учун жавоб беришади ҳали.

– Бўлмаса, юкхонада кетаверишади. Автобусни мен ҳайдайман, – деди Ашурали.

– Чегарада ҳарбийлар бу аҳволни кўришса нима бўлади? Ўзлари ҳайдай қолишсин.

– Йўқ, ота. Бу хавфли. Ифлосларга ишониб бўлмайди. Бизни олиб қочишса-чи?

– Қаёққаям боришарди?!

– Бунинг шериклари бор. Уларга тўхтаб, бизниям гаровга олишса нима бўлади?

– Йўғ-е. Ё астағфируллоҳ... – таажжубланди мўйсафид.

Ана шундай узоқ тортишувлардан сўнг автобусни Ашурали ҳайдайдиган ва айлана йўллар билан Қозоғистонга ўтиб борадиган бўлди. Уларнинг тақдирини Айбикедан келадиган жавоб ёки Шуманайкадаги вазият ҳал этарди. Ҳайдовчиларга нисбатан бўлган шубҳа ва гумон тобора ортиб, йўловчиларнинг асаби таранглашиб борар, барчанинг юрагини ваҳима босганди.

Еттинчи боб **ИСЁН**

Ташландиқ кондаги йўловчиларнинг аҳволи тобора оғирлашиб борарди. Иш оғир, бундай вазият ҳеч кимнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаганди.

Конда, ер остида ишловчи юртдошлар кўп экан. Тинкаси қуриган, руҳан ва жисмонан эзилган, ватанга қайтишдан умидларини узган одамларнинг аҳволи оғир эди. Темир қозиклар билан метиндан қаттиқ тошларни уриб синдиришар ва аравачаларга юклаб, рельсли йўлдан ташқарига олиб чиқишар, ташқаридаги ташландиқ бино ичида метин билан ёки улкан пресс қурилмалар тагига қўйиб, янчишар, бошқа гуруҳ одамлар ва тасодифан тутқунликка тушиб қолган аёллар, ҳаттоки болалар уюм бўлақларини яна ҳам майдалаб сув бўйига ташиб келишар, ғалвирларга солиб ювишарди. Бу ишлар қуролланган ва қўлида резина таёқ тутган бир гуруҳ назоратчилар кузатувида амалга ошириларди. Топилган ҳар бир олмос бўлақчаси зудлик билан олиб қўйилар, ишдан сўнг эса ишчиларнинг кийим-кечаклари, ҳатто таналари тинтиб чиқиларди.

Мабодо олмос бўлакчаси яшириб қолингани маълум бўлса, ўша айбдор итдай калтакланарди. Теварак-атроф тиканли сим билан ўралган ва ботқоқлик бўлиб, автомат тутган ниқобли соқчилар томонидан қаттиқ қўриқланар, қочиб кетишнинг иложи йўқ эди. Эвини қилиб қочганлар бўлса атрофдаги ботқоқликларда, кимсасиз ёввойи ўрмонда нобуд бўларди. Бу ерга фақат битта йўл – ботқоқ устига ётқизилган сузувчи понтон йиғма кўприги келган бўлиб, керак пайтда уни тезлик билан йиғиштириб олиш мумкин эди.

Зайни, Жўшқин ва бошқалар ишнинг бу даражада оғирлигини тасаввур ҳам қилишмаганди. Улар дастлаб олиб келинган жой бу фақат улар тилидаги "фильтр", кўпол қилиб айтилганида "кул бозори" эди, холос. "Қисик кўз" бошчилигидаги гуруҳ одамларни овлаб тўғри шу ерга келтиришар ва мижозлари билан очик савдо қилишарди.

Гого бу сафар бақувват, яхши "моллар" келганига амин бўлди. Одатда одамларни урсур, йиғи-сиғи билан мажбуран олиб келишарди. Лекин бу сафаргиларнинг меҳнат қилишга иштиёқманд эканлигига амин бўлди. Шу туфайли уларни енгилроқ тош майдалаш цехига ташлади. Бошлиқ улар орасидан ўзига назоратчилар танлаб олишни режалаштирди. "Осиёликлар ўз юртдошларини яхши гап билан, урмай-сўкмай ҳам ишлата олади. Яхши ҳақ олишса, менга содиқ бўлишади. Уларга барибир, пул учун ҳеч нимадан тойишмайди", деб ўйларди.

Шамсия билан Хуморанинг нозли қарашлари бошлиқ ва унинг ёрдамчиларини қизиқтирмай қолмади. Бундай ҳолатларда одатда қизлар гўё имтиҳон топширгандай аввало бошлиқнинг тўшагидан ўтишар, маъқул бўлганини зериккунича олиб юрар, кўп ҳолларда эса биринчи кечадаёқ яхши топилма топган назоратчиларга тортиқ қилиб юборарди.

Аҳволни тушунган Шамсия билан Хумора тақдирнинг бу ўйинидан танг қолишди. Аслида юқтириб олган касалликларидан кутулиш бир муаммо эди. Буниси ортиб тушди ва уларга жуда алам қилди.

– Биласанми, Шамсия, қилган гуноҳларимиз учун худонинг ўзи бизларни жазолаяпти. Бошқалар қатори ўз юртимизда юраверсак бўларди-ку. Ҳозир, эҳтимол, оила қуриб биттадан болали бўлармидик, – деди Хумора тушкун кайфиятда.

Кеча тунда яримлаб қолган вискидан алам билан қуйиб ичаркан, Шамсиянинг кайфи ошиб борарди.

– Пешона-да, дугона. Биз барибир ўламиз. Ўладиган жонга маишат қилиб юрибмиз-да. Нима қипти, подумашь...

– Унақа дема, Шамси. Яшашимиз, даволанишимиз керак. Бизга бошқа эркаклар билан бўлиш мумкин эмас, ахир.

– Бу ердагилар одам эмас. Уларнинг ҳаммасини йўқ қилиш керак. Бизнинг ўз "қулолимиз" бор, – деди Шамсия ва хохлаб кула бошлади. Фақат Хумора келиб бир тарсаки туширганидагина у ўзига келди.

Айбике кўримсиз бўлгани боис унга ҳеч ким эътибор бермади. Уни ҳам кўпчилик аёллар қатори тош ювишга қўйишди. Улар шундай қаттиқ назорат остида эдиларки, телефон қилиб олишга ёки "СМС" юборишга ҳам имконият йўқ эди. Ниҳоят, тунда Ашуралидан келган хатни адёл ичида ўқиди ва умид пайдо бўлди. У ўзларининг тутқунда эканликларини яна ёзиб маълум қилмоқчи бўлди, аммо ток манбаи аллақачон тугаб бўлган ва уни баракда қувватга тўлдиришнинг имкони йўқ эди. Бунинг устига, унинг тўшагини ҳам олмос яширмадимикан, дея ағдариб тинтув қилишганида телефонни топиб олишди ва пачоқлаб ташлашди. Бошига резина таёқ билан уришганди, хушидан кетиб йиқилди. Бу ҳақда эшитган Шамсия ва Хумора чошиб етиб қилишди.

– Сволочи! – сўкинди Шамсия ўзини босолмай.

– Ўлиб кетгурлар! Қиз болага кучинг етдими? Сенлар эркак эмассан! – дея кичкирди Хумора ҳам.

– Буларни ҳали онасини кўрсатиб қўямиз! Қўй, Айбике, хафа бўлма. Биз булардан қасдимизни оламиз ҳали, – деди Шамсия кўзлари ёниб.

Айбикенинг бошини боғлаб қўйишди ва унга чой дамлаб беришди.

– Хумор, мен кеча бир муҳим нарсани билиб олдим.

– Хўш-хўш?

– Уч кундан кейин Гогонинг туғилган куни экан. Бу дегани тоза маишат қилишади.

Фурсатдан фойдаланиб қолишимиз керак.

– Қанақа қилиб? Нима, "курولينгни" ишлатмоқчимисан? – деди Хумора кулиб.

– Э, йўқ, тушунмадинг.

– Ҳаммасининг қўйнига бирдан кириб чиқолмайсан-ку.

– Сен билан биз асосий раҳбарларни жазолаймиз. Уларни итдай ичиришга ҳаракат қилишимиз керак. Иложи бўлса, бошқа қизларга бу ҳақида айтиш керакмикан?

– Нима учун?

– Қочамиз!

– Нима?!

– Эшитганинг.

– Соқчилар бору.

– Уларни йигитларга топширамыз. Бирдан ҳужум уюштиришади.

– Отиб ташлашади-ку!

– Таваккал қиламыз. Пешонаси ярқирагани ўлмай бу ердан қутулиб кетади. Наиллож, уруш қурбонсиз бўлмайди.

– Нима, биз улар билан уришамизми?

– Жа соддасан-да, Хумор, қара, булар қанча юртдошларимизни азоблашапти. Бизлар ҳам адашганмиз. Йигитларимизни қара, бари келишган, девкомат. Улар ҳам адашишган. Нима, бундай ҳўрланмай, ўз юртимизда бирор ишлар қилишса бўлмасмиди?! Нима бўлса ҳам сен билан биз уларниям, ўзимизниям қутқаришимиз керак.

– Ҳа, тўғри айтасан. Худо хоҳласа, шу ердан эсон-омон қутулиб кета олсам, бу юртларни елкамни чуқури кўрсин. Борибоқ худодан мени кечиришини сўраб, беш вақт намоз ўқий бошлайман.

– Аввал даволанишимиз керак, – деди Шамсия.

– Эмне, сиздер аурумисиздер? – тўсатдан сўради ўзига келиб қолган Айбике.

– Э йўқ, ҳалиги... – дея тараддудланди Хумора.

– Менда ўсимта бор, – деди Шамсия Хуморага маъноли қараб.

– Менда саратон, – деди Хумора жўнгина.

– Мени эжем ауруб жатыр. Ул ададын қабар алгени барам, – деди Айбике кўзлари жикқа ёшга тўлиб.

– Қўй, йиғлама. Бу кунлар ҳам ўтиб кетади. Ҳали кўрасан, қутулиб кетамиз.

– Ойингнинг олдига тезроқ боришни истасанг, бизга ёрдам бер, – деди Шамсия.

– Қандай жардем?

– Бирга келган йигитларимизга хабар етказасан.

– Яхшиси, Зайни билан Жўшқин биз билан учрашсин.

– Қашан? Қайге?

– Тунда биз бандмиз-ку.

– Ҳозир бориб шу ерга чақирса-чи?

– Яхши бўларди. Бора оласанми, Айбике?

Айбике шарт ўрнидан турди. Қочиб қутулишга бўлган умид гўё қизга қанот бағишлаганди. Апил-тапил кийинди-да, ташқарига чиқди. Шамсия ҳайрон қараб қолди ва кулиб қўйди:

– Анавини қара, ким уни ҳозиргина калтак еган, дейди?

Ҳадемай Зайни билан Жўшқин кириб келишди. Қизлар ўз ўринларида пешоналарини боғлаб, худди беморлардай ётишарди.

– Ҳа, тинчликми? Нима, сизларниям дўппослашдими?

– Дўппослашса майли эди. Ҳар ёғимиз дабдала, – деб қўйди Шамсия пичинг қилиб.

– Нега чақирдинглар? – сўради Зайни бир оз жаҳли чиқиб.

Шунда Хумора уч кундан кейин Гогонинг туғилган куни экани ва шу муносабат билан қочишни уюштириш мумкинлигини тушунтирди.

– Биз бу ёқдан ҳужумга ўтамиз, сизлар у ёқдан, – деди Шамсия.

– Яхши. Зўр ўйлабсизлар, қизлар. Мен санаб чиқдим, қуролланган ўн тўрт соқчи бор.

Одамлар қийналиб кетишибди, сал ишорани кутишаяпти.

– Тушунарли. Келишдик бўлмаса, – деди Зайни совуққина.

– Айбике орқали хабарлашиб турамыз.

– Ёзма равишда бўлса яхши бўларди.

– Хуллас, кенгашиб, фикрларингни айтинглар.

– Келишдик. Кетдик, Жўшқин. Бу ерда кўп қолмайлик.

– Яхши қолинглар, қизлар.

– Эҳ, шундай йигитларимизнинг қадрига етмабмиз-да, дугон, – деб қўйди Шамсия ҳазил қилиб.

Йигитлар қизариб-бўзариб чиқиб кетишди. Аммо баракдан чиқишлари билан бошлиқларнинг ўткир нигоҳига дуч келишди.

– Сенлар бу ерда нима қилиб юрибсанлар?!

– Қизларимизни мазаларини қочириб қўйибсизлар-ку. Энди уларни эр олмайди.

Назоратчи деразадан қараб, "ҳа, буларми?" дегандек қулиб қўйди.

– Бор жойларингга тез! Бу ерда бошқа кўрмай! – дея ўшқирди.

– Бизга нонни кўпроқ беринглар, тўймаймиз, – деди Зайни атайин.

– Хўп-хўп, айтаман. Жўналаринг!

Орадан икки кун ўтди. Зайни билан Жўшқин Шамсияга учрашиб келишаётиб яна Гогога дуч келишди.

– Ҳа, нима қилиб юрибсанлар?

– Тўймаймиз, овқат беринг, – деди Зайни.

Гогонинг жаҳли чиқди.

– Сенларнинг ғаминг фақат овқат ейиш экан-да-а? – деди ижирганиб.

– Ахир бугун байрам-ку, хўжайин, – деди Зайни қулиб.

– А? Қанақа байрам?

– Туғилган кунингиз!

Гого соқчилар томон ҳайронлик билан нигоҳ ташлаб олди.

– Қаердан биласан?

– Эрталаб хўрознинг кичкириши бошқача эди. Кайфиятингиз яхши.

– Ҳаҳ! – деб юборди Гого ва хохолаб қулиб юборди.

– Оббо сен-ей! Яхши-яхши. Хўш, паловни ким қилиб беради?

– Мен.

– Хўп... Қирқ кишига тайёрлай оласанми?

– Ўн кило гуруч ҳеч гапмас. Керак бўлса, юз килони ҳам эплайман.

– Оббо сен-ей! Бўлмаса бундоқ қиламиз, қирқ килони ишчилар учун, ўн килони меҳмонлар учун алоҳида тайёрлайсан. Келишдикми?

– Келишдик. Фақат менга уч-тўрт ёрдамчи керак.

– Хоҳлаган одамнинг олавер.

– Қозон бошига бир-икки шиша ароқ ҳам берарсиз.

– Оббо айёр-ей! – деб қўйди бошлиқ кўрсаткич бармоғини нуқиб.

– Соғлигингиз учун олмасак бўлмайди-да, хўжайин.

– Бўпти, газагига Кларани юбораман, адабингни беради. Ошхонага боравер, – деди у ва нари кетди.

Зайни севиниб кетди. Бугун палов бўлишини эшитган кўпчилик ишчиларнинг кайфияти кўтарилди. Кўпларнинг палов емаганига бир неча йил бўлганди.

– Клара дегани ким бўлди экан-а, Жўшқин? – деб сўради у шеригидан.

– Ким бўларди, ҳалиги "қисик кўз"да. Энангни кўрасан энди.
– Уҳ! – деб қўйди Зайни муштумини сиқиб. – Мана шу қиз бир қўлимга тушса эди, дабдаласини чиқазган бўлардим.
– У "чёрный пояс", ҳазиллаша кўрма.
– Мен унга ҳали "пояси"ни кўрсатиб қўяман.
– Режамизни бузиб қўйма тагин.
– Ҳа-ҳа, яхши эслатдинг. Аввал уни тинчитиш керак. Бўлмаса, ўнтамиз ҳам бас келолмаймиз.
– Ақлни ишлат. Ошхонага Айбикени, кейин анави сомсапаз, ошпаз акаларни чақириб ол. Яна чакқонроқ Садирни ҳам. Ёдингда бўлсин, – деди у у ёқ-бу ёққа қараб олиб, – тунги соат ўн иккида...
– Тушунарли, коринниям яхшилаб тўйдириб олишимиз керак, олис йўл! – деди Зайни ва ўнг қўлининг беш панжасини Жўшқиннинг беш панжасига уриб қўйди-да, Айбике, Садир, Халил ва Хидирни ёнига чорлади.

* * *

Ўша куни тутқунларга илк бор ош берилди. Юрт таомини кўриб ва қорни тўйиб баъзилар кўзларига ёш ҳам олди.

Паловдан мамнун бўлган Гого ошхонага бир яшик ароқ жўнатдириб, таомдан соқчиларга ҳам элиб беришни буюрди. Бу айтиш муддао эди. Садир зудлик билан янгиликни Жўшқинга етказди. Жўшқин бақувват-бақувват йигитларни ажратди-да, уларга нима қилиш кераклигини тушунтирди.

Топшириқ шундай эди: "Ошхонадан юборишди. Бошлиқнинг соғлиғига қиттай олар экансиз", деб бир патнисга ош, газак, бир шиша ароқ, стакан ва қошиқ олиб борилади. Соқчи қуролини қўйиб, уни ейишга тушганида пайт пойлаб ортидан (ёки вазиятга кўра) бошига тошмайдалагич болға билан уриб, беҳуш қилинади. Сўнгра уст-бошларини кийиб, қуролини олиб, ўрнига турилади. Тунги соат 12:00 да навбат алмашгани борган соқчи ҳам гаровга олинади. Аммо буйруқ бўлмагунча қуролдан фойдаланилмайди. Асирлар бошқа йигитлар томонидан боғлаб ташланади. Сўнгра эгалланган қуроллардан фойдаланиб, Гогонинг бошқа одамлари бир-бир қўлга олинади. Охирги ҳужум соат 12:00 да соқчилар алмашган пайтда катта залга уюштирилади. Сўнгра барча асирлар боғланиб, бир жойга қамаб қўйилади-да, одамлар машиналарга чиқарилиб, йўлга тушилади.

Режа айтишга осон эди. Аввало баъзи соқчилар "Кел, сен ҳам мен билан қиттай ол", "Бўпти, қўйиб кетавер, жўна!" дейдиганлари ҳам, "Тўхтаб тур, идишни олиб кетасан", деб қуролини қўймай, борган йигитни рўпарасига ўтқазиб қўйганлари ҳам бўлди. Жўшқин мана шундай ҳолатни ҳам ҳисобга олиб, таом олиб кетган йигит ортидан яна бошқа йигитларни ҳам жўнатиб турди. Натижада кўп ўтмай тўртта қурол қўлга кирди. Ош ҳам бегона бўлмади.

* * *

"Қисик кўз"нинг ошхонада бир шиша виски билан пайдо бўлиши Зайни учун айтиш муддао эди.

- Ув-в, шунақа ҳунарим ҳам бор, де.
- "Йигит кишига қирқ ҳунар оз" деганлар.
- Сендан Гого жуда хурсанд.
- Сен-чи?
- Мени ниманг билан хурсанд қила олардинг?
- Ажойиб қизсан. Сени ёқтириб қолдим.
- Комплиментинг ёмонмас.
- Паловдан еб кўрдингми?
- Йўқ.

– Ма, татиб кўр, – деди Зайни қошиқ билан гўшт бўлакчасини қўшиб озгина ошни кизнинг гунчадек лабига тутди.

Ширакайф Клара уни еб кўрди ва таъми ёқди шекилли, кўзларида учкун порлади ва "Ещё хочу" дея нозланди. Зайни катта ликопни олиб, сергўшт қилиб сузди.

– Вой, наmunча кўп?

– Бирга еймиз. Мен ҳам очман.

– Ресторанингни алоҳида хонаси борми ўзи?

– Йўқ.

– Бўпти, кетдик бўлмаса. Ичимлик мендан.

Улар меҳмонлар учун тайёрланган четдаги алоҳида хонага боришди. Клара бақувват йигит бўлган Зайнини бир "имтиҳон қилмоқчи" бўлди. Зайни кўринишдан тўпори бўлгани билан гап-сўзлари жойида эди.

– Мен сени анавиларга ўхшаган "тупой" бўлсанг керак, деб ўйловдим, – деди қиз биринчи қадахни уриштира туриб.

– Тўғри, "тупой" эдим. Лекин сенинг нозик қўлларингдан калтак егач, ақл-хушим ўзига келди.

Бу гап Кларага ёқди чоғи, "Топишганимиз учун" дея кулиб, қадахдагини ютиб юборди. Зайни ҳам қизишиб олди.

Қиз овқатдан кўп емади. Сигарета чекиб, калта юбкали сонларини чалиштириб, юмшоқ ўриндикка суянди. Зайни навбатдаги қадахни тўлдирди ва "жуфт қилайлик" дея ичди-да, товоқдаги барча паловни пакқос туширди. Клара сигарета чекаркан, унинг овқат ейиши ва бақувват жуссасини айёрона кузатиб турди.

– Бўпти, энди дам оламиз. Мен душ қабул қилай, – деди у эснаб.

– Яна биттадан уриб олайлик, – деди Зайни шоша-пиша.

– Кейин орқамни ишқаб қўясан, хўпми?

– Бўлди. Гап йўқ! – деди Зайни ҳаяжон билан ва девордаги соатга кўз ташлаб олди.

Тўққиз бўлибди. Ташқарида, катта зал томондан элас-элас мусиқа садолари келарди. Рохатбахш душ уларни бағрига олди...

...Клара котиб ухлаб қолди. Зайни аста ўрнидан турди-да, кизнинг оёқ-қўлларини қандай боғлаш ҳақида ўйланиб қолди. Чунки у уйғониб кетса, Зайнининг дабдаласини чиқариб, еган ошини бурнидан келтириши турган гап. Йигит буни тасаввур қилиб чўчиб кетди. Агар имконият қўлдан бой берилса, ишлар бошқача тус олиши ва ҳозирги режаси барбод бўлиши ҳам мумкин.

Йигит тузукроқ боғлоғич тополмади ва қўллари титраб вискидан бўшаган шишани қўлига олди. "Кечир мени, Клара. Сен ҳақиқатан ҳам хусн-жамолда тенги йўқсан. Аммо тарбиясизсан, кўп гуноҳ ишлар қилиб келгансан. Эҳ, сен кимнингдир яхшигина ёри, севимли хотини бўлишинг мумкин эди. Ҳозир бўлса душманамсан. Сен менинг неча-неча юртдошларимни хўрлаяпсан. Сен жазога лойиксан", – дея хаёлан ҳайқирди-да, кизнинг бошига қарата бир туширди. Қиз типирчилади ва тепмоқчи ҳам бўлди, аммо тўшак халақит қилди. Ҳушидан кетди. Зайни аввал унинг оёғини ўз камари билан, бир қўлини бўлса кизнинг юбкасидаги, иккинчисини сумкачасининг камари билан каравот оёқларига яхшилаб боғлади. Сўнгра тез кийиниб ташқарига отилди. Аммо унга бир соқчи хитоб қилди:

– Ҳой, сен қаёққа? Бу ерда нима қилаяпсан?

– Клара биланман. Сигарета керак эди. Топиладими?

– Топилади. Икки дона етадими?

– Етади.

Соқчи ёнини кавлаштираётган маҳали Зайни унинг бўйнига икки зарб туширди. Сўнгра куралини тортиб олди-да, қўндоғи билан бошига туширди. Хаёлига бир фикр келди. Соқчи ўзига келиши мумкин. Шунинг учун уни тез судраб Кларанинг олдига олиб

кирди. Ечинтирди. Қизнинг ёнига ётқизди ва улар устига тўшакни ташлади-да, курулни олиб чиқиб кетди.

Ўша тунда деярли барча ишлар кўнгилдагидек кечди. Аммо аввал келган йигитлардан икки киши ҳалок бўлди. Барча қочиш ишларига бош-қош бўлган Хумора ва Шамсиялар ҳам бу дунёни тарк этишди.

* * *

Кайфи ошган Шамсия қочиш операциясининг кўнгилдагидек ўтиб бораётгани учунми, ёхуд разолат устидан ғолиблик нашидасиданми, ҳар ҳолда қасд олаётганини ошкора намойиш қилиб ҳаётдаги адашганлик аламини Гого ва унинг гумашталаридан олмоқчидек, уларнинг устидан мириқиб кулмоқчи бўлди. У гандираклаб Гогонинг ёнига келди-да, сўнгра ароқ тўлдирилган қадахни қўлига тутди. Ҳамманинг эътиборини ўзига қаратиб гўё қадах сўзи айтмоқчидай бўлиб, қўлини баланд кўтарди. Бу пайтда ароқхўр каззоблар ҳар қаерда бир-бирлари билан аралаш-куралаш, маст-аласт ағанаб ётишарди. Шамсия қўлидаги ароқ тўлғизилган қадахни ерга бир уриб синдирди ва тантанавор равишда даврадошларга қарата рус тилида қичқирди:

– Сенлар ҳамманг ифлос, зўравонсанлар! Одамларни хўрлаб, устларидан кулмоқчи бўлаяпсанларми, ҳали! Мана!.. – деди у беҳаёларча бош бармоғини ўрта ва кўрсаткич бармоқлари орасига олганча кўрсатиб. – Сенлар одам эмас, чиркин мавжудотсанлар!

– Йўқотинглар бу манжалақини! – бақирди Гого ранги гезариб.

Икки бақувват соқчи унга ёпишди. Судраб четга олиб кетишаркан, қиз бор овози билан қичқирди:

– Сен ҳамманг спидсан, спид!

– Бас қил! – дея қичқирди Гогонинг Чумак исмли ўринбосари қучоғида ўтирган Хумора.

– Тўхта! – қичқирди Гого. – Нима деяпти у? Қанақа спид? Ким спид?!

– Биз сенларга юктириб бўлдик! Энди онангни кўрасанлар! – дея беҳаёларча қичқирди Шамсия ва хохолаб кула бошлади.

– Қўйвор уни! – дея қичқирди Чумак ва Хуморани қучоғидан иткитиб ташлади.

Чумак ёнидан тўппончани чиқарди-да, тўсатдан Шамсияга қарата ўқ узди. Ўқ еган Шамсия юз тубан гурсиллаб йиқилди. Қотил "Вот тебе, спид!" деб қўйди. Хумора кўрққанидан эшик томон қочди. Унинг ортидан ҳам ўқ отилди. Лекин тегмади. Аёллар қий-чув кўтаришди. Чумак Хуморани кува кетди. Гого ва баъзилар бўлаётган воқеадан қотиб қолишганди. "Ростдан ҳам юктириб олган бўлсам-а" деган нохуш ўй уларни хавотирга солиб қўйганди. Изтиробда жон ховучлаб қочган Хумора бир баланд қирғоққа келиб қолди ва ўзини сувга ташлади. Аммо у ер сув эмас, гази чиқиб турган ботқоқлик эди. Чиркин замин уни ўз бағрига тортиб кетди.

Қизнинг ортидан тўппонча отиб чиққанини кўрган Жўшқин пайт пойлаб туриб Чумакка ташланди. Тўппончасини олиб дўнг пешонасига бошлаб бир туширди. Бу билан меҳмонхонага томон хужумни бошлаб берди. Базми жамшид барҳам топди. Кўп ўтмай Гого, унинг тансоқчилари ва меҳмонлари шахта исёнчиларига таслим бўлди. Зайнининг буйруғи билан барча йиғиштириб олинган қурулларнинг затворлари ва ўқдонлари ботқоқликка итқитилди ёки тош билан пачоқланиб яроқсиз ҳолатга келтирилди. Қўлга олинган қулдорларнинг оёқ-қўллари боғлаб чиқилди. Ҳамма бандилар бир хонага қамаб қўйилди. Гогонинг кассасидан сейф калити олиниб, бандиларнинг хужжат ва пуллари қўлга киритилди. Пул ҳар бир кишига, жумладан, қурбон бўлганлар учун ҳам тенг тақсимланди. Сўнгра машиналарга чиқишиб, жаҳаннамни тарк этишди. Юздан зиёд гастарбайтерлару турли юмуш билан келиб, зўравонлик билан олиб кетилган кишилар сиқилишиб ўтирган машиналар понтон кўприги орқали ўтиб, она юрглари сари равона бўлдилар.

Эртасига бу ерни ФХХ аскарлари эгаллашди. Улар вертолётларда етиб келишди, аммо жиноятчилар билан жанг қилиш бу сафар уларга насиб этмади. Чунки кимлардир уларни қуролсизлантирган ва боғлаб кетганди.

* * *

Россиянинг бепоён ва қалин ўрмонлари ичида ва умуман, қишлоқдаги эски "Пазик"идан бўлак замонавий русумдаги автобусни умрида ҳайдамаган, жой харитасини билмайдиган Ашурали панд берди. Йўлнинг бир бурилиш жойида "Змеиногорск" деб ёзиб қўйилган йўл белгиси кесилган дарахт буталари судраб олиб ўтилаётган пайтда тегиб кийшайиб қолгани учунми, автобус поёнсиз ва кимсасиз ўрмон ичра адашиб кетди. Ёғилги тугаган. Ёқилги қуйиш шаҳобчаси ёки аҳоли яшайдиган манзил учрамасди. Йўловчилар қоп-қора ўрмонда сувсиз, оч ва ночор, совуқда дийдираб қолиб кетишди. Қоронғиликда ўтин-чўп қидириб олов ёқишди. Ҳаво янада совиди. Ёмғир аралаш ёғаётган қор энди ҳақиқий қор бўронига айланди. Шу сабаб олов ҳам тузук ёнмади. Захирадаги бор озиқ-овқатлар ўртага йиғилди. Кимдадир сухари, бир парча қотган нон, шоколад ва ул-бул чикди. Уларни ўртада баҳам кўришди.

Имкон даражасида ўртада пул ҳам йиғилди. Ҳайдовчилар Козим ва Ниёзбек ҳеч қачон бундай аҳволга тушмаган эдилар. Йўловчилар олдида юзлари шувит бўлди. Уларнинг оёқ-қўллари бўшатилиб салон ичкарисига ўтқазиб қўйилди. Йўлқира учун олган пулларини Ашуралига тутқазди.

– Бунга бензин, озиқ-овқат сотиб олинглар. Бирор йўловчи таксини ушлаб, у билан бензин, ичимлик ва егулик, иложи бўлса, биттадан адёл ҳам топиб келинглар, – деди Ниёзбек.

Жамшид билан Эрбек йўлга отланишди ва тонгга яқин қайтишди. Қирқ литр ёқилги сотиб олишибди. Буханка нон ва консервалар келтиришибди. Адёл топиша олмабди. Умуман, Шуманайкага етиб келиш учун яна уч кун вақт кетди. Улар иттопмас йўллардан юришди. Яхшики, ҳаво совиб, лойли йўллар музлади. Машина ғилдираги тинмай шиқирларди. Кибриё хола, Барнонинг гўдаги ва бир неча нимжонроқ йигитлар шамоллаб қолдилар. Саидвафо ҳам баъзан йўталиб оларди. У йўл сафарига чиқишдан бир ҳафта аввал сил касаллиги шифохонасида даволанган эди. Биринчи дуч келган дорихонадан йўловчиларга дори-дармон харид қилишди. Холанинг аҳволи ёмонлашди. Бир жойда "Тез ёрдам" ҳам чақиритишга тўғри келди. Аммо Қозоғистоннинг бу чет жойларига ҳадеганда келавермади. Уч соат бетоқат кутишди. Асаблар таранглашди.

Шифокорлар керакли муолажани қилиб, шифохонага ётқизишмоқчи бўлишди. Аммо юртга қайтиш иштиёқи устун келиб, айниқса, Кибриё хола инқиллаб-инқиллаб эътироз билдирди:

– Йўқ, болам, бегона юртларда бир бало бўлиб қолмайин тагин. Нима бўлсаям ўз уйимда, ўлан тўшагимда бўлай. Автобусни тезроқ юргиза қолинглар. Менга ҳеч қанақа касалхонанинг кераги йўқ...

– Бошқалар кетаверишади. Биз сиз соғайиб кетганингиздан сўнг кетамиз, – деди Жамшид.

– Йўқ. Нима бўлсак, бирга бўлайлик, кўпчиликдан ажралмайлик, жон болам.

Шундай бўлса-да, автобусдагилар беморнинг аҳволи яхшиланишини бир сутка кутишди. Кутишнинг бошқа яна бир нохуш сабаби ҳам бор эди, албатта. Ашурали беихтиёр ҳамманинг соғлиги ва таъминот ишига масъул шахсга айланиб қолди. Жамшид ва Эрбек унинг ёрдамчилари эди. Қахвахонага кириб, умумий пул ҳисобидан овқатланишди. "Тез ёрдам" биноси ёнига қўйилган автобусда яна бир кеча тунаб қолишга тўғри келди. Яна совуқ, яна азоб билан тонгни кутиш...

Гап шундаки, кўпчилик ҳожат учун мазкур саломатлик муассасаси ҳовлисига ўтиб келишган бўлишса-да, икки йигит улардан ажралиб, бошқа тарафга боришди. Аммо у жой ички ишлар бўлинмасига тегишли ҳудуд бўлиб, қозоқ милицияси томонидан қаттиқ

кўрикланар экан. Албатта, икки бегона йигитнинг бўлинма теварагида уймалашларидан шубҳаланиб, уларни зудлик билан қўлга олишди. Хужжат талаб қилишди. Бирида паспорт бўлиб, иккинчиси хужжатсиз эди. Уларни маҳкама биносига олиб кириб, аввалига темир эшикли камерага қамаб қўйишди. Сўнгра "Кимсан? Қаердан келгансан? Нима учун чегарани буздинг? Ички ишлар худудига нима сабабдан кирдинг? Террорчимисан? Шерикларинг ким? Ким сенларни бу ерга юборди? Гапир, қаерни портлатмоқчисан?!" каби сон-саноксиз саволлар ва дўк-пўписалар билан ҳар иккиси алоҳида-алоҳида сўроқ қилинди. Айниқса, паспортсиз Зоҳир исмли йигитга жабр бўлди. Уни дўппослашди ҳам ва бўйнига жиноятчи деган тамғани илмоқчи бўлишди.

Уларнинг қамалгани тонгга яқин маълум бўлди. Икки милиция ходими ҳақиқатни аниқлаш мақсадида Тўлқин исмли гастарбайтер йигитни қўллари кишанланган ҳолда автобус олдига бошлаб келди. Суриштирув, сўроқ-савол янада авж олди. Хужжатлар текширилди. Автобус тинтув қилинди. Ҳайдовчиларнинг хужжати қайтариб берилмади ва паспортсизларни ҳам олиб кетишди. Бу нохуш жараёндан кутулиш учун ниҳоят ўртадаги пулнинг ҳаммасини пора сифатида беришга тўғри келди.

Автобус Шуманайкага кириб борганида яна оқшом чўкканди. Улар энди пулсиз ва оч эдилар. Нариги автобустагиларнинг келган-келмаганлиги ҳақида суриштиришди. Лекин уларни ҳеч ким кўрдим демади. Бу ҳол ҳайдовчи Козим ва Ниёзбекка нисбатан шубҳа-гумонни яна орттирди. Ашурали бошчилигидаги йигитлар ҳайдовчиларнинг хужжатларини яна тортиб олиб қўйишди.

– Ҳой, нариги автобустагилар қани? Уларни топиб беринглар! – дея ўшқирди Жамшид.

Автобустагилар ҳаммалари уларни ўртага олишди.

– Билмаймиз. Улар аллақачон уйларига етиб боришгандир, – деди Козим.

Йигитлардан бири нариги автобустагилардан иккитасининг уй манзили ва телефонини иш юзасидан қайд этган экан. Пochтага кириб қўнғироқ қилиб сўраладиган бўлди. Аммо телефон ҳақини тўлаш учун ҳам пуллари қолмаганди. Жамшид оператор қизга соатини ечиб берди. Ниҳоят, боғланишди. Бироқ йигитларнинг Россиядан ҳали қайтмаганлиги маълум бўлди.

– Тўғриси айтинг! У автобустагиларни қаерга олиб кетишди?! – сўради Ашуралининг хуноби ошиб. – Агар тўғриси айтмасанглар, сизларни ҳозир милицияга топширамыз. Ҳаммамиз имзо қўйиб, гувоҳлик берамыз. Сизлар одамфурушларсиз!

– Билмаймиз, ўлай агар! – деди Ниёзбекнинг ранги бўзариб.

– Ҳой, менга қара! – деди Жамшид унинг ёқасидан олиб. – Айтмасанг, шу ерда ўлигинг қолади, тушундингми?!

– Тўхтанглар! – деди тўсатдан Козим. – Менда Арсеннинг телефон рақами бор.

– Ие, нега шуни эртароқ айтмадинг? Тез қўнғироқ қил! – қичқирди Эрбек.

Бир оз гудокдан сўнг ниҳоят нариги автобус ҳайдовчиси Арсеннинг овози эшитилди. Козим унинг овоз кўтаргичини ёкиб, атайин барчага эшиттириб сўзлаша бошлади:

– Алло, Арсен. Мен Шуманайкага келдим. Қани менинг пассажирларим?!

– Улар ишлашяпти, – деди Арсен бемалол.

– Қанақа иш? Ахир, улар йўлда, уйларига кетишаётганди-ку!

– Қаёқдан билай, ўзлари хоҳлашди. Пул ишлаб кейинроқ бораверамиз, дейишди-да.

– Қаерда? Қайси ташкилотда?

– Бир ташкилотда-да. Мен уларни ташлаб қўйиб кетавердим.

– Ҳой Арсен! Мен билан ҳазиллашма! Биз сенинг машинанг рақамини ёзиб олганмиз. Кейин бир йигит сенларни тўлиқ видеога ҳам олиб қўйибди. Сен улар учун жавоб берасан ҳали. Сени ушлаб келиб улар топилмагунча, биз бир қадам ҳам кетмаймиз. Бу ерда қирқ кишимиз, авлод-аждодинггача кириб келамиз, тушундингми?

Арсен бир оз жим қолди. Сўнг сал қалтираброқ овозини хириллатиб тилга кирди:

– Хўп, ошна. Мен сенга уларнинг қаерда ишлаётганини маълум қиламан. Лекин сен менинг айтганим тўғрисида бировга миқ этмайсан, келишдикми?

– Эркакча гап! Бировга айтмайман, ишонавер!

– Похотний деган посёлка томонда, ботқоқликдан иборат ўрмон ичидаги бир оролсимон тошли ташландиқ шахта бор. У ер илгари олмос кони бўлган.

– Похотний деганинг қайси томонда?!

– Каливандан юз километр шарқда. У ерга биров боролмайди, қаттиқ қўриқланади. Менинг пешонамга тўппонча тираб мажбур қилишди. Ахир, нима қилай?... Бўпти, омон бўл, ошно, гапим тамом!

Бу сўзларни ўз қулоқлари билан эшитган аҳли жамоа танг қолишди.

– Демак, Айбике тўғри айтган экан-да, – деди Ашурали ачиниб.

– Энди нима қилдик? – сўради Эрбек.

– Ё астафидуллоҳ, бу нимаси? – дея бошини сарак-сарак қилди Низомхўжа.

– "ФСБ"га зудлик билан хабар беришимиз керак! – деди Жамшид.

– Қаерда у идора? – сўради мўйсафид.

– Чегара постига боришимиз керак. Чунки Арсен айтган жой Россия худудида.

– Бўлмаса, нима қилиб турибмиз. Тезроқ бора қолайлик. Уларни кутқарайлик, ўзимиз ҳам тезроқ юртимизга қайтайлик. Аёллар, кейин анави гўдак жуда қийналиб кетишди.

– Ҳа, тез автобусга ўтиринглар, бўлмаса. Пост бу ерга унча узоқмас, – деди Козим.

– Рулга ўзингиз ўтирақолинг, – деди Ашурали.

Шимол томон йўлга тушишди.

– Бундай қиламиз. Сиз тоға, ана Козим ака, мен, Жамшидбек тўрталамиз кириб чегарачилар командирига маълум қиламиз. Улар "ФСБ" билан боғланишади, нима дедингизлар? – сўради Ашурали.

– Маъкул, – дейишди қолганлар.

– Фақат илтимос, чегаранинг бошқа жойидан ўтдик, деманглар, – деди Ниёзбек аралашиб. – Гап кўпаяди.

– Ҳа, умуман автобусимиз тўғрисида ҳам айтишимиз шарт эмас, – қўшиб қўйди Козим.

Шундай қилинди. Ариза ёзилиб, имзо қўйилди. Лекин улар бу маҳалда олмос конида юз берган воқеалардан беҳабар эдилар.

* * *

– Улар Уст-Каменогорск орқали кириб келишади. Ўша ёққа бориб кутиб ола қолайлик, – деди Ашурали.

– Шундоқ ҳам бензинимиз тугаб бораяпти-ку. Пулимиз ҳам йўқ.

– Бўлмаса, улар қутқарилганини қаердан биламиз?

– Ҳа, тўғри, ўғлим. Уларни мусофир жойларга ташлаб кетиб бўлмайди. Бечораларнинг аҳволи қандай экан? Ишқилиб, соғ-омонмиканлар! Ух-ух-ух... – деб қўйди Низомхўжа ачиниб.

– Давайте, поехали. Они же сами доберутся, – деди Саидвафо ҳам ниҳоят тилга кириб.

Йўл азоби, очлик ва совуқ индамас чолни ҳам тилга киритганди.

– Правильно! Эй, поехали-а! – дея қичқирди Алёнанинг тоқати тоқ бўлиб. – Или верните наши деньги, мы сами уедем.

– Да. Кто желает, поехали, – деди Демир дегани ҳам.

– Ну что, эй шофёр! Кого ждём?!

– Те пассажиры. Они же в Уст-Каменогорск приедут.

– Когда?! Откуда ты знаешь, что приедут или нет? Давай-давай, поехали, эй!

– Тоға, кетаверайлик. Бўлмаса, биз тушиб қоламиз. Бу аҳволда гўдагим нобуд бўлади-ку, ахир! – дея тўсатдан йиғлаб юборди Барно.

Автобусда баҳс бошланди. Йўл азоби кўпчиликнинг жонига текканди.

– Бўпти, – деди ниҳоят Козим ва киссасидан икки юз доллар чиқарди. – Бу менинг охирги пулим. Бўлмаса, сизларни бошқа автобусга чиқариб юбораман. Хоҳловчилар мен билан қолишлари мумкин. Мен Уст-Каменогорскка бориб, нариги йўловчиларни кутаман. Бу менинг бурчим.

– Мен қоламан! – деди Эрбек.

– Мен ҳам, – деди Ашурали.

– Мен ҳам қолсам майлими? – сўради Фарида Эрбекка қараб.

Эрбек буни кутмаганди, тоғни толқон қилгандай хурсанд бўлиб кетди.

– Майли, гангир-гунгир қилиб юрамиз-да, – деди Эрбек кулиб.

Низомхўжа ва Саидвафолар ҳам қолишди. Жамшид Ниёзбек билан питакка бориб киракаш автобуслардан бирини гаплашди. Автобус эскироқ эди. У билан уч юз долларга келишишди. Ниёзбек ҳам киссасидан юз доллар чиқариб қўшиб берди. Шундай қилиб, ўттизга яқин одам оддий автобусда юрт чегараси томон йўлга тушишди. Низомхўжа ортларидан дуо қилиб қолди. Эрбек Жамшид билан телефон алмашишди. Ашурали ҳайдовчининг телефон, автобус рақамларини ёзиб олди.

Ҳайдовчининг исми Рудик эди. У татарга ўхшарди.

– Мен тушунмадим, сизлар ҳаммаларинг Россиядан келаяпсизларми ўзи? – сўраб қолди у бир пайт.

Йигитлар бош ирғашди.

– Бўлмаса, нега бу томондан келдинглар?

– Бошқа жойдан ўтиб келдик, – деди Шерқул эҳтиётсизлик қилиб.

– Қаердан?

– Жуда узоқ, номини билмаймиз.

– Нега у ёқдан ўтдинглар? – сўроқда давом этди у.

Шерқулнинг ёнидаги Зоҳир "Эҳтиёт бўлиб гаплаш", дегандай бир туртиб қўйди. Ҳайдовчи ойна орқали буни сизди. Шерқул жавоб бергиси келмай "Ўзимиз шундай...", деб кўя қолди. Ҳайдовчини бу жавоб қониқтирмади ва ўзича хаёлга толди: "Демак, буларда контрабанда бор. Қизиқ, нима экан? Булар ниманидир яширишяпти. Эҳтимол, пуллари кўпдир", деди у ва машинани ҳайдаб бораркан, ойна орқали барча йўловчиларни бир-бир кузатиб чиқди. Йўловчилар ниҳоят иссиқ автобусда ватанларига қайтиб кетаётганларидан кўнгиллари кўтарилган ва хушчақчақ гурунглашиб келишарди.

Бекзод ва Барно, Кибриё ва Нилуфарларни салоннинг охирига жойлаштиришди. Кибриё холани узун ўриндикка ётқизиб, устидан адёл ташлаб қўйишди. Гўдакни ҳам бир ўриндикка ётқизишди. Низомхўжа бор пулига егулик олиб берди.

* * *

Саидвафонинг феъли ҳам бир оз мусофирчилик, йўл азобини тортгач, ўзгаргандай бўлди. У кутилмаганда чўнтагида асраб келаятган икки юз доллар пулини Ашуралига узатди. Ёшлар чапак чалиб юборишди. Бу пул, ёқилғи ва озуқа учун етарли эди. Низомхўжа унинг елкасига қоқиб:

– Аталадан суяк чиқди, – деб қўйди.

– Не понял, – деди Саидвафо.

Ниҳоят, Уст-Каменогорск шаҳрига етиб келишди ва Қозоғистон – Россия божхона пости томон бориб, чегарадан ўтиб келаятганларни бир оз кузатиб туришди. Тик туриб гуммахўрлик ҳам қилишди. Аста ўтиб келаятган автобуслар, юк машиналари ва енгил автомобилларни узоқ вақт синчиклаб кузатишди. Аммо ҳеч бир таниш қиёфа кўринмасди. Оқшом чўкиб, совуқ кучайди. Фарида дийдираб қолди. Эрбек уни автобусга чиқариб

келди, адёлга ўраб қўйди. Сўнгра ҳайдовчиларнинг термосига чой дамлатиб, бирга чой ичишди.

- Нима, шунақа қилиб ўтираверамизми?
- Бирор соат кутсак керак. Келишмаса, кетаверамиз.
- ФСБ уларни кутқарармикан?
- Улар вертолётда боришади. Ўрмон ичида йўл ёмон экан, кўрдингиз-ку.
- Уф-ф... – деб юборди қиз. – Қачон уйимизга етиб оларканмиз-а, беш кундан бери

йўл юрамиз.

- Анавилар билан кетаверишингиз керак эди. Нега кетмадингиз?

Фарида Эрбекнинг қора кўзларига меҳр билан боқди. Нигоҳлар тўқнашди. Эрбек ҳамон савол назари билан қараб турарди. Қизнинг қўлларини ушлади.

- Ҳой, нима қилаяпсиз?

– Музлаб қолибди-ку, – деди йигит қайноқ кафтларининг орасига олиб "куҳ-куҳлаб" қўйди.

Бу ҳаракат қизга ёқди, шекилли, қўлларини тортиб олмади.

- Бўпти, сиз мусиқангизни эшитиб ўтиринг, – деди Эрбек ва кета бошлади.
- Эрбек ака, сиз қаёққа? – сўради қиз.
- Бир хабар олайин-чи.
- Йўқ. Кетманг, – деди қиз илтижоли оҳангда.

Йигит қайтиб келди ва беихтиёр қизнинг юзига кафтини қўйди.

- Вой, нима қилаяпсиз? Боринг, кетинг!
- Йўқ, – деди йигит энди кетгиси келмай.
- Анавилар сизни кутиб туришибди, ахир. Уларни топайлик, тезроқ кетайлик.
- Хўп, – деди Эрбек ва меҳр билан қизнинг оёқларини адёлга ўраб қўйди-да,

автобусдан тушиб кетди.

Фарида Эрбекнинг ортидан қараб қолди. Эрбек ва бошқалар чиқиб келганида, у ухлаб ётарди.

Тоқатлари тоқ бўлиб фақат эндигина ортларига қайрилган маҳалигина "Ҳой, ошна!" деган Жўшқиннинг овози янгради. Таниш-нотаниш йигитлар бирин-кетин божхонадан чиқиб кела бошлашди. Ҳаммалари гўё эски кадрдонлардай кучоқ очиб кўришиб кетишди. Тантанавор равишда Зайни ҳам пайдо бўлди.

– Бу бизнинг қахрамонимиз. "Қисик кўз" устидан ғалаба қозонди, – деди Жўшқин кулиб.

- Ҳа, дабдаласини чиқаздим, – деди Зайни оғзи қулоғида.
- Ким у "Қисик кўз" деганларинг?
- Каратэчи Клара, "чёрный пояс".
- Пояс-моёси йўқ экан, ечиб кўрдим, – деди Зайни.

Кулги кўтарилди.

- Ҳаҳ, хайрият, эсон-омон келдингларми, ишқилиб?
- Қани, каретага марҳамат! – қичқирди Козим.
- Наҳотки, бизни беш кундан бери кутаётган бўлсанглар?
- Ҳа, албатта. Ҳайдовчи ҳеч қачон ўз йўловчиларини қолдириб кетмайди-да, – деди

Ашурали атайин баланд овоз билан.

- Наҳотки, яна тахтамизда кетсак?
- Йўқ, бу сафар "люкс, супер-салон".
- Нима, қолганлар кетишдими?
- Ҳа. Бошқа автобусда.
- Ишқилиб улар ҳам қаллобмасмикан? Ҳозир "Йўлда учрагандан қоч!" дейдиган замон бўлиб қолибди.
- Э, йўғ-а, бу ёғи бир қадам қолди-ку.

Йигитлар автобуснинг аҳволи, орқа ойнанинг йўқлиги ва унинг ўрнига адёл тутиб қўйилганини кўриб ҳайрон бўлишди, ухлаётган Фаридани кўриб, ҳалок бўлган қизларни эслашди.

– Отахон, анави иккита яхши кийинган қизларимиз бор эди-ку.

– Ҳа-ҳа, чиройликина.

– Ўшалар нобуд бўлишди.

– Ё астафидуллоҳ! Омин, охиратлари обод, жойлари жаннатда бўлсин! – деди Низомхўжа.

Бу пайтда барча пассажирлар чиқиб бўлишганди. Фарида уйғонди. Низомхўжа ўтганларнинг руҳи покларига бағишлаб Қуръон тиловат қилди.

– Жасадларини нима қилдинглар?

– Бири ботқоққа чўкиб кетибди. Иккинчисини ўша ерга кўмиб, тошдан қабр қилиб келдик.

– Уйидагилар хабар топдимикан?

– Бориб хабар берамиз-да.

– Нима, ёмон жойга тушиб қолдингларми-а?

– Ҳа. Айтишга тил ожиз.

Автобус йўлагига ҳам тахтачалар қўйилиб, ташландиқ олмос конидан илгарироқ тасодифан тушиб қолиб, қутулиб қайтган бошқа йигитларни ҳам чиқариб олинди.

– Йўлқиранингиз неча пул, амаки? – сўради улардан бири.

– Имкониятларингизга қаранглар. Бензин билан овқат пулига қарашворсаларинг, бас. Бермасанглар ҳам майлига. Ўзиям оналарингизни кўриб қолибсизлар, чамаси.

– Ҳа. Жаҳаннамдан қайтаёпмиз, амаки.

– Кўрар кунимиз бор экан-ку, – деди бошқа йигит.

– Ҳе, қуриб кетсин бу Россия дегани-е, – деди бир аёл қарғаниб. – Оч қолсак ҳам, юпун бўлсак ҳам ўз юртимиздан қўймасин экан!

– Чиқаверинглар, ёпишиб-ёпишиб ўтираверинглар. Орқа ойна йўқ, совуқроқ.

– Майли, қанақа бўлсаям етиб олсак бўлгани. Бу томонларни елкаминг чуқури кўрсин!

– Қани, дуо қилинг, отахон. Жўнадик бўлмаса!

Низомхўжа ва барча йўловчилар қўлларини дуога очишди:

– Илоҳи омин, гўзал ва осойишта юртимизга кўз тегмасин! Ҳар кимга ҳам ўз юртини обод қилиш, ўз юртида, ўз фарзандлари бағрида тинч-тотув яшаш насиб қилсин! Йигит кишини бировга хор, душманга зор қилмасин, беаҳал ўлимдан худонинг ўзи асрасин. Йўлимиз беҳатар бўлсин, бешикаст, беталофот ватанимизга етиб олайлик!

Саккизинчи боб ЯНА ТУТҚУНЛИК

Жамшид ва Бекзодлар ўтирган автобус Жамбул сари кетиб бораркан, Рудик ойна орқали барча йўловчиларни синовчан кузатиб борар, уларнинг божхонадан ўтмай айланма йўл билан келаётганлари ва илгари Олтой ўлкасининг ўша чет жойларида олмос, нефрит конлари бўлгани унинг шубҳа ва қизиқишини янада орттирарди.

Тилла конида ишлаган бўлсалар ўғирлик мол билан чегарани бузиб ўтишгандир, деган ўйга борган шофёр овқатланиш баҳонасида бир кафе олдида тўхтади.

– Ким хоҳласа, тушиб тамадди қилиб олаверсин. Ярим соат турамиз! – деди мизғиётган йўловчиларга қарата.

Лекин деярли ҳеч ким чурқ этмади. Бу ҳол ҳайдовчининг эътиборини янада жалб қилди. "Тушгилари келмаяпти. Демак, юқларини қўйиб кетгилари йўқ", деб ўйлади. Йўловчиларнинг ёнида ҳеч вақолари йўқлиги учун тишларининг кирини сўриб келаётганларидан у хабарсиз эди.

Рудик кафе ортига ўтиб кетган бўлди-да, уяли телефонида кимгадир қўнғироқ қила бошлади. У бир қамокдош жангари дўсти билан хаёлига келган ғайриоддий тафсилотлар ва шубҳали "контрабанда" ҳақида тўлқинланиб, узоқ гаплашди. Ниҳоят, бир қарорга келишди. Демак, таклиф этилган жойга йўловчиларни олиб бориб, божхонадагилар қилмаган ишни қилишади.

Рудик ўз йўловчиларини бериорқдан туриб худди ўғри мушукдай зимдан кузатди. Машинадан деярли ҳеч ким тушмади, ҳеч ким овқатланмади. Шу маҳал телефон жиринглади. Ўша дўсти Аслан экан.

– Алло, Рудик.

– Ҳа, эшитаяпман.

– Хуллас, мен ҳозир Улус билан гаплашдим. Машинангни Четовулдаги қўрғонга олиб борасан. Мен бу ердан ҳозир уч-тўртта йигитларимни олиб ўтаман. Ишқилиб, анави айтганинг бор гапми?

– Менимча, бир нима бор. Мана, ҳозир уларга "Овқатланишга тушинглар, ярим соат тўхтаимиз", дедим. Лекин бирортасиям миқ этмай, юқларини маҳкам қучоқлаб ўтиришибди, – деди у Ансора ва Аслиянинг мизғиётган ҳолатларини кўз олдига келтириб.

– Майли, таваккал-да. Мабодо ёнларидан ҳеч вақо чиқмаса, менда бошқа бир вариант ҳам бор.

– Қанақа вариант?

– Ҳар биридан минг доллардан, аёллардан беш юз доллардан талаб қиламиз.

– У ҳам бўлмаса-чи?

– Бўлмаса, Тошкентдаги яқинларига қўнғироқ қилишади. Айтган пулни такси орқали юборишади. Қалай таклифим?

– Яхши, келишдик. Лекин ҳаммаси гўё тасодифан юз бериши керак. Менга ҳам дўқ-пўписа қилавер, уриб-дўппосласанг ҳам майли. Лекин кейин товониниям қўшиб тўлайсан.

– Бўпти, бўлмаса, ишни ўзаро уришишдан бошлай қолайлик. Сен менга ўшқирасан. Мен бўлса, сенинг ёқангдан оламан. Ҳаммаси табиий бўлади.

– Каскадёрлик қилар эканманда-а?

– Ҳақини олганингдан кейин қиласан-да.

– Неча фоизи меники бўлади?

– Йигирма. Бўладими?

– Кам-ку, жўра.

– Биз ахир тўрт кишимиз. Улус билан олтита. Мен ҳам йигирма оламан, қолганларга ўндан. Нима дейсан?

– Бўпти, қўлни ташла.

– Қўлинг йўғ-у!

– Э-ҳа, ахир бу телефон-ку.

* * *

Моторга мой қуйиб олиш баҳонасида Улуснинг қўрғонига кириб борилди. Қўрғон баланд девор билан ўралган, дарвозаси ланг очик эди. Рудик сигнални чалди. Ҳеч ким кўринмасди. Яна узоқ чалди. Аслан писта чакиб бир хонадан чиқиб келди. "Ҳа, нима керак?!" дея ўшқирди. Бу пайтда дарвоза сезиларсиз беркилиб орқасидан қулфланди ва юзига қора ниқоб таккан тўрт барзанги қўлларида таёқ билан пайдо бўлишди.

– Мой керак!

– Қанақа мой? – сўради Аслан.

– Қанақа бўларди? Ҳар доимгидек-да.

– Тошингни тер!

– Нима дединг?!

– Эшитмадингми?

Жамшид ва Бекзод ҳушёр тортишди.

– Ҳой, шофёр ака, нима қиласиз у билан пачакилашиб.
– Сен аралашма, тек ўтир! – дея ўшқириб берди Рудик. – Анави ҳезалак пули кўпайиб, одамни менсимай қолибди.

– Ҳой сен, нима дединг? Яна бир қайтар. Ким ҳезалак?!

– Ҳе энанги...

Аслан чопиб келди-да, ҳайдовчи томондаги эшикни очиб Рудикка ёпишди ва уни пастга тушириб, дўппослай кетди. Рудикнинг кийимлари тупроққа беланди. Автобусдаги йигитлар ёрдамга отланишди ва туша солиб ҳар иккисини ажратиб, ҳайдовчини кутқармоққа ошиқишди. Аммо қаердандир пайдо бўлган ниқобли тўрт барзангилар уларни савалаб кетишди. Автобусдаги аёллар кўрқиб чинқиришарди. Нима гаплигини ҳеч ким англолмай қолди. Рудик қаёққадир қочиб қолди. Хуллас, йўловчилар ўласи қилиб калтакланишди. Уларни судраб бир хонага қамай бошлашди. Сўнгра аёлларни ортларидан киргизишиб, устларидан кулфлашди. Қий-чув бошланди. Нилуфар Жамшиднинг устига ўзини ташлади. Унинг чаккасидан қон оқиб, деярли беҳуш ётарди.

– Сизга нима бўлди, Жамшид ака?! Мени кўрқитманг!

Барнонинг гўдаги борлиги ва Кибриё холанинг кексалигини кўриб ҳарҳолда раҳмлари келдими, уларни қоровулхонага олиб кириб "Шу ерда қимирламай ўтирасанлар!" дея дўқ уриб чиқиб кетишди. Аммо Кибриё хола юрагини чангаллаб йиқилди. Чунки унинг кўз ўнгида бўлғуси куёви бўлмиш Жамшидни аямай савалашаётганига ва чаккасидан қон оқиб кетганига кўзи тушганди. "Ах, вой болам!", дея олди хола. Аёлни етаклаб олиб кириб қўйишгач, ўзидан кетди. Барно: "Холажон, сизга нима бўлди? Кўзингизни очинг", дея қичқирди. Сўнгра "Ҳой, ёрдам беринглар, холанинг ахволи ёмонлашиб қолди-ку!" дея қичкина туйнук орқали қичқира бошлади. Аммо унга ҳеч ким эътибор бермади. Босқинчилар сумкаларни бир-бир очиб бойлик қидиришарди.

Юклардан тузук-қуруқ буюм чиқавермади. Рудик билан Аслан нарсаларни титқилашиб хуноблари ошди. Бўлаётган бу ишларни Барно кўриб анграйиб қолди. Чунки ҳозиргина калтак еяётган ҳайдовчи ҳам худди хўроз гўнг титаётгандай безориларга кўшилиб олганди.

– Ҳеч вақо йўқ-ку! – қичқирди Аслан.

– Ёнларини титқилаш керак! – жавоб берди Рудик.

– Битта-биттадан олиб чиқинглар! – буйруқ берди Аслан.

Қароқчилар биринчи бўлиб Бекзодни судраб олиб чиқишди ва унинг уст кийимларини еча бошлашди. Қаршилиқ кўрсатмоқчи бўлганди, бир уриб ағдаришди. Бу ҳолатга кўзи тушган Барно ўзидан кетиб йиқилди. Чақалоқ биғиллаб йиғларди...

Қолган йўловчилар ҳам бир-бир олиб чиқилиб тинтув қилинди, дўппосланди. Майда-чуйда тақинчоқ, соат, телефон аппаратларидан бўлак деярли қўлга илинадиган ҳеч вақо топилмади. Унақа буюмларни аллақачон Бадр билан Баҳром тинчитган ёки озик маҳсулотлар сотиб олиш учун йўлда алиштириб бўлишганди.

Асланнинг Рудикдан жаҳли чиқди ва унинг "шўр" тумшуғига мушт туширди.

– Аблах, аввал яхшилаб аниқлаб, кейин бизга хабар бергин-да! Вақтимиз бекор кетди. Компенсацияни чўз!

Рудик жағини силаб, кассасидан икки юз доллар чиқариб узатди.

– Бу кам.

– Мени дўппосладинг-ку.

– Ҳай майли. Бу сенга сабоқ бўлсин. Келаси сафар каллангни ишлат, – деди у ва ниқоблиларга қарата қичқирди. – Йигитлар, кетдик! Бу ерда биз қиладиган иш қолмади.

– Мен-чи, мен нима қилай! – сўради Рудик.

– Бу сенинг муаммоинг!

Шундай деди-да, йигитларини олиб Аслан жўнаб қолди. Рудик кўрғон ўртасида улоқтириб ташланган сумкалар, тупроқ билан қориштириб ташланган уст-бош, латта-путталар, инқиллаб ётган, ўтирган ярадор йўловчилар билан танҳо қолаверди.

Жамшид ва икки йигит бундай ғайритабиий ҳолатни жон деб кутиб туришган эди. Довдираб туриб қолган Рудикка дастлаб Жамшид шердек ташланди. Демир ва Тўлқин ҳам қўлларига тушган нарсани олиб унга ёрдамга отилишди ва Рудикни тепа бошлашди.

– Бу ифлоснинг қўл-оёғини боғланглар! – кичқирди Жамшид.

Бошқа йигитлар ҳам қараб ўтиришмади. Сумкалар камарини йиртиб олиб тупроққа беланган Рудикнинг оёқ-қўлларини бир зумда чирмаб ташлашди. Бу ҳолатга узоқдан кўзи тушиб қолган Улус бўлса қочиб қолди.

– Ҳаммаларинг машинага тез чиқинглар! – буюрди Жамшид.

– Ойим, ойим қанилар?! – кичқирди Нилуфар.

Қоровулхона деразаси қаттиқ тақиллади. Бу гўдак кўтарган Барно эди. Жамшид ва оқсаётган Бекзод ўша ёққа томон чопишди. Эшик қулфланган эди. Жамшид уни тепиб синдириб кириб борди ва ерда юрагини чангаллаб ётган Кибриё холага кўзи тушди.

– Хола, сизга нима бўлди?!

Аёл беҳуш ётарди. Жамшид уни кўтариб сўри устига ётқизди.

– Тузукмисиз, дадаси? – йиғламсираб сўради Барно.

– Сенга ҳеч нима қилишмадими? Ёраҳмадга-чи? – сўради Бекзод ва фарзандини шилиниб қонталаш бўлиб кетган қўлига олди.

– Бошимизда шу кулфат ҳам бормиди?

– Кетдик. Бу ердан тез кетайлик! – деди Жамшид.

– Қандай қилиб?

– Автобусни ўзим ҳайдайман.

Йигитлар Кибриё холани остки тўшаги билан замбилга ўхшатиб кўтариб олишди.

– Эҳтиёт бўл, Бекзод.

Нилуфар онасини ётган ҳолда олиб чиқиб келишаётганини кўриб шу томон чопди.

– Вой дод!!! Ойимга нима қилди?!

Унинг фарёди еру кўкни тутиб кетди. Йигитлар ёрдамга ошиқишди.

– "Тез ёрдам" чақирайлик, Жамшид, – деди Демир.

– Йўқ. Чегара узоқ эмас. Бу ифлос жойлардан тезроқ жўнаб қолишимиз керак. Йўлаккай бирор шифохонага ўзимиз олиб кирамиз.

– Болалар, машинага чиқинглар! Холани орқа ўриндиққа ётқизинглар.

– Анавини нима қиламиз?!

– Юкхонага юкланглар, бир жазосини олсин!

– ГАИлар тўсса, нима қиласан, Жамшид?

– Тўхтамайман, – деди у рулга ўтириб у ёқ-бу ёғини текшириб оларкан. – Калити қани, калит?! – кичқирди у асабий.

Рудикни юкхонадан яна туширишга тўғри келди:

– Ҳой ифлос, калит қани?!

– Ён киссамда, – деди у яна тепки ейишдан чўчиб.

Унинг киссаларини кавлаштириб, хужжатлари ва ўзлари берган пулнинг қолганини ҳам олишди.

– Тезроқ бўлларинг! Ҳалиги шериклари келиб қолиши мумкин! – дея кичқирди Жамшид хавотирлик билан.

Машина двигатели ниҳоят ўт олди. Ҳамма пала-партиш жойлашишди. Тажрибасиз Жамшид автобус ҳайдамагани учун ортга бурмоқчи бўлиб айвон устунларидан бирига зарб билан урилди. Аёллар кичқириб юборишди.

– Ўзи ҳайдашни биласанми, эй! – кичқирди Алёна.

У ҳам юз берган вазиятдан ҳайратда эди.

Жамшид эпчиллик билан ричагни биринчи тезликка қўйиб, жон-жаҳди билан газ тепкисини босган эди, автобус учқур тулпорлардай олдинга ташланди ва қулаётган айвон машинага тегишига бир баҳя қолди. Автобус юриб кетаркан, чанги ортида қулаган айвоннинг шарақлаган овози эшитилди. Демир машина хужжатлари ва юкдонни очиб,

унинг ичидагиларни бир-бир кўздан кечириб борарди. Оппоқ козоқи қалпоқ ҳам топиб олди.

– Жамшид, эҳтимол, манавини кийиб оларсан.

– Майли, – деди Жамшид машинани тез ҳайдаб бораркан, қалпоқни кийиб ойнага бир қараб олди.

– Қалай, ярашдимми?

– Ҳа! – деди йигитлар.

Ўртадаги нохушлик андак кўтарилгандай бўлди.

– Эҳтиёт бўл, Жамшид. Секинроқ ҳайда. Биринчидан, бетоб холанг бор, иккинчидан, тез ва бетартиб ҳайдашинг маҳаллий милицияда шубҳа уйғотади, – деди Демир.

– Иложи бўлса, катта постларни айланиб ўтишимиз керак.

– Ҳа. Иккинчи даражали йўллардан жануб томон бораверамиз.

– "Москва – Тошкент" поезди юрадиган темирйўл бор-ку, ҳалиги.

– Ҳа-ҳа, нима эди?

– Ўша йўлга етиб олсак, унинг ёнидан кетган текис машина йўли бор. Мен буни болалигимда дадам билан Москвага борганимда кўрганман. Қозоқ даштларидан икки сутка юргандик. Ўшанда йўлни томоша қилавериб зерикиб кетгандим.

– Тўғри, ўша йўлга чиқиб олсак, яхши бўларди. Мабодо машина бузилиб қолгудек бўлса, поездга ўтириб ҳам кетаверардик.

Шундай қилишди. Холани шифохонага олиб киришди. Аммо зотилжам касаллиги хуруж бериб турган маҳали, унинг устига, қаттиқ кўрқиб кетгани учун юраги дош бера олмагани ва шу туфайли вафот этганини айтишди. Уни ўраб-чирмаб ватанга олиб кетишга қарор қилишди. Нилуфар оғир қайғуда қолди.

Бошқаларга ҳам дори-дармон, дўкондан бир оз булка нон, минерал сув сотиб олишди-да, чоғроқ йўлдан темирйўл сари равона бўлишди. Ҳаво тобора совиб борар, изғирин шамол эсарди. Олтой шаҳарчаси ортда қолиб, шувоқлар чийиллаб овоз чиқараётган даштликлар бошланди. Аммо автобус ичи иссиқ бўлгани учун ташқаридаги юз-кўзни очирмайдиган совуқ изғирин йўловчиларга таъсир этмасди. Фақат иккита машина сиғадиган поёнсиз йўл даштлик бағрига тобора сингиб, қарши томондан келаётган машиналар сони камайиб борар, туя боқиладиган қозоқ ўтовлари онда-сонда кўриниб қоларди. Шу зайл юз километрлар юрилгач, оқшом чўка бошлади. Шамол кучайгандан кучайиб, қор тўзони машина ойналарига уриларди. Йўлда бир-икки кўл кўтарган йўловчидан бошқа ҳеч ким учрамади.

– Ҳой Демир, анави Рудикдан бир хабар олиб қўййлик. Музлаб қотиб қолмасин, тагин.

– Нима, салонга чиқариб оламизми?

– Ўша ифлоснинг башарасини кўргани кўзим йўқ. Қўлларини бўшатиб шу ерга ташлаб кетаверайлик. Машинасини кейин божхона ёнидан олаверади.

– Майли, – деди Демир.

Улар автобусни бир четга олиб машинадан тушишди. Совуқ шамол юз-кўзларини чимдиди. Юкхонани очиб Рудикни тортиб олишди-да, оёқ-қўлларини бўшатишди.

– Мени кечиринглар, бошқа бундай қилмайман. Тавба қилдим!

– Ўчир овозингни, даюс!

Йигитлар яна автобусга чиқишди. Рудик ўзини қолдириб кетишаётганини кейинроқ пайқади.

– Ҳой, мени ташлаб кетманглар. Ахир бу ерда очликдан музлаб ўламан-ку! – кичқирди у.

Жамшид автобусни ўн-ўн беш метр юргизиб тўхтади.

– Демир, анавинга нон бериб қўййлик. Очидан ўлмасин тагин.

Рудик уюшиб қолган оёғини аранг судраб бир-икки қадам ташлаган ҳам эдики, Демир чопиб келиб қўлига яримта бўлка нонни тутқазди-да, изига қайтди. Эшик қарсиллаб ёпилди.

– Ҳой, у ёққа кетманглар! Йўл йўқ, у ёқда! Орқага қайтинглар, адашасизлар! – дея бақирган Рудик кимсасиз йўл бўйида қўл силтаганича қолаверди.

Қор тобора қалинлашиб борар, аста-секин йўл буткул қор билан қопланиб, унинг йўл экани ҳам сезилмай, белгилар ҳам кўринмай қолди.

– Жамшид, шу ерда тўхтайлик, – деди Демир.

– Нега?

– Бирорта транспорт ўтишини пойлаймиз. Кейин ундан йўлимизни сўраймиз. Бунақада адашиб қоламиз, ёқилғи ҳам оз қолди.

– Ҳа, – деди Жамшид ва бензин кўрсаткичига эндигина кўзи тушиб, эси чиқаёзди. Чунки атиги ўн литрча қолибди.

Автобус тўхтади. Бироқ бир соатлар ҳам турдиларки, бирорта машинадан дарак бўлавермади. Қор бўрони тобора кучайиб борар, двигатель ўчириб қўйилгани учун салон ичи ҳам тез совиб борарди. Йўловчиларнинг ҳаммаси деярли ухлаб қолишди. Фақатгина баъзилар бетўхтов йўталар, Нилуфарнинг "Вой, онам!" дея фарёд чекиб, зорланиши, гўдакнинг қорни очиб йиғлаши жимликни бузиб турарди. Кўп ўтмай оғир чарчоқ ва асабийлашишлар таъсириданми, поёнсиз, оппоқ даштликда кўз тикавериш Жамшиднинг кўзи илинди. У рулга бошини қўйгани ҳолда қаттиқ ухлаб қолди.

* * *

Йўловчилар қанча ухлашди, билишолмади. Автобус ичи жуда ҳам совиб кетган, ойналари музлаб, теваарак бутунлай кўринмай қолганди. Гўдак яна биғиллаб йиғлай бошлади. Барно иложсиз эрини уйғотди.

– Ҳой, тулинг, дадаси. Музлаб қоламиз-ку!

– Н-нима?

– Совуқда музлаб қоламиз деяпман. Шофёрни уйғотинг, ё жўнайлик, ё печкасини ёқсин.

– Ҳа, хўп, – деди Бекзод ва Жамшиднинг елкасини силтай бошлади. – Ҳой, уйғонинг, музлаб қолдик-ку!

Жамшид аранг ўзига келди. У ширин туш кўраётганди. Тушида қор ёғаётган боғлар ичида Нилуфар ва бир неча болачалар билан қувлашиб қор бўрон ўйнашарди. Кибриё хола уларни кузатиб кулиб ўтирарди.

– Нилуфар, – деб қўйди у.

– Мен Нилуфармас, Бекзодман. Машинани юргизинг, жўнайлик, деяпман.

Жамшид уйқусираб аланглади.

– Қаердамиз ўзи?

– Билмасам.

Жамшид эшикни очмоқчи бўлди. Очилмади. Музлаб қолибди. Елкаси билан бир-икки урганди, очилиб кетди ва ғувиллаб совуқ шамол билан қор уюми урди. Эшикни тезда ёпди.

– Йўл қани?

– Билмасам.

– Қаёқдан келаётгандик, қаёққа борамиз?!

Бекзод хайрон бўлди ва асабийлаша бошлади.

– Мен қаёқдан билай. Рул сизнинг қўлингизда-ку, ахир. Билиб-билмай ўтираверадими? Давай, тез бўлинг! Бу ерда совуқда музлаб қоламиз.

– Қаёққа бораман?

– Қаёққа бўларди, таможняга-да!

Мотор ҳам совиб қолибди, аранг ўт олди. Чироқни ёқди, ғира-шира бепоён даштлик, оппоқ қор бўронидан бўлак ҳеч нима кўринмасди. Қор қалинлашгани, теп-текис майдонда йўлдан асар ҳам қолмаган, жануб қаёқда, шимол қаёқдалигини билиб бўлмасди. Жамшид таваккал қилиб автобусни нотекис йўл бўйлаб ҳайдаб кета бошлади. У теварак-атрофга умид билан боқар, бирор йилт этган чироқни ёки қорайиб кўриниши мумкин бўлган иншоотни изларди. Эллик-олтмиш километрча йўл босди ҳамки, ҳеч нарса учрамади. Ёқилғи кўрсаткичи тобора пасайиб борарди. Ҳадеганда тонг ҳам отавермасди. Ниҳоят яна тўхташга тўғри келди. Чунки бензин жуда оз қолганди. Жамшид аввал тонгни қаршилашни, сўнгра бирор чорасини кўришга қарор қилди.

Ниҳоят тонг отди. Шамол тинган, қор эса ҳамон тинмасди. Йўловчилар бир-бир уйғониб оёқларининг чигилини ёзиш учун туша бошлашди. Қор бир қаричдан зиёд ёғибди. Йигитлар қор билан юз-қўллари ишқаб юзларини ювган бўлишди. Теварак-атроф бир текис оппоқ, бирорта қорайган нарса кўзга ташланмасди.

– Қаёққа келиб қолдик-а? – сўради йигитлардан бири.

– Яхшилаб қаранглар-чи, симёғочлар бормикин? Симёғочлар ўтган жойда албатта йўл бўлади, – деди Жамшид.

– Ҳеч қандай симёғоч кўринмаяпти, адашибмиз, шекилли.

– Энди нима қиламиз?

– Бирор кимса ўтиб қолар.

– Ўтмаса-чи?

– Яхши ният қилайлик.

– Бўлмаса, болалар, ўт ёқайлик. Ҳам исинамиз, ҳам узоқдан бизни кўришади.

– Майли, ҳамма ўтин терсин!

Йигитлар тарқалиб, дўмпайиб турган қор уюмларини титкилай бошлашди. Аммо бир оз шувоқ новдаларидан бўлак ҳеч нима қўлларига илинмади. Бунинг устига, егуликлари ҳам тугаганди.

– Бу ерда яна бир кеча қолсак ҳам очликдан, ҳам совуқдан музлаб ўламиз, – деди Бекзод маъюс.

– Нима қиламиз бўлмаса?

– Пиёда жўнаб темирйўлга етиб олишимиз керак.

– Қанча бензин қолди?

– Ўн километрга етади.

– Бўлмаса, тугагунча юраверайлик.

– Қайси тарафга?

Йигитлар оқаришиб қолган осмон томон боқишди ва қуёшни излашди. Аммо оқиш осмонда қуёшнинг нишонаси сезилмасди.

– Қуёш кўрингунича бир оз кутамиз.

Кимдир тўпланган шувоқлардан аланга олдирмоқчи бўлиб газетани ғижимлаб ёқди. Аччиқ оқ тутун димоқларини қитиқлади. Бу нажот гулханига ўхшаб кетарди.

Бекзод ва Барно асабийлаша бошлашди. Улар гўдақларини нобуд қилиб қўйишдан чўчишарди. Ансора билан Аслия Кибриё холанинг жасади устидаги матони тикишда Нилуфарга ёрдамлаша бошлашди. Уни бирор жойга кўмишга ҳам хайрон эдилар. Чунки ер қавлашга асбоб ҳам йўқ. Бунинг устига, ер музлаган, чуқур қавлаб бўлмайди. Иложи борича мурдани ўзлари билан олиб кетишлари керак. Ниҳоят, Бекзоднинг тоқати тоқ бўлди.

– Ҳой, ҳайда машинангни. Бўлмаса, ўзимиз пиёда кетаверамиз.

– Ихтиёрингиз, – деди Жамшид бепарво.

– Нима дединг?! Гўдагимга агар бир гап бўлса, сени ўлдираман! – деди Бекзод ва Жамшидга ташланиб уни дўппослай кетди.

Йигитлар чопиб келиб уларни ажратишди. Асаблар янада таранглашди.

– Бўпти, кетдик! – деди Жамшид.

Яна бепоён оппоқ даштликлар бўйлаб кета бошладилар. Ҳамманинг кўзи деразаларга михланган, гўё ҳозир бирор кимса, машина ёки ўтовга кўзлари тушиб қоладигандай илинж билан боқишарди. "Автобус бензини ҳозир шу ерда тугаб қолса-я, унда нима қиламиз", деган хавотирлик барчанинг хаёлини чулғанди. Аммо кўп ўтмай шу ҳолат ҳам юз берди. Ёқилғи тугаб, автобус бир-икки силтанди-да, тўхтаб қолди.

– Ҳа, нима гап? – сўради Бекзод шоша-пиша.

– Етиб келдик, – деди Жамшид ва чуқур хўрсинди.

Бекзод нима қиларини билолмай қараётган ҳолда туриб қолди ва хотинига қичқирди:

– Барно! Тез бўлинглар, кетамиз!

Барно атрофдагиларга нажот нигоҳи билан қаради-да, кўзлари ёшланди.

– Бошимизда шу кўргулик ҳам бормиди энди? – деб қўйди у ва гўдагини ўриндикқа ётқизиб, тагини куруклаш учун оча бошлади.

Аёллар ҳам унга қарашди. Сумкаларини бўшатиб латта-лутта, эски кийимларидан узатишди. Ансора белидаги жун рўмолини ечиб берди. У билан чақалоқни яхшилаб ўрашди.

– Биз ҳам бирга кетайликми? – сўради Аслия шеригидан.

– Э йўқ. Кўпчилик нима бўлса, биз ҳам шу-да...

Бекзод юқларини, Барно гўдагини кўтариб тахминан жануб деб мўлжалланган тарафга кета бошлашди. Йўловчилар уларни оғир нигоҳ билан кузатиб қолишди. Ансоранинг юзларидан дувиллаб ёш тўкилди. Татьяна Алёнага биз ҳам кетайлик, дегандай маъноли қаради. Дугонаси нима деярини билмай ерга боқди.

– Бекзод! Бирорта транспортни учратсанг, бошлаб келинглар, хўпми?! – дея қичқирди Жамшид.

– Хўп! – дея жавоб қайтарди у.

– Ҳамма ўтин-чўп йиғсин! Умуман, ёқадиган нима нарса бўлса, бир ерга тўплайлик!

Барча йўловчилар теварак-атрофга тарқалишди. Оёқлари билан қор дўнгликларини тепишардию кўзлари аланг-жаламг эди. Ўртага бир уюм шувоқ, майда-чуйда ёғоч бўлаклари йиғилди. Автобус юқхонасидан ёқиш мумкин бўлган нарсани олишди. Бўм-бўш пластик идишлар, баклашкалар, резина поликлар ва ҳатто, захирадаги баллон ҳам ҳар эҳтимолга қарши бўшатиб, автобуснинг иккитадан бўлган орқа ғилдираклари ҳам ёқишга мўлжаллаб қўйилди. Бу биринчидан, тунги совуққа қарши кураш чоралари бўлса, иккинчидан, "Бизни қутқаринг!" деган "SOS" белгиси бўлиб хизмат қиларди. Чунки осмондан вертолёт ёки самолётлар ўтиб қолиши мумкин.

* * *

Бекзод билан Барно узоқ юришди. Ҳолдан тойишди. Оқшом ҳам чўка бошладик, бирор зоғ кўринмасди. Яна изғирин шабада эсиб, қор бўрони бошланди. Бундай совуқда бошпанасиз қолиб кетиш хавфли эди. Бекзоднинг хаёлидан "Шамол янада кучайиб кетса-чи, унда нима бўлади? Бекор қилдик-да. Нима бўлсаям кўпчиликдан айрилмаслигимиз керак эди" деган нохуш ўй ўтди.

Кутилгандек шамол кучайгандан кучая борди. Барно гўдагини тик ҳолда ушлаб бағрига босиб олди. Қор учқунлари кўз очиргани қўймас, совуқ шамол игнасини аёвсиз санчарди... Шу алпозда икки чақиримча йўл босишди.

– Юришда тўхтамайлик, Барно!

– Чарчадим. Оёғим толиқиб қолди. Боламнинг иситмаси кўтарилаяпти.

– Бўпти, юр, хув анави чуқурликка тушиб бир оз ўтирамиз. Эмизиб ҳам оласан.

Паналаш учун чуқурликка тушишди. Аммо бир метрча қор бор экан, ботиб кетишди. Бекзод танаси билан энгашиб, она-боланинг устини тўсиб турди. Аммо кизариб кетган гўдак ҳолсизланиб қолган ва эмишни хоҳламаётганди.

– Мени қўрқитма, болам! – деди Барно шивирлаб ва йиғлай бошлади.

– Йиғлама, кўз ёшинг музлаб қолади. Кейин янаям қийналасан.

– Эй парвардигор, ўзинг мадад бер! Нима гуноҳ қилган эдикки, бизларни жазоляпсан?! Ҳатто йиғлаб ҳам бўлмаса!.. Боламини ўз паноҳингда асра, менинг жонимни олақол!..

Қор учқунлари кўз очиргани қўймасди. Бунинг устига, уст-бошлари юпун.

– Барно, юрақол, кетайлик! Бўлмаса, учаламиз ҳам ҳалок бўламиз!

– Оёқларим ўзимга бўйсунмаяпти-да, ахир!

– Ҳаракат қилавер, тўхтама! Тўхташ хавфли!

Улар бир-бирларига суяниб, шамолга чап беришга ҳаракат қилиб оҳиста олға кетавердилар. Ортларидан қолган из бир зумда кўмилиб қоларди. Шу тахлит оч-наҳор узоқ юришди. Барно ҳолдан тойди ва ҳолсиз чўккалади. Бекзод гавдаси билан уни шамолдан тўсишга ҳаракат қиларди. Аммо бу фойда бермасди. Фуфайкасини ечди ва ўзи ҳам тиз чўкиб бошларини ўради. Ҳар ҳолда соябон бир оз иш берди. Барно чақалоқнинг бошини очиб кўрди, пешонасини ушлади. Унинг танаси совуқ эди. "Вой-вой! Болам! Бола-а-ам!" дея фарёд чекди у. Лекин унинг овозини совуқ шамол аллақадар олиб кетди.

* * *

Бу пайтда нариги "Новосибирск-Тошкент" автобусидагилар совукдан титраб-қақшаб божхона постига етиб олган бўлсалар, кичик автобусдагилар оппоқ дашту биёбонда, қор тўзонлари қўйнида яшаш учун курашмоқда эдилар. Дастлаб захира баллон ёқилди. Сўнгра орқа томондаги биттадан баллон ечиб олинди. Аммо ёнаётган бу гулханнинг тафти ҳам сезиларсиз бўлиб, айланма шамол унинг буриқсиб чиқаётган қора тутунини айлантриб юборар ва йўловчиларнинг юз-кўзларига урарди.

Ортикча буюмлар, сумкалар ҳам бирин-кетин оловга ташланди ва шу зайлда тонгни қаршилашди. Яна ўша ўриндиқларда титраб-қақшаб мизғишга, бор латта-луттани кийиб ёки ўраб олишга тўғри келди. Кўпчилик шамоллаб, бетўхтов йўталар, очликдан ҳолдан тойгандилар.

Бир пайт Алёна чидай олмай кичкира бошлайди.

– Сделайте что-нибудь!! Мы все здесь помрём-же!

– Утром отсюда уедем! – қичқирди Жамшид.

– Как?

– Пешком!

Барча йўловчиларнинг асаблари ниҳоятда таранглашди. Ансора билан Аслия бир адёлни бошларига буркаб ўзаро пичирлашарди:

– Шундай совуқда анави Барноларнинг аҳволи нима бўлдийкин-а?

– Етиб олишгандир.

– Қаерга?

– Билмасам. Чақалоқни худойимнинг ўзи асрайди, дейишади.

– Биргалашиб кетавермадик-да.

– Эрталаб кетарканмиз-ку.

– Бекзод ака, эҳтимол, бирор машина топиб келиб қолар.

– Ҳа. Қанийди...

– Яхши ният қилайлик. Ишқилиб, юртимизга эсон-омон етиб олайлик-да...

– Шу ёқларга ишга келмай ман ўлай.

– Ҳа. Нимасини айтасан, бир адашдик-да...

– Бу адашиш жонимизга завоҳ бўлмасайди...

* * *

Мерган оға ўша куни станциядан кеч қайтди. Об-ҳавонинг бундай кескин ўзгаришини, шамолнинг кучайишини кутмаганди. Отига қўшилган чана аравасида ёпинчиқларга бурканиб келарди. Бир пайт от ҳуркиб тўхтади. Одатда бирор йиртқич

жониворга дуч келгудек бўлса, шундай қиларди. Оға беихтиёр милтиғини кўлига олди. Совукдан қўллари милтиқ темирга ёпишгудек эди. Эллик метрлар, чамаси, нарида қорайиб бир нарса кўринди ва қимирлагандай туюлди. "Қизик, бўрига ўхшамайди-ку", деб кўйди мўйсафид ва осмонга қарата милтиғидан отди. Жонивор бўлганида аллақачон қочиб қоларди.

Қарсиллаган овоздан Бекзод ўзига келди. Оёқ-қўллари бўйсунмаётган Барно деярли музлаб қолганди. Чўккалаб қолган Бекзод Барнонинг бошидан ўзининг бошини аранг ажратди ва от-аравага кўзи тушди. "Эй!" дея бақирмоқчи бўлди, лекин овози чиқмади. Чиқса ҳам шамол уни олиб кетди, ўрнидан туrolмай йиқилди. Аммо Мерган оға хушёр эди. Отининг жilовини шу томон бурди ва ўрнидан туриб ёрдамга шошилди.

* * *

... Мерган оға, хотини Бибисора ва қизи тезда ўтов ичида тошўчоқ ёнига жой ҳозирлаб, чалажон қўл-оёқлари деярли музлаб қолган ёш келин-куёв ҳамда уларнинг аллақачон нобуд бўлган гўдагини олиб кириб ётқизишди.

... Эртасига эрталаб дастлаб Бекзод, сўнгра Барно ўзларига келишди. Уларга қайноқ туя сути ичиришди. Юз-кўзлари йиғи ва совукдан шишиб кетган Барно боласи томон интилди, аммо мадорсизлиги туфайли ҳаракатлана олмади.

– Мурдани ушлаб туриб бўлмайди. Уни кўмиб келинлар, – деди Бибисора қозок тилида.

– Ҳей, журсеши? – сўради оға Бекзоддан. Йигитнинг ҳам қош-қовоқлари қизариб, шишиб кетганди. У "ҳа" ишорасини қилди.

– Кимсиздер? Қаёқдан кележатырсиздер?

– Р-Россиядан. Адашиб қолдик.

– Жўлингиз бўлсин?

– Тошкентга.

– Ў-ҳў, Ташкент алисдағўй.

– Ал, сут иш, балам. Қувват бўлади, – деди Бибисора хола.

– Қўнақдарға адемы тамақ истеп бер, – деди оға ва яна Бекзодга юзланди: – Не билан келдингиздер?

– Автобуста. Бензин тугаб қолди. Улар қолиб кетишди.

– Ўх-хў! Неше сиздер?

– Ўттизта бор.

– Бўлмаса, уларни қутқариш керак экан-да? – сўради яна мўйсафид ўз тилида.

– Ҳа. Иложи борми?

– Ўйлаб кўриш керак.

– Телефон-чи? Телефон борми?

– Ҳа, разъездда бор. Бу ердан ўн километрча нарида.

– Унда "МЧС"га тезлик билан қўнғироқ қилишимиз лозим.

– Майли, бир оз ўзингга келиб ол. Кейин гўдакни ҳам кўмишимиз керак бўлади. Ер музлаган... Аёлингнинг аҳволи оғирга ўхшайди, – деди Мерган оға бир хўрсиниб олиб ва деярли ўзини билмай ётган Барно томон ачиниб қараб кўйди.

Қозок аёл бешбармоқ пиширмоқда эди. Қайнатмасидан икки косага қуйиб келди. Уларга бир қошиқдан сузма солиб аралаштирди.

– Ма, ширағим, сўрпасидан ишиб ал, – деди аёл.

Чолнинг Гулжан исмли қизи иккинчи косадаги шўрвани Барнога олиб бориб, унинг бошини кўтарди-да, қошиқлаб ичира бошлади. Аёл биттадан товоқчага бешбармоқ хаамири ва гўштидан солиб берди.

Эртаси эрталаб гўдакни жойига қўйишди. Шамол тинганди. Мўйсафид отга чанғи аравасини кўшиб келди.

– Юр, ўғлим, станцияга бориб келайлик. Начальникка кирамиз, бор гапни айтасан.

Бекзод касалванд ва мотамсаро Барнони қолдириб, мўйсафид билан бирга жўнади. Станция бу ердан ўн километрча жойда экан. Аммо ўша ҳолатда улар ҳеч қачон бундай масофани пиёда босиб ўтолмас эдилар. Демак, Жамшид ҳам шу темир йўлни кидирган, лекин адашиб қолган, ёқилғи тугаган. Унда айб йўқ. Уларни тезроқ қутқариш керак. Бечораларнинг аҳволи не кечди экан?

...Станция бошлиғи Жамбул вилоятидаги қутқарув хизмати билан боғланди. Вертолётлар кидирувга борадиган бўлишди. Сўнгра Барнога Мерган оға дори-дармон сотиб олди.

Барно ўзига келиб олғунига қадар улар яна бир ҳафта шу ерда қолишди. Мерган оғанинг оиласи қўлларида келганича ёрдамларини аяшмади.

– Аёлингни касалхонага ётқизайлик, – деди мўйсафид. – Тузалгач, кетаверасизлар.

Аммо Барно кўнмади. Оға уларни разъездга элтиб, Тошкент поездига чиқариб қайтди.

Тўққизинчи боб ЮРТГА ҚАЙТИШ

Даштдаги адашган автобусдагилар эса эртаси куни ҳам ўша жойда тунаб қолишди. Баъзилар тақдирларига тан бериб автобус йўлакларига чўзилиб олишганди. Кибриё холанинг мурдаси билан ҳеч кимнинг иши бўлмай қолди. Икки кечада ейиш мумкин бўлган нимаики бўлса, ейилиб, ёқиш мумкин бўлган нарсаларнинг ҳаммаси ёқиб бўлинди. Юмшоқ ўриндиқлар шилиб олинди. Навбат автобуснинг асосий баллонларига келганди. Олов тунда узоқдан яхши кўринади ва кимларнидир ўзига тез жалб қилади, деган ўйда ёқавердилар. Яхшиямки, иккинчи тун шамол бўлмади, бироқ совуқ ва аёзли эди. Туни билан учта баллон ёқиб чиқилди. Йўловчилар иложи борица ухлаб қолмасликка ҳаракат қилишар, гулхан атрофида сакраб айланишарди. Аммо очлик азоб берарди.

Эртаси ҳам ҳеч зўғ кўринавермагач, кўпчиликнинг юзида умидсизлик акс эта бошлади.

– Йигитлар, йўлга тушамиз! Бу ерда туришнинг фойдаси йўқ, шекилли, – деди Жамшид.

– Ҳа, ҳаракат қилиб то қоронғи тушгунига қадар темир йўлга етиб олайлик.

Ҳаво булутли бўлса-да, куёш ёғдуси сезилиб турар ва жануб томон қаёқда эканини англаш қийин эмасди. Йўловчилар Демир ва Алёна бошчилигида йўлга отланишди. Жамшид ва Тўлқин Кибриё холанинг жасадини орқа ўриндиқнинг ёниб бўлганидан қолган темир ромига боғлаб олиб, судраб кета бошладилар. Нилуфар бўлса Жамшиднинг қўлтиғидан ушлаб маъюс борарди... Бир чақиримча йўл босганларидан сўнг вертолётлар пайдо бўлди. Ҳаммалари бош кийимларини силтаб, қичқира бошлашди. Вертолётлардан бири ҳавода бир доира айланди-да, ерга қўнди. Ҳамманинг кўзидан қувонч ёшлари оқарди.

Борт командири юз берган ҳодиса ҳақида қаергадир ахборот берди ва сўзининг охирида "Ҳаммаси Россиядан келаётган Ўзбекистон азаматлари экан. Биринчи ёрдам кўрсатмоқдамиз. Бир аёлнинг жасади бор, нима қилайлик?" дея буйруқни кутди. Бошлик уларни чегара постига элтиб, Ўзбекистон ҳудудига тезликда ўтказиб юборишни топширди.

– Ўртоқ командир, орамиздан бир йигит билан аёл пиёда кетишганди. Йўлни қараб кетайлик.

– Улар кетиб бўлишган. Ўша йигит поезд станцияси бошлиғига бориб айтган экан. Кейин станциядан бизга хабар беришди.

– Э, шунақами? Унда улар тирик экан. Баракалла, Бекзод! У бўлмаганида бизнинг ахволимиз не кечарди?

– Гўдаги ҳам омонми? – сўради Нилуфар.

– Омон бўлади-да. Етиб борганимиздан сўнг улардан хабар оламиз, хўпми? – деди Жамшид ишонч билан.

Вертолётадаги шифокор уларга минерал сув ва сухари тарқатди. Шу тариқа божхона постига етиб келишди. Уларни навбатсиз ўтказиб юборишди. Пештоқида байроғи ҳилпираб турган Ўзбекистон божхона пости томон деярли чопиб кетишди. Улар тиббий кўрикдан ўтказилиб Тошкент шаҳар "Одам савдосига қарши кураш бўйича ташкил этилган реабилитация Маркази"га олиб кетилди. Жамшид билан Нилуфар эса Кибриё холанинг жасади билан қишлоқларига жўнашди.

* * *

Барнонинг тана ҳарорати тобора кўтарилиб борарди. Поездда ўлчаб кўришди, ҳарорати қирқ даражага етибди. Биринчи ёрдам кўрсатилди ва поезддан тушибоқ уни касалхонага ётқизиш кераклигини айтишди. Аммо Барно ихраб, тинмай "Уйимни бир кўрай. Мени уйимизга олиб кетинг, жон Бекзод ака", деяверди. У бетўхтов ва калта-калта йўталарди. Шифокор опа: "Аёлингизнинг ўпкаси қаттиқ шамоллаган. Бу сурункали бронхит. Шунинг учун иситмаси баланд", деб айтди. Барнонинг юзи, ковоклари ҳам шишиб кетган, оёқ-қўллари мадорсиз эди.

Ниҳоят, "Тошкент" шохбекатига етиб келишди. Бекзод Барнони елкасига опичлаб олди.

– Уни тўғри касалхонага олиб боринг! – дея қичқирди вагон проводниги ҳам.

– Хўп, раҳмат. Шундай қиламан, – деди Бекзод.

Аммо беҳол Барно эрининг бўйнига осилиб маҳкам қучди ва шивирлаб деди:

– Мени аввал уйимизга олиб боринг, акажон. Уйимизни бир кўрай. Кейин ўлсам ҳам армоним йўқ.

– Нега унақа дейсан? Яхши ният қил. Мана, юртимизга қайтиб келдик. Энди бу ердан тилла беришса ҳам ҳеч қаёққа кетмаймиз.

Барно худди ёш боладай пиқиллаб йиғлай бошлади.

– Уйимизга опкетинг, жон ака!..

– Хўп-хўп. Мана ҳозир, кетамиз. Бирор нима ейсанми?

– Йўқ.

– Тўғри қиласан. Ўзи пулимиз ҳам йўқ, – деди Бекзод ва таксилар томон йўналди. Такси кирани нима қилсам экан-а, дея ўйлади. Барнони кутиш майдонига олиб кириб, ўриндикка ўтказиб қўйди.

– Сен шу ерда ўтириб тур, мен ҳозир келаман. Машина топай, уйимизга кетамиз, хўпми?

Барнонинг лаблари курукшаб ёрилиб кетганди. Бекзоднинг кўзи ярми ичилиб ташлаб кетилган "Кока-кола"га тушди ва уни олиб бемор хотини оғзини намлади. Коланинг ёнида ярми ейилмай ташлаб кетилган гумма ётарди.

– Ма, манавиниям еб ол.

– Йўқ. Ўзингиз... – деди базўр Барно ва ўриндик суянчиғига суяниб кўзларини шифтга қаратиб олди.

– Барно, м-мен ҳ-ҳозир, тез келаман. Уйимизга кетамиз, бўптими? – деди Бекзод ва хотинидан кўзини ололмай кириш эшиги томон чопди.

Таксилар қатор-қатор туришарди. Уни ҳайдовчилар қуршаб олишди. "Андижонга бир киши", "Фарғона борми, Фарғона!", "Ака, қаёққа кетасиз?" деб сўрашарди улар.

– Акалар, бир бемор аёлим бор. Фарғонага ким олиб кетади?

– Қаердан келаяпсизлар ўзи? – сўради бир ўспирин.

– Россиядан.

– Ишлагани борганмидинглар?
– Ҳа.
– Ўтиринглар, мен олиб кетаман. Орқа бўш.
– Неча пул бераман?
– От билан туя бўлармиди? Уч кишининг жойи-да, юз минг.
– Майли. Фақат пулни етиб борганда, уйдан олиб чиқиб бераман.
– Ие, бу ёғи "пистон" денг. Бўлмайди, ошна. Бир марта шунақа икки йигитни олиб кетгандим. "Уйимиз" деб бир жойга кириб кетишди. Ана турдим, мана турдим, дарвозани очиб қарасам, у ёғи дала, катта боғ экан.

Бу гапни эшитган бошқа ҳайдовчилар ҳам кулиб юборишди ва Бекзоддан узоқлашишди. Бекзоднинг юзи хижолатдан дув қизариб кетди. У кимга, нима деб илтимос қилишни билолмай бир оз қаққайиб туриб қолди. Бир пайт орқасидан "Андижон" деб турган ўрта ёшлардаги бир ҳайдовчи киши келиб, гўё ҳамдардлик билдиргандай қўлини елкасига қўйди.

– Бошингизга бирор мушкулот тушдими, дейман-а?
– Ҳа. Биз ўтирган автобус қозоқ даштларида адашиб кетди. Совуқда қолдик. Гўдагимиз йўлда нобуд бўлди. Энди бўлса, хотинимнинг аҳволи оғир... Бу ерда ҳеч кимим йўқ, – дея олди Бекзод.

Бошқа гапира олмади. Ерга қаради, кўзига ёш келди.

– Эҳ-хе, ёмон бўпти-ку. Сизлар поезддан тушдинглар чоғи. Аёлингизни орқангизга опичиб олган сиз эдингиз-а? Кўзим тушувди.

Бекзод бош ирғади.

– Бизни бир қозоқ чол топиб олиб кетди. Кейин шу поездга ўтқазиб юборди. Хотиним "Уйимизга кетайлик" деб ҳеч қўймапти.

– Бўлар иш бўпти. Ўзингизни қўлга олинг, ука. Сизларни мен олиб кетаман. Уйингиздагилар тоза соғинишгандир-а?..

Бекзод олға бир қадам босди-да, бир нима ёдига келгандай таққа тўхтаб қолди ва таксичи кишига қараб "Бизни ҳеч ким кутаётгани йўқ, бизлар етиммиз!" демоқчи бўлди. Аммо ўзини базўр тийди.

– Машинам ҳув анави оқ рангли "Нексия". Юкингиз кўп эмасми? Э-ҳа, узр...

– Кира ҳақингизни қўшнилардан олиб бераман.

– Э-ҳа, шунақами? Майли-майли, нимаям дердим.

Бекзод бемор аёлини опичлаб олиб келди. Улар келгунича таксичи йигитнинг бошига тушган ишлар ҳақида шерикларига билганича гапириб турганди.

– Яхши қилдингиз, Нозимжон, савоб бўлади, – деб қўйди бирови.

Ҳайдовчилар орқа эшикни очиб, унга ёрдамлашишди. Улар водий томон елдек учиб боришаркан, мижозлари бошига тушган мушкулот ҳақида сўраб-суриштирарди.

– Ана сизга Россия! Келинпошшани олиб кетиб нима қилардингиз-а?

– Уни ёлғиз ташлаб кетолмасдим. Кейин ўзи "Биргалашиб ишласак, кўп пул топамиз", деб қўймади.

– Айтмоқчи, менда бир янги чикқан қўшиқ бор, сизга ўхшаган шўрпешоналарга аталган. Қўйиб берайинми-а?

Бекзод Барнога бир қараб олди. У хотиржам ухламоқда эди.

– Ҳа майли. Ўзбекча қўшиқларниям соғинганмиз.

Ҳайдовчи дискни топди. Бу "Нексия" деган янги қўшиқ экан:

*Ўша машғум кунда мен,
Ҳаётимдан нолибман:
"Ҳамма "Нексия" миняпти,
Мен ниёда қолибман".*

Бошим қотиб ўтирсам,
Дўстим келди ёнимга.
Унинг қизиқ таклифи,
Оро кирди жонимга.

"Биринг икки бўлмайди,
Лишт қўйсанг насияга.
Ошина, менга шерик бўл,
Кетайлик Россияга.

Келиб "Нексия" оламиз,
Баланд уйлар соламиз!
Жарақ-жарақ пул ишлаб,
Бой-бадавлат бўламиз!"

Биттадан молни сотиб,
Самолётга ўтирдик.
Гўёки афсонавий,
"Пул юрти"га шошардик.

Тиним билмай ишладик,
Бир кун очмиз, бир кун тўқ.
Етти ой ўтиб кетди,
Пулдан бўлса дарак йўқ.

Мен дўстимга зорландим:
"Юргин, қайтиб кетамиз.
Бекорга ишлагандан,
Чўлга сабзи экамиз".

Қишлоғимни кўрганда,
Юрагим тўлиб кетди.
Ўзга юртдан минг чандон,
Гўзал кўриниб кетди.

Бир кун "Нексия" оламиз,
Баланд уйлар соламиз.
Лишт қўйсак ҳам Ватанда,
Кўп савобга қоламиз!

– Қалай? – деб сўради Нозимжон кулиб.
– Яхши, – деди Бекзод ва Барнога қараб қўйди.

Барно миқ этмас, ранги сомондай сарғайиб кетганди. "Бечоранинг қорни оч. Нима қилсам экан. Шофёрдан қарз сўрасамми? Э, йўқ. Шундоқ ҳам ҳали йўлқирани кимдан оламан? Қўшнилари кўзига қандай қарайман? Барнони касалхонага ётқизишим керак. Бунга ҳам пул кетади. Эҳ, кетиб бекор қилдик-да. Адашдик. Адашган ақлдан озар, деб шуни айтсалар керак-да. Лишт қўйиб бўлса ҳам, ўз юртимда ишлайверсам бўлмасмиди. Уйни ҳам ўз кучим билан тиклаб олишим мумкин эди-ку. Эҳ, каллаварам".

Машина Ангрендаги ошхоналардан бирининг олдида тўхтади.

– Юринглар, шу ер яхши жой, овқатланиб оламиз.
Бекзод кимир этмай ўтираверди.

– Биз, ҳалиги...

– Ҳеч хижолат бўлманг, йигит. Ўзим меҳмон қиламан. Юринг.

– Ҳой Барно, юр, овқатланиб оламиз.

– Ҳеч нима егим келмаяпти, – деди у қисқа-қисқа йўталиб олиб. – Уйимизга тезроқ кетайлик.

– Ахир, қувватинг йўқ-ку. Узлукиб қоласан.

Барно сезилар-сезилмас "Ўзингиз бораверинг" деб қўйди.

– Бўлмаса, мундоқ қиламиз. Ярим коса шўрвани олиб келиб ичириб кетасиз, келишдикми? – деди ҳайдовчи.

Йигит аёлидан кўнгил узолмай машинадан тушди. Аммо Барно овқатни ҳам ичолмади, иситмаси тобора ошиб бормоқда эди. Баъзан оғир инқиллаб қўярди.

Қишлоққа кечга яқин етишди. Барно Бекзоднинг қўлларини маҳкам ушлаб олганди.

– Ана қара, уйимизга келиб қолдик. Ҳозир етамиз!

Беҳол Барнонинг кўзлари илтижоли мўлтирар ва ўша пахса деворли пасткам уйлари кидирарди. Ҳаяжондан юраги тез урар, эрининг қўлини бор кучи билан сиқиб борарди.

– Мана етиб келдик. Сизга катта раҳмат, Нозим ака.

– Ҳечқиси йўқ. Уйингиз қай бири?

Бироқ Бекзод кўрсаткич бармоғи билан ишора қилганича тахтадай қотиб қолди. Пасткам уйлари ўрнида бир уюм тупроқ турар, босилиб қолган томининг вассалари у ер-бу еридан қорайиб чиқиб турарди.

– У-уйимизни томи босиб қолибди-ку! – деди ҳаяжон билан ва шарт машинадан тушиб, бузилган уйининг тепасига борди-да, бошини чангаллаб тиззаси билан чўккалаб ўтириб қолди.

Уйининг ва эрининг аҳволини кўрган Барно ўзидан кетди. Шундан сўнг...

Айтишларича, қаттиқ ҳаяжонланиш – стресс туфайли Барнонинг юраги дош беролмай ўша ондаёқ жон таслим қилибди. Бекзод бўлса, ўз қисматидан лол бўлиб, хохолаб кула бошлабди. Уни жиннихонага олиб кетишибди. Ўша куни маҳалла-қўй масжидга тўпланиб Барнони сўнгги манзилга кузатишибди.

* * *

Жамшид ила Нилуфар ҳам Россиядан уйларига онанинг жасади билан қайтишди. Ёраҳмад ака уйда экан. Кўргуликдан боши эгилди. Бу ишларнинг ҳаммасига ўзини айбдор ҳис қилиб бетоб бўлиб ётиб қолди. Холанинг қирқи ўтганидан сўнг икки ёшни унаштириш маросими бўлиб ўтди.

* * *

Кунлардан бир куни Жамшид Нилуфар иккиси ҳамсафар, тақдирдош бўлган Бекзод билан Барнони йўқлаб келишга аҳд қилишди. Жамшид Бекзоднинг тахминий уй манзилини сўраб олганди. Нилуфар отасининг исми билан аталган Ёраҳмад учун кийимлар, майда-чуйда ва ўйинчоқлар сотиб олди. Жамшид Бекзоддан миннатдор эди. Чунки унингча Бекзод ўшанда жонини таҳликага қўйиб темир йўлга етиб олган ва вертолётларни чақиртира олганди. Агар Бекзод шу жасоратни кўрсатмаганида уларнинг аҳволи не кечарди? Эҳтимол, икки севишганнинг етишишига маълум маънода шу йигит сабабчидир. Шу туфайли ҳам унга миннатдорчилик изҳор қилиб, бундан буён ака-ука тутинмоқ, тўйларида бош бўлишини сўрамоқ ниятида Жамшид чўнғара гуручи билан бир ошга харажат қилиб олди... Аммо уларнинг уйи ўрнида бир уюм тупроққа дуч келишди. Қўни-қўшнилар ҳайрон бўлиб чошиб келишди.

Бу фожиа Жамшиднинг юрагини ўртаб юборди. Унинг руҳиятига ёмон таъсир қилди ва шундан сўнг Россиядаги иш жойига қайтиб бормасликка қарор қилди. Мамлакат шаҳарларида қайта қуриш бўйича олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини кўриб танг

қолди. Бу қурилишларга неча минглаб қурувчилар зарурлигини ўрганди ва шерикларига қўнғироқ қилиб объектни топшириб оқ изларига қайтишни буюрди.

* * *

Эрбек ила Фарида ўз бахтларини ўша дайди автобусда топишди. Эрбек қизнинг манзилини билиб олди ва кўп ўтмай совчи юборди. Дастлаб қизнинг онаси ҳам, Иркутскдаги онаси ҳам кўнишмади. Онаси "Куёв Тошкентга келиб яшаса, майли", деган бўлса, сирдош онаси телефон орқали "Вой писмиғ-ей! "Ҳеч қанақа йигитим йўқ" дегандинг-ку", дея тергаган бўлди.

– Уни автобусда топдим. Тақдир бизни учраштириб қўйди-да, опагон.

– Ўх-хў! Мен сени бунчалик енгилтабиат деб ўйламагандим, Фарида. Наҳотки автобусдаги бир бегона йўловчи билан бир зумда ахду паймон қилишга улгуриб бўлса?...

– Биз ахир бир ҳафта бирга бўлдик-де. Оғир синовлардан ўтдик.

– Хих, автобусда қўл ушлашиб-а?..

– Э, сиз ахир буни тушунмайсиз.

– Нима, ўпишдинглар ҳамми?

– Ҳа энди, еттинчи куни...

– Тавба, беш йил қатнаб, бировга қиё бокмагандинг-ку.

– Билмасам...

– Хўп, диплом масаласи нима бўлади?

– Эрбек Москва вилоятида, давлат корхонасида ишларкан. У ернинг поликлиникаси бормиш. "Мен корхона номидан "сўровнома" олиб келаман, кейин дипломни олгунингизча бир ерда ишлайверамиз", деяпти.

– Нима, "Сўровнома"ни бир гастарбайтерга беришарканми?

– Ҳа. Бошликларга ош қилиб бераркан-да.

– Нима?!..

– Ишқилиб оғзиларини мойларкан-да, билмасам-е...

– Фу! Ўлиб қоламан, сен шу гапга ишонаяпсанми ҳали?

– Ҳа, ишонаман. Нима бўпти?

– Тентак қиз. Шунча ёшга етиб ақлинг кирмадими?

– Қанақа ақл?

– Бир гастарбайтерниям яхши кўрадим, бўлмасам.

– Нима бўпти? Сиз ҳам бир чукчага тегиб олдингиз-ку!

– Ҳой, тилимни қичитма. Чукчамас, ёқут у. Поччасиниям шунақа беҳурмат қиладим одам, тавба. Ўзи сенга бир бало бўпти.

– Ҳа, севиб қолдим, билдийиз.

– Нима?!..

– Эшитганимиз!

– Вой, ўлиб қоламан!..

– Ажаб бўпти!

III ҚИСМ
СЎНГГИ БЕКАТ
Ўнинчи боб
МОЗОР ИСТАБ

Икки оқсоқол – Низомхўжа билан Саидвафо орасида юз берган кейинги воқеалар бўлса, бутунлай бошқача кечди

Саидвафо билан Низомхўжа бир таксига ўтиришди. Саидвафо пишиқ экан, таксичига эллик доллар чиқариб "Етадими?" деб сўради. "Икковларинггами? Ҳа, албатта" деди киракаш кўзларини ола-кула қилиб. У орқа ўриндиққа учинчи одамни ҳам олмади. Низомхўжа шеригининг сахийлигига ҳайрон бўлди. "Қизик, фарзандлари уни қабул қилишармикин? Бу-чи, уларни танирмикин? Мабодо тан олишмаса-чи? Унда қаерга боради? Арз-додини кимга айтаркин?.. Тавба-тавба, дунёнинг ишлари хўп қизик экан-да".

Улар доvon сари боришаркан, Низомхўжа ҳамроҳининг қўли устига қўлини аста қўйиб гапнинг индаллосига ўтди:

– Сўраганнинг айби йўқ, ошна, фарзандларингиздан бўлак яқинларингиз борми?

У елкасини қисиб қўйди:

– Не знаю, поискать надо. У меня была сестра.

– Исми нима?

– Сарвиноз.

– Она живая?

Саидвафо яна елкасини қисиб қўйди. Ҳайдовчи бу антика суҳбатдан ҳайрон бўлди ва салон ойнаси орқали икки йўловчини зимдан кузата бошлади.

– Бошқа қариндошлар, синфдошларингиз бордир?

– Да-да.

– Мактабни битириб бирор жойда ўқиганмисиз?

– ПТУ закончил. На заводе сварщиком работал.

– Ёру биродарлар, яқин дўстларингиз йўқмиди?

– Да, они были, конечно: Шомахмуд, Эркин...

– Бўлмаса, борадиган манзилингизни аниқ ёзиб беринг. Мен уч-тўрт кундан кейин ўтиб бораман, хўпми?

Саидвафо бир парча қоғозга ёзиб берди. Унда "Станция Горчаково, ул.Қўштепа, напротив Сельмаг, Чурбанов Саидвафо" деб ёзилганди.

– Ие! Чурбанов деганингиз нимаси?

– Это её фамилия.

– Чья?

– Фамилия моей жены. Пришлось принимать её фамилию. Какая разница?

Ҳожи бобо ҳайрат билан "Тавба-тавба" деб қўйди.

– Фарзандларингизнинг исми нима? – сўради у яна.

– Старший Касым, хм-м..., потом Камол, Жамол, дочка кажется Мехри.

– Кажетсями ё точноми?

– Точно-точно, Мехри...

– Бўлди, суриштириб топиб оларман. Демак, сиз шулардан бирининг уйида бўласиз-да, а?

Саидвафо бошини лиқиллатиб қўйди. Аммо негадир унинг шашти пасайиб қолганди. Эҳтимол, ҳозир унинг кўз ўнгида хотини Санобар ва фарзандларининг бундан қирқ йил муқаддам кўчага чиқиб кузатиб қолганлари худди кинолентадай бир-бир ўтгандир.

Ўшанда катта ўғли Қосим ўн ёшда эди. У "Дада, тезроқ қайтиб келинг", дея зорланиб йиғлаб қолганди. "Демак, у ҳозир эллик ёшда бўлади. Бола-чақали бўлиб кетгандир. Ўшаникига бора қоламан. Ҳар ҳолда мени эсидан чиқармаган, ақли ҳуши жойида эди".

Низомхўжа Олтиарикда тушиб қолди ва ҳамсафари билан илиқ хайрлашди.

– Яхши боринг, ошна. Набираларни ўпиб қўйинг. Мен сизни албатта топиб оламан, – деди у самимий.

– Да, ладно. Увидимся, – деб қўйди Саидвафо ва кепкасини ечиб, кал бошини бир артиб олди.

Саидвафо илгари сельмаг бўлган савдо дўкони олдида тушиб қолди. Кичик гузарга яна янги замонавий маиший бинолар қурилибди. У ҳойнаҳой, бирор таниши учраб қолармикан, деб теварак-атрофга назар ташлади. Асосан ўсмир йигитчалар ва ёш болалар уймалашишарди. Улардан бири "Ассалому алайкум" деб чопиб ўтиб кетди. Саидвафо нима деярини билмай анграйиб бир оз туриб қолди. "Қайси бири неварам экан?" деган ўйда беихтиёр одимлади.

Болалиги ўтган ва уйланган уйи ўрнида ҳашаматли бино барпо бўлибди. Бу, ҳойнаҳой, Қосимжонники бўлса керак ёки кенжа ўғлим Камолнимикан? Демак, ўзларига тўқ шекилли, дея хаёл қилди.

Девор ёнидаги улкан бедана тут дарахтига кўзи тушди ва бориб охиста танасини ушлаб соғинч билан сийпаб қўйди. Буни дадаси билан болалигида экишганди. Дарахтнинг шохлари тарвақайлаб кетибди. Тепага қараб боши айланиб кетаёзди. Кепкаси тушиб кетай деганди, ушлаб қолди. Дарвозадан икки болакай чопиб чиқиб келишди. Ичкаридан "Дарвозани очинглар!" деган овоз келди. Болалар дарвозанинг биттадан табақасини ушлаб ланг очишди. Саидвафонинг юраги гупуриб кетди. "Наҳотки шу менинг ўғлим бўлса..." Ичкаридан "Тико" чиқди. Мўйсафид кош-кўзи, бурни ўзига ўхшаган рулдаги кишига кўзи тушди.

Ҳайдовчи ҳам бегона мўйсафидга бир нигоҳ ташлади ва "Саломалайкум!" деб қўйди. Аммо кепкаси мўйсафид алик олиш ўрнига унга қараб анграйиб турганини кўриб энсаси қотди.

Саидвафо ҳалиги дарвоза очганлардан бирини ўзига имлади. Болакай чопиб келди.

– Сиз кимсиз? – деди у бирдан.

– Ман, ҳалиги, дедушка, – деди мўйсафид аранг.

– Кимникига келдингиз?

– Вот это дом, мой...

– Бу уй бизники.

– Ҳалиги папа, да?

– Ҳозир кетди-ку.

Саидвафо хурсанд бўлди. Чунки у набирасини учратганди.

– Да-а? Саники ати нима?

– Шохрух.

– Шохрух. Ман саники – дедушка, понял?

Шохрух ҳайрон бўлди ва уй ичкарисига югуриб кириб кетди. У онасига кўчада турган ғалати мўйсафид ҳақида гапириб берган чоғи аёл дераза дарпардасини аста очиб қаради ва уй телефонини шиғиллатиб эрига кўнғироқ қилди.

– Алё, Камол ака, кўчада турган бир ўрисмижоз чол келиб ўғлимизга "Мен сенинг бобонгман", деганмиш, қариндошларимиздан эмасмикин, мабодо?

– Э, йўғ-е. Мен уни кўрдим. Салом берсам, алик ҳам олмади. Ўғлинг нима бало, ҳар қанақа чолни кўрса, бобо деявераркан-да.

– Бир гапингизда отам бизни болалигимизда ташлаб, бедарак кетган дегандингиз-ку. Мабодо қайтиб келмадимикин, дейман-да.

– Қўйсанг-чи, хотин, отам ўлган-ку. У қўшниникига келган бирор меҳмон бўлса керак, – деди эри ва телефонни ўчириб қўйди.

Аммо мўйсафиднинг уйга узоқ тикилиб тураверганини кўрган аёл кўчага чиқди.

– Келинг, тоғажон, сизга ким керак эди?

– Чей это дом?

– Наш. Нима, ўрисмисиз?

Саидвафо нима деярини билолмай бир оз каловланиб қолди. Ҳаяжондан лаблари пирпиарди. Бир нима бўғзига туриб қолгандай гапиргани қўймасди.

– Кимникига келдингиз? – яна сўради аёл.

– Ман, халиги, так..., – деган сўз томоғидан зўрға чиқди.

– Эрим ишга кетган. Келсин, кейин гаплашасиз-а, тоға.

– Хўп, ладно, – деди мўйсафид ва қўли билан "бораверинг" дегандек ишора қилди.

Жувон мўйсафидга тузукроқ разм солди. Қиёфасининг қаерларидир эриникига ўхшаб кетарди. Бу ҳақида қайнопаси Меҳрихонга қўнғироқ қилиб билмоқчи бўлди-да, қайтиб кирди.

– Алё, опажон. Қалай, яхши юрибсизми?.. Ҳа, яхши. Хўжайин ишга кетувдилар. Эшигимиз олдида бир ўрисбашара киши келиб турибди. Мабодо шунақа қариндошларингиз йўқмиди?

– Э, йўғ-е, худо асрасин. Пул сўраб келган бирор пиёнистадир-да, эътибор берманг. Бунақалар келиб чақирса, уйда эрим йўқ, денг. Хўп, ишим жуда кўп эди, узр. Болаларни ўпиб қўйинг.

Саидвафо савдо дўконига ҳам оғзи ярим очиқ ҳолатда кириб борди. Уни тахминан қирқ ёшлар чамасидаги дўкондор йигит мулойимлик билан кутиб олди.

– Келинг, тоғажон, ассалому алайкум!

Саидвафонинг аввалига тили айланмай, эшитилар-эшитилмас "С-Салом" деб қўйди.

– Бирор хизмат бормиди, тоғажон?

– Ҳм-м... Меня зовут Саидвафо, – деди томдан тараша тушгандай. – Приехал из России.

– Э-э, меҳмонман, денг. Мен ҳозир, – деди дўкондор тўсиқ ортидан чиқиб келиб мўйсафиднинг қўлларида олди ва тавозе билан яна саломлашди. Сўнгра уни бир стулга ўтқазди-да, чопиб бориб пиёлага чой қуйиб узатди. – Кимникига келдингиз, отахон?

– Ҳм-м..., Касыма знаете?

Дўкондор йигит ўйланиб қолди

– Маҳалламызда бир Қосим ака бўларди. Ўтган йили қазо қилувдилар. Яна Болтакўл маҳалласида бор, қассоб. Ёши нечада?

Саидвафо ноҳуш гапларни тушунган чоғи, кўзлари ола-кула бўлиб кетди. Наҳотки тўнғич ўғлим ўтган бўлса?

– Саттаров Касым, пятьдесят лет.

– Ҳа-ҳа, бу ўша, сойнинг у юзида туради.

Саидвафонинг қўнғли хотиржам тортди. У аввалига катта ўғлини топишга қарор қилди. Бошқа фарзандлари ҳақида сўрамади.

Дўкончи бошини қашиди.

– Ҳм-м. Қосим аканинг Меҳри деган синглиси ҳам бор-а?

Ўрисмижоз мўйсафиднинг чехраси ёришди.

– Да – ҳа! – деб қўйди у қувониб.

– У менинг синфдошим.

– У, этот, халиги, где?

– Уми? Қиргулида, домда туради. Шаҳарда катта дўкони бор, Туркияга қатнайди. Бир акаси, Жамол ака ўша ерда дўхтир. Э, тўхтанг, сиз уларга ким бўласиз ўзи?

- Отец.
- Нима дедингиз?
- Ата. Они мои дети. Помогите их найти.
- Ие... Ростданми? Ахир, уларнинг отаси бўлмаган дейишарди-ку!

Дўкончи йигитнинг исми Мўминжон экан. У меҳмоннинг ҳурматини жойига қўйишга ҳаракат қиларди. Ёдига дўкон ёнидаги уй Қосим қассобнинг укаси Камол аканики экани келиб қолди ва "суюнчи" олиш учун уларникига келди. Аммо кўшни аёл ҳозиргина ўша ўрисмижоз киши келиб кетгани, Меҳрихон ҳам тан олмаганини гапириб берди.

- Бўлмаса, у кишини Қосим аканинг олдига юборайинми?
- Ҳа, шундай қилинг. Қосим акам бизга ота ўрнидалар. Эҳтимол, танирлар.

Мўминжон узрини айтиб "Сиз, тоғажон, Қосим аканикига бора қолинг. Қабристон орқали борсангиз, жуда яқин" деб унинг уй манзили ва гўшт дўкони қаердалигини тушунтириб қўйди. Саидвафо тушунди.

Саидвафо болалиги ўтган кўчалар бўйлаб бораркан, йўл бўйи қатор қилиб экилган баланд мирза тераклар гўё худди Низомхўжага ўхшаб "Бай-бай" дегандай бош тебратиб туришарди. Сой бўйига бораверишда қабристон бўлиб, ундан сўкмоқ йўл ўтарди. Дўмпайиб турган қабрлару баъзиларининг тепасига қўйилган ёдгорлик тошларидаги суратлар унинг назарида гўё "Ҳа, келдингми, қаторимизга қўшилавер" дегандай ортидан қараб қолишарди. Саидвафонинг юраги орқага тортиб кетди. Тезроқ ўтиб кетиш учун қадамини тезлатди, лекин негадир йўли унмаётгандай, руҳлар оёқларидан тортаётгандай туюлаверди. Юраги тез ура бошлади. Яхшики, йўлидаги бир қабр олдига қўйилган тахта ўриндиққа дуч келди ва бир оз нафасини ростлаб олмоқчи бўлиб ўтирди. Ҳаяжондан чаккасидан тер оқди ва кепкасини олиб тепакасини артди. Сўнгра ўтирган жойидаги қабртошига разм солди ва ундаги суратни кўриб, бир сапчиб тушди. Тошда ўз акси мунгайиб турарди. Сурат тагига "Саидвафо Саттор ўғли. 1940 йилда туғилган" деб ёзилган ва ўлган санаси кўрсатилмаганди. "Наҳотки бу мен?!" деди у ва кўрқиб кетиб юрагини чангаллади-да, ён томонига йиқилди.

* * *

Саидвафо кўзини очганида ўзини касалхонада кўрди. Ҳамшира қиз севиниб кетди ва бу ҳақда шифокорга хабар бериш учун шошиб хонадан чиқди. Бемор ғаройиб туш кўрганди. Тушида болалиги, ота-онасини ҳам кўрди. Отаси билан боғларда айланиб юришди. Отам мени ўзига чорлапти, шекилли. Лекин ўлсам, мени ким кўмаркин? Наҳотки, мени ўлганга чиқариб, қабртош қўйган бўлишса...

Тепасида бир шифокор йигит жилмайиб пайдо бўлди.

- Ассалому алайкум, тузукмисиз, отахон?

Бемор кўзини очиб юмди. Шифокор унинг томир уришини текширди. "Қаерларидир раҳматли отамга ўхшаб кетаркан ё қариндошларданмикин?" деган ўйга борди.

- Исмингиз нима, тоға?
- Саид... – дея олди у.
- Қаерликсиз?
- Маргелан.
- Қабристонга зиёрат қилгани келганмидингиз?

Мўйсафид саволни англамадими, жавоб бермади. Аммо йигит яна сўровда давом этди.

– Юзингиз раҳматли отамни эслатаркан. Мабодо отамга қариндошлик ерингиз йўкми?

Саидвафонинг тили айланмай ётаверди. Тил қурғур на рус, на ўзбек тилига бўйсунитишни хоҳларди.

- Майли, дамингизни олинг... Дилфузахон, – деди у ҳамширага мурожаат қилиб.

- Лаббай.
- Бу кишининг касаллик тарихини тўлғазинг. Яқинларини аниқлаб, хабар беринглар, хўпми? "Юрак хуружи" деб ёзинг. Қон босимини ўлчаб, кардиограмма қилинглари.
- Хўп бўлади, Жамол Саидвафоевич!
- Саидвафо яна бир сапчиб тушди: Нахотки, шу йигит ўғлим бўлса?..
- Кардиограмма хулосалари қониқарсиз чиқди. Ҳамшира "Касаллик тарихи"ни тўлдириб ўтирарди.
- Фамилиянгиз?
- Сатторов.
- Исмингиз?
- Саидвафо.
- Қизик, шифокор акампизники ҳам Сатторов. Сатторов Жамол Саидвафоевич. Тавба, отдошга ўхшайсизлар.
- Туғилган йилингиз? Яшаш жойингиз?
- 1940 год. Новосибирская область Каменаобийский район.
- Нима?! Тушунмадим, сиз хорижликмисиз?
- Нет, я Маргеланский, улица Куштепа, дом 17.
- Ие, вой! Ахир бу Жамол аканинг укаси Камол аканики-ку!
- Саидвафо "Ҳа" дегандай ковокларини кўтариб бош ирғаб қўйди. Ҳамшира қиз хайрон бўлиб Жамол Саидвафоевичнинг ҳузурига қараб чопди.
- Ҳа, Дилфузахон, тинчликми?
- Дилфуза "Касаллик тарихи"ни қўлига тутказди. Уни ўқиб Жамолнинг эси оғиб юмшоқ ўриндикқа ўтириб қолди ва дарҳол Қосим аканининг телефон рақамини тера бошлади.
- Алло, ҳа, Жамол, тинчликми?
- Йўқ!.. Тинчликмас!
- Ие, нима гап?
- Сиз отамни ўлган дегандингиз-а? – сўради у хаяжон билан.
- Ҳа, нима эди?
- Бир беморни олиб келишувди. Худди отамга ўхшаркан.
- Нима бўпти? Одам одамга ўхшайди-да. Эсингда борми? Анави раҳматли қизикчи бор эди-ку, Ҳожибой Тожибой деган. Ўша бир марта "Ўхшаш чехралар" деган танлов эълон қилиб, ўзига ўхшаганларнинг тўққизтасини йиққанди.
- Э, йўқ...
- Тўхтаб тур. Гапимни гапириб олай. Кейин саҳнада турган чехрадошларга қараб "Мана, кўринглар, менинг отам киракаш бўлган. Бошқа вилоятларда ойлаб қолиб кетарди" деган. Бизнинг отамиз ҳам ёшлигида шўхроқ бўлгандир-да, – деди у ва аскияга олиб хохлаб қолиб юборди.
- Майли, сизнингча бўла қолсин. Мен сизга унинг шахсий анкетасини ўқиб берайинми?
- Хўп, ўқи.
- Сатторов Саидвафо, 1940 йилда туғилган. Уй манзили: Марғилон шаҳар Қўштепа кўчаси, 17. Бу сизга бирор нимани эслатадими?
- Ҳа. Бу уй отамнинг, кейин Камолнинг уйи-ку. Ёпирай... Бўлиши мумкинмас. Нахотки, у тирик!
- Энди бу ёғини эшитинг. Мен ҳам сизни бир аския қилайинми?
- Тавба-тавба. Бу жуда ғалати-ку, хўш-хўш?
- У сизникига қабристон орқали кетаётиб йўлда ўз қабрига дуч келган ва юраги хуруж қилиб ўзидан кетиб қолган. Уни болалар кўриб қолишибди.
- Ёпирай!..
- Сиз бўлса, бизни ишонтиргандингиз! Қабртош қўйдиргандингиз!

– Онамиз ўтганларида ҳам келмади-ку, у номард. Қабртош шунчаки бир рамзий тош эди, холос. Мен сизларни, фарзандларимизни тинчлантириш учун, хотира кунлари ота-онани ёдга олиб туришларинг учун шундай қилгандим, – деди Қосим йиғламсираб. – Қирк йилдаям келадими, ахир! Сизларни боқаман, тарбиялайман, ўқитаман, уйлаб-жойлайман деб ойим билан эзилиб кетдик-ку... У бўлса биздан воз кечди. Йўқ, ука. Мен сендан бу гапни эшитмадим, сен айтмадинг. Менинг учун отам ўлган.

– Энди нима қиламиз?

– Билмадим, ука, билмадим. Тан олсак, муаммо кўпаяди. Дўст-душман ичида кулгига қоламиз. Гап шу, сен кўрмадинг, мен эшитмадим. Эҳтимол, у одам бутунлай бошқа кишидир. Ҳаётда шунақа тасодифлар ҳам бўлиб туради-ку. Биз тан олмаганимиздан кейин у ҳеч нима қилолмайди. Кейин яна ўша келган жойига, ўрис хотинининг олдига кетаверади. Мен у номарднинг манзилини аранг топиб, уч-тўрт марта хат ёзгандим, жавоб бермади. Беш йил аввал ойим ўтганида телеграмма юбордим. Келмади... Тагин ўзинг биласан, ука. Уйингга олиб кетсанг, кетавер.

– Камол, Меҳрига айтайинми?

– Йўқ. Нима қиласан, уларни ҳам безовта қилиб.

– Хўп, – деди Жамол ва оғир хўрсиниб гўшакни қўйиб қўйди.

Унинг рўпарасида Дилфуза ҳайрат билан оғзини ярим очиб турарди.

– Сиз бу ҳақда бировга миқ этманг, хўпми? Боринг, беморга яхшилаб қаранг.

– Ўша Сатторовгами?

– Ҳа!

* * *

Шундай қилиб, фарзандлар оталарини тан олмасликка ўзаро келишишди. Саидвафо кимнинг уйига бош сукмасин, улар "Бизнинг отамиз болалигимизда ўлиб кетган, қабристонда қабри бор" дейишди.

Узоқ юртдан мазор истаб келган Саидвафо аросатда қолди. Нима бўлсам ҳам ўз юртим, мусулмонлар мени кўчага ташлаб қўйишмас. Эҳтимол, фарзандларим бирор кун инсофга келиб мени олиб кетишар. Шу ерда бир кунимни ўтказиб юравераман, деган қарорга келди.

Марғилонсойнинг бўйида одамлар овқат тайёрлаб дам олиб ўтирадиган чойхона ва дала ҳовлилар кўп эди. У ердаги чойхоналар кишин-ёзин одам билан гавжум бўлар ва улардан жуда кўп нон, овқат, мева-чева, ва ҳатто, ичимликлар ҳам ортиб қоларди. Ётиб қолиш ҳам муаммо эмас.

Саидвафо ана шундай чойхоналарнинг бирига чой ташувчи, супуриб-сидирувчи ҳамда тунги қоровул бўлиб ишга тушди. Уни қаровчисини йўқотган "шаҳарлик ўрис чол" деб билишарди. Баъзан "Анави ўрис чол ўзбекчани яхши тушунаркан, жуда ювош экан", деб ҳам қўйишарди.

Ана шундай кунларнинг бирида ёзиб берилган манзилга мувофиқ олтиариқлик Низомхўжа ташриф буюрди ва кўчада ўзи тенгқур, лекин ёшамолроқ бир кишини учратиб қолди. Унинг исми Муталлибжон экан. Саидвафо берган қоғозни кўриб ҳайрон бўлди.

– Чурбанов? Нима ўрисми?

– Йўқ. У хотинининг фамилиясида экан. Асли Сатторов бўлса керак.

– Ие! Бу одам ахир ўтиб кетган-ку.

– Қанақасига?

– Қабристонда қабри бор. Ҳар йили қурбон ҳайитида фарзандларидан бири бу кишини ёдга олиб қурбонлик қилиб туришади. Ишонмасангиз, ана қабристон унчалик узоқмас, олиб боришим мумкин.

– Менга бу қоғозни ўз қўли билан ёзиб берди-ку.

– Тўғри, бу манзилда ҳозир унинг кенжа ўғли туради. Биз маҳалладошимиз. Бирор янги гап бўлганида аллақачон ҳаммага эълон қилган бўларди. Кейин улар ҳаммаси ўзига тўқ, обрў-эътиборли одамлар. Оталарини ҳеч қачон кўчага ташлаб қўйишмайди.

– Аниқ йўқми?

– Бўлмаса, юринг, катта ўғиллари Қосимникига борамиз. Кейин ўша томондаги сой бўйидаги чойхонада бизнинг гапимиз бор. Бугун менинг навбатим. Бирга-бирга ош тайёрлаймиз, масалани ҳал қиламиз.

– Саидвафони топсак, уни ҳам ўша ерга чақира қоламиз, бўлмасам.

– Мен тайёрлаган паловни еган марҳумлар ҳам тирилиб кетади.

– Йўғ-е!

– Ишонаверинг. Кепқопсиз, энди меҳмонимиз бўласиз-да. Россияда кўрган-кечирганларингизни маҳалладошларга гапириб берасиз, хўпми?

– Хўп-хўп. Лекин менга анави ошнамни топиб берсангиз, бўлгани.

– Айтмоқчи, чойхонага Камолжон ҳам боради. Ана шу раҳматли ошнангизнинг ўғли. Қоғозни кўрсатасиз, қалай?

– Яхши. Шунақа қиламиз, бўлмасам, – деди ҳожи севиниб.

Чойхонага келишди. Кенг-мўл, ялпайиб ўтирадиган сўрига жойлашишди. Мезбон меҳмоннинг ҳурматини жойига қўйиб, уни тўрга ўтказди, ёнбошига лўлаболишлардан қўйди.

– Мени жа эркалатиб юбордингиз-ку, Муталлибжон.

– Ҳа энди, бир келиб қолибсиз-да. Қалай, Олтиариқлар тинчми?

– Раҳмат, худога шукр.

– Бу йил узумлар қалай? Қишга сақлаб қўйишяптими?

– Ҳа. Сақлаганлар кам бўлишмаяпти. Эккандан кўра сақлаганлар кўп даромад олаяпти.

– Олтиариқликларни миришкор десак, тадбиркор ҳам экан-да, а?

– Бир қўшним бир гектарли узумзорини пленка билан ўраб устига поя ташлаб қўйди. Ҳосили шундоқ ишкомида турибди.

– Нима, музлаб қолмайдими?

– Йўқ, ичида йигирмата қўй боқяпти. Қўй нафаси, танасидан чиққан ҳарорат эвазига узум бемалол март ойигача туравераркан.

– Йўғ-е! Э, қойил! – деб юборди Муталлиб ва қаёққадир қичқирди. – Эй дядя, қозон готовьте, я сейчас приду!

– Кимга айтаяпсиз? – сўради Низомхўжа аланглаб.

– Ҳа, бир ўрис чол. Бечорани болалари ташлаб кетган, шекилли, шу ерда яшаб юрибди. Чойхоначи Икромжоннинг раҳми келибди.

– Ҳа, бу ўрис миллатида одат шунақа экан-да. Уларда ота-она билан фарзандлар ўртасида меҳр-оқибат йўқ ҳисоб. Учирма бўлдимиз, ташлаб кетавераркан. Худога шукр, бу кусур бизнинг миллатимизга хос эмас.

– Бўпти, сиз, отахон, манави чойни майдалаб ўтиринг. Ҳозир маҳалладош ўртоқлар ҳам келиб қолишади.

– Анави айтган Камолжон келиб қолармикин, ишқилиб.

– Ҳа, келади.

– У қаерда ишлайди?

– Коллежда муаллим. Акаси Жамол дўхтир, катта акалари – Қосимжон қассоб. Тагин Меҳрихон деган сингиллари бор – катта савдогар у.

– Ҳа. Улар тўғрисида менга айтувди.

– Ким?

– Ким бўларди, Саидвафо-да.

– Ўлган одам-а? Жа опқочаркансиз-да, ҳожи ака, – деди Муталлибжон ва ошхона томон шошиб кетаркан "Ҳой, дядяжон! Ўтин давай, ўтин!" деб қичқириб қўйди.

Уч-тўрт йигитлар келиб дастурхон тузай бошлашди. Бир оз хангомалашиб ўтиришгач, Низомхўжа палов тайёрланишини томоша қилиш учун қозон бошига борди.

– Ўх-хў, жуда бўпти-ку, а. Паловга жа уста экансиз Муталлибжон.

– Ҳа энди, бу миллий таомимиз-да. Ҳар қандай ўзбек паловни ейишдан ташқари уни тайёрлашнинг билиши керак.

Шу маҳал бир кучоқ ёрилган ўтинни кўтариб "Дядя" келиб қолди ва Низомхўжани кўриб, кўлидагилар шарақлаб тушиб кетди.

– Ие, Саидвафо-ку бу! Учратган жойимни қаранг-а!

Улар худди эски кадрдонлардай кучоқлашиб кўришишди. Муталлибжон хайратдан ёқа ушлади. Чунки у ўлган одамнинг тирилганини ҳаётида биринчи марта кўриши эди. "Ё астафидуллоҳ! Бу ёғи қизиқ бўлди-ку. Бу ўрис чол наҳотки Камолжоннинг отаси бўлса. Нега уни шу пайтгача билишмади? Уйига олиб кетишмади? Тагин "ўрисларда меҳроқибат йўқ", деймиз. Буни қандай тушунса бўлади?"

Муталлибжон ана шундай ғайриоддий ҳаёллар оғушида турганди, шу маҳал "Эҳ-ҳе! Ҳорманглар!" дея давра олдида Камол пайдо бўлди. Икки қария бўлса ярим ўрисчалаб ўчоқ олдида гурунглашиб туришарди. Шу маҳал Камолжон "Эй, дядя, давай, нам чай неси!" дея қичқирди. Муталлибжон ер ёрилмадию, ерга кириб кетмади ва югуриб Камолнинг ёнига борди-да, у билан қўл беришиб, аста бир четга имлади.

– Ҳа, тинчликми, қўшни?

– Ҳозир сиз "Чой олиб кел", деб буюрган киши ким бўларкан, биласизми?

– "Ўрис чол"ми, йўқ.

– Сизнинг отангиз, – деди у дабдурустдан.

Камолнинг ранги қув ўчди.

– Қўйсангиз-чи, ҳазиллашманг-ей!

– Ана боринг, сўранг. Анави ҳожи ака билан улар Россиядан автобусда бирга келишган экан.

Камол нима қиларини билмай турган жойида қотиб қолди.

Муталлиб кета бошлади. Камол уни тўхтатиб қолди.

– Тўхтанг, Муталлиб ака. Бу гапни ҳеч кимга айтмай туринг, илтимос. Мен тезда Қосим акамга хабар берай. Бир куни уйим олдида ўралашиб турганига кўзим тушганди. Танимабман. Наҳотки, Қосим акам бундан беҳабар бўлса...

– Майли, боринг, ука. Лекин отани бундай маҳалла-қўй олдида хўрлатиб қўйиш яхшимас. Обрў-эътиборингизга путур етади-я.

– Бу ерда бир гап борга ўхшайди. Хуллас, мен кетдим, келишдик-а?

– Хўп. Бирор кун отангиз топилганини нишонлармиз, ахир.

– Албатта! Мен кетдим.

– Кўришиб қўймайсизми?

– Кейин... Тушунасиз-ку! Катта акам нима деркин? Аввал олдиларидан ўтай.

– Ҳа, майли-майли. Лекин ошга келинг, хўпми?

Муталлибжон Низомхўжанинг олдида борди-да, қулоғига шипшиди: "Илтимос қилишди. Ҳозирча Саидвафо ака ҳақида ҳеч кимга айтмай турарканмиз".

– Нега? – сўради ҳожи бобо.

– Ака-укалар ўзаро маслаҳатлашиб олишаркан.

– Бўлмаса, уларнинг қарорини ўзингиз менга билиб берасиз. Мабодо тан олишмаса, бу ошнамни мен олиб кета қоламан. Қаранг, бу ерда жа хор бўлибди-ку, а?

– Хўп. Камолжон катта акасининг олдида кетди. Қайтишини кутамиз.

– Келишдик.

Аммо Камол ошга келмади. Камолнинг бирор зарур иши чиқиб қолганга йўйишди. Низомхўжа Муталлибжонга маъноли нигоҳ ташлади.

– Сизлар бемалол. Мен ҳозир бир жойга ўтиб келаман, – деди у ўрнидан қўзғалиб.

– Майли, мен бўлмаса, анави "ўрис чол" билан гурунглашиб тураман.

– У киши билан жа чиқишиб қолдиларингми, дейман-а, меҳмон? – деди ошхўрлардан бири.

– Ҳа, эски танишим, – деб қўя қолди ҳожи бобо.

Муталлибжондан ҳадеганда дарак бўлавермади. Саидвафо бу орада чақирган бошқа сўриларга ҳам хизмат қилиб юрди. Оқшом чўкарди. Соё сувининг бетўхтов оқиши кўнгилга хотиржамлик бағишлар, у гўё тез ўтиб бораётган инсон умрига ўхшарди. "Тавба, – деб қўйди Низомхўжа қўлидаги чойдан бўшаган пиёлага ва оқин сув тўлқинларига қараб. – Бир пиёла чой ичиб бўлингунча қанча сувлар оқиб кетади..."

Гапдошлар турли баҳоналарни айтиб бир-бир ўрниларидан туриб тарқалишди. Гап берувчининг бедараклиги ва меҳмон борлигидан хижолат чекишарди. Шу йўсинда қолган охириги тўрт кишига ҳожи бобонинг ўзи дуо берди.

– Муталлибжонникида қоларсиз, меҳмон?

– Ҳа-ҳа, бир оз ишимиз бор эди, узр.

– Унда эртага кўришармиз?

– Ҳа-ҳа, албатта. Хуш кўрдик, яхши боринглар, раҳмат.

Ҳамма кетгач, ниҳоят Муталлибжоннинг қораси кўринди. Унинг ранги оқарган, авзойи бузук эди. У сўрига ўтирди-да, тиззасини шапиллатиб бир уриб қўйди.

– Бу қанақа одамлар-а, отахон?

– Ҳа, тинчликми?

– Тан олгилари келмаяпти-ку.

– Нимани?

– Отани-да. Борсам, Қосим аканикига ҳамма оғайнилар, келинлар, кейин анави қизи Меҳри йиғилишиб, тортишиб ўтиришган экан. Бирови "Шу пайтгача қай гўрда юрган экан" деса, бошқаси "Шарти кетиб, парти қолгани учун ўрис хотини ҳайдаган. Охири энди бўйинини эгиб келибди-да, номард", дейди. Хуллас, "Бизга меҳр-оқибат қилмаган бундай отанинг кераги йўқ. Агар уни ҳозир тан олсак, эл-юрт олдида шарманда бўламиз. Бизга ўзидан кўра, қабристонда турган тоши азиз", дейишди. Ана шунақа гаплар...

– Оббо муттаҳамлар-ей. Саидвафодаям айб бор-да. Лекин нима бўлсаям оталари-ку. "Отанг чўчка бўлса, бойлаб боқ", дейдилар. Наҳотки, битта нон, бир коса овқат бериб туришга арзимаса.

– Хуллас, бошим қотди. Бекорга аралашган эканман.

– Нима, бутунлай воз кечишдимми?

– Йўқ. Қосим аканинг томорқасининг этагидаги чорбоғ томонга чиқаверишда бир бузилмай, боболаридан қолган эски уйи бормиш. Тўрт сотихча жой кириш-чиқишим орқа томондан, алоҳидамиш. Чолга ўша эски уйни жой қилиб берадиган, нон-озиғидан хабар олиб турадиган бўлишди. Лекин ота сифатида эмас, бир боқувчисини йўқотган мусофир сифатида. "Бориб айтинг, хоҳласа шу, бўлмаса ўзи билади. Лекин бу ҳақда ҳеч кимга овоза қилманг", деб илтимос қилишди.

– Хайрият, шунисигаям шукр. Уларниям тўғри тушуниш керак. Кейин-кейин кўз кўзга тушиб, меҳр туғилса, ажабмас.

– Майли. Бир оз вақт керак. Саидвафонинг ўзидан сўраб кўрайин-чи, агар хоҳласа, уни олиб кетиб, узум боғимга қоровул қилиб қўярдим.

Шундан сўнг мўйсафид ошхонада уймалашиб юрган Саидвафонинг олдида борди. Аммо фарзандлари орасида бўлиб ўтган можаро ҳақида оғиз очмади ва ўзи билан бирга кетишни таклиф қилди.

– Юқ, – дея эътироз билдирди у. – Ман шунда туғилди, шунда ўлган. Никуда не поеду.

– Бу ер сизга тўғри келмайди. Одамлар таниб-билиб қолишса, гап-сўз кўпаяди. Фарзандларингизнинг обрў-эътиборларига путур етади-ку!

Саидвафо бир оз ўйланиб қолди. Ошнасининг гапида жон бор эди. Чойхонада бир умр "Ўрис чол" бўлиб юриб бўлмайди. Касал бўлиб ётиб қолиши бор. Аммо хотини

Ларисанинг бу ерда бир истаги амалга ошган: мусулмон мазориди ўз жойи ва тоши бор. У ана шу "бебаҳо бойлиги"ни шу тобда Низомхўжага кўрсатгиси келдими, уни бир жойга бориб келишга ундади:

– Пошли, в одну место сходим.

– Қаёққа?.. Хой, Муталлибжон! Биз бир жойга ўтиб келарканмиз!

– Бирга ўтамиз. Мана ҳозир! – деди у.

Саидвафо уларни қабристонга бошлаб борди. Низомхўжа ошнасанинг бу ҳаракатидан мамнун бўлди. "Хайрият, анчагина эси кириб қолган кўринади. Ўтган авлод-аждодлари, хотинини ёдга олгиси келган, шекилли. Майли, уларнинг руҳи покларига бир Қуръон тиловат қилиб қўямиз".

Саидвафо уларни юраги хуруж қилган жойга бошлаб борди ва ўриндиққа ўтиришга ишора қилди. Низомхўжа "Қани, бисмиллоҳир раҳмонир роҳим, – деб ўтириб, кўзларини юмиб, эндигина тиловатни бошламоқчи бўлган ҳам эдики, Саидвафо уни қаттиқ туртди ва рўпараларида турган ўзининг қабр тошига ишора қилди. Муталлибжоннинг-ку, бундан хабари бор, кулиб турарди. Аммо Низомхўжа тошни кўриб қотиб қолди.

– Вот. Так что, я никуда не уеду, – деб қўйди "Ўрис чол".

Низомхўжа бу воқеадан қаттиқ таъсирланди. Ошнасанинг фарзандларини ўзича тушунишга ҳаракат қилди. Уни олиб кетишга бошқа уринмади. Бошқа сафар хабар олишини айтиб, Олтиариққа тез жўнаб қолди. Сўнгра орадан бир ойлар ўтгач, ошнасидан хабар олмоқ учун яна чойхонага келди. Лекин "Ўрис чол" кўринмасди. Чойхоначи Икромжон уни Қосим қассоб бобосидан қолган бир эски хужрага олиб бориб қўйганини ва азбаройи савоб учун унинг иссиқ-совуғидан хабар олиб туришга ваъда берганини айтди.

– Савоб учун, денг. Яхши-яхши. Ўша хужра қаерда?

Чойхоначи у ерга қандай боришни тушунтириб қўйди.

Тоғлиб борди. У ер пастак пахса деворлари ағанай деб турган, ёмғир сувлари ювиб ариқча излар қолдирган қадимги бир уй, бир дахлизли хужра экан. У ер Қосим қассоб ҳовлисанинг орқа томони бўлиб, ариқ бўйлаб кетган ва чакалакзор оралаб ўтган тор сўқмоқ йўлакдан борилакан.

Низомхўжанинг кўзи пасткам девор ортида ғиштин пиллапоёга ўтириб олиб, тоғорани тарақлатиб кир юваётган ошнасига тушди. Иштонун кўйлақларини ҳовли ўртасидан ўтказилган одамнинг пешонаси тегиб кетадиган чилвир ипли дорга илган. Уй ва ҳовли супуриб-сидирилмаган, тахта-ёғоч, майда-чуйда рўзгор буюмлари ҳар қаерда бетартиб ётарди.

Эҳ-ҳе, ана отанинг аҳволи, деб қўйди у ачиниб ва қандай қилиб унга ёрдам бериш ҳақида ўйланиб бир оз туриб қолди. Сўнгра ҳовлига кирди. Саидвафо шимини сиқишга чиранар ва кучи етмаётганидан бўйин томирлари бўртиб чиқарди.

– Издираска, – деди Низомхўжа атайин.

Саидвафо бир оз анқайиб қолди.

– Келинг, сиқишиб юбораман, – деди меҳмон ҳўл шимнинг бир томонини қўлига олиб.

– Э-э! Салом-салом! – деб қўйди Саидвафо кувониб.

– Хайрият, ўзбекчаниям ўрганиб олибсиз, – деди ҳожи оға.

Икки чол шимни қарама-қарши томонга бураб сиқишди.

– Энди буни совуқ сувга чайқаб, яна сиқамиз-да, ҳўпми?

– Ҳўп-ҳўп, – деди "Ўрис чол" ва шимни тоза сувли челаққа тикди.

Меҳмон ҳўл шимини силкиб дорга илиб қўйгач, меҳмонни ичкарига таклиф қилди. Уй эски услубдаги тоқчали, ўчоқли экан. Дахлиз ўртасига сандал қўйилибди. Шифти ҳам унчалик баландмас. Ўчоқда қумғон шигиллаб қайнаб турарди. Кир ювиш учун қўйган чоғи. Аммо Саидвафо уни тутқич билан ушлаб чой дамлади. Низомхўжа илиқ сандалнинг бир четига омонат ўтириб дуо қилган бўлди.

– Вой-бў, бу ёлғиз ўзингиз қийналмаяпсизми?
– Юқ. Ман урганган.
– Фарзандлар хабар олишаяптими, йўқми?
– Қосим гўшт, жигар юборади. Вот Муталлиб молодец! Кўп хабар олади. Потом мой внук Уткир иногда приходит. Хороший пацан, очень умный.
– Ие, қизингиз, бошқалар-чи?
– Их много. Но, они мени билмайди, танимайди.
– Бирор бева кампирлардан топиб, сизни уйлантириб қўяйликми-а?
– Э, юқ.
– Бўлмаса, Ларисага айтинг, келаверсин.
– У ўғлимни кутган. Он в армии служит, сержантскую школу закончил.
– А как его зовут?
– Рустам.
– Рустам сизнинг бу ёқдалигингизни билладими?
– Юқ. Билса, хафа бўлади. Он меня любит.
– Сиз-чи?
– Мен ҳам яхши кўрган...
– Бу, пенсиянгиз нима бўлади?
– Лариса переводит.
– Демак, пулингиз бор, бойлик бор. Яхши... – дея ўйланиб қолди Низомхўжа ва калласига ярқ этиб бир ғоя келди. "Агар Саидвафонинг фарзандларига оталаринг Россиядан катта бойлик билан келибди", деб айтсам-чи. Уларни бу қизиқтирармикин? Ҳар ҳолда бу дунёда бойликка муккасидан кетмайдиган одам зоти топилмаса кераг-ов. Шу баҳона оталарини олиб кетишармиди, бирга яшашармиди. Баҳонада ота билан фарзандлар ўртасида меҳр-оқибат пайдо бўлармиди. Ундан кейин ҳеч қанақа бойлик йўқлигини билишса-да кўникиб, ёлғиз ташлаб қўйишмасмиди?.."

Ўн биринчи боб **"ОТАГИНАМ"**

Низомхўжа дастлаб Қосимникига бош сукди. У меҳмонни иззат-икром билан кутиб олди.

– Мени танимайсиз. Олтиариқлик Низомхўжаман. Отангизнинг ошнаси бўламан.

Нонни майдалаётган Қосим бир муддат қотиб туриб қолди. Унинг нигоҳида "Қанақа ота? Қанақа ошна?" деган саволларни уқиб олиш қийин эмасди.

– Ҳа. Биз яқинда у билан Новосибирскдан автобусда бирга ҳамроҳ бўлиб келувдик.

– Укам бир нима дегандай бўлувди. Дунёнинг ишлари шунақа экан-да. Қани олинг, тоға, нонга қаранг.

– Раҳмат. Қисқаси, Қосимжон мен сизларни жуда яхши тушунаман. Саидвафо оталик вазифасини бажармаган, яъни сизларни тақдир ҳукмига ташлаб кетган. Бу жиҳатидан у гуноҳкор ҳисобланади. Лекин қариб-қартайиб, оёғи гўрга етай деганида қилган гуноҳларини тушунса, худойим уни кечиради. Сизлар ҳам энди оталарингга нисбатан кечиримли бўлишларинг керак-да.

– Мен сизни тушундим, отахон. Уни тан олиб, яхши қаранглар, ювиб-таранглар, демокчисиз. Лекин у биз учун мутлақо бегона. Бизнинг отамизни худо раҳматига олган ва у бизга шундайлигича азиз бўлиб қолган. Фарзандларимизга доим боболаринг табарруқ инсон бўлган, деб айтиб тарбия бериб келаяпмиз. Лекин улар ҳақиқий боболари шундай бир киши эканлигини билиб қолишса, биз нима деган одам бўламиз? Кейин маҳалла-қўй нима дейди? Йўқ, тоғажон, биз укаларим билан буни яхшилаб ўйлаб кўрдик. Энди кеч бўлган. У одам ҳеч бўлмаганида онамиз вафотида келиши керак эди.

– Тўғри. Мен ҳам уни окламоқчи эмасман, Қосимжон. Лекин у кеч бўлсаям оталарингиз, шу ернинг фарзанди, сизларни қора тортиб келди-ку. Кейин яна менга бир гап айтган. Бу катта ўғил сифатида кўпроқ сизга тегишли. Мен биринчидан бу ерга "Отангизни тан олинг", деб илтимос қилгани эмас, иккинчидан, у мен учун ҳеч ким эмас, балки бир омонат гапини етказиб қўяйин деб келувдим. Хоҳланг қабул қилинг, хоҳланг қабул қилманг. Бу сизнинг ишингиз.

– Қанақа гап экан?

– Отангизнинг Россияда анча-мунча йиққан-тергани бор экан. У менга "Қайси фарзандим менга қараб, ўлигимни кўмса, ўшанга бераман", деб айтди. Сизлар бўлса...

Қосим қассобнинг ранг-рўйи ўзгарди ва у ёқ-бу ёққа олазарак қараб олди.

– Нима?! Ростданми?!

– Мен сизга нима, оппоқ соқолим билан...

– Бу гапни яна ким билади? – шошиб сўради у.

– Ҳеч ким. Сиз ахир ота йўлли, катта ўғилсиз. Бу гапни айтиб қўйиш мен учун фарз эди, холос. Ахир ўзингиз отангиз билан гаплашишнинг хоҳламаётган бўлсангиз, у бечора "дардини" кимга айтарди. Ё укангиз Жамолга айтсинми?

– Йўқ-йўқ. Бўлди, отахон, фақат гап шу ерда қолсин, илтимос. Мен отамни шу бугуноқ уйимга олиб келаман. Ана, анави меҳмонхонани у кишига ажратиб бераман. Шу ерда яшайверадилар.

– Яшанг! Бу бошқа гап. Лекин бу ҳақида маҳалла-кўй, ёру биродарлар, ука-сингилларингизга маълум қилиб қўйишингиз керак бўлади.

– Ҳа, албатта! – дея Қосим севиниб кетди ва хотинини чакира бошлади. – Ҳой хотин, қаёқдасан?!

– Ҳувв, мана ҳозир!

– Суюнчи бер, отам топилибди.

– Анави "Ўрис чол"ми?

– Э, мен адашибман, ўша менинг ҳақиқий отам экан! У ўлмаган экан. Бечора шу пайтгача Россияда бизни деб қийналиб меҳнат қилиб, чойчақа топиб юрган экан. Ана энди кўркмай набирамызга данғиллама тўй бераверамиз!

– Вой, қандай яхши! Битта букага пул етишмаётувди, худо берибди-да, дадаси.

– Ҳа, ютуқ чикди, деявер. Бор, меҳмонхонамизни отам учун тайёрла. Мен уни ҳозироқ олиб чиқаман!

– Бўпти, Қосимжон, мен борай.

– Йўқ-йўқ. Ахир, сиз хушхабар олиб келдингиз, отагинамни топиб бердингиз. Буни ахир нишонламаймизми?

– Тўй қиламан, деяпсиз-ку.

– Ҳа-ҳа, ўзингиз отам билан бош бўласиз!

Қосим қассоб Низомхўжани тавозе билан кузатиб қолди.

– Айтмоқчи, Қосимжон, анави қабр тошларингиз...

– Э-ҳа, тушундим. Мен уни эртагаёқ олдиртириб ташлайман. У ўзи бир рамзий қабр эди, холос-да.

* * *

Қосимнинг ўз отасига нисбатан меҳрини жўш урдирган Низомхўжа савоб ишни охирига етказиб қўймоқ учун ўша куниёқ Саидвафонинг қолган фарзандлари билан ҳам бир-бир учрашиб чиқишга қарор қилди "Эзгулик, яхшилик учун баъзан ёлғон гапиргани Аллоҳнинг ўзи кечиради" деган гап бор" деб қўйди у ўз-ўзига ва энди бу ерга яқинроқ бўлган Камолникига йўл олди.

Камол уни уйига таклиф қиларкан, ўшанда паловга келолмаганига узр сўради.

– Ҳечқиси йўқ. Паловни едик, жа мазали бўлган экан. Муталлибжонга гап йўқ. Мени тоза меҳмон қилди.

- Мана энди келиб қолибсиз, бизникида меҳмон бўласиз-да, отахон.
- Тўғри айтасиз. Мен ўзиям бу ерга қуюқ зиёфатга эрийдиган гап билан келдим-да.
- Ие, рости билан-а?
- Ҳа, ишонаверинг, зўр гап!
- Сизлар оилада нечта фарзандсизлар ўзи?
- Уч ўғил, бир қиз, нима эди?
- Сиз кенжа ўғилсиз, тўғрими?
- Ҳа.
- Супрақокди. Тўғрими?
- Билмасам. Лекин...
- Лекин-пекини йўқ. Отангиз сизни меросхўр деб билади ва манави ҳовли унга тегишли бўлган, шундайми?
- Нима, бу билан?..
- Ҳеч нима демоқчи эмасман. Фақат сизга кенжа ўғилнинг ҳақ-ҳуқуқи, бурчини эслатиб қўймоқчиман, холос. Кенжа ўғил, яъни супрақокди отанинг нафақат уй-жойи, балки бошқа бойликларига ҳам эгалик қила олади. Шу ҳақида биласизми?
- Тушунмадим. Қанақа бойлик?
- Россияда қирқ йил давомида болам деб, чакам деб йиғиб-тергани-да. Бу бойлик бўлмай, сизнингча, нима?
- Нима?! Россияда дейсизми?
- Ҳа. У шу бойликни умрининг сўнгги йилларини бирга умргузаронлик қилиш ҳуқуқига эга бўлган сиздек табаррук кенжа ўғлига бермоқчи.
- Мундоқ тушунтириброқ гапирсангиз-чи!
- Сизлар отангизни ўлдига чиқаргансизлар. Биламан. Отаси ташлаб кетган, деган исноддан қочиш учун унга рамзий қабр тош ҳам қўйдиргансизлар ва ҳар йили уни хотирлаб турасизлар, тўғрими?
- Камол нима деярини билолмай каловланиб қолди.
- Лекин у ҳаёт, биласиз-а?.. Тўғри, сиз бу ҳақда ўша палов еган кунимиз хабар топдингиз. Оғаларингиз билан учрашиб, оталарингизни тан олмасликка келишдинглар. Чунки чойхонада ўша "дядя" бор эди. Сиз ундан ор қилдингиз. Мен у киши билан Россиядан келаётганда бирга етти кун ҳамроҳ бўлдик. Хуллас, у менга шу гапни айтиб қўйишимни илтимос қилди.
- Нима деди? Аниқроқ гапиринг.
- Агар кенжа ўғлим мен билан яшаса, бор бойлигимни унга бераман, деди. У истаса, данғиллама участка сотиб олиб, қолган умрини ҳузур-ҳаловатда ўтказса ҳам бўлаверарди. Лекин ўз вақтида оталик бурчини бажара олмагани учун жуда хижолатда. Шунга нима дейсиз?
- Камол пешонасини тириштириб бошини қашлади.
- Акаларим билан бир маслаҳатлашсаммикан?
- Нима, улар сизга бойликни бериб қўяди, деб ўйлайсизми?
- Нима, уларнинг бундан ҳали хабари йўқми? – ажабланиб сўради у.
- Ҳамма гап шунда-да.
- Қандоқ бўларкин?
- Ўйлаб кўринг. Тагин ўзингиз биласиз.
- Нима қил дейсиз?
- Отангизни уйингизга олиб келинг. Умрининг ниҳоясида унинг дуосини олиб қолинг. Ана сизга маслаҳат. Бўпти, мен борай, – деди Низомхўжа ва юзига фотиҳа тортди.
- Ие, зиёфатга ўтирмайсизми, отахон?
- Нега?
- Ахир, зўр гап олиб келибсиз-ку. Шуни нишонлардик.
- Фақат отангиз билан, шу ерда, келишдикми?

– Келишдик.
– Отни қамчиланг бўлмаса, кенжа ўғил! Сиз энди "Тико"да эмас, "Ласетти"да юришга лойиқсиз.

* * *

Ўртанча ўғил Жамолни "кўндириш" анчагина қийин кечди. Низомхўжа уни ишхонаси бўлмиш вилоят шифохонасидан топди.

– Мен отангиз Саидвафонинг кадрдон дўсти Низомхўжа бўламан. Биз у билан Россияда бирга бўлганмиз ва бирга қайтдик. Унинг айтишича, сиз фарзандлари ичида энг ўқимишли ва ақллиси экансиз.

– Мени қаердан таниркан?

– Ахир, уни ўзингиз даволабсиз-ку. Фақат ўзингизни танимаганга олибсиз, холос.

– Тоғажон, фақат қисқароқ қилинг, илтимос.

– Шунга отангиз...

– Мен сизни тушундим, отахон. Бу бизнинг оилавий ишимиз. Фақат сиз аралашмай кўя қолинг.

– Бўпти, аралашмайман. Фақат бир нарсага рухсат сўрагани келдим. Уни ўзим билан олиб кетмоқчиман, розимисиз?

– Рухсат, олиб кетаверинг. Фақат бизни тинч қўйинг.

– Унинг қўлидаги бойликни-чи, униям олиб кетаверайинми?

– Қанақа бойлик?

– Россиядан олиб келган давлати-да. У бу бойлигини ким мени сўнгги йўлга олиб бориб, чироғимни ёқиб, руҳимни шод қилса, ўшанга инъом қиламан, деди. Бўпти, хайр, мен кетдим. Сиз ўйлаб кўринг, ўғлим.

Низомхўжа бу ўғилдан бир иш чиқишига кўзи етмай лифт томон йўналди.

Жамол Саидвафоевич унинг ортидан ҳайратланиб қараб қолди. Бу унинг учун ҳеч кутилмаган таклиф эди. Нима қиларини билмай, хотини Гулнозга тезда қўнғироқ қилди.

– Гулноз, бир ғалати гапни эшит.

– Нима экан, дадаси?

– Отамиз тирик экан. Мен уни даволаб, ўзимни танитмадим. Лекин у мени биларкан.

– Вой ўлмасам! Нима, энди унга қарашимиз керакми? Ана, иниларингиз бор-ку, қарайверишмайдими? Бари топарман-тутарман...

– Йўқ, унақамас, ҳалиги...

– Ахир, биз тўй қиладиганмиз-ку, дадаси. Қизимизни чиқаришга ҳали мебель ҳам олмадик, чолга қарашнинг ўзи бўларканми?

– Пул бор, онаси, ўша мебелга етарлиям пул бор.

– Қаерда?

– Отамда.

– Нима?! Вой ўлай!..

– Нима қилай?

– Нима қилардингиз! Лаллайиб ўтирмай ҳаракатингизни қилинг-да. У киши ҳозир қаердалар?

– Ким?

– Отамиз-да.

– Қосим акам бобомиздан ёдгор қолган эски хужрасига жойлаштириб қўювди.

– Ана, сизга айтмадимми? Қосим акангиз бало. У отангизни бекорга ўша ерга қўймаган. Яқинда овсиним "Уйимизни битказишга кўп пул керак" деяётганди-я. Бўлинг тез, қизимизнинг тўйини ўтказиб олайлик. Қудалар олдида бўларим бўлди-ку! – деди куюниб аёл.

– Хўп, тушунарли, хотин. Мана кўрасан, ҳаммаси яхши бўлади.

– Бўпти, тез бўлинг. Мен битта уйимизни бўшатиб, тайёрлаб тураман. Сиз уни олиб келаверинг, хўпми?

Жамол "Хўп" деди-да, Низомхўжанинг ортидан чопди. У Меҳрихонни топиш учун Марғилон буюм бозорига элтувчи йўналишли таксига чиқмоқда эди. Жамол ит қувган соқовдай унга ҳаллослаб етиб олди.

– Отахон, тўхтанг!

– Ҳа, нима гап?

– Мен розиман.

– Нимага?

– Отамга қарашга. Уни олиб кетманг, илтимос.

Йўналишли таксидаги йўловчилар ҳайрон бўлишди.

– Бўлмаса, бу ҳақда элга маълум қилинглар. Қабрини тезда йўқ қилинглар, уни яхшилаб парваришланглар.

– Хўп бўлади. Хотиним ўзи яхши қарайди.

– Майли бўлмаса. Мен Марғилон орқали уйимга кетавераман.

– Чой-пой ичиб кетинг.

– Қуюкроқ зиёфатга чақирарсиз, ҳали.

– Айтмоқчи, яқинда қизимизни чиқарамиз. Сизни тўйга айтамиз, келасиз-а!

– Албатта, ўғлим.

Машина жўнади. Йўловчилар ҳангу манг эди.

* * *

Низомхўжа савдо расталари оралаб юравериб ҳолдан тойди ва Меҳрихонни аранг топди. Унинг дўкони кенг-мўл, замонавий хорижий уст-бошлар билан савдо қиларкан.

– Келинг, отахон.

– Менбоп нималарингиз бор, қизим?

– Кўйлақлар, жинси шимлар...

– Ёпирай! Яктак-чорси, маҳси-кавушлар йўқми?

– Унақалар антиквар ёдгорлик буюмлари дўконида хориж сайёҳларига сотилади, тоғажон.

– Демак, миллий қадриятларимиз бебаҳо экан-да, а? Яхши-яхши. Лекин мен олдингизга бошқа бир масалада келгандим, қизим. Жуда антиқа гап.

– Соққалими? – дея айёрона кулиб сўради аёл.

– Албатта.

– Бирор улгуржи товарингиз бормиди, отахон?

– Ҳа, бор, лекин у тирик ва табаррук, яъни антикавор.

– Узр, лекин бизга бунақа нарсалар керакмас.

– Уни уйингизга олиб кетиб парваришласангиз ҳам савобга қоласиз, ҳам катта бойликка эга бўласиз.

– Уф-ф, жа опқочдингиз-ку, а. Айтақолинг, итми ё отми у?

– Ит эмас, от ҳам эмас, ота!

– Э, кўйинг, ярамга туз сепманг.

– Онаси борнинг ори бор, отаси борнинг зари бор, дейдилар. Айниқса, у Россиядан катта бойлик билан келган бўлса.

– Нима дедингиз? Ким келибди?

– Отангиз.

– Қанақасига?

– Шундай. Мен билан бирга келди. Исми Саидвафомиди?

– Ҳа! – деди аёл ва анграйиб туриб қолди.

– У менга сиз ҳақингизда кўп гапирарди. "Яккаю ёлғиз Меҳрибоним", дерди.

Меҳри ўзидан кетиб қолаёзди ва курсига беҳол ўтирди. Бир оз бошини ушлаб ўзига келди-да, шарт ўрнидан туриб Низомхўжани жойига ўтказиб қўйди.

– Қани, энди бир бошдан гапиринг-чи. Кимсиз, отамни қаердан танийсиз?

– Эски кадрдоним. Россияда бирга эдик.

– Йўқ. Бу бўлиши мумкинмас. Ахир, у ўлган-ку!

– Ҳа. Сизлар учун шундай, ҳатто рамзий қабртош ҳам қўйгансизлар. Сизларни ташлаб кетгани учун ундан қаттиқ хафасизлар. Уни виждонсиз, номард деб биласизлар, шунақами?

– Эҳтимол.

– Энди ана шу кўрилган моддий ва маънавий зарарни қоплаш вақти келди. Яъни отангиз кеч бўлса-да, ўз бурчини бажармоқчи. Шу холос.

Меҳри довдираб термосдаги чойдан пиёлага қуяркан, қўллари қалтираб, чойнинг бир қисмини полга тўкиб юборди ва меҳмонга узатди.

– Узр, отахон, мен сизни танимабман. Наҳотки, отам тирик бўлса? Ё тавба, ҳм-м..., халиги, бу ажойиб хушхабар-ку.

– Нима, бу ҳақида эшитмаганмидингиз?

– Яқинда укаларим бир гапиргандай бўлишувди, лекин мен ишонмагандим. Ҳозир у қаерда, учрашсам бўладими?

– Албатта. Қосим акангиз уни бобонглардан қолган эски чордеворига жойлаштириб қўйганмиш. Қирқ йил европа маданиятини танасига сингдириб келган инсон ҳозирда илвираб турган сандал-ўчоқли уйда ўтирибди. Тезак ёкиб қумғонда чой ичаяпти, қирларини тоғорани тарақлатиб ўзи юваяпти.

– Ажаб бўпти! Бунга унинг ўзи айбдор. Нега онажонимни қуйдириб бизни болагимизда ташлаб кетди?

– Юз фоиз ҳақсиз, қизим. Кеч бўлсаям, мана, барибир келди-ку. Сизларни деб қайтди, ахир.

– Россияда ўрис хотин олган, ундан бир ўғли бор, деб эшитганмиз.

– Ҳа, тўғри. Сизлар узоқда бўлгач, у бутун меҳрини ўша ўғлига берган. Унинг исми Рустам. Лекин барибир она юртини, сизларни соғиниб яшаган.

– Қанақа бойлиги бор экан ўзи?

– Қизиқмисиз, қизим. Шунча йил бекорга юрмагандир, ичмаган, чекмаган бўлса... Униям ўзига яраша орзу-ҳаваслари бўлган-да.

– Бу ҳақда Қосим акам биладиларми?

– Билмадим. Лекин ошнам менга умримнинг охирида қайси фарзандим менга суянчиқ, тобуткаш бўлса, бойлигимни ўшанга бераман, деб айтганди. Ўйлаб кўринг, қизим. Майли, мен бораё. Омонат гапни етказдим. Ошналик бурчимни адо этдим. Гапнинг тўғриси, мабодо ҳеч қайси бирларинг тан олмасанглар, мен уни олиб кетаман. Бундай ташландиқ жойда уни хор қилдириб қўймайман. Янги уй қуриб бераман. Хўп, хайр.

Меҳри каловланиб қолди.

– Йўқ. Албатта қараймиз, отахон. Мен шу бугуноқ у кишидан хабар оламан. Аввал эрим билан гаплашай, кейин уйимга олиб кетарман.

– Хўп, яхши.

– Отахон, тўхтанг! Манави сизга совға. Яхши хабар учун, – деди жувон ва бир кутидаги қўйлакни узатди.

– Э, қўяверинг.

– Олинг, олаверинг, Туркияники. Сизга жудаям ярашади.

* * *

Арининг уясини кавлаб қўйган Низомхўжа уйига қараб йўл олди. Автобусда кетиб бораркан, Саидвафо билан шунақа автобусда танишганини ва бўлган ишларни ёдига олди.

Мана энди "пуфф сассик" бўлган "ўрис чол" фарзандлари орасида табаррук. Бу гап маҳалла-кўйда овоза бўлади. Рамзий қабртошни олиб ташлашади. У гўё нариги дунёдан тирилиб қайтиб келади. "Бу киши бобонг" деб набираларига таништиришади. Улар Саидвафони чуғурлашиб алқашади. Инсон учун яна қандай бахт керак? Тўғри, ёлгон ишлатдим. Лекин қилган таваккалим савоб иш. Майли, бу ёғи худодан. Ишқилиб, фарзандларига оталари юзини иссиқ қилиб кўрсатсин... Ё тавба, нималар деяпман ўзи?

Бироқ Саидвафонинг тақдири Низомхўжа ўйлаганидек силлиққина ҳал бўлмади. Ари уяси тўзгандан тўзиб, бирданига "эски хужрага хужум" бошланди. Уч ака-ука ва бир қиз худди келишиб олишганидай деярли бир вақтда пасткам деворли бу ташландиқ хужрага қўлларида майда-чуйдалар билан бирин-кетин кириб келаверишди.

Қосимбой отаси билан дийдорлашиб, у ёқ-бу ёқдан суҳбат куриб, кетишга шайланган ҳам эдики, "Ота!" дея қичқириб аввал Камол, сўнгра Меҳри ва Жамоллар кириб келишди. Уларнинг ортидан қўлида бир лаган овқат Қосимжоннинг хотини Ҳидоят билан катта ўғли Шербек, Камолнинг хотини икки кичкинтойлари Ўткир ва Шокир билан, Жамолнинг хотини Гулноз бўлса, ўша бўйи етган қизи Дилноз билан, Меҳрихон хўжайини Лиёсжон билан кириб келишиб, кичкинагина даҳлиздаги сандал атрофига тўлиб тошиб кетишди.

Бирдан бундай бўлишини нафақат Саидвафо, балки неча-неча йиллардан буён бундай ғала-ғовур эшитмаган лой сувоқ деворли, шифти қамишлари осилиб турган хужра ҳам кутмаганди. Хари ва вассалар орасида мизғиётган калтакесагу кўрсичқонлар, чумолию курт-кумурскалар тумтарақай бўлишди.

Фарзандлар хаёлида бир фикр айланарди: "Нима бўлди у бойлик? Тахминан неча пул ва у ҳозир қаерда экан? Сандал ичидами ёки ёстик тагида?" Шу туфайли ҳам суҳбатларида қандайдир самимийлик етишмаётган, мулозаматлари сохта эди.

– Энди бўлмасам, мундоқ қилсак, – дея салмоқланиб гап бошлади Қосим. – Отамизни бу ерда толиқтириб қўймайлик. Хушхабарни эшитиб энди бутун қариндош-уруғ, маҳалла-кўй кела бошлайди. Бизнинг уйга кўчайлик. Мен бир кўчқорни думалатай.

Бу гап ҳаммага маъқул тушди. Ота тантанали равишда Қосимжоннинг уйига кўчириладиган бўлди. "Ўрис чол"нинг ота деб тан олинishi катта маросимга айланиб кетди. Унга янги уст-бош, миллий чопон ва дўппи кийдириб қўйишди. Бошидаги дўппи ўзига ярашмай, бир бурчаги очилиб турар, чол нима деярини билмай кўргани келганлар билан чала-чулпа гаплашарди.

Келди-кетди уч-тўрт кунда ҳам тўхтамади. Саидвафонинг фарзандлари ва уларнинг турмуш ўртоқлари илҳақ бўлиб хизматларига ҳам боролмай қолишди. Ниҳоят, Қосим жириллай бошлади. Бир пайт топиб у отасига шундай гап қотди:

– Бу келди-кетди ўзича бўлмас экан, ота. Сарф-харажатларни кўраёписиз-ку, битта боқиб қўйган новвосимнинг пули кетди.

– Да-да, конечно, – деб қўйди бобой бу гапни тасдиқлаб.

– Йиққан-терганларингиздан озроқ бериб турмасангиз бўлмайди энди.

– Да-да, – деб қўйди Саидвафо уни тушунмай.

Қуда тарафдагилардан яна кимдир келдию, гап чала қолди.

Шундан сўнг Жамол, Меҳри ва Камоллар ҳам ўз хонадонларида биттадан жонлик сўйиб қурбонлик қилиб, энди тирик оталари шарафига хатми ош беришди. Сўнгги маросим Камолникида бўлиб ўтди. Камол билан унинг хотини оталарига яхши иззат-икром кўрсатишиб, унга атаб қўйилган хонага доимий истиқомат қилиш учун таклиф этишди. Аммо бу таклиф кутилмаган акс-садо берди:

– Йўқ! Отам меникида яшайдилар! Чунки мен оиланинг каттасиман, – деди Қосим кутилмаганда жаҳл билан.

– Мен отамнинг супрақокдисиман! Бу уй унинг ўз жойи. Шу ерда яшайдилар.

– Йўқ! Отамни биз олиб кетадиган бўлдик. Меҳмонхонамизни тайёрлаб қўйдим. Мундоқ гапирсангиз-чи, ҳой дадаси, – деди Гулноз.

– Ҳа, дадамиз бизникида яшайверадилар. Дилнознинг тўйига ўзлари бош бўладилар, – деб қўйди Жамол.

– Ҳамманг бекоргинанинг бештасини айтибсизлар! Отамни ўзим олиб кетаман. Кекса одамга аёл киши қараши керак. Нима, бўлмаса сизларнинг хотинларингиз қарармиди? Улар бегона-ку. Майли, аввал отамни уйлантириб қўййлик. Уни парваришлайдиганни топайлик, ана кейин қаерда, ким билан яшайдилар, ўзлари ҳал қиладилар. Тўғрими, ота? Юринг, бизникига кетдик. Ҳов хўжайин! Машинани юргизинг, бўлинг! Отагинам чарчадилар, бориб дам олсинлар!

Меҳрихон олғирликни қўлдан бой бермади. Қиз бола отага меҳрибон бўлади, деганларининг исботи шудир балки. Қизи тушмагур машинада уйга етиб боргунигача ҳам, барча европача маиший шароитлар яратилган алоҳида уйига уни жойлаштиргунича ҳам жағи тинмади. Тез гапираётгани учун қизининг гапларини ота англолмас ора-сирада "Да-да, конечно", дейишдан нари ўтмасди.

– Бу савдо деганлари шунақа нарса эканки, оборотда пулинг қанча кўп бўлса, молларинг хилма-хил, современний, модний бўлса, шунча кўп даромад оларкансан. Так что, маблағингизни беҳуда сарфламаймиз. Тўғрими, отажон?

– Да-да, конечно, – деб қўйди ота яна ва боши айланиб кетди. "Бўлди-да энди, ҳадеб шанғиллайверасанми?" деди ичида.

Дилнознинг тўй куни белгиланди. Бу муддат яқинлашган сайин Гулноз орқаси куйган товукдай типирчилаб қолди. Чунки қимматбаҳо гарнитур мебели ҳали олинмаганди. Ўша кунлари унинг калласига ажойиб бир фикр келиб қолди ва дарҳол дўхтир эрига қўнғироқ қилди:

– Алло, дадаси. Келинг, бир иш қиламиз. Меҳрихон опам отамни Камол акамникидан боплаб олиб кетгани учун биз ҳам боплайлик.

– Қанақа қилиб? Нима, олиб қочасанми?

– Йўқ. Ҳаммасини "законний" қиламиз. Яхшилаб эшитинг. Мен ҳозир отамни йўқлаб Меҳрихонникига бораман ва сизга "Отамнинг мазаси йўқ экан" деб қўнғироқ қиламан. Сиз хизмат машинангизни юборасиз. Болалари бобони "Тез ёрдам" олиб кетди, деб ўйлашади. Қарабсизки, отам бизникига келиб қолади. Қалай?

– Балосан, хотин! Майли.

Шундай қилишди. Меҳрихон уйида эмас, одатда бу пайтда дўконида бўларди. Ўн ёшли ўғли Ҳотамтойнинг кўз ўнгида, куппа-кундуз куни шифохона машинасида отани олиб кетишди. Гулноз қайнотасини алоҳида хонага жойлаштириб, дарвозани ичкаридан қулфлаб олди. Отани лаззатли таомлар билан сийлади. Эриб кетди. Музхонада очик коньяк ҳар бор эди. Бир пиёла тўлғазиб қуйиб ҳам берди. Ота тез ухлаб қолди. Келин ўзича қайнотасининг "ювиб қўймоқчи" бўлган дастрўмолларини қидириб кўрди. Қуриб кетгур иккита кир дастрўмол чиқдию пулдан дарак йўқ эди. "Меҳрибонлик"нинг қолганини уйқудан кейинга қолдирди.

Отани "Тез ёрдам" олиб кетганини эшитган Меҳрихон оёғини қўлга олиб етиб келди ва шифохоналар томон чопди. Аммо отасини йўқотди. Сўнгра аввал Қосим акасиникига, Камолникига ва сўнгра ҳориб-чарчаб Жамолникига келди. Лекин дарвозани ҳеч ким очмади. Қўнғироқларга жавоб бермади. Гулноз овчарка итини қўйиб юборди.

Аслида "Рекс" лақабли бу овчарка Камолники бўлиб, у кейинроқ уни акасига ҳадя қилганди. Ит жуда ақлли ва зийрак эди. Овсинининг уйига бир иш билан борган Камолнинг хотини Ҳадичахон отаси ҳақидаги разведка маълумотларини олиб келгач, эру хотин пухта режа тузиб олишди. Коньяк таъсирида ухлаб ётган ота Гулноз бозорга майда-чуйда олгани кетгани маҳали замбил ёрдамида олиб чиқилиб, машинага жойланди. Рекс тилини ялаб қолаверди. Бундан беҳабар Гулноз Дилноз билан ота учун ажойиб чучвара тайёрладилар. Аммо ота изсиз йўқолганди. Рекс ҳам "Мен қаёқдан билай" дегандай елкасини қисиб, ғингшиб қўя қолди.

* * *

Қосим қассобнинг кичик ўғли Сардор гап топиб келиб қолди. Нима эмиш, янги ўрис боболари Камол амакиникидамиш.

– Қаёқдан эшитдинг?! – дағдаға қилиб сўради Қосим.

– Ҳозир новвойхонага нон олгани Камол амакимнинг ўғли Каримжон келувди. Ойиси унга "Нонни иссиққинасидан олиб кел, бобонгни меҳмон қиламиз", дебди.

Қосим хайрон бўлди. Чунки у қачондан бери отасини Меҳриникидан қандай олиб келишни билолмай боши қотган ва жуда тажанг бўлиб қолганди. Камолники бўлса бир кадам. Мозор орқали шундоқ ўтадию, олиб келаверади. "Ҳа" дейишса, "Сой бўйида чойхонада ош еймиз", дейди. Чойхонага олиб бормай, уйига олиб кириб кетади-да, дарвозани тамбалаб олади. Вассалом!

Камол ишда экан. Хадича келин бобойнинг уйда эканини тан олди. Аммо у дам олаётганмиш. "Уйғонсалар айтаман. Чойхонага ўзлари бораверадилар", деди.

– Майли, келин. Ухлаб ётган бўлсалар ҳам бир кўрай, дийдорига тўяй. У кишини қирқ йил кутдим, ахир, – деди у йиғламоқ пайида афтини буриштириб.

Хадичанинг раҳми келди. Ҳеч иккиланмай қайноғасини қайнотасининг ёнига бошлади. Қосим ота ётган жойнинг плита ётқизилган йўлагидан ўтиб бораркан, худди ўғрилардай теварак-атрофга олазарак қараб қўйди.

Хуррак отиб, ширин ухлаб ётган ота ёнига Хадича якандоз солиб берди.

– Майли, келин, сиз бораверинг, – деди Қосим шивирлаб.

Келин бир оздан сўнг чой олиб кириб қўйиб чиқиб кетди.

– Оббо отагинам-ей. Шунақа қилиб Россияни кезиб келдим денг, – деди у ўз-ўзига гапириб.

Ота хуррак билан жавоб қайтарди. Қосимнинг калласига "Шарт кўтариб олиб кетаверсам-чи?" деган фикр келиб қолди. Деразадан секин қаради. Келин ошхонада уймалашарди. Шу пайт Қосимнинг кўзи икки ғилдиракли борти баланд аравага тушиб қолди. Молхонанинг айвонида прессланган бир уюм буғдой сомони тахлаб қўйилибди. У ташқарига дангал чиқиб борди ва тўғри ошхонага "Ҳой, келин!" дея чақириб борди. Хадича манти тайёрлашга уннамоқда эди.

– Келин, узр. Мен аслида сизлардан бир ҳол-аҳвол сўраб, кейин яна бир хизмат билан келувдим. Отамни кўриб кўнглим хотиржам бўлди, раҳмат сизларга. Энди борай.

– Э, йўқ, ўтиринг, отангиз билан манти ейсизлар, ҳозир укангиз ҳам келиб қоладилар.

– Йўқ, раҳмат. Сизлар бемалол. Шу десангиз, уйда сомон қолмабди. Бир прицеп буюртма бериб қўйгандим, занғар ҳалиям ташлаб кетмаяпти. Ўзингиз биласиз, иккита бука бор. Шунга анави сомонларингиздан тўрттагина бериб турсангизлар, қарзга албатта.

– Майли-майли, бемалол, қанча керак бўлса, олаверинг, ака.

– Хўп, анави аравачага сиққанича оламан. Кейин аравани болалар опкелиб беришар.

– Майли, ака, ўтирсангиз бўларди.

– Кейинроқ отамни йўқлаб келарман. Уйғонсалар, салом айтиб қўясиз. Камолниям сўраб қўйинг.

– Хўп бўлади. Сиз ҳам овсинимни сўранг. Келинглар.

Хуллас, у келиннинг ўз юмуши билан андармон бўлганидан фойдаланиб уйқудаги отани тўшаги билан аравага ётқизди-да, устига сомонни қўйиб эсон-омон олиб кетди. Отага манти ҳам ейиш насиб қилмади.

Қосим аравани тақирлатиб судраб кетаркан, қилган ишидан завқланди.

– Оббо хотинлар-ей, жа содда бўлишади-да. Бу сомонни бошимга ураманми, уйимда босилиб ётибди-ку... Ҳм-м, демак мен отамни хотинимга ишонмаслигим керак экан. Шунинг учун жимгина кираману отамни бир чеккадаги ўз хонамга олиб кириб ётқизаман. Ўзим қарайман.

Шундай қилиб, у отани ётқизиб, янги мол сўйиш учун ишига кетди. Хотинига ҳеч нима демади. Узоқ ётган Саидвафо оқшом махали совқотиб, қорни очиб ўрнидан туриб кетди. Уст-бошлари сомон бўлиб кетибди. Бўйинлари кичишарди. Дастрўмолини олайн деса, киссалари бўм-бўш... "Қаердаман ўзи?" деб бир оз гарангсиб турди-да, деразадан қаради. Яхшики, у "топилган" кунлари шу ерда яшаб, келди-кетдиларни кузатган эди.

Ташқари ҳовлида ҳеч ким кўринмасди. Зерикди. Шу яқин – орадаги ўша "ўрис чол" номини олган чойхонани кўмсади. У ерда қўй ёғида тайёрланиб ортиб қолган паловлару димламалар, бак олдида туравериш тобига келган аччиққина чойлар, шарқираб оқаётган сой суви, одамлар гурунги... Шуларни ёдга оларкан, қандай қилиб хонадан ҳовлига, сўнгра ҳовлидан кўчага чиқиб қолганини ўзи ҳам англамай қолди. Ўша кадрдон чойхонага борди. Чойхоначи Икромжон уни илиқ қарши олди. Узрини айтиб, дарров уни меҳмон қила кетди.

* * *

Қосим эндигина ишидан қайтган ҳам эдики, қараса, кўчада Камол машинасида ўтирибди. У сигнал чалди.

– Э-ҳа, Камол. Яхшимисан? Ҳали ўтувдим, уйда йўқ экансан?

– Отамни сиз ўғирладингизми? – дабдурустдан сўради у.

– Ёпирай! Нималар деяпсан, аҳмоқ!

– Қаёққа кетади, бўлмасам?

– Мен қаёқдан билай? Ана, уйимга кириб, текшириб чиқ. Тавба, у киши бир буюммидики...

Шу маҳал Меҳрихоннинг ҳам машинаси пайдо бўлди. Жувон қовоғи солиқ тушиб келди-да, салом йўқ, алик йўқ кичкирди:

– Қосим ака, тўғриси айтинг, отам шаттадилар?

– Йў-ўқ! Сизларга бугун нима бўлди ўзи? Камол ҳам шу масалада келибди.

– Отамни уйимиздан "Тез ёрдам" олиб кетди, дейишди. Кейин билсам, уни Жамол акам олиб кетган экан.

– Унда, Жамолдан сўра бўлмасам.

– Уларникидаям йўқ. Эшигининг тагига эшакдай итини боғлаб қўйибди. Кейин болаларидан сўрадим.

– У эшакдай эмас, менинг итим – Рекс, – деди Камол ва "Ана, қаранглар, "Туяни эсласанг, қулоғи кўринади" деганлар, Жамол акамнинг ўзлариям келиб қолди-ку" – деди севиниб.

Жамол "Тиббий хизмат" машинасидан тушиб келди.

– Ў-ҳў, жамоат жам-ку!

– Ҳа, битта отам йўқ, – деди Меҳри.

– У киши шу ерда бўлади-да, қаерда бўларди?

– Ана, марҳамат, уйга киришлар, сўранглар. Кимга керак экан, у бобой?

– Ҳозир у ҳаммамизга керак, чунки пули бор, тўғрими? Мундоқ ақлни ишлатайлик. Ёш бола эмасмиз-ку, ахир! – деди Жамол куюниб.

– Хўп. Нимани таклиф қиласан?

– Тенг бўламиз. Бу масалани тезроқ ҳал қилиш керак. Агар пул йўқ бўлса, менга қарз бериб турасизлар. Қизимга гарнитур олишим керак.

– Менгаям оборотга пул керак, акажон, – деди Меҳрибон.

– Мен машинамни янгиламоқчиман бу "тарақан" жонимга тегди, – деди Камол.

– Иккита буқа олишим керак. Бирини отамнинг шарафига деб халққа едириб юбордим, биласизлар-ку, ахир! – деди Қосим қассоб.

Ҳаммалари бир оз жим қолишди. Ҳал қилувчи сўзни барибир катта ака – Қосим айтиши керак эди. У оғир хўрсиниб у ёқ-бу ёққа бетоқат юрган бўлди-да, охири бир қарорга келди.

– Демак, бойликни тенг бўламиз, гап тамом! Лекин унинг қанчалиги фақат отамгаю ёлғиз худога аён. Ё бирорталарингга очигини айтдимиз?

– Йў-ўк!!!

– Ҳм-м, бўлмаса, отамизни ўртага олайлик-да, орани очик қилайлик. Орамиздан меҳр-оқибат кўтарилмасин, сен-менга бормайлик. Пул топилади, ака-укачилик топилмайди!

– Яшанг, ака! Бор экансиз-ку! – деб юборди Жамол.

– Бўпти-да, яхшилик билан ҳал қилиб қўя қолайлик. Пул қўлнинг кири бўлса, – деди Меҳри ҳам паст тушиб.

Улар кўчада анча вақт туришди. Қосим нима қиларини билмай қолди. Отам бизникида деса, укаларида "пулдан олган" деган гумон уйғонади. Айтмай деса, масалани тезроқ ҳал қилиш керак.

– Бўлмаса, кўчада турмайлик. Юринглар, отамни ичкарида кутайлик.

Улар ичкарига киришди. Қосимнинг хотини уларни илиқ қарши олиб, дастурхон ёзди. Қосим аста хотинининг қулоғига шипшиди:

– Ҳув анави менинг хужрамга бориб, отамни секин айтиб кел, хўпми? Тез бўл!

Аммо хотин чой олиб келиб, эрига: "У ерда йўқ" ишорасини қилиб қўйди.

– Қани, олишиб ўтиринглар, мен ҳозир, – деди Қосим ва хужрага кириб ҳайрон қолди. Отаси чиндан ҳам йўқ эди. У ёқ-бу ёқни айланиб кўрди. Йўқ. Жаҳли чикди ва даврага шарт кириб борди.

– Тўғрисини айтинглар, ҳазиллашманглар-ей!

– Ҳа, нима гап, ака?

– Отам йўғ-у!

– Нима бало, уни ўғирлаб кетишдимикин? Пули бор, деб-а?!

– Э, бўлди. Уни анави олтиариқлик ҳожи ака олиб кетгандир-да. Биз бўлса бу ерда фол очиб ўтирибмиз, – деди Жамол қулиб.

– Унинг телефони борми? – сўради Камол.

– Муталлибжон билади, – деди Камол.

– Оббо, ҳали Муталлибниям бу гапдан хабари бор, де?

Камол Муталлибга қўнғироқ қилиб, ундан Низомхўжанинг рақамини билиб берди.

Ҳожи акага Қосим телефон қилди ва у билан анчагина сохта мулозамат қилиб гурунглашган бўлди.

– Мабодо сиз отамни меҳмонга олиб кетмадингизми?

– Йўқ. Ўзи сизларникига яқин орада ўтмоқчиман. Ҳа, у кишига айтиб қўярсиз, бизга Россиядан келишда ҳамроҳ бўлган Жамшид билан Нилуфар деганнинг тўйлари бўлаяпти. Улар сизларни ҳам айтгани бориб қолишлари мумкин. Отангизга мендан дуои салом айтинг.

Отанинг йўқолгани ҳақидаги нохуш ҳолат узоқ баҳсга сабаб бўлди. Ниҳоят, асаблар таранглашиб турганида Қосимнинг аёли севиhib кириб келди.

– Ана келдилар. Кўчада эканлар.

Оға-инилар гув ўринларидан туриб кетдилар ва падари бузрукворининг пойи қадамларига пешвоз чикдилар.

– Қосим ака, масалани чўзмай шарт кўндаланг қилиб қўя қолинг, – деди Меҳри.

Отани ҳурмат билан тўрга ўтқазишди ва дуога қўл очишди.

– Айтинг, ота, бир дуо қилинг.

– Пусть всегда будет мир!

– Облоҳу акбар!!!

– Қаёққа кетиб қолдингиз, ота? Биз сизни тоза кидирдик.

– Проголодался. Никто меня не покормил и пошёл в чайхану. Чайханшик Икрам мне угостил. Он сказал "Оставайтесь", но я вот пришёл к вам. Так что, меники очень рад.

– Ўзбекчани қачон ўрганасиз-а, отажон? – ўсмоқчилаб сўради Меҳри.

– Потихоньку.

Камол томоғини маъноли кириб, Қосимни туртиб қўйди.

– Майли-майли, секин-аста ўрганиб кетадилар-да. Отажон! Энди бир дақиқа бизга кулоқ берасиз. Агар тушунмасангиз, объяснить этамиз, хўпми?

– Давайте.

– Аввало, сиз бизнинг бағримизга кечроқ бўлсаям қайтиб келдингиз, шунисигаям шукур.

– Что поделаешь, жена заставляла и сказала "Иди к своим и пусть там тебя свои дети похоронят". Вот и приехал.

– Узр, ота. Биз сизнинг узоқ бедарак кетганингиз учун ўлган деб ўйлаб, рамзий қабрингизни тиклаб қўйгандик. Уни олиб ташлаб қабрининг ўрнини текислаб қўйдик. Бу ишгаям анчагина пулимиз кетди, – деди Қосим ва томоғини каттиқ кириб олди.

– Қисқароқ қилаверинг, ака. Мен ишга боришим керак эди, – деди Жамол бетоқатлик билан.

– Ҳа-ҳа, тезроқ уйга боришимиз керак, хамир қилиб қўювдим, – деди Меҳри.

– Ота, сиз кеч бўлсаям мардлик қилиб бизни қидириб келдингиз, тўғрими? Ўз вақтида бизга тарбия бермадингиз, меҳрингизни бермадингиз, сиз қиладиган ишнинг ҳаммасини ойимиз қилдилар. Майли, биз сизни кечирдик. Ўртага ташланг энди, халигингизни! Бўлинг, бўлинг! – деди у ва дўпписини ечиб дастурхон ўртасига "поп" этказиб урди.

– Я не понял...

– Вы же к нам с пустыми руками не пришли-же, да?

Саидвафо фарзандларига ҳайрон бўлиб бир-бир қараб чикди. Уларнинг нигоҳлари жиддий эди.

– Я пришёл с чистой душой, как ваше отец. Что вы ещё от меня хотите?

Қосим тушунтира олмагани учун энсаси қотди. Энди бу ёғига Жамол тушунтира кетди. У рус тилини яхши биларди.

– Вот, отец, смотрите. Вы там за границей жили сорок лет, правильно? Если каждый год, например, накопили бы по тысячи долларов, это было бы больше сорок тысяча. Теперь поняли? Я к примеру говорю. Может быть, у вас их больше...

– А-а, вот что вы хотели. Но я же ничего не принёс. Я же ваш отец, живой, разве это не богатство?! Вы же мои дети, и ещё один есть в России – его зовут Рустам. Как это называют по узбекски?

– Пушти камаридан бўлган, – деди Жамол секин.

– Вот правильно, пушти камар бўлган. Разве это не богатство?..

Даврадагилар лол қолишди. Тарвузлари қўлтиқларидан тушди. Саидвафо фарзандларидан каттиқ хафа бўлди. У бундай ҳолатни кутмаганди. Тўғри, у ҳар йили йиққан-терганини жамғариб борган ва ҳаммасини Ларисага ташлаб келганди. У ватанига қайтишга ижозат бергани учун хотинидан миннатдор эди. У меҳрибонлик билан "Сен энди юртингга кет, ҳаво алмаштир. Бу ерда бошинг касалликдан чикмайди. Сизлар томонни иссиқ дейишади. Ҳар хил витаминлар, озиқ-овқат кўп. Куёш нури шифобахш. Одамлар кўчаларда ҳам совқотмай, тоза ҳаво олиб бемалол ухлайверишаркан. Тўрт фасл ўз вақтида келаркан. Фарзандларинг – бу сенинг меваларинг, бойлигинг. Уларни кўриб янада завқ оласан, ёшарасан. Эҳтимол, улар билан бирга бўлсанг, умрингга умр қўшилар. Ўз туғилиб ўсган тупроғинг сенга яна қувват беради. Бор, боравер. Бу ерда касалликдан чикмай, бекорга ўлиб кетасан. Кейин бизнинг жойларда мусулмон мазори ҳам йўқ. У ер бизга анча узоқ, камида 200 километр. Мени ҳам қийнайсан, Рустамни ҳам. Биз бўлса, шу ерга ўрганганмиз. Мана шу совуқ, намлик, узоқ қиш, ботқоғу чивин – бу бизнинг тақдиримиз", деганди.

Яқинларини оғир табиий шароитли шимолнинг совуқ жойларида қолдириб келаётгани учун у йиққан жамғармасини сўраб олишга ботинмади. Йўлда ва адашган

автобусда бор будини сарфлаб қўйди. "Энди Ларисага телефон қилиб айтиб кўраман. "Бир қисмини, кейин пенсиямни юбор" дейман, дея хаёл сурган эди-ки...

– Қўйинглар. Бўлар иш бўлибди, отамизни қийнамайлик. Дамини олсинлар. Хўп, яхши қолинглар, – деди Жамол ва шарт ўрнидан туриб, эшикни таранглатиб ёпиб чиқиб кетди. Мехри ҳам енгил фотиҳа қилди-да, ўрнидан кўзғалди. Албатта Камол ноқулай аҳволда қолди ва у ҳам ўрнидан турди. Қосим уларни жимгина ташқарига кузатиб чиқди.

– Бўпти, яхши боринглар, – дея олди базўр.

Инилар кетишгач, Қосим "Хаҳ!" деб сонига шапиллатиб бир уриб қўйди-да "Бизни тоза боплади-ку-а, бу бобой" деб ховлига кирди. Негадир отанинг ёнида ўтиргиси келмади. Гаплашадиган гапи йўқ. "Дамини олаверсин, хотин қарар", деди-да, четдаги ўз хужрасига бориб тинчланиш учун ётиб олди ва кўп ўтмай ухлаб қолди. Саидвафо бўлса уни бир оз кутди. Ҳамма туриб кетганидан келиннинг хабари йўқ эди. У болалари билан ичкарида қизиқ бир телесериал томоша қилишарди. Шу туфайли қайнотасининг ҳам чиқиб кетганини пайкамай қолди ва ярим тунда эридан хавотир олиб, уни ўз хужрасидан топди. Устига бир кўрпа ташлаб қўйди. Отани бирор фарзанди олиб кетган бўлса керак, деган ўйга борди.

Саидвафо чойхонага яна қайтиб бормади. Ўша эски чорвоқдаги хужрасига йўл олди. Хаёлида хотини Санобар ва у билан кечирган ҳаёти, фарзандларининг туғилишлари, қувонч ва ташвишли кунлари бир-бир ўтаверди.

Улар амал-тақал турмуш кечиришарди. Ота-оналари ёш ўтиб кетган ва улардан эски уй-жойдан бўлак ҳеч нима мерос қолмаганди. Кетма-кет ўғил болалар туғилаверди. Жамол билан Камолга суннат тўйи қилиб берадиган вақт ҳам келди. Аммо тўй қилиш учун аввало уй қуриш керак эди. Шу мақсадда у қарз олди ва Россияга бориб ишлаб пул топиб келиб узадиган бўлди. Тўйни кўркмай, донғи чиқадиган қилди. Ўша даврдаги энг таниқли хонандалардан бирини айттирди. Шунга яраша элга дастурхон ёзди.

– Ҳой, дадаси. Нима қиласиз бунчалик дабдабани?! Ўзи зўрға кун кўраётган бўлсак, қарз олган бўлсангиз, кўрпамизга қараб оёқ узатавермайсизми, – дея зорланди хотини.

Лекин Саидвафо ўртоқларига мақтанишни яхши кўрарди. Айниқса, ширакайф пайтлари жуда сахий бўлиб кетарди. Тўйда ҳам раққоса, ҳам ўйнаётган ўз ўртоқлари бошидан пачкалаб пулни сочи. Тўкилган пуллардан териб урра қочган бир нечта болалар велосипедли ҳам бўлишди. Аммо у тўйдан кейин энасини кўрди. Қарзни қистаб келаверишди. Хотин томондан келган ва сўймай омон сақлаб қолган новвосни сотиб, Россияга жўнаворди. Аммо дастлаб ишлари юришмади ва пулсиз қайтиб келишга юраги дов бермади.

Тақдир тақозоси билан Камень-на-Обидан бир неча чақирим наридаги кичик бир рус қишлоғидаги фермер хўжалигида молбоқарлик қила бошлади. Қишлоқда эркак зоти кам бўлгани учун сут соғувчи қиз ва бевалар билан "тил топиша" бошлади, маишатга берилди. Шулардан бири Лариса эди. У тўсатдан ҳомиладор бўлиб қолди ва Саидвафонинг этагидан маҳкам тутиб олди.

Ўн иккинчи боб ЯНА БИР ҚАБРТОШ

Хужра совуқ, ўчоққа ўт ёқилмаган, сандал иситилмаган, чироқ ўчиқ. Ҳатто сандал устидаги эски, қирлигидан ялтираб кетган кўрпани ҳам олиб кетишибди. Теварак-атрофда увадаси чиққан эски тўшаклар ва бошқа лаш-лушлар сочилиб ётарди. Уларни йиғиб ўчоқ олдига жой тайёрлади ва ўтин-чўп олиб кириб бир амаллаб олов ёқди. Қосим агар пул

бўлса, бу ерни бузиб текислаб, бир ўғлига иморат куришни мўлжаллаб юрарди. Бутун умиди отасининг бойлигида эди...

Қоронгулик, сокинлик қўйнида Саидвафо оловга тикилиб ўтираверди. Совқотгач елкасига эски, увадаси чиққан тўшакни ташлаб олди. У ҳозир фарзандларидан бири ортидан қидириб келиб "Юринг, отажон. Қўяверинг, пул топилади, лекин меҳр топилмайди. Қўйинг, хафа бўлманг", деб етаклаб кетишини жуда-жуда истарди. Титраб ётаверди. Узоқ ётди. Шу маҳал ташқарида бир ниманинг шарпаси эшитилгандай туюлди. Мўйсафид "Хайрият, Қосим келди" деб бир оз хушёр тортди. Аммо эшик ғийқиллаб аста очилди-да, думини ликиллатиб бир бароқ мушук кириб келди. Сўнгра эшик тарақлаб ланг очилиб кетди. Саидвафо бир чўчиб тушди. Қўрқиб кетди. Ўрнидан туриб эшикни ёпиб келиш учун чоғланди, аммо мадори етмади. Эшикдан ва пардасиз деразадан ғира-шира оқиш нур ёғдуси тушиб турарди.

– Эй худо, қайси қилган гуноҳларим учун мени бунчалар азоблайсан? Кечагина ўтқазгани жой тополмай, иззат-икром қилиб юрган фарзандларим қани? Нега мени бу ташландиқ жойдан олиб кетишмаяпти? Менга бунчалар беоқибатлик қилишаяпти? – деди у пичирлаб.

Шу маҳал очик эшик остонасида соя каби бир шарпа пайдо бўлди. Бароқ мушук безовта миёвлаб қўйди.

– Бу саволингизга мен жавоб бераман, – деди шарпа аёл овозида.

– С-санобар, бу сенмисан?

– Ҳа. Сизни бу дунё азобларидан қутқаргани келдим. Гуноҳларингизни кечирдим!

– Йўқ-йўқ. Менинг ҳеч қандай гуноҳим йўқ, ахир!

– Нега йўқ экан? Сиз эркак бўлиб нима қилдингиз, ўзи? Гап фарзандни туғдиришда эмас, тарбиялаб вояга етказишда. Сиз оиламизнинг ана шу муқаддас қондасини буздингиз. Ўз бурчингизни менинг зиммамга юклаб ўзга юртларга қочиб кетдингиз. На хат ёзиб, на хабар олдингиз, маблағ ҳам жўнатмадингиз. Ниҳоят арзимаган алимент пулини ҳам тўламадингиз. Қарзларингизни бир амаллаб ўзим уздим. Болаларингиз юпун, оч, меҳрингизга зор, тирик етим бўлиб ўсишди. Кўча-кўйларда ўртоқларининг оталари билан юрганини, музқаймоқ олиб бераётганини кўришганида ўксинишди. Улар ота тарбиясига бир умр муҳтож бўлиб яшашди. Баъзан "Отам қачон келадилар?" деб ичикиб касал ҳам бўлиб қолишарди. Суратингизга тикилиб, йўлингизни пойлашарди. Сиз бўлса, номардлик қилиб уларни ташлаб кетдингиз. Улардан яна қандай меҳр кутяпсиз?!

– Мени кечир, Санобар. Мен у ёқда уйлангандим. Фарзанд кўрдим. Бутун оталик меҳримни ўша болага бердим. У ернинг зах ҳавоси, совуқларидан сил касаллигини орттирдим. Тўшакка йиллаб михланиб қолдим. Лариса менга туну кун қаради ва ниҳоят бир оз соғайганимдан сўнг "Ўз юртингда бутунлай тузалиб кетасан. Энди қолган умрингда ўз фарзандларинг бағрида бўл", деб жўнатди-да...

– Ҳа. Сиз менга хиёнат қилдингиз. Лекин ҳозир ҳам ёлғон гапираяпсиз. Сиз юртимизга аслида фарзандларингиз учун эмас, мусулмон мазоори бўлмагани учун келдингиз. "Нима эксанг, шуни ўрасан" дейдилар. Бетарбия фарзандларингиз ўз бошингизга етишди. Майли, бевафо бўлсангиз ҳам, сизни барибир яхши кўраман. Сиз билан жуда кам бирга бўлдик. Бир умр сизни кутиб яшадим ва ҳозир ҳам кутаяпман. Юринг, мен билан кетинг. Бу дунёда бирга бўлолмадик, энди у дунёда бўлайлик, – деди Санобарнинг руҳи ва қўлини узатди.

Саидвафо ҳам беихтиёр унга томон қўлини чўзди. Негадир ўзини қушдай енгил ҳис қилди ва оёқлари ерга тегиб-тегмай Санобар билан қўл ушлашиб ғира-шира ёруғлик қўйнига ғарқ бўлишди.

* * *

Орадан уч кун ўтди. Қосим ёмон туш кўрди. Отаси уни ўзига чорлайверди. Сўнгра у отани қидириб чойхонага борди. У ердагилар "кўрмадик" дейишди. Укаларимнинг

бирортаси олиб кетишдимикин? Қизиқ, шунча гап-сўздан кейин ҳам барибир отамдан умидвор-а, булар", – деб қўйди у ўзича ғудраниб ва уяли телефонини олиб уларга бир-бир қўнғироқ қилиб чиқа бошлади. Жамол "Йўқ. Бизникида эмас", деди. Меҳри "Э қўйинг. У кишини кўрмайин ҳам, куймайин ҳам" деб уришиб берди. Камол "Отамни ҳалиги, олтиариқлик ҳожи олиб кетган бўлса керак", деб Низомхўжага ҳам қўнғироқ қилди.

– Ҳа, тинчликми, Қосимжон? Отангиз яхши юрибдиларми? – сўради Низомхўжа.

– Ҳа-ҳа, яхшилар. Лекин шу кунларда кўринмай қолдилар. Мабодо бирга эмасмисизлар, деб...

– Йўқ. Меникига ҳали келмаган. Ўзи шу кунларда сизларникига бориб, у кишини олиб келмокчи бўлиб юрибман. Кейин Жамшиддон деган оғайнимизнинг тўйи бўлаяпти. Саидвафо билан бирга қўлтиқлашиб борамиз-да.

– Отамнинг бошқа шунақа танишлари йўқми?

– Улар бир автобус. Лекин уларнинг манзилларини билмайди. Сиз уни четданмас, ўз жойингиздан кидиринг. Униям тенгқурлари, синфдошлари бор, суриштиринг. Ё бирорта рамақижон кампир-а?..

– Э йўғ-е, қўйсангиз-чи? – эътироз билдирди Қосим.

– Нима, қари от ем емайдими? – пичинг қилди Низомхўжа.

– Майли, бирортасини топиб олса, ўша сиз кўрган хужрага уйлантириб қўяверамиз.

– Эҳтимол, отангиз ўша хужрададир, россиялик хотини келгандир.

– Жа опқочасиз-да, ҳожи ака. Келинг, бир меҳмон бўлиб кетинг.

– Майли, бориб қоламан.

Қосим телефон тугмасини босиб қўяркан, хаёлига "Отам ростдан ҳам ўша хужрада бўлсалар-чи. Биздан аразлаб ётгандирлар-да", деган фикр келди ва беихтиёр ўша томонга қараб жўнади.

Девордан қаради ва эшик ланг очиклигини кўрди. Бир ўткир қўланса ҳид димоғига урилди. "Нима бало. Мушугимиз ўлиб қолганми?" деган ўйга борган ҳам эдики, ўша мушук девор устига бир сакраб чиқиб, беўхшов миёвлаб қўйди-да, пастга "гурс" этиб сакраб нари кетди.

Қосимжоннинг юраги бир нохушликни сизди ва эшик томон "Ота!" дея қичқириб чопиб борди. Ичкаридан уч-тўрт каламуш гувв чиқишиб урра қочишди. Ичкарига қарадию қотиб қолди. Отанинг афт-башарасига қараб бўлмас, қўлию оёқларини каламушлар еган, шекилли, ўйилиб ётар, қуртлаб кетган, қўланса ҳид сассиғига чидаб бўлмасди. Қўрқиб кетган Қосим дод солиб қочиб чиқиб кетди. Дўхтир укаси Жамол ёдига тушди ва унга тез қўнғироқ қилди.

– Жамол, эшитаяпсанми, ука! Ишлар чатоқ! Отамизни бериб қўйибмиз. Ўлганига анча бўлган шекилли, каламушлар еб, ачиб-сасиб кетибди. Нима қилиш керак?

– Жасадни қаердан топдингиз?

– Ўша эски хужрадан! – деди Қосим йиғламсираб.

– Ака. Сизни тушундим. Бу кўргулик. Лекин сиз у ерга бошқа яқинлаша кўрманг! Умуман ҳеч кимни киритманг, хўпми?

– Бу нима деганинг, ахир...

– Отамда сил касаллигининг ёпиқ шакли бор эди. Буни у Россияда орттирган. Яна "Сибирь язваси" ҳам бўлиши мумкин. Бу хавфли, тушунаюпсизми? Одам тириклигида бу касалликлар билинмайди, юкмайди. Лекин ўлганидан сўнг ўпкасидаги бактериялар ривожланиб, атрофга тарқала бошлайди. Бу хатарли. Ўлат тарқалиши мумкин!

– Нима?! Қанақа ўлат?!

– Юкумли-да, вабога ўхшаш. Шунинг учун у ердан тез кетинг! Мен ҳозир санэпидстанцияга қўнғироқ қиламан. У ерни карантин қилиш керак. Одамлар у ерга яқинлашмасин, тушундингизми?

– Тушундим, хўп. Об-бо! – деди жаҳл билан Қосим.

– Тириклигида фойдаси тегмаганди, ўлигиям бизга юк бўладиган бўлди. Эй худо, бу яна қанақа фалокат ўзи?!

– Кўп ўтмай, милиция ходимлари етиб келишиб, ўша атрофни ўраб олишди. Сўнгра махсус ниқоб кийган санэпидстанция ходимлари, хужрага кириб жасадни қора целлофан халтага солишди-да, олиб кетишди. Уй ичидаги ҳамма буюмни бир уюм қилиб ёқишди. Теварак-атрофга сичқон ва каламушларга қарши ўткир дорилар сепишди. Тупроқ ва ҳавони ҳам таҳлил қилишди. Қўни-қўшниларнинг барча мушуклари тутиб келтирилиб, ўтга ташланди ва уйлар дезобработка қилинди.

Саидвафонинг жасади махсус камерада қуйдирилди ва хоки махсус темир қутига солиниб, шаҳар ахлатхонаси ҳисобланган карьердан бир чет жойни кавлаб қўмиб келишди. Устидан бир машина шағал ҳам ағдарилди. Бу эпидемия тарқалишига қарши бир чора эди.

* * *

Карантин олинганидан сўнг оға-инилар ўртада пул йиғиб, маърака маросимини ўтказишди. Маъракага Низомхўжани ҳам чакиртиришди. Аммо унинг ўлими тафсилотлари ҳақида айтишмади. Низомхўжа, Жамшид, Ашурали учалалари бирга келишган эди.

– Йигитлар, – деди мўйсафид. – Аввало қабристонга бориб тиловат қилайлик-да, сўнгра маъракага ўтсак, нима дейсизлар?

– Маъқул, – деди Ашурали. – Қабристон қайси томонда экан?

– Мен у ерни яхши биламан. Раҳматли Саидвафо ўз қабрини менга кўрсатган эди.

– Қанақасига? – ажабланиб сўради Жамшид.

– Фарзандлари унинг узоқ бедарак кетгани учун, хуллас, рамзий қабр қилиб, тепасига қабртош ҳам қўйиб қўйишган экан. Кейин ҳар хотира кунларида болалари билан келиб оталарини ёдга олиб кетиб туришаркан-да.

– Эҳ-ҳе, бу жуда қизиқ-ку, – деди Ашурали.

– Ҳа. Лекин Саидвафо ниятига етди. У бечоранинг нияти ўз юртига келиб, мусулмон мазоридан жой олиш эди. Жасади Россиянинг иттопмас ботқоқлари, қозоқнинг кимсасиз даштларида қолиб кетмай, ўз фарзандлари қўли билан қўмилди.

– Тўғри айтасиз, отахон. Анави икки йўловчи қизлар бор эди-ку, Шамсия билан Хумора деган, ўшаларга ҳам ўз тупроғида ўлмоқ насиб қилмади. Лекин айтишларича, Барно охирги нафасигача ўз уйига қайтишни орзу қилиб, келибоқ жон берганмиш.

– Ҳа, Бекзоджон телба бўлиб қолибди. Бир яхшигина оила хонавайрон бўлди. Бунинг ҳаммаси ўз юртини ташлаб, ўзга юртга ҳавас қилишнинг оқибати. Автобуслар адашмайди, одамлар адашади.

– Қайнонам ҳам сарсон-саргардон ўлим топдилар, – деди Жамшид маъюс.

– Ҳа, тўйларинг ҳам сурилди. Наилуж, ҳаёт шунақа экан-да. Лекин Нилуфарнинг отаси эсон-омон келгани яхши бўлибди.

– Аммо у касалванд. Қариндошлар тўйни тезлатайлик дейишяпти.

– Тавба, ёши ўтганидан кейин Россияда бало бормиди? Ёш йигит бўлса экан, ақли-хуши йўқми, дердик.

Улар шу зайл суҳбат куриб қабристонга етиб келишди.

– Янги қабрлар ҳув анави ёқда экан, – деди Ашурали.

– Йўқ, айтдим-ку, ошнамизники ўзи алоҳида деб.

Улар сўқмоқ йўлка бўйидаги бир тахта ўриндик қўйилган жойга боришди. Низомхўжа не кўз билан кўрсинки, Саидвафонинг қабри ўрни теп-текис, қабртош ҳам йўқ эди.

– Ёпирай, худди мана шу ерда эди, аниқ биламан.

– Янги қўйилганлар ичидадир.

– Яхшиси, гангимай қабристон қоровулини топайлик.

Аммо қоровул кўринмасди.
– Муталлибжондан сўрай қолайлик. Менда унинг телефон рақами бор.
Муталлибжон ўзининг маъракада эканини айтди.
– Бизлар аввал раҳматлини қабрини зиёрат қилиш учун қабристонга келувдик, тополмадик, жойида йўқ-ку?!

– Тополмайсизлар ҳам.
– Нега?
– Бу ерда гапиришим ноқулай. Мен ҳозир машинада етиб бораман. Ўша қабристон дарвозасининг олдида кутиб туринглар.
– Хўп бўлади.
– Ҳа, нима гап экан? – сўради Ашурали.
– Қабрга қўйилмаганмиш. "Ҳозир бориб тушунтираман", деди. Тавба.
Муталлибжон етиб келиб меҳмонлар билан учрашди ва бўлган гапларни айтиб берди.
– Ё астафидуллоҳ, у кишига бир парча қора ер ҳам насиб қилмабди-да-а?
– Кўмилган. Фақат бу ерга эмас.
– Ие, қаерга бўлмасам?
– Адирликдаги шаҳар ахлатхонасига.
– Нима дедингиз?
– Санэпидстанция ходимлари уни куйдиришиб, хокини ўша ерга кўмишибди. Чунки касаллик тарқалиши мумкин экан-да.
– Ёпирай! Эй худо, бу қандай бедодлик бўлди?! Бай-бай-бай... Ёмон бўлибди-ку. Саидвафо ниятига етолмабди-да-а?...

– Юринглар бўлмаса, Қосим аканикига. Нега?
– Маъракага-да.
– Хих, ўша Қосим отасига эътиборли бўлганида шу ахвол юз бермаган бўларди. Демак, уни қаровсиз ташлаб қўйган, фарзандлик бурчини бажармаган, – деди Низомхўжа асабийлашиб.
– Энди бўлар иш бўлиб, ўлган ўлиб кетибди, – деди Ашурали.
Улар Муталлибжоннинг машинасига ўтиришди. Низомхўжа Саидвафонинг ўлимида бемехр, бетарбия фарзандлари сабабчи, деб жаврай кетди.
Бир пайт у Муталлибга қараб "Тўхтатинг!" деди. Машина йўл четида тўхтади.
– Ҳа, отахон, тинчликми?
– Ўша хок қаерда кўмилган дедингиз?
– Адирдаги ахлатхонага. Ўша ерда карьер бор.
– Ўша ёққа ҳайданг, илтимос.
Муталлибжон йўловчиларга бир қараб олди-да, машинани ортга бурди.
Улар адирлик бир четидаги, айрим жойлари тутаб турган карьер тепасига келишди ва чўккалаб ўтиришди. Низомхўжа Қуръон тиловат қилди. Ахлат титкилаётган қора қарғалар бетиним қағиллашарди.

ХОТИМА

Орадан уч ойлар ўтгач, Муталлибжон Низомхўжага қўнғироқ қилиб қолди.
– Ҳожи ака, бир келиб кетсангиз, янгилик бор, – деди у салом-аликдан сўнг.
– Нима экан?
– Мен уни таърифлаб беролмайман.
– Ие, қизиқ-ку! Нима бўлиши мумкин ё ахлатхонада бирор илоҳий мўъжиза юз бердими?
– Йўқ, қабристонда. Ҳалиги, келиб кетгандинглар-ку.
– Хўш-хўш? Айтаверинг-да, энди...

– Раҳматли ошнангизнинг мухташам қора мрамар қабр тоши пайдо бўлди. У жуда киммат турса керак.

– Ҳа, шуми? Ҳа, энди фарзандлари пушаймон бўлиб бир мурувват қилишгандир-да, – деди мўйсафид "Бунинг нимаси қизик?" дегандай ғаши келиб.

– Йўқ. Улар қўйишмаган.

– Ие! Унда ким?..

– Россиялик ўғли келибди. Исми Рустам эмиш.

– Ёпирай! Манавини ҳақиқий мўъжиза деса бўлади. У ҳозир қаерда, кетиб қолмадими?

– Йўқ. Бугун ўша сиз билган чойхонада маҳалладагиларга отасининг хотирасига деб маросим уюштирган. Шунга сизниям, анави сиз билан бирга келган йигитларниям таклиф қилишаяпти.

– Бу ишга Саидвафонинг анави пандавақи фарзандлари қандай қарашаяпти?

– Яхши. Рустам Жамолга мебел учун пул берганмиш. Унинг қизининг тўйини ўтказиб, кейин кетармиш.

– Э, шунақами? Мени жуда хурсанд қилдингиз-вей! Индинга Жамшиддониям тўйи бўлаяпти. Биз ҳам тўйга ҳаммаларингни таклиф қилиб келамиз бўлмаса. Уникигаям Россиядан бир меҳмон келган. Исми Дмитрий ўрмончи эмиш. У Жамшиддонга кўп яхшилиқ қилган экан. Тўйига айтган экан, хотини билан етиб келибди. Ҳа, яна айтмоқчи, Ашурали деган дўстимизниям Россиядан меҳмони бор. Улар ҳарбийда бирга хизмат қилишган экан. Исми Славик, зўр йигит. Ҳозир униям олволамиз.

– Хўп, отахон, сизларни кутамиз. Тўғри қабристонга келаверинглар. Биз ўша ерда бўламиз.

– Бўпти. Мен бўлмаса ҳозир йигитларни кўнғироқ қилиб топаман.

Низомхўжа, Жамшид, Дмитрий, Ашурали ва унинг Новосибирсклик ўртоғи Славиклар қабристонга кириб келишди. Саидвафонинг навқиронлик сурати туширилган улкан қора мрамар қабр тош ўз маҳобати билан ажралиб турарди. Унинг атрофи ҳам қора мрамарли панжара билан ўралганди. Ўтириладиган ўриндиқ ҳам жуда бежирим. Қосим, Жамол, Камол, Меҳрихон ва Рустам, Муталлиб ва яна бир-икки қўшнилари усталарнинг охири пардозлаш ишларини жимгина кузатиб туришарди.

Меҳмонлар улар билан бир-бир кўришиб чиқишди. Низомхўжа Рустамни маҳкам бағрига босди-да, "Молодец сынок!" деб елкасини қоқиб қўйди. Рустамнинг сочлари сариқ бўлса-да, қош-кўзлари Саидвафоникадай қоп-қора ва чехраси самимий эди. Унга марғилон дўппи кийдириб қўйишибди. Дўппи унга жуда ярашиб турарди. Дмитрий ҳам "Тебе идёт, земляк" деб уни алқаб қўйди.

Аммо Низомхўжага ҳам, бошқаларга ҳам қабртошдаги бир ёзув ёкмаётганди. Улар на куйишни, на кулишни билолмай дим-дим эдилар. Қабртошдаги сурат тагига **"Чурбанов-Сатторов 12.04.1940-17.11.2005"** деб ўйиб ёзилганди. Низомхўжа ёзувни кўрмаганга олди ва раҳматли Саидвафо ва шу ерда ўтган унинг аждодлари, хотини Санобар ва бошқаларнинг руҳи покларига тиловат қилди.

Чойхонада россиялик меҳмонлар билан қизгин суҳбат қуришди Рустамнинг кутилмаган ташрифи, унинг қилаётган хайрли ишлари Саидвафо фарзандларининг бирлашувига ва улар ўртасидаги меҳр-оқибат ришталарининг янгидан куртак ёзишига сабаб бўлди.

Бир пайт Ашурали Жамшиднинг қулоғига шипшиди:

– Жамшиддон, меҳмонлар шарафига бирор қўшиғингиздан ижро этиб берасизми? Янгиларидан бўлса янаям яхши бўларди.

– Қандай бўларкин, майли, – деди Жамшид.

– Бўлмаса, мен бориб машинадан асбобингизни олиб келаман.

Бир оздан сўнг Ашурали Жамшиднинг гитарасини кўтариб келди.

library.ziyounet.uz/

Сиз ҳам адашманг!

Қўшиғини тугатар экан, Жамшид гитара торларини зарб билан "Данг-даранг!" этказиб уриб қўйди. Гўёки соз "Дод!" деб юборди. Сўнгра қўшиқ оҳанглари олқишу кийкириқлар остида оҳиста тин олиб, юраклар бағрига сокин ғарқ бўлди.

Дўрмон, 2013 йил.